

70-
III 74



ИСЛОМ ШОФУЛОМОВ



1921

1931

1941

1951

1961

1971

1981

1991

1996

САОДАТ
МАНЗИЛЛАРИ





ИСЛОМ ШОҒУЛОМОВ

САОДАТ
МАНЗИЛЛАРИ

«ШАРК»
НАШРИЁТ-МАТБАА
КОНЦЕРНИНИНІ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1996



Тагин уч-турт қадамдан сунг юз йилликнинг турли-туман ноқсаларидан нақшланган эшнгнни навқирон XXI асрга очиб беражак оқсоч асримиз турдошига буюк меросни қолдираётир: айрим жараёнлари ва унсурларининг зуваласи кетаётган асрда пишитилган Ахборот Маданияти Янги Асрнинг Қиёфасини Белгилайдиган Омилаға айланади Ушанда, кўксига озодлик шамоми теккач, олам аҳлига на дунёвий жараёнларга эш булган Узбекистоннинг биздан-да ишchan, биздан-да истеъодотли, биздан-да омилкор фарзандлари XX аср узбек матбуоти на матбаачилиги обру-ътибори на салоҳиятини белгилаб берган, сақлаган корхоналар ва раҳбарларнинг гарихига на ҳаётига мурожаат этадилар. Узбек миллий матбаачилигининг событ, зуқко, бардоши раҳбарларидан бири «Шарқ» нашриет-матбаса концерни ташкил этилганини 75 йил тулиши муносабати билан ёзилган рисолада нафақат булажак журналистлар, мұҳаррирлар, матбаачи мұхандислар, тадқиқотчиларнинг маънавий-қасеб әхтиежларига малҳам тафсилоларни, қолаверса, танти туриб тан оладиган бұлсак, *Ислом Шоғулов* мөн матбаачылык мактабининг, бошда айтганимиз — Ахборот Асрига ёрут юз билан кириб бориши асосларини талқин этади. Янги, түлдирилган асарнинг тарихий-маърифий-амалий қиммати шу ва шунга ухшаш тамал қадриятлар билан белгиланади.

© •Шарқ•
нашриет-матбаса
концернининг
Бош таҳририяті,
1996

Mатбаачилик ва матбуот...

Гарчанд, бу бир-биринга узакдош ва уйгун сүзларни жаҳоннинг барча тилларида деярли маъқул таржималари ва мұқобиллари топылса-да, дунёning турли тилларида сұзлашуучи олим, файласуф, адабистчи, тилшүнос, аматистчилар матбаачиликнинг ҳам, матбуотнинг ҳам ягона таърифлари бобида маълум тұтамға келолмаганлар.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида меңнат ва тадқиқот билан банд бұлған олимлар ва амалиётчиларнинг бу ута мураккаб ва мұхташам ишнинг яқин ораларда үздасидан чиқышлари ҳам гумон.

Аслида, нима үзи матбаачилик? Нима учун айнан барчамиз матбуотта мурожаат этамиз, унға әхтиеж сезамиз, мутолаани согинаямиз, илк мутолаани газета-журналдан бошлаймиз?

Рост, башарият үзөк асрлар давомида уларсиз ҳам яшаб келген: бүнед этган — вайрон қылған, янгисини топиб — эскисидан воз кечған, дүнега келған — вафот этган, инсонни тарбиялаган — одам болаларини қыргын қылған, салтанатлар қурған — минг йиллик давлатларни қысқа вақтда белини синдириб ташлаган; хұллас, табиатан үзгариб түргувчи одамзод, замона зайлі билан тинимсиз Вақтни мавхұм тарзда бұлса-да, тұхтатиб олишга, уни қайд этишга, хотирасини сақлашға матбаачилик ва матбуот воситалари өрдамида уриниб куриш имкониятідан фойдаланыб келған.

Замонавий электроника фани ва техникаси ривожлана бошлаганидан бүен газета, журнал, китобнинг, умуман мутолаанинг сафари қариди дея айюханнос солған шошқалоқлар ҳам учраб турған. Ваҳоланки, кундан-кунга ривожланаётган янги илм на саноат тармогы матбуотнинг — матбаачиликнинг дастерига айланыб қолди. Улар инсон ақлзаковатига буйин әгеб хизмат қилаётір.

Нега шундай?

Бу саволга жавоб изларканмиз, барча халқлар, ҳодисалар, жараёнлар тарихига ва уларнинг бүтүнгі мазмунинг бирров назар ташладык.

Бүтүн оламни, манжудотни, одамзоднн яратған Тангри таоло үз құдратини, үз камолини инсон аждодларига билдирап экан. Ер юзидағи илк одам, улуг бобомиз Одам алайхиссаломга үн сахиғагина илохий каломни нозил этганидан сұнг, орадан юз йыллар үтиб Идрис алайхиссалом деган үчинчи расулиға мурожаат этиб, унға өзүв өзмакни үргатди. Ҳарфларнинг маъно-моҳиятини англатди, үз иродада

сини қайд этиб бормакка күндириди. Ривоятларниң билдиришича, аввал бошида сзувлар ва ҳарфлар нозил булганини кимсага билдиримаган Идрис пайғамбар қуй ва қорамол терисиға аҳли оламга курсатилиши, таништирилиши ва стказилиши шарт булган ҳарф ва сзувларни зарб этади. Ана шу буюк тарихий воқсадан эътиборан курраи замин тарихида сзув тарихи, аникроги, ҳарфлар, матнларниң инсонлардан устунлиги ва инсонтарга хизмат қилиш тарихи бошланади. Дарвоҷе, аксарият

**Азим
Тошкенттимизнинг
азамат
иморатларидан
саналган нашриёт-
тахрирятлар биноси
(1974 й.) Узбекистон
меморчилигининг
чинакам фахр-
иiftixoridir**



пайғамбарлар сзувдан, илоҳий қаҳий қайд этилишидан ошкора чучишган.

Тагин уз-узимиздан сўраймиз: Нега шундай? Жавоб ва изоҳ топишга уринамиз.

Энг соддаси: сзув ва ҳарфлар, товушлар ва сұларниң, улар англатган маъноларниң қоғозда акс эттирилишига матбаа дейилади. Энг мураккаби: у илоҳий амал, чунки турли куринишдаги ҳарфлар ва белгилар миқдор жиҳатидан чекланган булса-да, турфа воқсалар, ҳодисалар, жараёнларниң узлуксизлигини, мунтажамлигини, чексизлигини акс эттиради. Демак, Абадиятга хизмат қилади.

Беспосн Овроосисининг энг сулим ва мұътадил гушаси Туронда матбаачылык даргоҳи күп минг йиллик тарихга эга. Гап, Иоганн Гуттенбергнинг тошбосмани, французларниң газетаю журнални кашоф эттандыларига бориб тақалғанида ҳам, мавзуни бошқа сәкқа буриб бўлмайди. Чунки кўксига озодлик шамоли теккан юртнинг фарзандлари Култегин битиклари, Афросиеб суратлари ва сзувлари,

муқаддас Қуръон саҳифалари, буюк Алишер Навоийнинг құдратли сузларину ҳикматлари үзларига қадар етиб келганида матбаанинг хизмати катта булғанини англайдилар.

Матбаачылык юксак мәданият булиб, улкан тарихга егадир.

Ер юздаги уз номига мұносиб ҳалқлардан бири бұлған узбек міллатининг ҳам міллий матбаачылык мәданияти тарихий ва табаррук вөксаларға бойдір.



Күлингиздеги китоб
Ислом Шогуломов
(1996 й.) бақыннат
нашриет-матбаа
мажмусасынін
шакаллантиришга
рахбарлық қылиш
баробарліда үзінгі хос
матбаачылык мактаби
яратған мәхрибон на
жүкко раҳбар
жаныттынін тараннум
этады

Суронли 1921 йылнинг 21 марта. Ҳалқини «Ҳар түннинг Қадр үлубон, ҳар кунинг үлсін Навruz» десі дуо эттан буюк Алишер Навоийнинг илінжи ижебат бұлғандык, мазқур санада тупроги ва рұғы мұқаддас Туркистанда янгича матбаачылыкнинг Наврузи тутилған.

Эски газеталарни титкилар эканмиз, Навruz үшанды ҳам байрам этилганиннинг шохиди бұлдык.

Яңғы түзуде және мағфұра барча спесиј күчлар да түзүмлар сингары матбаага мұхтож зди.

Йылдар да босқычтар мобайнида чин маңнодасы нашриет ва матбаа мажмуга айланған «Шарқ». Үч муболагасыз айтиш мүмкінкі, XX аср давомида иккі дарс оралғыдаги юртнинг яңғы тарихига тенг шерік, изтироблы күнларыда ҳамдам, қувончли дамтарыда ҳамнағас, қысқаси, улканинг жонли тарихи майдоннанда бир ниҳол сингары үсди, улгайди.

Истиқтол шарофатидан яқын үтмишдаги инсон да унинг миллатига, шахс да унинг әхтиежларига нолойнқ да номуносиб зұраки анъаналардан воз

кечар эканмиз, маълум маънода ўуро даври матбаасини, маҳдуд матбуотини ҳам айнан айлашимиз тайин.

Бунда бўйруқлар, ҳукмлар бошқа жойда сизлиб, керакли срда ўқилганини асло сдан чиқармаслик керак.

Ўзбек матбаачилиги ва матбуотини шунчаки буйсунувчанлик, тақлидчилик деб таърифлаш ноурин. Чунки ҳалқ ва юртимиз коммунистик тузум зулми остида яшаган бўлса-да, уз қадриятларини маҳдуд мағкуранинг даққи таъкидларига тенглаштирмаи, аксинча тузумнинг афзал жиҳатларинигина узининг азалий қадриятларига уйғулаштира олганн асримишдаги буюк юқсатаридан бириди. Купни курган файласуфлардан бири *Маҳатма Ганди* бундай ҳодисани тула амат қўлмаслик схуд узлигига уйғулаштириш воситасида снгиш деб таърифлаган. Биргина мисол: 1971-1991 йилларда корхона босмахонасида чоп этилган Шарқ мумтоз шеъриятининг энг гузал намуналари бежирим китоблар куринишида ҳатқимизнинг хонадонларига кириб борган. Ваҳоланки, тарих ҳукми билан инқизотга учраган тузум ҳалқнинг ота-боболаридан қолган буюк меросидан баҳраманд бўлишини унчалик истамасди. Миллатнинг эркеснар ва истиқтолпарнавар фарзандлари ҳатқининг узига, узлигини эслатиб тургани сингари, «Шарқ» ҳам уша муқаддас таъкидни млнлионларга китоб тарқасида етказиб берди.

«Шарқ» концерни ўз тарихи давомида дунё матбаа машинасоҳитиги ва асбобсоҳитиги, матбаа ҳом ашё саноати билан чамбарчас болганиб, чет элтик ҳамкорлар билан ишлашда муҳим тажрибалар туплаган йирик корхонадир. Уз соҳасига тегишли техника-технология тараққиети, иқтисодий, молияний жиҳатлардан тараққий этганлиги сабабли, — дунёга яқиндан таниш корхоналар эса Узбекистонда бармоқ билан санарли эди, — «Шарқ» концернини тармоқ корхоналарининг тенгиз намунаси ва уларнинг беназир етакчисидир десак арзиди.

Бултур корхона тарихида муҳим бир иш амалга оширилди: «Узбекистоннинг бутунги миниатюра санъати» деган 127 ранг-таснир санъати намуналари жамланган альбом биринчи марта Тошкентда чоп этилганди. Тугриси, аҳён-аҳёнда нашриётларимиз турли-туман альбомларни чоп этиб келишган. Барча таҳрирӣ-тайёргартик ишлари Тошкентда, босиши эса... хорижда! Биз ҳамон мамлакатимиз, миллий маданиятимиз тарихидаги муҳим янгиликларни ва узаришларни тез илгай олмаймиз, пайқасак ҳам кўл силтаб қуянерамиз. Ваҳоланки, «Шарқ»

нашриєт-матбаа концернининг бу нашрни мавжуд илоказалар узилиб, хом ашс тишмай турган қийин иктисодий шароит исканжасида амалга оширгани, унинг қанчалик қатият на комил ишонч билан буюк истиқбол, бугунги ва эртангиги истиқбол сари тадил юришидан датолатдир.

Бизнингча, бу нафақат корхонанинг, қолаверса Узбекистоннинг улкан ютутидир, буюк давлатимизнинг истиқболли тармоқларидан бирининг саховати ва ишончли қадамидир.



Газета таҳрирнинглари биноси (1984 й.) юртимизга узидан ва дүнёдан, дунега юртимиздан ҳар куни турили-туман ахборотларни етказадиган маърифат даргоҳи саналади

Газета-журнал, китоб ва бошқа ноширлик маҳсулотлари тайсирланиб чиқариладиган «Шарқ» нашриєт-матбаа концерни Узбекистондаги ягона куп тармоқли, мураккаб ва тезкор ускуналар билан жиҳозланган, замонавий технология ва кироий саноат-техника қу奇га эга бўлган тутал матбаа мажмудидир. Унинг узбек матбаачилик маданиятида тутган урни ҳам айнан шу афзалликлар билан белгиланади.

Этиборингизга ҳавола этилаётган мазкур рисола жиндай мураккаб ва андок сердиққат «иктисодий», «ишлаб чиқариш тили»да ёзилган бўлса-да, мұхими, тараққиётнинг нечогли қийин кешиши, тараққийпарвар инсон учун унинг қанчалар зарурлигининг ҳақиқий исботи узига хос ирова ва ишонч билан тараннум этилган бу китобни ўқиган ҳар бир мұхандис, иктисадчи, матбуот, матбаа ва умуман, оммавий ахборот тармоқларининг жонкуярлари ўзларига зарур бўлган носб маълумотларни идрорк этиб оладилар деган умиддамиз.

МУҚАДДИМА

Маълумки, Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ нашриёти урнида Президент девонининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни барпо этиш түгрисида Фармон чиқаргандан сунг мазкур ҳужжатга биноан 1992 йилнинг 29 февраль куни Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси узининг тарихий 92-сонли қарорини қабул қиласканди. Шу қарор билан концерннинг Низоми тасдиқланди, янгидан туғилган «Шарқ»нинг мамлакатимиз фуқаролари ва давлатимиз олдидаги аниқ-равшан ҳуқуқлари ва жавобгарлиги баён этилиб, корхонанинг мақоми белгиланиб, унинг янги мустақиллик йулидаги истиқболига фотиҳа берилди.

Мазкур ҳужжатлар қарийб 70 йил муқаддам бунед этилган Узбекистондаги энг йирик нашриёт-матбаа корхонасининг янги тарихи саҳифаларини бошлаб берди, десак адашмаган буламиз.

Корхонамиз ўз тарихи мобайнида бир неча босқичларни бошидан кечирган. Ҳар бир босқич — давр талабини ҳамда матбаа фани ва техникасининг ютуқларини акс эттирган булиб, сифат жиҳатдан ҳам, миқдор жиҳатдан ҳам дадил илгарилаш погоналарини ифодалайди. Биринчи даврнинг замирини таъминловчи 30- ва 40-йилларда нашриёт ва босмахона оёққа турди, у ташкилий жиҳатдан ҳам, ишлаб чиқаришни ривожлантириш жиҳатидан ҳам қад ростлади. Газета ва журнallарни чоп этишига ихтисослашган мустақил корхонага айланди. Уша йиллари нашриётнинг бўлимлари ва бўлинмалари бир-биридан йироқдаги эски бинолар ва иморатларда жойлашган бўлса ҳам, 40-йилларнинг охирлариға келиб, собиқ СССР жанубидаги ўз матбаа негизига эга йирик нашриётга айланди. Биринчи давр нашриёт ҳамда унинг матбаа негизининг бундан кейинги равнақи учун старли асос яратди.

Концерн тарихининг 50- ва 60-йилларини қамраб оладиган иккинчи давр, ишлаб чиқариш майдонларининг кентайиши, замонавий матбаа ускуналари урнатилиши, кўл кучи билан бажариладиган айрим жараенларнинг механизациялашиши, нашриёт асосий бўлим ва бўлинмалари, редакция-тажририятларнинг бир ерга жамланиши билан дикқатга сазовордир. Босқич мазмунини белгиловчи бу

гадбирлар ишлаб чиқариш ҳамда технология жағындарини ташкил этиш ва мүлжалдаги вазифаларни бажариш усулларини анча снгиллаштириди. Даврий нашрлар тайёрлаш ва чоп этиш технологиясини бир бутун ҳолга келтириш ва бир узан мөттөрида йұналтириш, таҳририятларда құләзма устидә ишлашдаги сифат, тайёр маҳсулотни алоқа тизими ташкилотларига жұнатиш, шу аснода уни обуначилар ва чакана савдога етказиб беришнинг мұнтазаммлік касб этиши билан яқунланди. Яңги



Матбаачылық
дастықтары ёнида
жисмоний ва ақлий
меншет қамиша
муштарақ кечали

ишлаб чиқариш биноларининг фойдаланишга топширилиши туфайли бир қанча ихтисослаштирилген цехлар бунёд этилди ва улар замонавий матбаа ускуналари билан жиҳозланди. Ҳарф териш, газета ротацияси, оффсет ва юқори босма, брошюра, китобларни мұқовалаш, цинкографик ҳамда бошқа цехлар доимий ишлашга утди. Газеталарни чоп этиш учун қолип тайёрлаш жараёни анча снгиллашды, матн ва суратлар тасвирининг сифати сезиларлы даражада устиди.

Шу йилларда пойтахтимизнинг шимолий саноат минтақасыда темир йул шахобчаси бұлган йирик омборлар қурилиб, унда қоғоз ва матбаа ашёлары техника талабига тәнглещадиган даражада сақланады.

Тошкент шаҳрининг шимоли-шарқий қисмida, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ишлар мудиригінинг илгариги автомобиль устахонасы бұлган ҳудуддаги мавжуд иморатлар үрнида 70-йилларнинг бошларыда резина буюмлар тайёрлаш

корхонаси ташкил этилди. Бу корхона нашриёт босмаконасида үрнатилган босма машиналарини «жувава»лар — валикларга булган эҳтиёжини қондира бошлади.

Ишлаб чиқариш йилдан-йилга үсіб борган мазкур боскичда корхона ишчилари ишлаб топган фойда ҳисобига унинг ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш билан бир қаторда ижтимоий иншоотлар ва үй-жайлар ҳам куплаб қурила бошланди. Ошхона, согломлаштириш пунктлари, 450 уринли клуб, 200 уринли болалар яслиси, 330 уринли болалар богиаси шулар жумласидандир. Нашриёттинг буюртмаси билан 60-йилларнинг охирида «Узбекгидроэнергострой» трестининг «Ташэнергострой» қурилиш бошқармаси Тошкент вилоятининг Чимен минтақасида болалар оромгоҳи ва дам олиш үйи бунёд этилди. Мирзо Улуғбек туманидаги Паркент кучасида ёш ишчилар учун ётоқхона, оиласи ихчамроқ булган хизматилар учун турт қаватли унолти хонадонли үй бунёд этилди. Бу бинода, зарурат туғилиб қолса, сал-пал таъмирлаш воситасида хонадонларни алоҳида-алоҳида хоналарга ажратиб қўйиш ҳам ҳисобга олинган. Нашриёт маблагларига қурилган үй-жайларда корхонамизда хизмат қилаётган матбаачилар ва журналистларнинг 3000 дан зиед хонадонлари умргузаронлик қилиб турибди.

Ишлаб чиқаришнинг үсиши, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатининг кўтарилиши туфайли ходимларнинг меҳнат шароити, оиласи турмуши янада юқори погонага юксалди. Бунинг эвазига улар ҳозир ҳам оромгоҳларимизда мириқиб дам олишмоқда. Ходимларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳам деярли юқори даражада деса булади. Ана шу давр мобайнинда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб олти баравар купайди. Корхона техника-иктисодий қаддини ростлади, у йирик нашриётлар ва матбаа корхоналари уртасида етакчи уринлардан бирига кутарилди.

Етмишинчи йиллар учинчى боскичидир. Унда ягона тугал комплекс қуриш кулами сезиларли кенгайиб, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва ривожлантиришга, белгиланган режаларни бажаришга йирик маблаглар сарфланди, корхона ижтимоий даргоҳини илгари мисли қўрилмаган даражада равнақ топтириш билан бирга уни янги техника ва технология билан жиҳозлашга катта эътибор берилди.

Дарвоқе, ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва таъмирлаш лойиҳаларини тайёрлаш билан болжик ишларга 60-йилларда киришилган эди. Масалан, ботик босма мажмуасини қуришни бошлаб

юбориш билан бодлиқ қарор 1965 йилда қабул қилинган булиб, лойиҳалар икки йилда тайёрланган эди. Мажмуани қуриш ишлари 1967 йилда бошлиниб, 1971 йилда якунланган. Ҳудди ана шу йили Россия ва Узбекистонда нашр этиладиган журналларнинг еттигаси янги мажмууда чоп этила бошланган. 1972 йилдан эса, янги цехлар, лойиҳада белгиланганидек, тўла қувват билан ишлайдиган, ойига 8 миллион нусхада куп рангли журналларни чоп этадиган бўлди. 1975 йилга келиб бу рақам 15 миллиондан ошиб кетди.

Бош лойиҳачи — Москвадаги «ГИПРОНИИПолиграф» институти мутахассисларининг билимдонлиги ва тажрибаси, жуда мураккаб мажмуа лойиҳасининг қисқа муддатда ишлаб чиқилиши, институт маъмурияти бу лойиҳага түгри ва катта эътибор берганлиги шарофатидан мулжалдаги ишлар қисқа даврда амалга оширилиб, лойиҳалар қурувчиларга юқори сифатли, юксак даражали этиб етказилиб берилган.

Мажмуа 11-сон «Высотстрой» трести (бошқарувчи К. П. Дудин, бош инженер И. М. Булкин), шу трестнинг 17-сон бошқармаси раҳбарлари Фани Ҳужаев, Руслан Соатов, участка бошлиги Ю. Ф. Пономаренко бошчилигига бунёд этилган. Уни бунёд этувчилар меҳнат жараёнидаги эришган ютуқларга баҳо берар эканмиз, жами қурилиш ва монтаж ишларини уз вақтида ва юқори сифатли даражада адо этган қурувчилар шаънига чин юракдан айтилган эзгу ният ва миннатдорчиликни қайта-қайта билдиришимиз лозим. Чунки улар, бу азим бинолар қурилиши, мамлакатимиз учун қанчалик муҳимлигини ҳамиша ҳис этиб, тезкорлик билан ишладилар. Аслида эса бу иншоот юртимиз матбаачилик базасини мустаҳкамлаш учун ута зарур эди. Ўндиликда босмахонамиз Узбекистон, умуман, бутун Марказий Осие миллий маданияти ва матбуотини ривожлантиришда муҳим урин тутмоқда.

Ботик босма мажмууси ишга туширилгандан кейин кўп рангли китоб-журналларни чоп этиш имконияти беқиёс кенгайди. Чоп этилаётган нашрларнинг матбаа жиҳати, яъни ижро сифати юқори погонага кутарилди. Журналларни тайёрлаш ва уқувчиларга етказиб бериш муддатлари сезиларли қисқарди. Уша йили ун олти қаватли таҳририят-нашриёт мажмуусини қуришга киришилиши ва бинонинг 1974 йилда фойдаланишга топширилиши барча даврий нашрларнинг таҳририятларини ишлаб чиқаришга яқин муazzам бинога жойлаштириш имконини яратди.

Таҳририят-нашриёт мажмуаси 3-4 йил, яъни 1971-1974 йилларда бунёд этилиб, ишга туширилди. 16 қаватли бино билан биргаликда учта бўйи 60 метрли, тепасига электрон соат урнатилган оқ мармардан тикланган миноралар қад кутарди, буларнинг нақ чуққисида 15 метрли дуне телекурсатув-эшиттиришларини қабул қилувчи антенна ва «Публиколор» реклама қурилмаси бор. Бу меъморлик обидаси узига хослиги ва бетакрорлиги билан Тошкент марказининг ҳуснига ҳусн қушди ва шаҳримизнинг зиёратгоҳига айланди. Унинг тасвири Узбекистон телевидениесининг бадиий безагига, кўпгина гулқогоzlар ва йўлкурсаткичларга туширилган.

Таҳририят-нашриёт биноси лойиҳасини асосан учта лойиҳалаш институти жамоалари тузиши. «УзНИИГрадостроительство» институти бош лойиҳачи бўлди, у лойиҳанинг меъморлик-қурилиш қисмини ва муҳандислик ускуналари қисмини ишлаб чиқди. Москвадаги «Фундаментпроект» ихтисослашган институти баланд бино пойдеворининг бетон-қозиқ негизини, унинг пойдеворини бунёд этишининг ҳисоб-китоблари ва чизмаларини, «ЦНИИ-Проектстальконструкция»нинг Тошкент филиали эса бинонинг асосий темир синчлари ва болгамлари конструкциялари мустаҳкамлик қувватининг ҳисоб-китоб ишлари ва чизма лойиҳаларини таҳтлаб, бош пудратчиға уз вақтида етказиб берди.

Бино қуриш учун зарур бўлган лойиҳа ҳужжатлари ечимларининг аниқ ва пухталиги, мукаммаллиги билан алоҳида ажралиб турди. Шу уринда уша даврда булиб утган бир воқсани эслатиб утмоқчимиз: қурилиш битгандан кейин ўн йил мобайнида корпуснинг чукаётгани ёки чўкмаётганини аниқлаш учун маҳсус асбоб-ускуналар ёрдамида кузатиш ишлари олиб борилди. Натижада бинонинг мустаҳкам қурилганлиги сабабли чўкмаётганини ҳақидаги тадқиқот маълумотлари миннатдорчилик билан ҳужжатларда аниқ қайд этилди.

Қурувчилар лойиҳачилар билан ҳамкорликда иш олиб бордилар. «Высотстрой» трестининг 17-бошқармаси жамоаси ва унинг пудратчи ташкилотлари қурилиш жараёнинда содир булаётган муаммоларни бош пудратчи билан дустона ҳамкорликда уз вақтида ижобий ҳал этиб, мақсад ва масъулиятни ҳис қилган ҳолда мардонавор меҳнат намуналарини бутун мамлакатимиз қурувчиларигагина эмас, балки бутун дунёга тараннум этдилар. Бу тўғрида, уша йиллари, ҳусусан қурувчиларнинг меҳнатига илиқ баҳо берилган эди.

Иморат баландлигига, таркибий қисмларини йи-

гиш мураккаблигига, кўпдан-кўп тайёр унсурлар қулланилганига қарамай, бино месъморий жиҳатдан бетакрор, нафис, уни кўрган инсоннинг кузи қувнайди.

Шу боисдан ҳам мени «Гланташкентстрой» раҳбарларидан Тулаган Набисев, Абдуғафғор Аъзамов, Георгий Минасович Саркисов ҳамда бош пудратчи булган «Высотстрой» трести етакчиларидан Краснослав Петрович Дудин, Исаак Моисеевич Булкин, Владислав Николаевич Колесников, Виктор Иванович Калинбердин, Павел Георгиевич Саркисов, Муродхўжа Ортиқўжаев каби мутахассислар фидойишлиги ва багрикенглигини, муҳандислик илмлари, тадбиркорлик ва билимдонликларини, зур ташкилотчилик тажрибаларини, ижодий күчларини аямай Тошкент марказидаги ана шу гузал бинони бунёд этишга сарфлашганини кузим билан кургандман, ҳаётда, ижодда, сермашаққат меҳнатда сезгандман. Бир гурух ёш қобилияти ишчилар, муҳандислар бинони қуриш мобайнинда катта тажриба ортириллар, кейинчалик эса улар пойтахтимиз ва республикамизнинг пешқадам қурувчилари қаторига қушилдилар. Булар орасида Руслан Соатов, Юрий Пономаренко, Анатолий Кочеров, Игорь Друккер, Бурҳон Алиевлар бор эди. Улар эндиликда Узбекистондаги йирик халқ ҳужалиги обьектларини қуришда билимдонлик билан муваффақиятларга эришиб, меҳнат ютуқларини қўлга киритиб, гузал иншоотлар яратмоқдалар, айримлари эса йирик корхоналарни бошқармоқдалар.

Бу стук месъморларнинг номлари корхонамиз тарихи саҳифаларидан муносиб урин олган. Миннатдорчилигимиз абадийдир.

Лойиҳачилар, пудратчилар ва буюртмачи ташкилотлар иноқ булиб, аҳиллик билан ижодий ҳамкорликда ишлаганлари учун қурилиш уз вақтида сифатли, бекаму куст бунёд этилиб, гузал Тошкентимиз марказида викор билан қад кутариб, ҳамон шаҳримиз ҳуснига ҳусн қушмоқда.

Шуниси таҳсинга сазоворки, туйга түснадай таҳририят-нашриет мажмуаси Узбекистоннинг уша даврдаги санаси — 50 йиллиги нишонланадиган шодиеналар арафасида бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ноёб бино республикамиз пойтахти меҳнаткашлари, ҳусусан матбуотчиларга туй армутони булди. Замонавий бинонинг қурилиши, нашриётнинг моддий-техника базасини кенгайтиришга имкон яратди.

Оқ мармардан ясалиб, китоб саҳифасидек гуркираб тароват таратиб турган бу бинонинг очили-

шида миллатимизнинг ўз давридаги севимли раҳбари, матбуотчиларнинг буюк отаси Шароф Рашидов бошчилигидаги республиканинг бир гурух раҳбарлари ва таниқли адиллари ҳам қатнашган эдилар.

Адиб, езувчи, журналист, давлат арбоби Шароф Рашидов каромат қилиб, шундай деган эдилар: «Бундан буен матбуот-матбаа уйин журналистларга, матбаждиллар на умуман, республикамиз зиссистларига бир умр хизмат қиласди ва уларнинг ижодий уйлари булиб қолади. Бу осмонупар бинони республика-

Сунратлар саргаяди,
аммо Шароф
Рашидов (1971 й.)
сингарн одил на доно
раҳбарнинг
Узбекистон халқига,
шу жумладан
матбаачиликни
ринюжлантиришига
оталарча гамхурлиги
хазон кўрмас бокқа
ухшайди



миз түйи қунлари арафасида фойдаланиш учун эгаларига топширилиши тарихий аҳамиятта молик. Мен бу гузал бинони бунёд этган лойиҳачилар, қурувчилар, монтажилар, меъморлар ва нашристимиз ходимларига чин дилдан миннатдорчилик билдириб, янги зафарлар, сиҳат-саломатлик, баҳтсаодат тилтапман. Ишончим комилки, бу зин масканни янада ривожланиб, замонавий матбуот, матбааниширчилик мажмуаси даражасига стиб олади».

Чин дилдан билдирилган орзу-ният, орадан йиллар утгандан кейин ҳам худди кечагина каромат этилгандек, ўз нағосати, гузаллигини намоён этиб туриди.

Мана, қариёб уттиз йилан бери ҳар оқшом бино төпасида «Публиколоқ теб аталиан турт рангли, икки қаторли ахборот-таблоси порлаб туради. Бу иншоотни Всемирядаги «Электроимпекс» фирмасининг мутахассислари тайёрлаб, 1976 йили ишга туширишган. Рангли таблоси булган, нағис оқ мармардан бунёд этилган бу ҳайбатли

бино эндиликда гузал Тошкентимизнинг улутвор
рамзаридан бири ва унинг фахридир.

Корхонамиз истиқболини белгиловчи кўп йил-
ларга мулжалланган дастурларга биноан 70-йиллар-
нинг бошида Тошкент вилоятининг Қиброй тума-
нида, пойтахтдан уттиз чақирим нарида 16 гектар-
лик майдонда 320 уринли болалар оромгоҳи ва муо-
лажагоҳ куришга киришилган эди. «Тошэнергоқу-
рилиш» бошқармаси билан ҳамкорликда бунёд этил-
ган бу оромгоҳ икки йилда қурилиб, 1974 йилда
биринчи бор болаларни уз бағрига олди. Мана ут-
тиз икки йилдирки, ёз ойларида бу ерда болалар-
нинг кулгиси, шўх ашуалари эшитилиб турибди.
Бу боя мева дараҳтларига бурканган, саранжом-са-
ришта, обод, турли ўсимликлар нозик дид билан
экилган. Давр талаби билан бу ерда маданий-омма-
вий ишлар учун зарур бўлган бинолар, бассейн,
чумиладиган ҳовуз қурилди.

Шу бояда яна бир оромгоҳ — 1976 йилда 100
дам олувчига мулжалланган муолажагоҳ ишга туш-
ди. Бу уч қаватли гиштин иморат булиб, унинг
юқори қаватларида икки кишилик ётоқхоналар (са-
нитария узеллари алоҳида) мавжуд. Биринчи қават-
да эса даволаш хоналари жойлашган. Бу бинога
бир қаватли ошхонанинг кенг, ёрут заллари тута-
шиб кетган. 1982 йилда асосий бино билан илик
галерея орқали bogланган икки қаватли иморат қу-
рилди. Унда саксон кишига мулжалланган кино-
зал, бильярд уйнайдиган хона, бадантарбия ёрда-
мида даволаш зали, шунингдек 28 дам олувчига
мулжалланган ётоқхоналари жойлашган. Эндилик-
да муолажагоҳда бирйула юз киши дам олиб, сало-
матлигини мустаҳкамламоқда.

Сиҳат-саломатлик ва дам олиш оромгоҳларини
қуриш ишлари жадаллик билан олиб борилган экан,
бу шунчаки бехосдан эмас, бунинг аниқ замини
бор, албатта: нашриёт ва қурилишнинг бош пур-
ратчиси булган «Узбекгидроэнергострой» трести ур-
тасида амалий ва дустона алоқалар урнатилган эди.
Ун йиллар мобайнида давом этган ана шундай ҳам-
корлик туфайли трест, ва, айниқса унинг «Таш-
энергострой» бошқармаси олти миллион сўмлик-
дан кўпроқ қурилиш-монтаж ишларини бажарди.
Трест ва бошқарманинг Х.М. Шогазатов, А.К. Эр-
гашев, З. Г. Ҳусайнов, Л. Б. Брискин, Ю. Р. Раҳ-
монов сингари раҳбарларини, матбаачилар билан
баҳамжихат ишлаган участка бошлиқларидан Р. Пир-
матов ва М. Юсуповларнинг фидокорона меҳнати-
ни миннатдорчилик билан тилга оламиз. Улар биз-
лар учун Чимён тог тизмасида ва Қиброй тумани

богларида ажойиб истироҳатгоҳларни бунёд этиб бебаҳо саломатлик оромгоҳларини матбаа ва матбуот ходимларига тортиқ қилиб, таҳсинга лойиқ хайрли ишни бажардилар. Бу билан, меъморлар тарихимизга ҳақли равишда даҳтдор бўлиб қолдилар.

Узбекистон энергетика ва электрлаштириш калининг собиқ биринчи уринбосари Ф. Г. Потемкин рахбарлигидаги мутахассислар тог ғибагирларидаги оромгоҳларимизга электр тармоқлари ва йул қурилишига бош қўшиб, жумладан, Янгиқурғон қишлоғида болалар оромгоҳини бунёд этишда сезиларли ёрдам курсатдилар.

Корхонанинг 11-«Высотстрой» трестига қарашли 17-, 2-, 69-бошқарматари жамоатари билан ҳамкорликдаги ишларимиз ҳам самарали бўлганлиги ҳаммага маълум. Улар биз билан биргаликда ўн беш йил (1966-1980 йиллар) мобайнида 89 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариб, асосий ишлаб чиқариш биноларини бунёд этишла забардаст куч бўлганлиги корхонамиз тарихий ҳужжатларидан алоҳида урин олган.

Бу улугтвор биноларни бунёд этишда юқори ташкilot раҳбарларидан Ш. Р. Рашидов, В. Г. Ломоносов, Т. У. Умаров; Б. С. Вигонский, М. И. Мешеркин, Г. А. Аваков, Ф. Ф. Медведев каби кўптина мутахассислар; шаҳар ҳокимларидан Х. А. Асомов, В. А. Козимов, Х. Х. Гуломов, И. Р. Шоабдураҳимов, А. И. Фозилбеков, К. Н. Тулаганов; шаҳарнинг собиқ бош архитектори, ажойиб меъмор С. Р. Одилов раҳбарлигидаги мутахассислар, курувчиilar, монтажчиларнинг биз матбаачилар билан кўйилтиқ ҳамкорлиги туфайли яратилган, мамлакатимиз пойттахтининг марказини bezab турган, Марказий Осиеда ухшashi йўқ «Шарқ» нашриёт-матбаа корхонаси Узбекистон матбааси ва матбуотининг карбоншибисидир, айни вактда бу корхона узининг бир неча тилда чоп этилаётган нашрлари билан ҳалқлар дўстлиги ва қардошлигининг буюк кучини доим намосен этиб туради.

Устоzlаримиз томонидан ярим аср илгари белгилаб қўйилган одатга кура биз 1981 йилдан бошланган даврни тарихимизни туртинчи босқичи деб ҳисоблаймиз. Бу тарихий давр нашриётнинг ишлаб чиқариш негизини замонавий техника ҳисобига янада ривожлантириш ва уни сифат жиҳатидан янгилашда муҳим аҳамият қасб этди. Шу кезда ишлаб чиқариш тармоқлари ташкилий жиҳатдан ҳар жой-ҳар жойда аниқ урнини топди. Бу янгиликнинг энг асосий жиҳати — эндиликада унинг айрим бўғинларида мустақил фаолият курсатиши-

дек мұхим имтиёзға эришилгандылады. Ишлаб чиқарышға тааллуклы бүлган қурилиш объектларининг үзидагина 15 миллион сүмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарылды. Айни вақтда капитал мабдеглар сарфи 35 миллион сүмга етди. Қурилган жами биноларнинг умумий ҳажми 315 минг куб метрни ташкил этди, уларнинг фойдалы майдони 47 минг квадрат метрга баробардыр, реконструкция қилинган биноларнинг курсаткічлари тегишли тарзда 36 минг куб метр ва 10 минг квадрат метр булды. Бу рақамларнинг ижроси үз-үзінча бұлмаган, албатта. Бу даврда лойиҳачилар, қурувчилар, тәъминотчилар, монтажчилар, транспортчилар ва босмахонанинг юзлаб малакали мутахассислари жөн күйдіриб ишладылар, улар Тошкент киндиндеги ҳашаматлы қурилишнинг мөхиятини яхши түшуниб, баҳамжиҳат мөхнат қылдилар. Қисқаси, корхона үзін ишлаб топған маблаглар әвазыға унинг йирик күч-мас мүлкі — янги бинолар шақтланды. Бу бебақо мұлклар, бозор иқтисодиеті шақтланып қозирғи даврда корхонамыз жамоасининг иқтисодий әхтиежларини тәмминлашда жуда-жуда аскотди.

1981-1984 йылдардаги асосий ютуқ, газета мажмасыннинг ишга туширилиши ва бу мажмұа құвватларининг тұла үзлаشتырылышы булды. Бу мажмұада газета ротация цехи (экспедициясы ҳам бор), маншың корпус, газеталар үчүн ҳарф териш цехи ва газеталарнинг таҳририятлари жойлашған. Нисбатан қисқа мұддатда туталланған, мустақил технология-ға ега бүлган ноеб мажмұа бунед этилди. У оффсет усулида газеталарни юқори сифатда, тезкорлық билан чоп этиб, үқувчиларға уларни автомашиналар ва тунғы тайералар өрдамида жұнатышға мүлжалланған.

Бұ уринда, вазиятта күра, бош лойиҳала фақат газета биноси мажмусини қуриш мүлжалланғанини әслатиб утиш уринти булады. Шу мақсадда Тошкент шаҳар ижроия құмитаси асосий ишлаб чиқаришдан 450 метр нарида жойлашған ерни ажратыб берди. Айни вақтда газеталарнинг таҳририятлари ва ҳарф териүү цехи үз үринларыда қолиши назарда тутилғанды. Аслида бу лойиҳа мақсадни тұла қон-лиролмайдыған, тезкорлық билан газета сақиғала-рини бунед этувчи технология талабларига зид бүлған қала-ярим ечим эди. Ҳарф териүү цехи билан босма цехи бир-бирларидан узилиб қолиши, бизни, айникса ташвишга туширганды. Терилған ҳарфлардан күчирилған нұсха әкі матбаа қолипларини у бинодан бу бинога ташиб юриш амалда мүмкін булмай қоларди. Чунки газеталарнинг ҳар сменада

200-250 қолипини ҳар дақиқада 400-450 метр нарига ташиш ишни мураккаблаштиришга ва белгиланган қисқа вақтни бой берib, харажатларни қимматлаштиришга, газета чиқариш графигининг ноурин бузилишига сабаб буларди. Ҳарф териш цехини газета цехи билан ёнма-ён жойлаштириш — булар уртасидаги техника ва транспорт алоқаларини анча осонлаштирган, айниқса газеталарни белгиланган вақтда чоп этиш учун асосий омил булур эди.

Уэок йиллар нашриет директорининг мувонини булиб ишлаган Ҳамидулла Юнусов (1975 й.) нозиктауб ва күшмуомала матбаа ташкилотчиларидан бири эди



Шу боисдан ҳам қурилиш бошлангандан кейин газета мажмуасини бир жода бунёд этишнинг турили варианatlари қуриб чиқилди. Ҳуллас, қатъият билан қўйилган талаб, таклиф, аниқ-равшан далил-исботлар голиб чиқди. Республиканинг ўша даврдаги бош раҳбари Шарооф Рашидовнинг кумаги билан ҳукумат идораларида Тошкент вилояти ижроия комитетига қарашли етти қаватли қурилиб битмаган иморатни (у шу майдончада қурилаётган эди) нашриёт босмахонасига бериш тўғрисидаги масала Марказқўм томонидан ижобий ҳал этилди ва нашриетимизга биркитилди. Бу иморат қурилиши 1967 йилда бошланган булиб, кейинчалик тухтатиб қўйилган эди. Шундай қилиб, янги мажмуани қуришга дахлдор кўпгина жиддий муаммолар қисқа даврда ўз ечимини топди.

Аммо бу вақтда ҳарф териш цехини бунёд этиш

бидан боғлиқ булган ута жиддий муаммолар ҳали үзил-кесил ҳал этилмаган эди. Нашриётдаги бир гурӯҳ иқтидорли, билимдон мутахассисларнинг ижодий изланишлари туфайли мақбул счим топилди. Шундай қилиб, ҳарф териш цехи қурилаётган газета таҳририятлари биносининг «биқини»га жойлаштирилиб, унинг технологик таркибидан жой эгалайдиган бўлди, бу эса технология талабига мос келарди.

Москванинг «ГИПРОНИИПолиграф» институти ишлаб чиқариш бинолари ва ишоотларининг бош лойиҳаси этиб тайинланди. Ҳарф териш цехи биноси лойиҳасини тайерлаш эса шу институттинг Тошкентдаги филиали жамоасига топширилди.

Мажмуани бунёд этиш бош пудратчи 11-«Высотстрой» трестининг 1- ва 17-қурилиш бошқармаларига топширилди. Газеталар таҳририятлари ва ҳарф териш цехи жойлашган бинолар 1978-1986 йилларда қурилиб, ишга туширилди. Мажмуани бунёд этишга «Главташкентстрой» ҳамда монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазирлигининг бир неча ихтинослашган бошқармалари қатнашдилар. Москвадаги «Полиграфмонтаж» бошқармасининг мутахассислари матбаа ускуналарини йигиб, тиклаб созладилар ва корхонамиз мутахассислари билан ҳамкорликда машиналарни синовдан утказиб, фойдаланишга топширилдилар. Улар билан ёнма-ен «Рондосет-170» газета агрегатларини тайёрлаб берган Германиянинг «Пламаг» фирмаси усталари ҳам газета агрегатларини йигиш жараенида қатнашдилар. Бу уринда шуни таъкидлаш жоизки, «Рондосет-170» агрегатининг биринчи-тұртінчи машиналари ҳамда бешинчи-саккизинчи роллари «Пламаг» фирмасининг ишбоши мұхандиси Бюргер раҳбарлигига, тұк-қизинчи-үн иккінчи роллари эса ишбоши мұхандис Шубер бошчилигига монтаж қилинди. Бу юмушлар үз вақтида ва соз, ҳатто муддатидан илгари адo этилди. Жами ускунаны монтаж қилиш ва созлашда нашриёттимиз босмахонасининг ишчилари, мұхандис-техник ходимлари ва корхонанинг раҳбарлари фурсатни бой бермай, бу баҳайбат, ута мураккаб машиналарни үз вақтида ишга туширишдек ниҳоятда мұхим ва шарафли юмушга ҳиссаларини құшдилар.

Газета цехлари жойлашган бино 1982 йилнинг декабрь ойида фойдаланишга топширилди. 1982 йилнинг 19 октябрида эса газеталар янги усулда — баҳайбат машиналарда оффсет усулида биринчи бора чоп этилган. Шу санани газета чиқаришнинг

200-250 қолипини ҳар дақиқада 400-450 метр нарига ташиш ишни мураккаблаштиришга ва белгиланган қисқа вактни бой бериб, ҳаражатларни кимматлаштиришга, газета чиқариш графигининг ноурин бузилишига сабаб буларди. Ҳарф териш цехини газета цехи билан ёнма-ён жойлаштириш — булар уртасидаги техника ва транспорт алоқаларини анча осонлаштирган, айниқса газеталарни белгиланган вактда чоп этиш учун асосий омил булур эди.

Узоқ йиллар нашриёт директорининг муовини бўлиб ишлаган Ҳамидулла Юнусов (1975 й.) нозиктабъ ва хушмуомала матбаа ташкилотчиларидан бири эди



Шу боисдан ҳам қурилиш бошлангандан кейин газета мажмуасини бир жода бунёд этишининг турили вариантлари куриб чиқилди. Ҳуллас, қатъят билан қўйилган талаб, таклиф, аник-равшан далил исботлар голиб чиқди. Республиканинг уша даврдаги бош раҳбари Шароғ Рашидовнинг кумаги билан ҳукумат идораларида Тошкент вилояти ижроия комитетига қарашли еtti қаватли қурилиб битмаган иморатни (у шу майдончада қурилаётган эди) нашриёт босмахонасига бериш тутрисидаги масала Марказқўм томонидан ижобий ҳал этилди ва нашриётимизга биркитилди. Бу иморат қурилиши 1967 йилда бошланган булиб, кейинчалик тўхтатиб қўйилган эди. Шундай қилиб, янги мажмуани қуришга даҳлдор кўпгина жиддий муаммолар қисқа даврда ўзечимини топди.

Аммо бу вактда ҳарф териш цехини бунёд этиш

билан бөглиқ булган ута жиддий муаммолар ҳали узил-кесил ҳал этилмаган эди. Нашриётдаги бир түрүх иқтидорли, билимдон мутахассисларнинг ижодий изланишлари туфайли мақбул ечим топилди. Шундай қилиб, ҳарф териш цехи қурилаётган газета таҳририятлари биносининг «биқини»га жойлаштирилиб, унинг технологик таркибидан жой эгаллайдиган булди, бу эса технология талабига мос келарди.

Москванинг «ГИПРОНИИПолиграф» институти ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларининг бош лойиҳачиси этиб тайинланди. Ҳарф териш цехи биноси лойиҳасини тайёрлаш эса шу институттинг Тошкентдаги филиали жамоасига топширилди.

Мажмуани бунёд этиш бош пудратчи 11-«Высотстрой» трестининг 1- ва 17-қурилиш бошқармаларига топширилди. Газеталар таҳририятлари ва ҳарф териш цехи жойлашган бинолар 1978-1986 йилларда қурилиб, ишга туширилди. Мажмуани бунёд этишга «Главташкентстрой» ҳамда монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазирлигининг бир неча ихтинослашган бошқармалари қатнашдилар. Москвадаги «Полиграфмонтаж» бошқармасининг мутахассислари матбаа ускуналарини йигиб, тиклаб созладилар ва корхонамиз мутахассислари билан ҳамкорликда машиналарни синовдан ўтказиб, фойдаланишга топширилдилар. Улар билан ёнма-ён «Рондосет-170» газета агрегатларини тайёрлаб берган Германиянинг «Пламаг» фирмаси усталари ҳам газета агрегатларини йигиши жараённида қатнашдилар. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки. «Рондосет-170» агрегатининг биринчи-туртинчи машиналари ҳамда бешинчи-саккизинчи роллари «Пламаг» фирмасининг ишбоши мухандиси Бюргер раҳбарлигига, тўққизинчи-ун иккинчи роллари эса ишбоши мухандис Шубер бошчилигига монтаж қилинди. Бу юмушлар уз вактида ва соз, ҳатто муддатидан илгари адод этилди. Жами ускунани монтаж қилиш ва созлашда нашриётимиз босмахонасининг ишчилари, мухандис-техник ходимлари ва корхонанинг раҳбарлари фурсатни бой бермай, бу баҳайбат, ута мураккаб машиналарни уз вактида ишга туширишдек ниҳоятда мұхим ва шарафли юмушга ҳиссаларини қушдилар.

Газета цехлари жойлашган бино 1982 йилнинг декабрь ойида фойдаланишга топширилди. 1982 йилнинг 19 октябрида эса газеталар янги усулда — баҳайбат машиналарда оғсет усулида биринчи бора чоп этилган. Шу санани газета чиқаришнинг

Эски анъанавий усулидан газета чоп этишнинг янги замонавий усулларига утган сана деб ҳисоблаш лозим булади. Шу тарихий кундан бошлаб ижро жиҳатдан ижобий-техник узгаришлар натижасида газеталар тезкорлик билан юқори сифатда чоп этиладиган булади.

Орадан вақт утиб, шу нарса аен булдики, газета биносининг лойиҳаси матбаа соҳасидаги фан-техника тараққиетининг сунғиги ютуқлари асосида тайерланган булиб, ута билимдоңзик билан амалга оширилган экан. Шунинг учун ҳам, қурилиш-монтаж ишларининг қиймати маромида бўлиб, умумий харажат уша даврдаги нархда 9 миллион сүмга тушган. Технология ускуналари 14 миллион сүмни ташкил этган. Корпуснинг узунлиги 195 метр, эни 39 метрдан иборат булиб, шаҳримиз марказидан узнуғузига лоиник жой эгаллаган.

Бу қурилиш бебаҳо ва саҳоватли булади. Босманинг оғсет усулига утилиши туфайли ишлаб чиқаришда инсон саломатлигига салбий таъсир этадиган заарли кургошинни ишлатишга чек қўйилди, технология жараенлари тубдан узгартирилиб, бутунлай автоматлаштирилди, ҳарф териш ва саҳифалаш бригадаларининг меҳнат шароити енгиллашди. «Рондосет-170» агрегатларида газета чоп этиш жараенларининг тезлиги юқори бўлганлиги туфайли уларни тайерлаш вақти анча қисқарди. Энг асосий ютуқ шундаки, фототасвир газета саҳифаларида аслидагидек тиник акс эттирилган даражага стди.

Бу цехнинг қурилиб, ишга туширилиши натижасида газеталарни соатли график асосида чиқаришни ташкил этиш; таҳририятлар билан цех уртасида урнатилган пневмоочта қурилмаларини узлаштириб, бир-бирларига корректура нусхалари ва саҳифаларни узатиш учун кетадиган муддатни қисқартиришга эришилди. Шунингдек, бу таҳририятлар билан газета цехининг монтаж булинмаси уртасидаги хатолари тузатилган саҳифаларини айирбошлиш жараенига кетадиган вақтни камайтиришга замин яратадиган булади. Худди шу бинода фототелеграф орқали Россия газеталари тасвирини қабул қилиб олиш пунктининг жойлаштирилиши, заарали ишлаб чиқариш ҳисобланган цинкография участкасини бутунлай қисқартиришга, фото ва босма қолиларини тайерлаш жараенларини осонлаштириб, муддатини қисқартиришга имкон берди, газеталарнинг бадиий беzagи сифатини ва унинг матбаа ижроси даражасини аъло миёсга кутарди, десак муболага булмаса керак.

Концерн тараққиетини белгиловчи давлардан

Энг тарихийсі — 1984 йыл газета таҳрирятларининг бинооси ишга түшириліши билан газета мажмасини бунед этиш режалари тұла яқууланды. Таҳрирят ва ҳарф териің цехи биноларыда ижодий меҳнат билан банд болған журналистлар өз күнчидегі мағбаачилар жамоатары учун бир неча буфеттер билан 300 үринли ошхона, 500 кишилик мажисдар залы қурилды. Яңғы мағбуот өз маданияттуда очылды. Маданияттуда бунед этилиши билан матбаачилар өз журналистларнинг үзаро учрашиб. Йигиннелер үтказып, маданият дам олишларини үюштириш учун қулай шароит яратылды. Бу даргохда «Шарқ» концерни, газета-журналлар жамоатарының самаралы өз ижодий меҳнатини ташкил этиш учун ҳамма шарт-шароит мұхайдес әтілганды.

Ағысуски, айрым сабабларға кура маданияттуда тұла фойдаланыш имконияттарына өрнек болып келді. Аммо ниятимыңға этиш нұлдыдаги интилишмиз, мақсадда албатта олиб келади, деган умидамыз.

Тарихий вөкөлдерден бири — матбаа корхоналары учун ута зарур болған резина өхтінет қысметтері өз күнчік үскуналарни ишлаб чықаришады. Бу мақсадни амалға ошириш үткен 1981 йылда резина буюмлары цехи ҳудудида уч қаватлы корпус қурилмалар участкасында эса поливинилхlorид плёнкалардан кеңгистемел буюмлар тайерлаб чықарылды. Кеинингчалик ишлаб турған бинога тақаб яңғы иншоот қурилды, бу ерда декель материаллар тайерланады. Резина буюмлар цехининг маңсұлоти Мустақил Дағылатлар Ҳамдустлігінің кирадыған күргина республикаларнинг матбаа корхоналарында ишлатылды, сифатлилігі билан харидорға булып кетди. Ҳамдустлік мамлакатлары босмахоналары билан ҳозырғы кунда ҳам алоқамыз дағом этмоқда, босма машиналары учун резина жүнделер, декель материаллары ва марзанлар тайерлаб бермөкдамиз.

Корхонамызда кеңгір қулоч өзгән техника тараққиеті дастурида йирик ишлар билан бир қаторда, түрлі кичик техниканы үзлаشتырып, экология тараблары асосида ҳаво мұхитини тоzaлаштыра ҳам әзтибор күчайтирилген әди. Шу режага кура, ботик босма комплекси қаторыда термокатерактлы реактор қурилған үзлаشتырылған ҳамда ботик босма цехидан күчли вентилияторлар күмагида ишлатылған ҳавони суріб оладыған қурилма ердамида толуол бугларини газлаشتырылған құшымча қыздырады.

қурилмада ишлашга утилгач, собиқ рекуперация биноси бушаб қолди. Бу бино таъмирланиб, унга журнал экспедицияси жойлаштирилди, корпуснинг узи эса босмахонанинг брошюра муқовалаш цехлари билан транспорт галереяси орқали боғланди, ярим фабрикат ва тайер маҳсулотлар узаро жунатиладиган бўлди. Шу билан бирга бу галерея қурилмадарини узлаштириш, натижада тайёр журналларни бир ерга жамлаш ҳамда уларни саралаб, транспортга ортиш имконини берди. Журнал ва китоб экспедициясини мустақил, бир меъорда ишлайдиган соҳага айлантиришга оид барча юмушлар 1991 йилда ниҳоясига етди. Бу янгиликларни узлаштириш оқибатида саралаш ва жунатишга алоқадор бўлган ишларни механизациялаш учун зарур шароит яратилиди ҳамда ишлар осонлашди.

Оғир меҳнат талаб қиласиган майдада тармоқларни механизациялаш билан бир қаторда тараққиёт учун зарур бўлган ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтириш ишлари ижтимоий-маший объекtlар қурилишида ҳам кенг кўламда давом эттирилди. Масалан, босмахона ҳудудида қозоғ чиқиндилари ни йигиш ва қайта ишлаш учун марказий шиббалаш ускунаси бунёд этилиши натижасида барча цехлардан чиқаёттан қозоғ қийқимлари бункерларда шиббаланиб, сунгра қозоғ тойлари қайта ишлаш учун Тошкент қозоғ комбинатига жунатилишига, илгари кўл билан бажариладиган оғир ишларни механизациялашга имконият яратди. Бундан ташқари, собиқ қозонхонанинг икки қаватли биноси реконструкция қилиниб, савдо-маший мажмуаси бунёд этилди. Ҳозир бу ерда халқ банкининг булинмаси, сартарошхона, саноат ва озиқ-овқат моллари дўконлари, сабзавот ва гүшт магазинлари, бир неча кафе-буфетлар корхонамиз ходимларига хизмат қилмоқда.

Бушаб қолган биноларни таъмирлагандан сунг маший хизмат, физкультура-спортни ривожлантиришга эътибор бериладиган бўлди. 1989 йилда босмахона ҳудудида илиқ сувли бассейн, ҳовуз, сауна, бадантарбия билан даволайдиган булинмалардан иборат согломлаштириш мажмуаси очилди. Эндиликда ходимларимиз шифокорлар рухсати билан бир ойлик абонемент сотиб олишлари ва иш кунидан кейин ҳамда шанба кунлари келиб, мажмууа хизматидан баҳраманд булишлари мумкин.

Кўп йиллардан бери орзу этилган еrostи автогаражи биноси фойдаланишга топширилиши билан енгил автомашиналар сақланиши ва ремонти учун зарур бўлган ҳамма шароитлар яратилди. Бу

нинг оқибатида автомашиналарни бегоналар кузидан нарирокда, техника хавфсизлиги талаблари асосида саклаш, уларни жорий таъмирлаш учун зарур техника шароитлари яратилиб, жамоанинг ишлаб чиқариш ва майший аҳволи талаб даражасига кутарилди; Ҳайдовчилар, механиклар, слесарлар, гаражнинг бошқа ходимлари барча қатори нашриётнинг ижтимоий-майший булинмалари хизматидан тұлағойдаланадиган бүлдилар.

Корхонамизнинг ишлаб чиқариш тармоқлари кенгайиб боргани сайин унинг молиявий-иктисодий кұдрати кучайды, даромад ортиб боравергани натижасида матбаачилар ва журналистларнинг маданий-майший ва үй-жой шароитларини яхшилаш учун ажратылаеттан маблаглар салмоги ҳам сезиларли миңдорга етди. Сүнгі 30 йил мобайнида янги шинам үйларда 3000 оила квартира түйларини үтказды. Шу давр мобайнида нашриёт ва таҳририят ходимларининг оила аязолари купайғанлиги муносабати билан улар янги лойиҳа асосида қирилған майдони кенгрөк үй-жойлар олишга муваффақ бүлдилар.

Концернимиз корхонаси эндигина «атак-чечак» қилиб, узининг моддий-техника базасини бунед этәттан кезлардағы юқори унумли ускуна ва замонавий технологияни жорий этишга киришилған, кулам ишлаб чиқаришдан олинған соғ фойда ҳам партия бюджетидан ажратыладиган маблаглар ҳисобига кенгайтирилар зди. Вақт утиши билан тарақкий эттан корхонамиз үз харажатларини қоплаш билан бир қаторда күплаб даромад ҳам келтириб, берилған қарзларни узишга ҳам кодир бүлди.

Баъзи мухолифлар вақтида концернимиз ишлаб чиқариш фаолиятидан олинадиган фойданинг анчагинаси партия бюджетига утиб кетаверган зди, деб таъна қылғандилар. Дарҳақиқат, шундай булған ҳам зди. Аммо бундай нохолис даъваларни ва сиёсий ноанық кесатиқ гапларни нари суріб құядиган бұлсак, бор ғап шуки, уша даврда юқори ташкилот аслида нашриетта келтирған фойданинг бир қисмини қайтариб, очық сезилмайдиган кредит берған зди. Мемлекет жамоамиз эса улардан мохирлик билан фойдаланиб, замонавий бинолар қурди, ноөб машиналар сотиб олиб, моҳир технологияни жорий этиб, бунинг ижобий натижасидан оқилюна фойдаланиб, харидорғир булиб турған замонавий нашрларни күплаб чиқарадиган бүлди, бундай иш-билиармөнлик оқибати — техника тараққиети ва майший соҳаны етарли маблаг билан таъминлади.

Табиийки, корхона мемлекеттің фаолиятидан оли-

надиган фойдадан бир қисмини ажратиб, олинган кредитларни қайтариш қонуний бир ҳол. Чунки ҳалқда «Сиздан утина, биздан бугина» деган гап бор. Албатта, корхона ихтиёридаги даромаднинг бундан ҳам купроқ қисмини ишлаб чиқарини ривожлантириш, ижтимоий соҳа ва моддий рагбатлантириш фондларига ажратмалар сифатида ва жамоанинг бошқа эҳтиёжлари учун берниш мумкин будур эди. Лекин, ҳар қатай, фирқа бюджетига утказилган жами маблаглар корхонамизга матбаа ва муҳандислик ускунаси, маҳсус мебель, мосламалар сифатида қайтиб келди ва унинг асосий мулки булиб қолди. Бу бойликлар ҳозирги муҳим ва оғир иқтисодий даврда жамоамизнинг молиявии аҳволини барқарорлаштиришда асосий омиллардан булиб, кунимизга ярамоқда.

Нашриёт ва босмахонанинг маҳсулоти газета, журнallар, китоблар, брошюралар, каталоглар, проспектлар, кенг истеъмол молларидан иборат. Даврий нашрлардан тушаётган фойда таҳририятларнинг эҳтиёжларига сарфланади. Айни вақтла шу фойданинг бир қисми даврий нашрларнинг сифатини ошириш, сонини купайтиришга, ходимларнинг меҳнат ва майший шароитларини яхшилашга сарфланади. Бозор иқтисодиётига утилаётган ҳозирги шароитда ишлаб чиқарининг усииши ва ходимларнинг моддий аҳволи — раҳбарларнинг тадбиркорлиги ва ишбизлармонлигига, маҳсулотимизнинг рақобатбардошлигига, бозор ва мол биржаларидағи узгаришларга Қараб ишнинг расамадани билишга, бозор эҳтиёжини урганишга нечогли шайлигимиз ва унинг ишбизлармонлик билан ҳаётга тадбиқ этишимизга боғлиқдир.

Республикамиз Олий Кенгаши узининг 1995 йилдаги VII сессиясида маъқуллаган тангликтан чиқиш режаси атрофида соглом ижтимоий күчлар жипслашаётган давримизда ута билимдонлик ва тадбиркорлик билан иш юритиш, келажакни бу гундан эътироф эта билиш барчамиз учун ута муҳимдир.

Давр талабини тула ҳис этган нашриёт ва босмахонамизнинг меҳнат жамоаси узининг 75 йиллик тарихи мобайнида ишнинг кўзини билиб, са-Марали хужалик юритишга қодирлигини, йирик матбаа ишлаб чиқарини, ижтимоий соҳани бошқара олишини, корхонамизнинг миллион-миллион

маблагини оқилона фойдали соҳаларга сарфлай билишини, матбаачилар ва журналистларнинг эҳтиёжларини қондириш йулида ҳаққоний гамхўрлик қилаётганини рўй-рост курсатиб туриди.

Қалимий маданият соҳиби бўлмиш ўлкамизда зарур аҳборотларни оммага, ҳалққа ва келажак аводдларга етказишнинг узига хос услугуб ва йусинлари мавжуд булган. Жумладан, тошдаги битиклар, деворларга ўйилган сувратлар, хаттолар кўчирган китоблар эндилликда нафақат ҳалқимизнинг, қолверса башариятнинг маданий мулки саналади.

Тарих саҳифаларида қайд этилганидек. XIX асрнинг сунгги чорагида Қуқон хонлигининг Россия империяси томонидан босиб олиниши ва тутатилиши қадимий Шошни Туркистоннинг маъмурий, сиёсий, маданий, дарвоҷе матбаачилик марказига айлантириди. Узбек тилида биринчи марта чоп этилган «Туркистон вилоятининг газети» (1870 йил), 36 йилдан сунг тараққийпарвар ва эркпарвар жадидчилик ҳаракатининг уз миљий манфаатларини ифодаловчи «Тараққий» газетасини дунёга келтирди. 1906 йил 27 июнда илк сони чоп этилган ушбу газета чиққан кун истиқлонимиз шарофатидан Узбекистонда Матбуот куни сифатида нишонланадиган байрам деб эълон этилганлиги, биз матбаачи, матбуотчиларга нисбатан курсатилган бекиес ҳурмат ва нодир тухфа десак жуда уринли бўлади. Аслида бу воқеани, тарих гиддирагининг ўз ўқига қайтарилгани билан таққосласа бўлади.

МАТБААЧИЛИК НАВРУЗИ

Туркистон Республикаси Давлат Сиёсий Бошқармасининг босмахонаси улкан минтақамиз ва уша даврдаги шуро мамлакатининг түнгич матбаа корхоналаридан бири эди. У 1921 йилнинг 21 марта мустақил корхона сифатида ташкил топди. Ҳозирги «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси ва Узбекистонда матбаачиликни янгича асосларда ривожлантириш тарихи худди шу санадан бошланади. Уша йилларда нашриёт бўлмаган эди, газета ва журналларнинг таҳририяtlари ноширлик юмушларини ҳам узлари бажаришарди.

Даврий нашрларга усиб бораётган талаб тегишли негизни ривожлантиришни ва Россия империяси ҳукмронлиги йилларида шаклланган айрим тажрибаларни амалиётда сақлаб қолишни тақозо этди. Яккам-дуккам, суст жиҳозланган матбаа корхоналарининг «бошини» қовуштириб, ягона тармоққа бирлаштиришдек муаммонинг оқилона ҳал этилиш йуллари бир неча йил мобайнида руёбга чиқарилди.

Давр тақозоси билан уша суронли йиллар қўйилган номлар узгариб турарди. Шу сабабли сентябрь ойида корхона «Советский Восток» деб аталмиш марказий газета босмахонаси сифатида қайтадан тузилди. 1925 йилнинг май ойидан бошлаб у «Турк-печать» бирлашмасига айланди, 1926 йилнинг априлидан эса «Средазкнига», 1928 йилдан бошлаб «Правда Востока» газетасининг босмахонаси деб аталаған булди. Аммо номнинг бир неча марта узgartирилиши асосий вазифани — Узбекистон матбуоти эътиёжларини таъминлашга Қодир булган ягона матбаа корхонаси бунёд этиш муаммосини ҳал эта олмади.

Бундан шу нарса куриниб турибдик, миллый маданиятларни ривожлантириш, жумладан Совет Иттифоқи ҳалқлари тилларида турли-туман нашрларни йулга қўйиш ваъдаси билан давр саҳнасига чиққан зўравон тузум жаҳон тажрибаларидан чекинди, айрим жабҳаларда тутуруксизликка йўл қўйди, тамал иқтисодий қоидаларни писанд қилмади.

Тошкентда 1933-1938 йиллар мобайнида бунёд этилган матбаачилик комбинати бу масалани деярли тулиқ ҳал этганди. Шу сабабли пойтахтдаги барча нашриётлар ва таҳририятлар бирлаштирилди. Комбинат таркибига «Правда Востока» газетасининг босмахонаси ҳамда Узбекистон Давлат нашриети (Узгиз) ҳам қўшилганди. Бу корхонада «Кизил Узбекистон» газетаси ва бошқа ўнлаб даврий нашрлар чоп этилар эди. Афсуски, бу янги даргоҳ ҳам фақат бир неча йилгина, яъни Улуг Батан уруши бошланишига қадар фаолият курсатиб турди. Урушнинг оғир йилларида Россиядан кучириб келтирилган заводларни жойлаштириш учун тегишли ишлаб чиқариш майдонлари зарур булиб қолганди.

Мудофаа ишларини бажариш зарурияти сабабли 20-йилларнинг бошларидан то 30-йилларнинг охиригача Узбекистонда ҳозирги пайтда уз нуфузини ва қиёфасини сақлаб турган нашрлар оёққа турди, даврнинг энг мухим воқеаси булмиш миллый онг ва маданиятдаги усиш матбаачиликка таъсир курсата бошлади. Саргайиб кетган ва тадқиқотчиларга азиз туюлган саҳифалар бу-

гун миллиатимизнинг маданий мулкига айланган. Узбекистон ҳукуматининг қарорига кура Тошкент матбаа комбинатининг биноси Москва вилоятидан кучириб келтирилган авиация заводига берилди. Бу воқеа Узбекистонда оғир саноатнинг, шу жумладан самолётсозликнинг ривожланишига асос яратди. Эндиликда оғир юқ кутарадиган ИЛ-76 ТД ва йўловчи ташувчи ИЛ-114 учоқлари мустақил Узбекистон саноатининг фаҳри саналади. Аен булаятики, уруш баҳонасида ватанимизга кириб келган саноатдан миллий иқтисодий-техникавий онгимиз усив, давлатимиз ҳам ўз сермеҳнат маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқа билиш имкониятига эга бўлган экан.

Урушдан кейинги тикланиш даврида давлатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётida ва иқтисодиётида салмоқли ўзгаришлар юз берди. Шулардан айримлари бизнинг соҳага ҳам таалуқли эди. Шу сабабдан 1946 йил 5 мартағи ҳукумат қарори билан, вақтли матбуот негизини мустаҳкамлаш мақсадида «Главполиграфиздат»нинг 2-сон босмахонаси ҳозирги нашриётимиз ихтиерига берилди. Шундай қилиб, «Қизил Узбекистон», «Правда Востока» ҳамда «Узбекистон сурх» газеталарининг бирлашган нашриети вужудга келди. Йирик нашрларни бир нашриет тизимиға тұплаш самарали экани тан олинди. 1950 йилда директор лавозимига таниқли матбаачи Василий Федорович Архангельский тайинланғанидан кейингина бирлашган нашриет ишида туб бурилиш жараёнлари бошланди. Уша кезлар нашриёт деярли ҳамма газеталар ва журналларнинг таҳририятларини бир бинога үрнатди, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ишлаб чиқарыш кучларини бирлаштириб, ўз матбаа базасига эга бўлган, улкада тараққий этган ягона корхонага айланди.

Урушдан кейинги Йигирма йил мобайнида корхонамиз иқтисодий жиҳатдан ҳам, моддий-техникавий тараққиёт борасида ҳам юксалди ва собиқ итифоқдаги йирик газета-журнал нашриётлари қаторидан узига муносиб ўрин эгаллади. Собиқ КПСС Марказий Комитетининг 1964 йил 1 январдаги қарорига кура корхона Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бирлашган нашриёти, 1969 йил 1 октябрдан бошлаб эса Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти деб юритила бошланди. Иқтисодий пойdevori мустаҳкам бўлган корхонамиз изчиллик билан, аник мақсадларни кузлаб ривожланди, замонавий техника билан жиҳозланди, ишчи-ходимлар малакаси усив, ҳаётий шароит бирмунча юқори даражага кутарилди.

Яқин утмиш тарихимиздан маълумки, 1923 йилда булиб утган РКП(б) XII съездидан миллӣ тилларда газеталар нашр этиш ҳақида қарор қабул қилганди. Уша йиллари Туркистонда «Туркистон», «Фаргона», «Зарафшон» каби газеталар узбек тилида, «Оқ жул» газетаси қозоқ тилида, «Туркманистон» газетаси туркман тилида чиқа бошлади. Болалар ва усмирлар учун ҳам даврий нашрлар чиқаришга киришилди.

Урта Осиёда миллӣ-давлат чегараланиши утказилганидан кейин Узбекистон КП(б) Марказий Комитети, Узбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Комитети ва республика Халқ Комиссарлари Советининг органи булган «Қизил Узбекистон» газетаси узбек тилида чиқа бошлади. 1918 йилнинг 21 июнидан «Қизил Узбекистон»нинг аждоди булган «Иштирокиён» газетаси камроқ нусхада нашр этилиб турган эди. Узига хос тарихга эга бу нашр билан ҳалқимизнинг кўзга кўринган фарзандлари ҳамкорлик қилганликлари тарихий ҳақиқат. Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Абдулхамид Сулеймон Чулпон, Комил Атиев сингари забардаст маърифатчилар ва адиллар, нафақат маърифат эктиёжидан, қолаверса матбуот миљлий маданиятни ривожлантиришишнинг асосий тамойилларидан бири эканлигини теран англаган ҳолда бу ишга бош қушдилар. 1924 йилнинг 5 декабридан бошлаб эса «Қизил Узбекистон»ни чоп этишга киришилди. Ҳозир бу газета «Узбекистон овози» номи билан чиқмоқда ва узбек тилидаги энг оммавий газетадир. Мазкур нашр ҳозирги пайтда Узбекистон Халқ Демократик партиясининг нашири мақомига ва қийин иқтисодий шароитда энг йирик ададга эгадир. 1992 йилдан бошлаб унга илова сифатида рус тилида ҳафталик «Голос Узбекистана» газетаси нашр этилмоқда.

Умуман олганда, 20-, 30-йиллар матбуоти ва матбаачилиги бир-бирига уйғун тарихга эгалиги алоҳида тадқиқот мавзуи саналади. У узининг билимдон тадқиқотчиларини кутмоқда.

Уша кезда, яъни 1924 йилнинг 5 декабрида РКП(б) Марказий Комитети Урта Осиё бюросининг органи булмиш «Правда Востока» (1917 йилнинг 2 апрелидан бошлаб у «Наша газета» номи билан чиқиб турган эди) газетасининг биринчи сони нашр этилди. Кейинчалик, 1925 йилнинг февраль ойида дәҳқонлар учун «Камбагал дәҳқон» деган янги газета очилди. У Узбекистон КП(б) Марказий Комитетининг органи эди. Уша пайтда Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг органи

бүлган үсмирларнинг «Ёш ленинчи» газетаси чоп этила бошлади, ҳозир ёшларимиз газетаси «Туркистон» номи билан чиқмоқда.

Собиқ матбаа комбинатидан ажралиб чиқкан бир канча янги босмахоналар бунёд этилиши муносабати билан ҳамда даврий нашрлар босмахоналарни матбаа техникаси, қозоз, бүек ва бошқа ашёлар билан марказлантирилган йўсинда таъминлаш заруриятидан келиб чиқиб, уларнинг ишлаб чиқариши, молия ва ҳужалик фаолиятини йўналтириб



туриш мақсадида ихтиослашган матбаа тарқатиш бош идораси тузилди. Бу идора нашристнинг жами вазифаларини адо этарди: босмахоналарга буюртмалар юборар, матбаа ишлари бажарилгани учун хисоб-китоб юритар, босмахонага қозоз олиб келиб топширар, шунингдек обуна билан шутулланар, газета ва журналларни чакана савдога чиқариб тарқатар эди.

Мавжуд ҳужжатларнинг далолат беришича, матбаа корхоналарида кундалик газеталарни сифатли чиқаришга имкон бермаётган, эскириб қолган, яроқиз ҳолга келган машиналар ўрнатилгани сабабли бош идоранинг иши мушкуллашиб қолган эди. Купчилик туманларда яроқли йўл қурилмагани, наклият воситаларининг деярли йўқлиги, аҳоли аксарият қиёмининг саводсизлиги туфайли даврий нашрларга обунани вактида утказиш анча кийин

Бу – сувратда бир-бирига ўхшаб кетгандек туюлган чехраларда мужассам ишонч ва фидониллик матбаачиларнинг янги-янги айлодларига мерос бўлиб қолаверади

кечарди. Шу сабабли ҳамда алоқа корхоналари ва идоралари қулида техника ва нақлиёт камлиги сабабли алоқа бүгинлари нашрларни обуначиларга вактида етказиб бериш билан боғлик юмушларни батамом уз зиммасига олишга қодир эмас эди. Нашриет ихтиерида эса диеримиз обуначиларига газетани тарқатиб берадиган хизматчилар гурухи булгалиги туфайли «Союзпечатъ»дан ёрдам олмай бу ишни узлари бажаришарди.

Оқибат шундай булардики, газета үқувчиларға босилиб чиқкан кунидан анча кеч, орадан уч, ҳатто беш кун утгандан кейингина етказиб бериларди. Табиийки, ахборот долзарлуги, тезкорлигига птур етарди. Шунга қарамасдан, ҳалқнинг умуми таълим ва маданияти даражасини оширишдек олижаноб ишга хизмат қилиши лозим бўлган янги миллий матбуотнинг беқиёс аҳамиятини алоҳида таъкидлаб утишимиз керак.

Эндиликада эса нашриет қулида юзга юк, турли туман енгил автомашина ва автобуслар бор. Автокорхона ишлаб чиқаришнинг кундалик эҳтиёжлари, газета ва журналлар таҳририятларининг буюртмаларини қондириш учун барча зарур нақлиёт воситаларига эгадир. Нақлиёт ва қурилиш ускуналари бобида нашриет таркибида тузилган кичик корхона унинг барча эҳтиёжларини тұла таъминлайды, бу шинам устахонанинг узи эса жами таъмирлаш ва қурилиш ишларини тұла адо этмокда.

Кези келганда шуни айтib утиш керакки, сунгги йилларда нашрлар ададининг кескин қисқарып кетиши нафақат матбаачиликка, корхонанинг фойда олишига, қолаверса матбуот тарқатиши хизматлари тизимларига, янын матбаа маҳсулотларини тарқатувчи республика ташкилотлари билан алоқаларимизга ҳам бирмунча салбий таъсир күрсатди. Ҳом ашे етишмаслиги ва матбуот маҳсулотини тарқатғанлыги учун алоқа корхоналарига тұланадиган хизмат ҳақининг қимматлашиб кетғанлиги сабабли нашрларнинг нұсхалари камайиб, обуна баҳоси ошиб кетди.

Давр тақозоси билан вужудга келган айрим қийинчиликтер матбаа ва матбуот соҳамизни ҳам четлаб утмаяпти, муаммолар етарли, лекин уларни доимий деб булмайды.

Яқин-яқингача биз күп нарсадан норозимиз, күп нарса бизга маъқул эмас, дарвоқе, күп нарсаларни узгартыриш ҳам зарур: 70 йил хато кетидан хато булди, кекса авлодлар ҳеч вақо қылғани йўқ, тутган йўли хато булди, уларнинг умри зое кетди, деб «инқилобий нутқлар»дан сузлашаеттәнларида

«олиб қочаётган»ларнинг уринсиз дашномлари боис, мавжуд ҳамма нарсани бузиб қайтадан қуриш, ҳамма нарсани хотирадан учиринга шайлантган кишилардан қаерда завод чиқардингиз, қаерда билим олдингиз, деб сурагимиз келади. Болалигингишин эсланг, ота ва боболарингизнинг айтганларини едга олинг, утган кунларни бугунги кун билан таққослаб курингиз ва узингизга узингиз кунидаги савонни беринг: наҳотки, ҳеч нарса узгармаган бўлса, наҳотки, арзирли бир иш қилинмаган бўлса, келажак режалари тузилаётганида, наҳотки, кеча ва бугун қилинган ишларга суюниш мумкин бўлмаса? Корхонамиз миқёсида рўй берган узгаришлар бошқа ҳар қандай меҳнат жамоаси ҳастида ҳам содир бўлган-ку, ахир? Биргина дарё тошиб, одамлар бошига кулфат ҳам солиши мумкин. Демак, дарёларнинг барчаси заарли, деб хулоса чиқариш керакми? Ҳайриятки, ёш давлатимиз, миллий истиқдол мафкурамиз мустаҳкамланиб бориши яқин утмишда кечган воқеаларга тे-ран сендашишга, уларнинг сарасини саракка, пучини пучакка ажратишга имконият яратишига ишончимиз комил бўлди.

Мана, қарийб турт-беш йилдирки, ёш Узбекистон фуқаролари, турли фирмалар ва ҳар хил қатламларга мансуб аҳоли уртасида адолатли, ҳуқуқий давлат қуриш мағкураси, янгича иқтисодий дастурлар кенг ва атрофлича муҳокама қилинмоқда. Эллининг ҳукмига ҳавола этилаётган дастурлар зуваласи раҳбарият ва олимларимиз онгига шакллансанда, матбуот орқали бевосита моддийликка, яъни ҳужжатга айланади. Демак, Узбекистонда янгича ташхисларни, инсон табиатига мос иқтисодий таомилларни асослаш йўлида миллий қадриятларимиз ва жаҳон тажрибаларни қаватида яқин утмишлаги ижобий тажрибалардан ҳам изчил фойдаланиш самарали булахаги асосли ҳақиқатдир.

Тарихий ҳужжатлардан аёнки, ходимлар умумий таълим савиёсининг пастлиги, техникавий жиҳатдан қолоқлик, малакали матбаачиларнинг муттасил етишмай тургани газеталарнинг мазмуни ва безатилишига салбий таъсири этарди. Шу боисдан ҳам уша кезлар газеталарнинг сони, айниқса миллий тилларда чиқадиган газеталарнинг алади ниҳоятда кам эди. Билимдон иқтисодчилар ва технологлар бўлмаганлиги сабабли ҳисоб ва ҳисобот ишлари улла-жўлда эди, нашрларнинг матбаа ижроси ва сифати даражаси тўғрисида гапирмасак ҳам булади. 1926 йилнинг 27 нояброда ишчи-дехқон назорати вакиллари утказган текширув натижалари битилган

хужжатда қўйидагилар баён этилган эди: «...шунинг таъкидлаш керакки, 1926 йилнинг 1 октябрига қадар ҳисоботар ва босмахонанинг умумий ҳисоботи якунланган эмас, анча-мунча меҳнат қилиб, 1926 йилнинг биринчи октябрига қадар Узгиз босмахонасида қанча қоғоз қолганлигини аниклай олди. Материаллар ва қоғоз нархи, вазни ва нави курсатилмасдан ҳисобга олинган... Бухгалтериядаги хужжатлар бестартиб аҳволда болиб, баланс тузиладиган вақтда ўюлиб-қалашибтириб ташланган эди. Уларни тартибга келтириш учун чётдан архив ишлари буйнича мутахассисни таклиф этишга тутри келди. Газета ва журнallарни ҳисобга олиш ҳам чатоқ, чакана сайдога чиқариладиган нусхалар сони ва сифати ҳисобда алоҳида ажратилмаган. Обуна натижаларни номаъдум. Бундай ҳисоб юритишга асло тоқат килиб бўлмайди...»

Равшанки, уша йиллар нашриет уз фаолиятдан зарар курар эди. 1926 йилнинг 1 октябригача газеталарнинг таҳририятлари 230 минг сүм зиён курган. Бу эса нашриет ишини жуда чигаллаштиган, шу боисдан ҳам раҳбарлар, мутахассислар молиявий танқисликдан чиқиши йўлларини кидиришган, кўпгина иқтисодий баркамол тармоқлар тажрибасини ўрганишгина ижобий натижаларга олиб келган.

Кўрилган ташкилий-хўжалик ва молиявий-иктисодий талбирлар туфайли ва жамоанинг тиришқоқлик билан қилган меҳнатининг шарофати натижасида орадан бир йилу икки ой утганидан кейин, яъни 1928 йилнинг 1 январида кўрилган зиён 50 минг сўмгача камайтирилди. 1929 йилда эса корхона 565 минг сўм даромадга эга бўлиб, иқтисодий аҳволини бирмунча тузатиб олганди.

Ва ниҳоят, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, узининг матбаа базасини яратиш уша кезла бош муаммо сифатида жамоа олдида кўндаланг булди. Шу муносабат билан нашриет ходимлари даврий матбуот корхонаси фаолиятининг ноширлик ва матбаа йўналишларини бирлашибтириш таклифини кун тартибиага қўйдилар. Мутахассислар ҳисоб-китоблар килишиб, қўйидагиларни далиллар билан исботлаб бердилар: бирлашиб туфайли ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллашибтириш мумкин булади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати анча кўтарилади, таннарх арzonлашади, корхона иқтисоди мустаҳкамланади. «Бининг маҷаллий матбаа саноатимиз орқада қолмоқда, — деб ёзилган эди нашриетнинг 1927 йилги ҳисоботида. — Масалан, ҳарф териш исхила ортиқча харажатлар 210 фоизни, «Мо-

нотин» усулда ҳарф териш бўлинмасида 354,4 фоизни, ясси машиналар бўлинмасида 288 фоизни, ротация босмасида 361 фоизни ташкил этди. Агар матбаба негизи уз заҳиралари билан нашриетимизга утса, ушбу база равнак топали ҳамда Узбекистон Республикасида миллӣят матбуот узига мунособи билан фарҳли уринни эгаллайди».

Уша кезлар чорроқ босмахоналар ишлаб чиқариш қувватларининг ягона корхонага бирлашувини иқтисодий вазият тақозо қилган эди. Ҳастининг узи ҳам шуни талаб қиласди, чунки мавжуд ускуналардан янги ишлаб чиқариш бинолари қурилишини бошлаш, уларни замонавий машиналар билан жиҳозланишини кутиб ўтирасдан боридан самарали фойдаланиш, эски машиналарни таъмирлаш йили билан унумдорлигини ошириш ва фойдаланиш усулларини тўғри йулга қўйиш даркор эди.

Узбекистон ССР Ҳалқ Комиссарлари Совети 1928 йилнинг 12 май куни уша вақтдаги пойтахтни Тошкентдан Самарқандга кўчириш ҳақида қарор қабул килди. Матбуотдан, шу жумладан «Қизил Узбекистон» газетасидан самарали фойдаланиш, шунингдек, таҳририятнинг ҳукумат идораларига яқин булишини кўзлаб, «Қизил Узбекистон» газетаси таҳририяти ва унинг босмахонаси 1928 йилнинг 1 октябрдан кечиктиримай Тошкентдан Самарқандга кўчирилсин, дейилган эди қарорда. Шундан кейин икки йил утгач, яъни пойтахт Тошкентга кўчирилгач, «Қизил Узбекистон» таҳририяти ва босмахонаси тагин Тошкентга кучиб келди. Бу воқеанинг асл сабаблари бизга тула маълум эмас. Иқтисодий нуктаи-навардан эса шаклланастган матбаба негизини тарқатиб юбориш ёки янги жойга кўчириш уччалик ҳам уринли тадбир эмасди.

Ҳалқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг ривожланиши, аҳоли ялпи саводхонлигининг усиши матбуотни ва унинг матбаба негизини янада ривожлантиришни тақозо этарди. Матбуотга талаб усиши сабабли 1929-1933 йиллар мобайнида Узбекистонда нашр этилаётган газеталар сони 19 тадан 178 тага етди. Узбек тилидаги 10 газета урнида 149 газета чиқа бошлади. Булар асосан янги туман газеталари ҳамда Машина-Трактор Станциялари сиёсий бўлимларининг газеталари бўлиб, улар қишлоқларда яшовчи газетхон — ўқувчиларга ҳам етиб борадиган бўлди. Аммо, матбаба негизининг аҳволи илгаригилек, нашриётлар ҳамда газета-журналларнинг таҳририятлари эҳтиёжларини қонлира оладиган даражала тараққий этмаганди.

Шу сабабли құдратли матбаа мажмунини бүнеш зарурати пишиб етилди. Бу корхона 9 мың босма табоқ нодаврий китоб, 8,6 минг газета сағаси ва 700 босма табоқ журнал, чунончи икесінен кейин эса камида 13 минг саҳифа нодаврий нашрлар, 12 минг газета саҳифаси ҳамда 1 минг босма табоқ журнал чиқаришга қодир болши керак эди. Аммо маблаг өткөнде құвваттар етилмаётгандыры сабабли матбаа комбинатининг курлаши чузилиб кетди. Узбекистон КП(б) Маркази

куриб битқазилиб, 1933 йилда фойдаланишга топширилди. Ноширлар ва матбаачилар уша даврнинг янги техникаси билан жиһозланған матбаа базасига зерттеудилар, бу эса газета ва журналлар, китоблар, тасвирий санъат асарлари сиғатининг бирмүнча күтарилини, газета ва журналларни жадал усулда өткөнди. Узбекистонда шарттың көмкөнини яратади.

Тошкент матбаа комбинати таркибиға кирған энг жирик нашриет «Қызыл Узбекистон» ва «Правда Востока» газеталарининг бирлашган нашриети булды. Бу жамоада 310 киши ишларди. Комбинат тизимиге мустақил балансда турған башқа газеталарнинг нашриётлари ҳам кирди. Булар орасыда «Еш ленинчи», «Комсомолец Узбекистана» (жами 190 киши), «Үқитувчилар газетаси» (жами 87 киши) бор эди. Бундан ташқары комбинатта Узбекистон дағылат нашриети, Узбекистон бадий адабиет нашриети, Узбекистон педагогика адабиети нашриети, Узбекистон адабиет ва санъат нашриети ҳам ресми. Матбаа комбинати уша көзлар ойлик «Совет адабиети», «Мухбирлар йўлдоши», «Гулистон», «Ёрқин ҳаёт», «Ёш куч», «Вожатий», «Коммунист», «Советская педагогика» ва «Наркомзэм УзССР» журналларини ҳам чиқарар эди. Ана шу воқеадан кейин катта-кичик нашрларнинг матбаа комбинати тизимиге аъзо бўлиб кириши, матбаа муаммолари биргаликда ва ҳамкорликда ҳал этиш жараени бошланди. Бу синашта анъана ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолган. Чунки аксарият нашрлар таҳририятлари, мавжуд имкониятлар бирлаштирилган тақдирларига бехуда сарфлар қисқариб, умумий максадни кўзлаб иш юритиш муаммолари сенгиллашини тўғри тушунадилар.

Матбуот тарқатиши нашрлари ҳам тўғри йўлга кўйилди. Матъумки, «Харбий коммунизм» даврида газеталар белуп тарқатиларди. Янги иқтисодий сисетма үтиш туфайли обунани ташкил этиб, матбуот маҳсулотларининг бир қисмими чакана савдо йули билан сотиш зарурати туттилди. Ана шу муҳим ишни нашриётлар жалб этилди, почта ходимлари ҳам Узбекистонда шарттың көмкөнини яратади. Айни пайтда алоқа идоралари дарий матбуотни етказиб бериш учун жавобгар эмас эдилар.

Илгари айтиб утганимиздек, урушнинг бошларда Тошкент матбаа комбинати биноларига Рос-



Ислом Шогуломов узига матбаачилик на соҳага раҳбарлик илмини ургаттан устоzlари —
Харлампий Григорьевич Марков, Василий Федорович Архангельский ва Аким Борисович Мазорлар (1968 й.) даврасида

Комитетининг 1931 йил 16 июлдаги қарорида, жумладан бундай дейилган эди: «Тошкентдаги матбаа комбинати қурилиши йўл қўйиб бўлмайдиган дара жада сескин бормоқда. Лойиҳани тузиш ишлари туттагланмаган, биринчи галдаги ишлар режаси аниқ тишиб чиқилмаган, режалаштиручи ва ноширлик ташкилотлари, шаҳардаги матбаа корхоналари уртасида узил-кесил битимлар тузишмаган, ҳужалик органлари ҳали ҳам қурилиш материаллари ташерлаш ва етказиб беришга киришмаганлар...» Узбекистон КП(б) Марказий Комитети Республика Халқ Ҳужалиги Кенгаши ва Узбекистон матбаа бирлашмасига мурожаат этиб, қурилишни жадаллаширишни талаб қилди, токи корхонанинг биринчи навбатини 1933 йилнинг 1 январигача ишга тушириш мумкин бўлсин.

Бу қарор катта ташкилотчилек иши билан мустаҳкамлангач, кўп утмай ижобий натижада берди. Урта Осиёдаги энг жирик Тошкент матбаа комбинати

сиядан кучириб келтирилган авиаация заводы жойлашди. Ана шу корхона маҳсулотининг фронтинуң мухим аҳамияти борлигини тушунган нариет, таҳририят ходимлари ва матбаачилар куч-куватларини аямай, кеча-кундуз ишлаб матбаа командауси ускуналарини бошқа биноларга күчирдиди. Бу биноларда эса зудлик билан газета чиқариши йулга қўйдилар.



Матбаанинг кучи билан тарихи саҳифасига кириб колган чодевор бостирма, шагал иул, жонсолмас эшак, аранакашу арина буюк бир ҳақиқатни тавсифлайди: келажак бүгинлар нечоғли куч-кудратга эришмасинлар, ота-боболари бошдан кечирган матбаачилик заҳматлари улар учун ҳамиша эъозли

Уша кезлар нашриет, таҳририят ва босмахона нинг деярли барча юқори малакали ходимлари урушга жунаб кетишган эди. Уларнинг аксарияти жанггоҳларда мардона курашиб, галаба йўлида жонларини фидо этдилар. Қаҳрамонларча ҳалок бўлган ҳамкасларимизнинг хотирасини абадийлаштириш ниятида нашриет ҳудудида едгорлик урнатилган бўлиб, урушдан қайтмаган фидойиларнинг номлари мармар тошга ёзиб қўйилган. Шаҳидлар эътирофи бугунги ва келажак авлодларга қаҳрамон боболарнинг аёвсиз жанглардаги мардлик ва жасоратларини эслатиб, урушда қурбон бўлган дўстларимизнинг мардлиги ва оламшумул жасоратини эслаш, улар курсатган инсоний, хайрли ва савоб ишларни бир умр ёдда тутиш бурч эканлигини, хотирадан кутарилмаслигини намоён этиб туради.

Уруш йиллари «Қизил Узбекистон» газетаси обучничилар билан бир қаторда узбек жангчилари кура-

шаштган Кизил Армия қисмларига ҳам етказиб туриларди. Калинин Фронтининг айрим армия булиниларига ҳар куни шу газетадан бир неча юз нусха жунатиб турилганини эслатиб утиш киғоядир. Газета бамисоли жонли риштадек мард жынгиларни она юрт билан, уруш ортида қолғанлар билан маңнавий болгаб турарди.

Шуниси қувонарлеки, уруш тугагандан кейин ҳарбий ҳолат туфайли нашри вақтинча тухтатиб



қүнилгандык газета ва журналлар яна чиқа бошлади, шу билан биргә янги нашрлар ҳам дунега келди. Буларни матбаа ижроси юксак даражада, уз вактида чиқариш учун күп маблаг, күч-гайрат сарфлаш зарур эди. Нашриёт, босмахона ва таҳририятларнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, ходимларнинг меҳнат шароитларини барқарорлаштириш борасида ҳам күргина табдирларни амалга ошириш лозим булди. Шу сабабли нашриёт ва босмахоналар учун мутахассислар, ишчи кадрлар тайёрлаш масаласи энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланар эди. Бу муҳим режаларни амалга ошириш учун жадаллук билан уй-жой, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари, ижтимоий-маданий соҳаларни жойлаштириш учун зарур булган янги иншоотларни қуриш лозим эди.

Доно ҳалқимизнинг «Бирлашган — узар» деган

«Шарқ»нинг
танглайнини кутарган
20 йиллар
матбаачилари

хикматини тугри тушунган жамоалар бирлашиб, бу мураккаб, савобли ва саховатли вазифаларни ҳам қисқа даврда ҳал этишга муваффақ булдилар.

Деярли күп вақт утганига қарамай, меҳнатни ташкил этишдаги мазкур синашта булган анъана, ҳозир ҳам изчил амал қилинмоқда. Нечоғли иқтиодий қишин шароитда меҳнат қилмайлик, бары бир ишчиларимиз, айниқса еш, маҳаллий миллат мансуб булган ишчи-муҳандислар утун туарар-жойлар қурилишини давом эттирмоқдамиз. Улар уз хонадонларига эга булиб, тақдирларини корхона тақдирига боғлаб, зиё тарқатишдек хайрли иш билав бир умр шугулланишга узларини бурчли деб ҳисоблайдилар, шунинг учун ҳам улар куну тун шарафлы меҳнат билан бандлар.

Урушдан кейинги дастлабки йиллар оғир иқтиодий содиётини нашриет жамоаси учун ҳам сира-сира осон тутиб бўлмасди. Масалан, оғсет босма цехи бўлмаганлиги сабабли эл орасида машҳур булган «Муштум» журналини бошқа корхонада босишга тугри келарди. Босма газета цехининг стереотипи бўлинмаси ертулада жойлашган эди, ҳолбуки газета ва журналларни уз вақтида ва сифатли этиб чиқариш айнан шу цехга боғлиқ эди. Бунинг устига газета ротация цехи биноси ҳам торлик қилиб қолган, бу ҳам этишмагандек, у асосий цехлар ва таҳририятлардан анча нарида, ҳозирги Камол Оттурк ва Матбуотчилар кўчалари чорраҳасида урнашган эди. Нашриёт қозог ва материалларни саклаш учун анча мос булмаган бинолар ва айвонларни ижарага олган, булар эса шаҳарнинг турли қисмларида жойлашган эди. Енгил ва юк автомобиллари ҳам кам эди. Қозог ва матбаа материаллари от-раваларда ташиларди.

Ута нокулай шароитларда ҳам мавжуд газеталарнинг ададини ошириш билан бирга янги газеталар ва журналларни чиқаришни ташкил этиш ҳам лозим эди. Тикланиш йилларида тожик, татар ва юонон тилларида газеталар чиқарадиган таҳририятлар вужудга келди. Узбек, рус ва уйгур тилларида ҳам нодаврий нашрлар тайёрлайдиган таҳририят очилди. Бадиний, ўқув ва илмий-техника мавзууда неча юзлаб номда китоблар чоп этишга киришилди, бу муҳим ишлар моҳирона уддатаниб, эндиликлда ранг-баранг китоблар нашр этадиган даражага кутарилди.

Уша даврда матбаа техникаси тараққиети орқа-

да коластгани, устига-устак урушдан кейинги оғир йиллар жароҳати сабабли матбаа ва ноширлик иши сустрок ривожланди, нашрларнинг матбаа ижроси-нинг сифати ҳам кунгилдагидек эмас эди.

Асосий ташкилий, техникавий ва молиявий-ик-тисодий масалаларни ҳал этиш учун корхонани туб-дан қайта таъмирлаш усули билан тұла тиклаш-нинг аниқ лойихаларини ишлаб чиқишдек мұхим масаланы ҳал этиш лозим эди. Бу тадбирни амалга ошириш ишлари 1951 йилда башланди. Айни давр

МАТБААЧИЛИК НАВРУЗИ

Азим
Тошкенттимизнинг
қурғи ва
матбаачиларнинг
фаҳри булмаш
таҳририятлар биноси



Нашриёт тарихидаги эңг мұхим босқич булиб, кор-
хонамиз тарихининг туб үзгаришлари худди ана шу
йилларда амалга оширилган ишлар билан чамбар-
час болғылдайды.

Нашриёт ва босмахона биноларини таъмирлаштириш ишлаб чиқариш амалийтини такомиллаштириш уч босқичда утказилганлиги ҳақида юқорида айтиб ўтилган эди, лекин бу даврлар ҳақида аниқроқ тафсилотни айтиб ўтишни лозим курдик.

Биринчи босқичда асосий ишлаб чиқариш жараснлари механизациялаштирилди. Ишчи-ходимлар учун меҳнат ва турмушнинг қулай, инсон талабига лойиқ шарт-шароитлари яратилди. Зур меҳнат маҳсулни булган бу хайрли юмушлар 1951-1967 йилларда руёбга чиқарилиб, босмахонанинг янги-янги цехларини очишга имкон яратди, корхонамиз етакчи босмахоналар сафидан урин олди.

Иккинчи босқичда эса янги цехларга замонавий техникалар урнатилиб, уларнинг қулай технологияси ишлаб чиқаришда узлаштирилди. Асосий юмуш ва амаллар автоматлаштирилди, янги технология жорий этилди ва талабимизни қониқтираманлари қайта таъмирланиб, такомиллаштирилди. Жамоанинг меҳнат ва турмуш шароитлари тобора янги погоналарга етадиган даражада ривожланаб борди. Бу босқич 1968-1975 йилларни қамраб олди ва у концерннинг ҳозирги булинмалари ва тармоқларининг асосий шаклланиш даврини тула намоён этиши билан алоҳида аҳамият касб этади, десак түгри булади.

Учинчи босқичда газета ва журнал ишлаб чиқариш жараёнлари мажмуи режалар асосида автоматлаштирилди, журналлар ва китоблар ноширчилигига фото йўли билан ҳарф териш технологияси жорий этилди, ёрдамчи юмушлар ҳам механизациялаштирилди ва газеталарни чоп этишининг прогресив оффсет усули узлаштирилди. Ишлаб чиқариш цехлари янги технология талаблари асосида реконструкция қилинди. Неча миллионлаб нусхада, қалин китобларни муқовалайдиган машиналар курилиб, унинг замонавий технологияси — қаттиқ муқовали китоблар тайёрлаш технологияси йўлга қўйилди. Бу юмушлар жамоамиз ишбилармонлари томонидан қисқа даврда моҳирлик билан ишлаб чиқаришга тадбиқ этилди.

Узбекистон истиқболи эълон қилингандан сунг кечган 5 йил ана шу сунгги босқичнинг ўзига хос давоми булиб, бу давомийлик мавжуд техникиявий-технологик негизда жаҳон матбаа саноати энг

замонавий намуналари узлаштирилиши, булинмаларда асосан тижорат хизматининг амалга оширилиши, ақоли ва ташкилотлар буюртмаси асосида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг давом эттирилиши, чет зл тадбиркорлари ҳамкорлигига құшма корхоналар туиши ва бушаб қолған маъмурий биноларни ижрага бериш эвазига қүшимча маблаг топилиши сингары күнимиз ва давримиз талаби туфайли бекінес узгариб турувчи жараёнларни үз ичига олади.

ДАВРИЙ МАТБААЧИЛИК ОДИМЛАРИ

Бұртма матбаа технологиясига мослаштирилган газета ротация цехида олти ролли «ГА» газета агрегати, түрт ролли «ГАУ» узгарувчан газета агрегатлари ва бошқа бир қанча якка ролли босма машиналари пайдо булди. Илгари айтганимиздек, оффсет босма цехи бунёд этилди. Шундай қилиб нашариет босмахонаси бұртма матбаа билан бир қаторда оффсет босма технологиясидан ҳам фойдаланиш имкониятiga эга булди. Унинг имкониятлари ортади. Эндиликда күп рангли нашрлар оффсет машиналаридә чоп этиладиган булди.

Бұртма матбаа цехида юқори унумли «Виктория-1300», «3—РК», «ПРЛ», «Виктория-Фронт» босма машиналари үрнатылды, стереотип булинмасидаги мураккаб жараёнлар механизациялаштирилди. Рисолаларни муқовалаш цехи биносининг реконструкция қилиниши ҳам жуда үринли булди, бу ерда ишлаб чиқаришнинг барча мұхым бүгінләри ва жараёнлары механизациялашиб, иш усули енгиллашты. Тажриба утказиш цехи қурилған, барча турдаги босма машиналар учун резина «жува»лар — валиклар тайёрлаш технологиясининг узлаштирилиши туфайли шу турдаги маҳсулотни четдан ташиб келтиришга барҳам берилди. Босма маҳсулотнинг сифати сезиларлы даражада күтарилиб, унинг таннархи эса анча арzonлаштирилди.

Күчли кондиционерлар ёз жазирамасида иш жойларига салқын ҳаво берадиган булди. Корхонамизнинг деярли ҳамма булинмаларига аста-секин техника эстетикаси кириб кела бошлади, ишлаб чиқариш маданияти сезиларлы даражада күтарилилди. Бундай янгиликтер ишчилар меңнат унумдорлығыннан анча ошишига, нашрлар матбаа ижроси сифатини бирмунча күтаришга имконият яратди.

Корхона фаолиятининг сифат ва миқдор курсаткичлари юқори даражага кутарилиб, ишлаб чиқариш жараенлари ва маҳсулот тайёрлашнинг ялпи самараси ортди. Эндиликда корхонамиз сермазмун, нафис булиб, ададлари купайиб бораётган газета-журналларни ўз вақтида чиқаришга, матбаа ижросини етарли даражада сифатли этиб таъминлашга қодир бўлди.

Эътиборга лойик бир мисол: реконструкцияга қадар бор-йуги бирйула адади 100 минг нусхага борадиган иккита журнал нашр этилар эди. Биринчи босқич тугагандан кейин эса 14 та журнал чоп этила бошланди, буларнинг бирйула адади 1,5 миллион нусхага етди. Биз бу уринда нашриёт чиқараётган журналлар ҳақида сўзламоқдамиз. Бу даврда босмахонанинг ишлаб чиқариш қуввати шу қадар ривожланиб кетдики, натижада давлат ташкилотлари ва идораларга қарашли деярли барча журналларни чоп этишини ҳам ўз зиммамизга олдик.

Яқин утмишнинг 60-, 80-йиллари ўзбек адабиёти ва санъатига янги истеъоддлар кириб келган, сўз санъатида, театр санъатида, тасвирий санъатда, кино санъатида, хуллас, умуммиллий маданиятда салмоқли асарлар дунёга келиб, ҳалқимизнинг маърифий даражаси сезиларли даражада ортган баракали даврdir... Корхонамиз тараққиёти ва равнақида ўқувчиларга газета ва журналларни ўз вақтида нафис ижрода тайёрлаб, етказиб беришга эришди. Ижодий меҳнати ва тадбиркорлиги оқибатида бу мақсадга тула стишиди. Ҳалол меҳнатимиз, гузал, сермазмун нашрларимиз ҳалқимизга манзурлиги, жамоамизнинг янги-янги уғқларга чорлаб келаётганини фикримизнинг ёрқин далили була олади.

Реконструкциянинг биринчи босқичи шароғати билан нашриёт босмахонаси маҳсулот ишлаб чиқаришни қаришиб олти баранар купайтириди. Саноат ишлаб чиқаришида банд бўлган ходимларнинг меҳнат унумдорлиги 236 фойизга ортди, маҳсулот таннархи 24,3 фойизга камайди. Ишлаб чиқариш ва ноширлик фаолиятидан тушаётган фойда сарфланаётган капитал маблағлардан уч баравар кўп булди, ишлар изчилик касб этиди.

Кўпчиликка аён эдики, амалга оширилган реконструкциянинг биринчи босқичи барча муаммоларни тула бартараф этолмасди.

Москвадан юбориладиган марказий газеталарнинг матрицалари кеч келарди, айниқса, ҳарорат паст бўлган кезларда тайёralар вақтида стиб кела олмасди. Газеталарни ўз вақтида чоп этиш учун зарур бўлган мутахассисларнинг стишмагани ва иш-

лаб чиқариш кувнатларининг старли бўлмагани сабабли газеталарни вақтида чиқариш графиги издан чиқарди. Шу боисдан ҳам газеталар укувчилар қулига белгиланган вақтда стиб бормасди.

Алока каналлари орқали собиқ марказий газеталар тасвирини қабул қилиб олувчи бўлимнинг ишга тушиши билан ишлаб чиқаришни қайтадан, янги технология талаби асосида таъмирлашнинг иккинчи босқичи бошланди. Россиянинг «Правда», «Известия», «Социалистическая индустрия», «Сельс-



Газетанинг янги сони
«Учирма» бўлди

кай жизнь», «Комсомольская правда», «Труд» каби күп ҳадли марказий газеталарининг фото ва босма формалари корхонамизнинг янги цехида тайерлана бошлади, бу янгилик уша даврдаги ижодий ва зарур счим эди.

Энди об-ҳаво инжиқлеклари, тайераларнинг учиш-учмаслиги билан боғлик қийинчилеклар газета нашр этиш графикага таъсир курсатмайдиган бўлди. Бирор-бир сабаб билан Москвадан газеталарнинг матрицалари қўшни республикаларнинг поїтхатларига жўнатилмай қолгудек бўлса, минтақамиздаги турдош босмахоналар учун корхонамиз шу фотоформалардан матрицаларни тайёрлаб, тезликла ҳамкорларга юбора оладиган шароит вужудга келган эди.

Яратувчилик, бинолар қуриш ишлари узлуксиз давом этарди. Реконструкциянинг иккинчи босқичида минтақадаги энг йирик ботиқ босма мажмуаси қурилди ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этилди. Шу туфайли «Гулистон» ва «Саодат» журналлари-

ни чоп этиш муддати икки баробар қисқарди. Айни вақтда буларнинг бадиий беzagи тубдан узгариб, кўп адалли ва бадиий иловалари рангли бўлиб, ижроси нафис ва жозибали даражага кутарилган. Уша йиллари энг салобатли нашрлар саналган бу икки журналнинг ташқи ва ички саҳифалари уқувчилар эстетик дидини ўстиришга нечогли ижобий таъсири курсатганини англаб олиш қийин эмасди. Афсуски, сунгги йилларда хом ашё танқислиги журналларнинг матбаа ижросига, эстетик беzagига сезиларли путур етказди.

Техника тараққиетининг маҳсулти бўлган ун хил ранг берадиган оғсет машиналари хузурида тугац автоматлаштирилган бўгиннинг тула узлаштирилиши туфайли 540 минг нусхада босиладиган «Муштум» ва болажонларнинг 805 минг нусхада чоп этиладиган «Ғунча» журнали босмахонада юқори сифатли тайёрлаб, уқувчиларга қисқа муддатда етказиб бериш имконини яратганди.

Олмониянинг «Пламаг» фирмасида тайёрланган оғсет босма агрегатларининг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши шарофатидан маҳсулот стиштириш кучи икки баравар ошди, вақтли нашрлар ўта тезкорлик билан тайёрланадиган бўлди. Бунинг оқибатида босма машиналарининг бригадирлари сони икки баравар камайди. Журналларни чоп этишга сарфланадиган маблаглар ҳажми камайиб, таннарх сезиларли даражада арzonлашди.

Буртма босма ва рисолаларни муқовалаш цехларида юқори унумли китоб-журналбоп босма ротация машиналари ўрнатилиб-узлаштирилгач, автомат йусинда саҳифаларни тахлаб оладиган линия жорий этилди. Ушбу линия тизимида китоб табоқларини чоксиз бир-бирига ёпиширадиган «Ротор-Биндер» мажмуаси ҳам бор. Хуллас, журналларни чоп этиш жараёнлари жадаллашиб, сарфланадиган вақт сезиларли даражада камайди.

Илгор техника ва технологияни жорий этиш туфайли кўп рангли тасвирий санъат маҳсулотларининг янги турларини узлаштириш имконияти туғилди. Гулқоғозлар, стол ўстига кўйиладиган таквимлар, оғсет қоғозда, ўстига пленка қопланган тарзда миллион-миллион нусхада чиқарила бошланди. Полихлорвинил пленкадан тайёрланган блокнотлар, ёзув-чиズув учун зарур буюмлар, нафис китобчалар, рангли буклетлар ва Шарқ шеърияти мумтозларининг асарлари, диёримиз шаҳарларининг ижтимоий дастури ва хусусий тарихидан ҳикоя этувчи китоблар нашр этилди. Бу каби китобларга талабнинг ўсиши эса нашриёт хузурида замонавий фотот

лаборатория очишни тақозо этди. Бундан мақсад журнал, китоб, албом ва каталоглар учун фотослайдлар ва сувратлар тайерлаб ишлаб чиқаришга күмаклашиш эди.

Корхонамиз ишлаб чиқариш ҳажмининг узлуксиз усиб бораётган муайян босқичда айрим цехлар жорий техникавий имкониятларимиздан анча илдамлаб кетдилар. «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент», «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда», «Учитель Узбекистана» каби янги газеталарда,



Таҳририятлар биноси
иша тушнади
арафасида.
И. Шогуломов,
Х. Юнусов ва
бошқалар (1974 й.)

нинг ташкил этилиши туфайли газета ҳарфлари ва саҳифалари териладиган цех биноси торлик қилиб қолди. Журналлар сони ва ададининг кўпайиши, шунингдек, тасвирий санъат асарларининг кўплаб чиқарилиши ҳам офсет цехида бир қадар қийинчиликларни юзага чиқарди. Буртма матбаа мажмууда қоғоз ва ярим фабрикатларни сақлаш учун майдон ташкил этиш зарур муаммо бўлиб қолди.

Фақат 1974 йилдагина, 16 қаватли таҳририят нашриет биносининг фойдаланишга топширилиши билан газета таҳририятларини жойлаштириш масаласи ижобий ҳал бўлди. Таҳририятлар янги бинога кучиб, эски хоналарни буштаттанларидан кейин бу нинг ҳисобига босмаҳонанинг кўпчилик цехлари ва булинмаларининг майдони кенгайди. Айрим журналларнинг таҳририятлари эса Узбекистон Давлат матбуот комитетининг биносидан жой олишга мажбур эйилар. Бу ҳол уларни матбаа ишлаб чиқаришидан узоқлаштириб, умумий ишга салбий таъсир этарди.

Янги курилишлар, эски биноларни реконструкциялаш туфайли нашриетнинг барча булинмалари ва булимлари ҳам бир жойга тупланди. Эски биноларни реконструкциялаш кезида таҳририятлар ва цехларга иссиқ ва совук ҳавони узатиб берадиган курилмалар бунёдга келди, пневмоючта таҳририятларнинг мусаххиллик булимлари ва котибиятларни газета ҳарфларини териш цехи ва саҳифалаш булинмаси билан боғлайдиган булди.



Сурратдаги турди
данда корхона
стаккиси бўлган
раҳбарлар ва
матбаачилар
эндилекда концерн
тарихининг азиз на
ъзозли фахрийлари
булиб қолганлар.
Х. Г. Маркоч,
Д. Д. Анненков,
В. Ф. Архангельский,
А. Б. Мазор ва
бошқалар (1971 й.)

Тошкент марказида оқ мармардан бунед этилган 16 қаватли бинонинг эгалланиши туфайли ижодий меҳнатга мос шароитларнинг яратилиши журналистларнинг кундалик меҳнат унумига ижобий таъсир этди, журналлар таҳририятларининг ишлаб чиқаришга яқинлашуви туфайли ускуналарнинг бекор туриш ҳоллари анча камайди. Пиронардида ортича чиқимлар барҳам топди.

Бир вақтлар газетачилар босмахона ва нашриетдан турт чақирим наридаги бинода ишлар эдилар. Таҳририятнинг навбатчи котиби ҳар куни муайян ишқада навбатдаги сон материалларини ва барвакт териб қўйилиши лозим бўлган мақолаларни босмахонага олиб келар эди. «Ҳарф теришга олиб бориб бер» деган ибора ҳозир қулоққа эриш туюлади, ҳатто уни тушуниш ҳам амри маҳоддай. Илгари эса бу суз уззукун эшитилиб турарди. Ҳозир эса

баъзан меҳнат фахрийлари оғзидан қўйидаги сұларни эшитиш мумкин:

— Эсингиздами, бир куни навбатчи котиб газетанинг бир сони материалларини фаромушхотирлик билан трамвайдага колдириб кетибди... Ана ўшанда ҳаммасини машинкада ёзиб қайтадан босганимиз, ҳарфини янгидан териб саҳифалаганмиз.

— Газетада навбатчилик қилганимиз эсингдами? Нашриетнинг учинчи қаватидаги тор хоначага



Яқиндагина юксак
масъулиятли
лавозимга
тайнинланган
ёш директор
Ислом Шогуломов
устозлари на дустлари
даврасида (1968 й.)

фанер тусиб қўйилган буларди, бир неча газеталарнинг навбатчи ва мусаххилари тайёр саҳифаларни шу ерда уқишар эди. Навбатдаги сонга алоқадор бўлган ходимлар ҳам шу ерда навбат кутиб уралашиб юришар, хуллас, қий-чув, тус-туплон...

— Юриб чарчамайдиган одам ким эди, денг, дастеримиз Вера Афанасьевна. У киши бир кунда қаватдан-қаватга қатнаб ун километр йул босиб, уйига бемадор булиб кетарди.

... Бу яқин утмиш хотиралари уша оғир давларни қайтадан едга туширади. Ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги номутаносибликлар ва ходимларга тутдирилган зўраки ноқулайликлар оқибатида газеталарни чиқариш графиги бузиларди, нашрлар уқувчига вақтида стиб бормасди. Материалларнинг сифати ҳам, газетанинг беҳаги ҳам кўнгилдагидек булмасди. Газеталарга қаҷон имзо қўйилар

ди-ю, улар қачон чоп этилиб, сотувга қачон қарди! Айримлар ҳозир ҳам бутунги кунга сира сира қиес қилиб бўлмайдиган воқеанинг эслаб юришади: республика газетасининг мухбири байрам солнига имзо чекмоқчи булиб ротация цехида юргизсан. Байрам тонги ҳам отибди, саҳифалар эса ҳамон тайёр эмас! Газетачи байрам намойишига ҳам бориб келибди, фақат пешиндан кейинги газетани чиқаришга рұхсат деб имзо чеккан экан. Бутарихдан эслаликлар. Ҳозирги кунда техника тараккىти маҳсулі — компьютерлар узлаштирилиб, газета тайёрлаш жараёнлари тубдан осонлашга.

Замонавий технология жараёнлари, ишни ташкил этиш услублари тұла тутгалланган газета мағлумасининг фойдаланишта топширилиши корхона тарихидаги энг мұхим воқеалардан бири булді: қаріп териш, саҳифалаш, фото ва матбаа қолиптарини тайёрлаш, собик марказий газеталар саҳифаларини алоқа каналлари орқали қабул қилиб олиш, газеталарни чоп этиш ва уларни экспедицияда жамлаш жараёнлари умумлаштирилиб, ягона мағлумага қамраб олинди.

Фотонабор жорий этилиши билан жуда катта сифат узгаришлари содир булди. 1995 йил бошига қадар ана шу прогрессив усул билан босмахонаштар барча журналлар, күргина нодаврий нашрларниң ҳарфи териладиган булди. Босма цехида «Госкоммюнити» деб аталган АҚШ фирмаси томонидан тайёрланган юқори унумли ротация оффсет машиналарининг узлаштирилиши туфайли журналлар ва китоблар оффсет усулида юқори сифатли этиб чиқариладиган булди.

Мұқова цехи замонавий ускуна билан жиҳозланди, «Ротор-Биндер» ва «Норм-Биндер» автоматик линияларининг узлаштирилиши туфайли «Шарқ ўлдузи», «Звезда Востока», «Партия турмуши», «Совет мактаби», «Узбекистон коммунисти» журналларини тайёрлаш муддатлари иккى баравар қисқарди, матбаа ижросининг сифати янги погонга кутарили.

Босмахонани реконструкциялаш чогида қолип тайёрлаш цехи бутунлай янгиланди ва замонавий, тезкор ускуналар билан жиҳозланди. Бланка цехи ва рулонли қозозни қирқиши булинмаси ҳам шу бинонинг кенгрөқ майдонларига қучиб утиши туфайли тобора кўп миқдорда маҳсулот чиқарадиган булди.

Газета чиқариш цехлари янги бинога ўтганидан кейин бушаб қолган 5 минг квадрат метрга якин майдон реконструкция қилинди ва эндилликда ки-

тоб-журнал ва тасвирий санъат асарлари чиқаришда фойдаланилмоқда. Собик газета экспедицияси урнида қалин мұқовали китоблар тайёрлайдиган мұқовалаш цехи үрнашди. Ушбу цехнинг лойиҳада белгиланған куввати ийлигә ун миллион нұсха китоб чиқаришга мүлжалланган. 1991 йилда қалин мұқовада уч миллион, 1992 йилда түрт миллион, 1993 йилда олти миллион, 1994 йилда эса етти миллион нұсқада қалин мұқовали китоблар чоп этилди. Юшық мұқовали күп рангли китоблар ва бошқа турлі босма нашрларни ишлаб чиқариш ҳажми 40 фоизга күпайди.

Сонға буюмлари, ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳам бир неча баробар ошди. Масалан, агар узок йиллар давомида республика озиқ-овқат ва деҳқончилик маҳсулотларини қайта тайёрлаш саноатлари мажмудалари учун қутичалар ва этикеткалар собик иттифоқнинг марказий шаҳарларидан ташиб келтирилған булса, эндилликда нашриёт босмахонасида бир гурӯх мұхандис-техник ходимларнинг рационализаторлик таклифлари жорий этилгандан кейин қутичалар ботик босма цехида — қайтадан таъмирланған эски босма машиналар ва бошқа ускуналарда оффсет усулида тайерланадиган булди. Ҳар бир йирик тарихий воқеа сингари «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг вужудга келиш ва ривожланиш жараёнлари узининг жамият ҳаётига уйғун умумий ва корхонагагина оид булған ички конуниятларига әгадир. Ана шулардан бири ва энг мұхими маълум техник-технологик жараёнларга корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятларига кура зарур янгиликлар киритиш ва улардан самарали фойдаланишдир. Бунинг учун эса мақсадлар аниқ, режалар асосли булиши керак. Биз бунга ярим аср давомида узлуксиз, астойдил амал қилдик, бунинг натижасида босмахонамиз ишончли, бир меъерда ишлайдиган корхоналар даражасига етиб олди.

Яратганга минг қатла шукрим, тутал мажмуда мизнит мақсадлари аниқ, режалари пишиқ, мұхими, мустақил юртимиз ва әркін нафас олаётгандан мінтақамиздаги истеъмолчиларнинг маҳсулотларга талаб ва эхтиёжи ҳамон баланд. Демак, замонининг қадр-қиммати ҳам сермазмун булади.

Урушдан кейинги давр талабига асосан 50-лар бошида ялпи маҳсулот ишлаб чиқарни арzonлаштириш ва босма нашрларнинг дий безаги ва техника ижроси сифатини юн погонага кутариш каби аниқ, ҳаётий вазифаданча цехлар, мутахассисларимиз олдига кундаладиб қўйилганди. Чунончи хужалик ҳисобига тушиш, иқтисодиётни мустаҳкамлаш, ишлаб чиришнинг юкори рентабеллигига эришиш учун гин бир неча йил ижодий изланиш, тадбиркор ва ишбилармонлик сирларини урганиш ва амаллаштириш зарур эди.

Босмахонанинг нашриёт билан бирлаштиришни хужаликни янгича юритиш учун катта иммиятлар яратди. Дарвоҷе, маҳсулот таннархини зонлаштиришдек муҳим курсаткични олайлик. Төририят, нашриёт ва босмахонадаги жараёнларни мунтазам такомиллаштириш, қоғоздан ва маҳсулот таннархи арzonлашди. Бунинг учун Ресидан сотиб олинадиган қоғоз ва матбаада иштиладиган бошқа материаллар сарфи сезиларлиражада камайтирилди. Қоғоздан ортиқча чиқит қадирмасдан фойдаланиш усулининг қўлланинг асосий хом ашени тежаб қолиш имконини яратди. Чиқит қоғозларни тежаб, тахлаб, улардан турли буортмалар чиқариш технологияси йўлга кўшиди. Бинобарин қоғоз бичими буортма ҳажмига мекелиши учун буортма ҳужжатларини тайёрлаш раёнida технолог-муҳандислар томонидан янги прессив усулага амал қилинадиган булди. Ролли ғозни қирқиша, картон ва муқовабоп материалларни бичиш жараёнларида ҳам сарфланадиган хоашелар ишбилармонлик билан тежаладиган булди. Муҳандис-техник ходимлар матбаа машиналарида оқилона фойдаланиш, ҳар сменанинг фойдали икоэффициентини купайтириш усувлари бобида ишчил изландилар ва ижобий таклифларини ишчиқаришга мунтазам жорий этиш билан корхонамизга сезиларли фойда келтириб, узлари ҳам шасий манфаат курадиган булдилар.

Бу фойдали тадбирлар йўлида замонавий техника ва янги технологиянинг жорий этилиши, меълумлашни тартибга тушириш, иш вақтининг бехуд

сафланишини қисқартириш туфайли 1960 йилнинг 1 сентябридан бошлаб 7 соатлик иш кунига утилди. Тадбиркорлик билан амалга оширилган бурежалар иш кунининг қисқаришига қарамасдан умумий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини сақлаб қомиши имкониятини яратди.

Реконструкция бошлангандан сунг тахминан 10 йил утгач, корхона икки миллион сўмлик маҳсулот тайёрлайдиган булди. Бинобарин бу вақтда ишловчилар сони 2.5 баравар ортган булса, маҳсулот ҳажмий турт баравардан купрок булди. Асосий фондларнинг қиймати 2 миллион 170 минг сўмга етди. Бу ҳисобга асосан янги объектларни куриш, тажриба ва оффсет цехлари учун ускуналар сотиб олиш хамда ишлаб турган цехларни замонавий техника билан жиҳозлаш каби амалий тадбирлар киради.

Ихтисослаштириш дастурларини ишлаб чиқаришга тадбиркорлик эттириш билан бирга нашриётимизда 1967 йилнинг 1 январидан бошлаб хужаликни режалаштириш ва ишчи-хизматчиларни иқтисодий раббатлантиришнинг янги усулига тушиш туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш самараси анча ортди. Бир йил илгари, 1966 йилнинг бошида цехларда бу режаларни амалда таъминловчи гурухлар тузилган эди. Шундан сунг янги техника-иқтисодий имкониятларни қидириб топиш жараёнларида бутун жамоамиз иштирок этди десак булади. Илгор техника ва замонавий технологияни, меҳнатни илмий асосда ташкил этишни, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш тадбирлари орасида қоғоз чиқинидиларидан самарали фойдаланишга мулжалланган бир неча қимматли таклифлар ҳам тезкорлик билан амалга оширилди.

Қоғоз, картон ва муқовабоп материалларнинг чиқинидиларидан кутлаб ҳалқ истеъмоли маҳсулотлари чиқариладиган булди. Турли ҳужжатлар ёзиладиган варакалар тайёрлайдиган цехнинг очилиши муносабати билан бу ерда майда ҳажмдаги, лекин шошилинч буортмалар чоп этила бошланди. Бунинг оқибатида катта машиналар урнатилган асосий цехлар бундан кам фойдали, унгайсиз буортмалардан холи булиб, мураккаб ва серфойда нашрларни чоп этиш, унумли меҳнат жараёнларини қуллаш имкониятига эришдилар.

Уша йиллардаги амалга оширилган тадбирларни эслар эканмиз, қоғоз чиқинидиларини йигишираш, саралаш ва қоғоз фабрикасига топшириш ишларининг маҳсус булинмаси очилганини ҳам алоҳида айтиб тушиш жоиз булади. Илгари чиқинидиларни кайта тайёрловчи ташкилот бизга бир тонни

қоғоз чиқиндиси учун 20 сүм тулар эди, биз кўрсак ҳам, аксарият фойда шу идора ихтиер қолар, ҳолбуки, у аслида чиқиндиларни Тошкен қоғоз фабрикасига ташиб берар эди, холос, биркорлик оқибатида үзимизда ихтисослашган линманинг ташкил этилиши билан илгариги ҳарлар қопланиб, яна қушимча 150 минг сүмлик илк фойда нашриет ҳисобида қоладиган булди.

Асосий цехлар иқтисодий аҳволини ҳар томлама урганиб, уларни ҳужалик ҳисобига утка ишларни ржалаشتариш ва ходимларни иқтисодирагбатлантиришнинг янги тизимини жорий борасида энг муҳим ва ижобий тадбирлардан билди. Режа ва ишлаб чиқариш бўлинмалар юртмачиларнинг истакларини ҳисобга олиб, келси ойдаги ишларнинг ҳажми ва турларини ани белгилаб, иш билан бандликнинг кўрсаткичла ҳам биргаликда ишлаб чиқариш тармоқларига жалаб юбора бошладилар. Қуйи жамоаларда қушимча тарзда тушумлардан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самараదорлиги бўйича янги курсаткичла ржалаشتариладиган булди.

Бундай шароитда ишбилармонларнинг иштироқлари кучайтирилди: улар ҳар ҳафта бўладиган ишлаб чиқариш йигилишларида режа билан цехлар белгиланган мўлжалларнинг бажарилиши натижаларини ҳайъат аъзоларига маълум қилиб турди. Шу йигилишларда цехларнинг бир меъерда ишлашга таъминлайдиган аниқ тадбирлар ҳам белгилаб олиниадиган булди ва бу зарурий усулага айланди. Янги усулага амал қилинган биринчи йилнинг үзидаги сотиладиган маҳсулотнинг ҳажми 20 фоизга, меҳнат унумдорлиги 15,6 фоиз, моддий рагбатлантириш фондидан туловларни ҳам ҳисобга олган ҳодода уртacha иш ҳақи 12,3 фоиз, олиниадиган соғ фойда 53,4 фоизга ортди.

Журналистлар, ноширлар, матбаачилар ва алқа ходимларининг баҳамжиҳат меҳнатлари туфайли газета ва журналларнинг адади муттасил ошиб борди. Янги нашрлар чиқа бошлади. Үқувчиларниң нигоми ижтимоӣ негизи кенгайди, диёримиз аҳолининг янги қатламлари бизнинг маҳсулотимиз туғайли республиканинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётига кенгроқ жалб этила бошлади.

Бунедкорлик бетухтов давом эттирилиши натижасида 1971 йилнинг июнида қиймати 9 миллион 514 минг сүмлик ботик босма мажмуаси фойдаланишга топширилган эди. Бу янги мажмуя энди ишларнига 735 минг сүмлик маҳсулотни қушимча ишлаб чиқаришга имкон берадиган булди. Айни вактда

маҳсулот таннархи 860 минг сүмга қимматлашиди (ускуна имортазацияси, бинолар, ҳавони янгила буриш тизимини сақлаш ва шу кабилар). Тайерланган бир сүмлик маҳсулотга илгариги 65,9 тийин ўрнига 79,5 тийин сарфланадиган булди. Ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги 19,5 фоиздан 5,3 фоизга тушиди. Шарқ назми мумтозларининг китоблари, столга қўпиладиган ва чўнтақда олиб юриладиган тақвимлар, янги либослар альбоми ва бошқа чирайди нашрларнинг миллион-миллион нусхада «Союзпечатъ» агентлиги орқали умумиттифоқ уқувчиши кўлига стиб боргани — буларнинг бадиий беъзаги ва матбаа ижроси юқори бўлганлигидан далолат берали, албатта. Сарфлар улкан бўлса ҳамки, бу жамоамизнинг ютуғи эди.

Маҳсулотимизнинг сифати тўгрисида уша даврда расм бўлган умумиттифоқ мусобақаси натижаларига қараб ҳам фикр юритса булади. Иқтисодий тафаккури ва сифат юқорилити учун нашриёт жамоаси бир неча бор мукофотлар билан тақдирланди. 1980 йилда матбаачиларимиз собиқ иттифоқдаги даврий нашрлар чиқарадиган матбаа корхоналари ходимларининг мусобақаси якунларига кўра пешкадалар корхоналар қаторидан муносиб урин олди.

Собиқ Иттифоқ Давлат матбуот қўмитаси, маданият ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси ва Матбаа саноати илмий-техника Жамияти раёсатларининг қарори билан 1966 йилда нашриёт босмахонасига «Ишлаб чиқаришнинг юксак маданиятили корхонаси» унвони берилди. 230 дан ошиқ ишчи-ходимлар орден ва медаллар билан мукофотланди, 38 нафар ходимга «Узбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими», «Узбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи», «Узбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи», «Узбекистонда хизмат кўрсатган курувчи» фахрий унвонлари берилди. Бу илгор мутахассисларга ҳамкасларининг меҳри тушган, улар жамоамизнинг фаҳр-иiftихори ва умидидир. Бу унвонларни мустақил Узбекистон Республикаси ҳукумити тан олди, тасдиқлади.

Собиқ СССР Олий Конғаши Раёсатининг 1976 йил 27 февралдаги фармони билан тўққизинчи беш йиллик топширикларини бажаришдаги муваффақиятлари учун нашриёт босмахонаси «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени билан тақдирланди. Бу юксак мукофот корхонамизнинг ярим асрлик туйига муносиб армутон булди.

Нашриётнинг ветеран-фаҳрийлари жамоаниниң жон ришталаридир, ҳозир уларнинг ташкилоти сафига 500 киши бор. 70-йилларнинг охири ва 80-йилларнинг бошида нашриёт директорининг сабиқ уринбосари, истеъфодаги подполковник Ф. А. Абдураҳмонов шу ташкилотнинг биринчи раиси буди. Уруш ҳамда меҳнат фахрийлари ягона ташкилотга бирлашганидан кейин нашриёт муҳандиси матбаа саноатида 1937 йилдан бери меҳнат қилинган келаётган, истеъфодаги подполковник С. Л. Могилевский шу ташкилотга раис этиб сайланди.

Кекса авлод анъаналарининг давомчилари – Ф. А. Абдураҳмонов ва С. Л. Могилевский ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва нашриёт анъаналарини давом эттиришга салмоқли ҳисса қушдилар. Ёлгиз яшайдиган, касалга чалинган фахрийлар ҳақида гамхурлик қилиш шу ташкилотнинг асосий юмушларидан биридир. Уша даврда биринчи бор – фахрийлар кенгашининг аъзоси А. И. Маркеловнинг ташаббуси билан нашриётнинг сабиқ бош расоми А. К. Ошайко ва стереотипчи Т. Н. Скородумовга ёрдам курсатилди. Меҳнат ветерани В. К. Чемадовнинг 100 йиллик тўйи бутун корхонада байрам бўлиб кетди, раҳбарият ва касаба ўюшмаси аъзолари, нашриёт раҳбарлари билан унинг уйиги бориб, оиласи билан бирга Владимир Константнович Чемадовнинг бир асрлик тўйини эсда қоларли қилиб утказишиди. У 103 йил умр куриб, 1994 йилда вафот этди.

Ветеранларнинг Галаба байрами ва янги йил арафасидаги учрашувлари жамоамиз учун анъанавий бўлиб қолди, бу йигинларда ишлаб чиқаришга оид масалалар билан бир қаторда ижтимоий муаммолар, жамоа ҳаётида фахрийлар ташкилотининг тутган ўрни ва келажакка мулжалланган дастурлари муҳокама қилинади. Фахрийлар кенгashi нафакалар тайинлаш, илгорларни фахрий унвонларга тақдим этиш учун хужжатлар тайёрлашда бизга катта ёрдам курсатмоқда. Фахрийларимиз Улуг Ватан урушида ҳалок бўлган жангчиларнинг оиласлари ва вафот этган меҳнат фахрийлари болалари холидан хабар олиб турибдилар. Кекса авлод турмушда ва ишлаб чиқаришда ортирган тажрибалари, ахлоқи пок ва фидойи одамларнинг ибратлари, қатъий кутиашлари билан узаро уртоқлашиб, бир писла чой

устиди юракларининг чигалларини ёзмоқдалар. Кекса авлод вакилларини бот-бот ёткоҳоналарда, болалар оромгоҳларида, ёшлар орасида куриш мумкин. Улар уз сафида 350 йигит-қизни бирлаштириб турган ёшлар ташкилоти раҳбарларига қулларидан келганича ёрдам беришяпти.

Оммавий жамоат ташкилоти булган касаба уюшмасида мингдан купроқ аъзо бор, бу ташкилот 1921 йилда тувиленган. Самарқанддаги халқчил матбаачиликпинг ташкилотчиларидан бири М. В. Морозов босмахонасида тайёрланадиган газетада ҳарф терувчи булиб ишлаган меҳнат қаҳрамони Т. И. Кирилло босмахона фабрика-завод комитетининг биринчи раиси булган эди. Фабрика-завод комитетининг собиқ раислари В. А. Баловнев, А. Н. Мұхамедов, Ҳ. Қ. Солихов, Қ. А. Аҳмедов ҳамда нашриётда ярим асрдан купроқ ишлаган, 30 йил мобайнида касаба кенгаши ташкилотининг котиби бўлган В. П. Казаков касаба уюшмасининг оммавийлиги ва фаолиятиниң мустаҳкамланиши йўлида кўп меҳнат сарфлаб, корхона тарихида салмоқли ва намуна буладиган из қолдирдилар.

Корхона равнақ топиб боргани сайин касаба уюшмасининг сафи ҳам усди. 1975 йилда маданият ходимлари касаба уюшмаси марказий раёсатининг қарори билан нашриёт фабрика-завод комитетига касаба уюшмаси район комитети ҳуқуқи, цех касаба уюшмаси булинмаларига эса маҳаллий комитет ҳуқуқи берилди. Улар меҳнаткашларнинг маданий-маиший эҳтиёжларини урганиш ва иложи борича бу талабларни қондириш, меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш, босмахона, нашриёт, газета ва журнallарнинг таҳририятлари ходимларининг фарзандларини согломлаштириш йўлида фойдали ва ибратли меҳнат қилдилар.

Нашриёт директорининг уша даврдаги хўжалик ва маиший масалалар буйича уринбосари Ҳамидулла Турсунович Юнусов билан касаба уюшма комитети ҳайъати аъзолари ҳамкорликда ишлаб, кўпгина хайрли ва савобли ишларни амалга оширедилар. Ҳамидулла Турсунович катта хўжаликнинг мураккаб тармогига моҳирлик билан бошлилик қилди, автобаза, согломлаштириш пункти, санаторий-профилакторий, мактаб ўқувчилари оромгоҳлари, болалар боғчалари, яслилари, умумий овқатланиш комбинати, клуб, кутубхона, ёткоҳоналар, спорт мажмуси, турли дуконлар ва ошхоналар фаолияти ҳамиша унинг дикқат марказида турарди.

Минг афсуски, «Малик» хұжалигининг мөхір раҳбари, иқтисод ғанндары номзоди, мамлакатимиз қишлоқ ишлаб чиқарышыннан намояндадағыдан би-ри Михаил Ефимович Красильников вафотидан ке-йин келган раҳбарларнинг лоқайдылыгы билан ҳам-корлигимиз сүстлашиб кетди.

Шунга имонимис комилки, яқында хұжалик рах-
бари этиб тайынланған тадбиркор, утюраки, шу
хұжаликда тарбияланған мутахассисларидан бири
Амирқұл Раҳмонановнинг иш бошига келиши шаро-
фати билан, иншооллох, ҳамкорликнинг вактинг
узилиб қолған иплари қайта бояланиб, азалий елка-
дошлигимиз худди уша даврдагидек үз изига туш-
ди деган холисона умидларимиз бор. Чunksи «Ма-
лик» ва «Шарқ» корхоналари жамоаларининг бегу-
бор қаблари ва дустона яқынларининг, ҳам-
корликда руебга чиқарылған сабобли мәннат ютуқ-
ларининг тарихий ахамияти иккى жамоа ешлары
үчүн ута үрнақлы ва бесқиес сабок булажак.

Амалиёт риштатарини янгидан боғлаб, дустлик биродарлик, ҳамкорликни замон талабига монанд даражада булишига эришиш йулида асл мақсадларни мүлжалга олиб, шериклик ва ҳамкорликда меҳнат қилишимиз иккала жамоа учун ҳам ута зарурдир. Корхонамиз фидойиларининг мақсади ва нияти ҳам бунга асос була олади.

Техника тараққиётини билимдонлик, ута үзкоклик билан идрок этиб, янги техника ва илгор технологияни ишлаб чыкаришга мөхирлик билан талбик эта оладиган билимдон мұтхассисларни етиш-

тириш корхонамиз ва умуман, жамоамизнинг диккат марказида турарди. 70-йилларнинг бошида амалдий ишда «кузи пишган» бўлса ҳам, лекин тегишли маълумоти бўлмаган, таълим ва назарий тайёргарликдан широк ходимлар эса жами мұҳандис-техниклар ланозимининг дсярли ярмини эгаллаб келар эди. Купгина булинмаларда олий ва урта маҳсус маълумогли мутахассисларнинг умумий салмоги жами мұҳандислик лавозимлари орасида нари борса 25 фойзни ташкил этар эди, холос. Бу, албатта, тараққиет пулидаги түсикларнинг асосийларидан бирри эди.

Даврнинг узи ҳам раҳбарият ва етакчи мутахассислар олдига янги талаблар қўйганди. Улар иқтисодиёт, ҳужалик ҳуқуқи, маркетинг, менежмент асосларини, бозор муносабатлари негизларини, ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқни, молиявий ҳуқуқни, валюта қонунчилигини обдон урганишлари зарурати туғилганди. Утган даврдаги муаммолар орасида энг жиддийси газета ва журнallарни чиқариш графигининг усаки бу сабабларга кура бузилиши бўлди. Биргина сунгти беш-олти йил мобайнидагина марказий даврий нашрларнинг 30 фойзидан купроғи кечикиб чиқди. Галдаги сонда босилиши шарт бўлган расмий материалларнинг ҳарф териш цехига уз вақтида келиб тушмаетганининг асосий сабабларидан бири ахборот воситаларининг кучси злигиде эди. Давлат ва ҳукуматимиз газеталари тула жамланган уша вақтда эса бирор-бир оммавий ахборот воситаси учун бундай материаллар хомакиларини олдиндан тайерлаб қўйиш, ишлаб чиқаришнинг ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олиб, газеталарни тезкорлик билан чиқариш усусларини куллаш зарур тадбирлар тизимиға кирад эди.

Бу масала юзасидан матбуотда чиқишлиар қилиб, зарур ва жоиз мақола, ҳабарларнинг вақтида етказиб берилиши корхона иқтисодини мұтадил шартларидан асосийси эканлигини бот-бот уқтирасак-да, тегишли ва манфаатдор идоралар ва хизматлар, ҳусусан УзА ва газеталар таҳририятларининг котибиятлари бу ута мұхим масалага юқоридан буладиган мададга ишониб, панжа орасидан қарашар эди.

Бундай ноурин муносабатларга қарамай, босмахонамиз жамоаси газеталарни белгиланган вақтдан кечиктирмай чиқариш учун қулидан келган барча ишларни амалга оширншга одатланганди. Ҳозирги даврда ҳам шундай. Аммо Узбекистон Алоқа вазир-

лигининг почта корхоналари техникавий жиҳатдан дуруст жиҳозланмагани сабабли ҳамиша нашрларни ўз вақтида саралаб, узоқ туманларга вақтида жунатишга улгургаётгани йўқ. Оқибатда газета ва журналлар ҳозир ҳам купинча ўз ўқувчиларига кечикиб тегмоқда.

Бу борада янги газета мажмuni ва бошқа корхоналарнинг тезкор ва тадбиркорлик фаолиятига умид боғлаган эдик. Лекин натижа биз кутгандек булмаганлиги сабабли, газета-журнал экспедициясини концерн тизимиға қайтариб олиб, уни янги техника билан жиҳозладик. Қувончли томони шундаки, у техника ва иншоотлар ишга туширилгандан кейин илгор техниканинг тезкорлиги оқибатида, сарфланадиган вақт қисқариб, газеталарнинг кечикиш ҳоллари сезиларли даражада камайди. Лекин айрим кунлари асосий мақолалар ўз вақтида келмаслиги, материалларни теришга жунатиш графитининг бузилиши ҳоллари айрим сабабларга кура ҳали ҳам аҳён-аҳёнда учраб туради.

Барча соҳада қилинадиган ишлар, ечилиши лозим булган муаммолар етарли, ҳалигача маҳсулот сифати ҳам, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми ҳам бизни тула қониқтираётгани йўқ. Афсуски, ҳоҳи-гоҳи технологиянинг талаб ва қоидалари бузилмоқда, газеталар ададлари тула босилмай қолган ҳоллар ҳам булиб турибди, баъзи булинмалар сменаларида маҳсулот ишлаб чиқариш коэффициенти паст, ускуналар сабабсиз бекор туриб қолмоқда, тартибсизлик натижасида айримлари бузилмоқда. Қоғоз ва ёрдамчи ускуналар етарли булмаганлиги оқибатида қул меҳнатига ҳали ҳам барҳам берилганича йўқ. Тайёр маҳсулотларни ураш, қоғоз қийқимларини йигиш ва саралаш тула механизацияшмагани ишга гов булиб туради.

Тармоқ раҳбар ходимларининг ҳар ҳафтанинг сесланба кунлари утадиган мажлисларидан бири нашриётимиз тарихида бурилиш даври булди, деб ҳисобласак тўгри булади. Корхонамиз ишлаб чиқариш жамоаларининг раҳбарларини, яъни бригадирдан тортиб, Бош директоргача булган лавозим згаларини сайлаб қўйиш ҳақида қарор қабул қилинди. Куп утмай шундай сайлов ҳам булди. Концерннинг ҳозирги раҳбари яқдиллик билан директорлик вазифасига қайта сайланди. У узининг меҳнат фаолиятини 1943 йилда матбаачилар билим юртига кириб, уни 1945 йилда битирганидан кейин нашриётимиз босмахонасида ҳарф терувчи, линотипчи-

ликдан бошлаган эди. Матбаа-нашиестчилик мутахассислигининг ҳамма жабҳаларидан утиб, олий маълумотли журналист ва фан номзоди деган илмий унвонга сазовор булиши билан бирга нашриёт директорлиги вазифасига кутарилди (1968 йил). Лекин 1984 йилда у асоссиз тарзда ўз лавозимидан ноконуний, зуравонлик билан қувгин этилди. Одил кишилар уша даврда олий вазифаларни эгаллаб турган Инъомжон Усмонхужаев, Раъно Абдуллаева каби фитна, игво, зугум ҳассасини суюнчик тутган раҳбарларнинг адолатсиз йўл тутганларини билиб туришарди. Бу адолатсизлик, тенгиз зуравонликлардан тоқатлари ток булган матбаачилар, ҳақиқат учун курашга бел боғлаб, голиб чиқдилар ва қадрдан раҳбарларини оқлаб, яна ўз вазифасига сайлов йули билан қайтишини таклиф этдилар. Мехнат жамоасининг янги кенгаши ва нашриёт партия, касаба ўюшмалари комитети сайловга пухта тайёргарлик кўриб, уни юқори савияда утказишга муваффақ бўлдилар. Мехнат жамоасининг холис максадга стишиш йўлидаги интилиши ва қатъияти туфайли адолат қарор топди. 1989 йил 22 июлда булиб утган меҳнат жамоаси конференциясида концерннинг собиқ ва ҳозирги Буш директори бир овоздан корхонанинг раҳбари этиб янгидан сайланди...

Айнан шу воқеадан кейин корхона тарихида янги босқич бошланиб, у 1989-1995 йилларда амалга оширилган ижобий ишларни, янгича ижтимоий ва ишлаб чиқариш муносабатларини ва концерннинг эртанги тақдирини белгиловчи истиқболли ва аник пойdevорга асосланган режаларни ўз ичига олади.

Гузал Тошкентнинг турли томонидан нигоҳимиз тушадиган марказида мамлакатдаги энг йирик матбаа корхонаси ҳақли равища виқор билан қад кутариб турибди. Эндиликда обру-эътибори ортиб, унинг даромади минг эмас, балки неча юз миллионлаб сумга етди, техника тараққиети бекиёс бўлиб, корхонада тайсрланаётган босма нашрларнинг ижро ва безак сифатлари мамлакат ва чет эл буюртмачилари томонидан юқори баҳоланиб, миллионлаб нусхаларда сотиб олинаётганлиги фикри-мизнинг асосий исботидир.

Даврий нашрлар, айниқса газетачилик матбаа-чилиги XX аср дунға матбаачилигига алоҳида эътиборга молик. Бинобарин, «Шарқ»нинг утмишдоши бўлган корхоналар ҳам айнан газета ноширлиги заруратидан ва шу соҳа негизида дунёга келган эди.

Газета ҳарфини териш цехи бой тарихга эга. Дастребаки ун йилликда газеталар қулда терилғаш булса, 1930 йилда ҳарф териш цехида учта линотип машинаси булиб, буларнинг ҳаммаси чет мамлакатларда тайёрланган эди. Аммо орадан бир йил ўтгандан кейин собиқ СССР матбаа саноатида бунед этилган дастребаки шундай машиналар келтирилди. Улар хориждан сотиб олинган машиналарга нисбатан бирмунча жўн ва кам маҳсулот берар эди.

Уруш бошланганини сабабли бу цехни ривожлантириш ишлари тухтаб қолди. Аксарият юқори малакали линотипчилар урушга жўнатилди. Иқтисадий тангликлар сабабли бир қанча газеталар ва журналларни чиқариш жараёни вақтингча тухтатиб қўйилди. Уша кезлар фақат «Қизил Узбекистон» ва «Правда Востока» газеталаригина икки саҳифада чиқиб туарар эди.

Уруш тутаганидан кейин собиқ аскар линотипчиларнинг айримлари босмахонага қайтиб келишибди, булар орасида жангларда оғир ярадор бўлган Билол Муминов ҳам бор эди. У ҳарбийлар касалхонасида даволаниб чиққач, босмахонамизда янгидан иш бошлади, кўпгина ёшларга ҳарф териш хунарини ўргатди. Газета ишлаб чиқариш цехларига кўплаб шогирдлар келишибди, вақт утиши билан улар устозлар кўмагида моҳир мутахассислар булиб этишдилар. Булар орасида Надежда Осина, Клара Малиновская, Анастасия Королева, Тулаш Музafferов, Тоғфик Абдураҳмонов, Самиқ Умрзоқов, Юнус Еқубов, Роза Минулина, Мунира Шафиулина, Анатолий Бектемиров ва бошқалар орасида ҳукмингизга ҳавола этилаётган рисола муаллифи ҳам бор эди.

Газета ишлаб чиқарадиган цехлар аста-секин янги ускуналар билан жиҳозланди. Фаолияти вақтингча тухтатиб қўйилган нашрларнинг кўпчилиги яна чиқа бошлади. Булар сафига янги ташкил этилган газеталар ҳам қушилиб, вақтли матбуот нашрларининг сони ва сифати йилдан-йилга ошиб борди.

Босмахонада иш кўпайиб боргани сари, вақтни тежаш ниятида графикларга қатъий риоя қилиш.

харф териш ва газеталарни саҳифалашнинг юксак сифатлиларига эришиб, газеталарни вақтида чиқариш учун бетиним ҳаракат бошланди. Қўл меҳнати аста-сскин камайиб бораверди. Вақт утиши билан маъдодаларининг сарлавҳаси йирик кегелли машинада терила бошлади. «НВК» деб аталган 28 та ҳарфларни саҳифалайдиган корректура станокларининг урнатилиши туфайли газеталарни саҳифалашдек муҳим технология жараёни ҳисобланган оғир меҳнат камайди, корректура учун нусхалар кучириш жараёни сезиларли даражада осонлашди. Материаллари терилган нимсаҳифаларни асраш учун цехларга кучма гранка реаллари келтирилди, шу боис саҳифаловчилар меҳнати ҳам анча осонлашди.

Жамоанинг истаги билан тайёрланган амалдаги дастуримизда кўзда тутилган шу таҳлилдаги ҳали очилмаган кўпгина имкониятлар топилиб ишга туширилганди. Аммо бу янгиликларни узлаштириш жараенини ҳали ишимизда мавжуд бўлган жиддий камчиликлар ҳам куриниб қолди. Бир қанча линотип машиналари ишнинг бир меъёрда ташкил этилмаганлиги ва бошқа сабабларга кура эрта билан бўш туриб, асосан соат 12 дан 20 гача иш билан дурустрок таъминланар, бу эса корхона иқтисодиётiga салбий таъсир курсатар эди. Ана шу каби ташкилий камчиликлар сабабли линотип машиналари ҳар ойда тахминан 1800-2000 соат бекор туриб қоларди. Шу таҳлилда иқтисодий истиқболни рескалаштириш ва меҳнатни ташкил этиш, иш ҳақи ҳамда ишлаб чиқаришни бошқариш бўлимлари ходимларининг линотип машиналарини иш билан тұла таъминлолмаганликлари сабабларини аниқлаш максадида бир гурӯҳ мұхандислар цехдаги меҳнат жа раенларини чукур таҳлил этдилар. Тайёрланган таҳлилларни урганиш оқибатида эътиборга молик бир қанча таклифлар тайёрланиб, мұхокамага қўйилди; Энг қимматлиси шу бўлдики, газета ва китоб-журнал цехларини бирлаштириб, ягона газета-журнал ҳарfinini териш цехини тузиш таклифи юзага келди. Бу иш ҳам амалга ошди, оқибатда машиналар тұла қувват билан ишлай бошлади. Аммо орадан бир неча йил утгач, қаршимизда янги муаммолар күндаланг бўлди. Бослаётган журналлар, рисолалар сони купайди, шу сабабли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ниятида журнал булинмаси шин қайтадан ташкил этилди. Энди бу булинмана мустакил цехга айлантирилди, газета материалларини териш цехига эса рисолалар ҳарfinini териш вазифаси ҳам топширилди, натижада ошиқча хараттар, сарфлар сезиларли даражада камайиб, иш-

чиларнинг маошларини ошириш имконияти яратилди.

Газеталар ҳарфини териб саҳифалайдиган линотип цехи жамоаси бутун куч-гайратларини 27 номдаги газетанинг материалларини териш ва саҳифалаш графигига қатъий риоя қилишга қаратди. Бу вазифани амалга оширишга қодир булган малакали кадрлар зарур эди. Лекин Тошкентдаги матбаачилар тайёрлайдиган ягона 2-хунар-техника билим юрти юқори малакали мутахассисларга булган эҳтиёжларимизни тула қондира олмас эди. Устига-устак шу билим юртини битириб кетган қўпчилик йигит-қизларнинг тайёргарлиги талаб даражасидек старли эмаслиги сабабли месъёр талабини тула бажара билмасдилар, чунки бу билим даргоҳининг ишлаб чиқариш негизининг бушлиги туфайли ёш ишчилар билим ва малакани тула эгаллай олмаган эдилар, бу эса ишга салбий таъсир курсатарди.

Тақдирнинг бекиёс тақозоси билан, камина ҳам «Астрободга» бадарга этилиб, 1984-1989 йилларда билим юртида меҳнат қилганмиз. Турт йил давомида кўпгина кўрилган аник тадбирлар оқибатида ҳамда нашриётимиз ёрдамида билим юрти босмахониси мустаҳкамланди: янги бинолар қурилиб, замонавий матбаа ускуналари билан жиҳозланди. Урнатилган 12 та линотип машиналарини таъмиранни таънидида эҳтиёт қисмлар ажратилди. Таъмирчилар эски машиналарни усталик билан янгидек этиб созлаб бердилар. Ҳозирги даврда билим юртида укув жараёни сифати кутарилди. Янги машиналарда, устоzlари ёрдамида укувчилар дуруст тажриба ортироқдалар. Корхонамиз цехларининг ишчилари ҳам ушбу билим масканини битириб чиқувчиларга эътиборни кучайтиридилар, уларга касб-хунар сирларини ихолос билан ўргатмоқдалар. Нашриёт жамоаси бой иш тажрибасига эга, шу боисдан у ёшларни республикадаги энг кекса матбаа корхонасининг шонли анъаналари руҳида тарбияламоқда.

Билим юртини битириб, 1945 йилда цехга келган йигит-қизларнинг тақдири қандай кечганини билиш қизиқарли бўлса керак. Уруш даврининг аччиқликларини бошидан кечирган ёш мутахассислар билимга чанқоқликлари, тезда ҳунар ўрганиб, уста булиб стишиш учун жон-жаҳдлари билан тиришардилар. Шунинг учун ҳам уларнинг аксарияти ўз устида ишлашлари оқибатида йиллар утиб, зур тажриба ортириб, эндилиқда матбаачилик касбни тубдан эгаллаб, йирик тармоқларга раҳбарлик қилиш билан бир вақтда ёшларга ҳунар афзалликларини ўргатиб, уларга устоzlик ҳам қилмоқдалар.

Собик линотипчи Тулаш Музаффаров кўп йиллар газета ҳарфларини териш цехига бошчиллик қилиди, узининг билимдоңлиги, меҳнатсеварлиги оқибатида у «Ўзбекистонда хизмат курсатган маданият ходими» фахрий унвонига сазовор булди. Ҳарф тेरувчи Юнус Еқубов сиртдан ўқиб, Москва матбаа институтини тутатди, анча вакт нашриёт техника булимига раҳбар бўлиб ишлади. Товғик Абдурахмонов эса уз билимдоңлиги, ишбилармонлиги туфайли жамоада эътибор орттириб, газета материа-



лини териш цехи бошлигининг уринбосари лавозимига кутарилиб, ярим аср давомида ҳалол меҳнат қилиди. Фахриддин Йулдошев, Нұғмон Ваҳбов, Зиринча Умрзоков ва Баҳром Шоёкубов газета ишлаб чиқаришининг забардаст усталари бўлдилар. Улар унлаб ҳарф тेरувчи моҳир мутахассисларни етишилар. Ёшларнинг энг идрокли мураббийлари орасида Антонина Суздальцева, Любовь Светункова, Роза Миниулина, Самиг Умрзоков, Собир Соатов, Мария Иванова, Яков Броцкий, Азиз Обидов, Рафқат Гарипов, Александра Чемес, Раиса Петрико, Мунира Шафиулина, Хумайра Супиҳужаева, Мариям Мирзажонова, Обиджон Мирзажонов, Анатолий Бектемиров, Клавдия Петрова, Сулаймон Худойқулов, Владимир Мирончук, Евгений Хен каби юнлаб уз ҳунарининг фидойилари булган мутахассисларни ҳурмат билан тилга олсан арзиди.

Корхонамизнинг кўп миллатли, меҳнатда тобланган жамоаси 1966 йилдаги Тошкент зилзиласи оқибатида юз берган фожиали даврда ҳам ахил-

Венгриялик
матбаачилар
корхонага ташриф
буорган палталар
(1972 йилнинг
августи)

иноқ булиб ишладилар. Илгари айтиб утганимиздес, табиий оғатдан кейин иккى ой үтгаш, тұртта янгидан ташкил топған газеталарни чиқаришга киришилди. Бу нашрларни чөп этиш үтүн құшимча матбаа ускуналарини үрнатишига түгри келди. Зудлик билан ёш ишчиларни тайёрлаш зарурати туғилған эди. Газета цехтарини малакали ишчилар, бириңиң галда линотипчилар ва сақиғаловчилар билан таъминлаш үчүн ҳунар-техника билим юртнинг устахоналари көнгайтирилди, үзимизда ҳам ёш ишчиларни үқитадиган маҳсус тайерлеров гурухлари ташкил этилди.


Собиқ иттифок матбаачилари жамоамизга дүстона әрдам бердилар. Зилзила содир булиши билан оқ ленинградликтер олтита янги линотип машиналари ва бошқа күргина ускуналар юбордилар. Ҳунар-техника таълими Бутуниттифок қумитаси ҳунар-техника билим юртлари курсларини битирает-ған үқувчиларнинг бир гурухини ишлаб чиқариш практикасини шу ерда утиб, сүнг доимий ишлеш үчүн босмахонамизга юборди. Москва, Ленинград, Тбилиси, Олма-Ота, Рига, Минск, Уфа, Калинин ва бошқа шаҳарлардан корхонамизга 50 нағардан ортиқ малакали мутахассислар келишиб, кадрлар танқислиги сабабли юз берәсттеган муаммоларни бартараф этишда жамоамизга сезиларлы әрдам курсатдилар. Биз ҳамкасларимизнинг бу тарихий биродарларлари, ғамхұрлыкларини хеч унутмаймиз.

Уша даңыра босмахонамизга шогирд булиб келген түрли миллат фарзандлари вояга стиб, эндилиқда үзләри ёшларга устоздирлар. Ҳозир газета материалларини теріш цехида күргина миллатларнинг намояндалары ишламоқдалар. Ишчиларга шу мұраккаб іқтисодий даврда ҳам концерн қурған үйлардан янги, шинам хонадонлар берилепти. Корхонамиз ходимлари уз фарзандларини мактабгача тарбия муассасаларига, болалар оромгоҳларига навбатсиз, имтиёзли тарзда юборадилар. Ҳозир ҳадам олиш үйлари, санаторий-профилакторий жамоамизга хизмет курсатапты.

Давр утган сари ҳаest үзгариб техника тараққиети ривож топмоқда. Эндилиқда компьютерда ҳарф терішгә утиш туфайли корхонанинг юқорида зикр этилған цехларда илгари кечгән нохуш воқеалар, мұраккаб жараенларни жүнлантиришнинг узи ҳам тарихга айланди. Мана, иккى йилдерки, IBM руслумли компьютерларыда газета-журналлар, китоблар материаллары терилестір. Ишлаб чиқариш тизимида самарадорликнинг ортиши баробарда газеталарнинг безакдорлығы, матбаа ижроси бекітес ортиб

бормоқда. Аввалинда иккى-үч хил құйма ҳарфлардан фойдаланылған бўлса, бу миқдор эндилиқда 3-4 марта ортди. Журналлар ва китоблар сақиғалари ҳам шу замонавий, тезкорлик усулида тайёрланаёт-тир.

Концернимиз босмахонасининг сүнгти 3-4 йилда уттан даври жағон матбаачилиги техникаси ва технологияси билан тұлиқ қоролланиш йиллари булади. Компьютерда ҳарф териш цехининг ташкил этилиши бир қанча цех биноларини, хоналарни буша-



тиб, умуман фойдали ишлаб чиқариш майдонини тиімділштиришга, концерн таркибида әрдамчи корхоналар, хорижлик ҳамкорлар билан құшма корхоналар очишга имкон түтдирди. Улардан олинган фондалар эса корхонанинг техника ва технологиясини янада тақомиллаштириб бориши заминини ҳозирлайдын имкониятларни яратып бермоқда.

Газета-ротация цехи
Узбекистоннинг
аҳборот маданияти
зұваласы
пишириладын
оюза даргоҳларидан
биридир

МУҲАРРИР НАШРНИ ЧОП ЭТИШГА ИМЗО ЧЕКДИ...

А сримизнинг йигирманчи йиллари босмахона эндиғина оёққа турасетган кезларда газета ротацияси шехи қандай аҳволда бўлганилигини тасаввур этиш, ҳозирги ёшларга анчагина кийин. Асли олганда, бу цех ҳам эмас эди: утли-шудли 8 кишидан иборат бригаданинг бошлиги А. Гросс йиллартиб бу ўзининг биринчи раҳбари булган эди.

Бу бригада уша вақтда ягона ҳисобланган, чёт элдан келтирилган «Альберт» ротация машинаси ишлар, бу дастгоҳ эса ертулада урнатилган булинилди. Қолип тайёрловчи стереотип булинмаси ҳам шу сро́да жойлашганди, ҳозир бу ерда ошхонамиз омбори жойлашган. Тарихий даврларни ёдга олганда биз Зайнуддин Ҳакимов, Одил Қиримтоев, Вадим Шаригин, Георгий Ванюков, Георгий Гример сингари қалдиргоч матбаачиларнинг исми-шарифларини хурмат билан эслаймиз.

Босмахонада ишлар бирмунча эпақага келган давр — 1929-31 йилларда матбаачи Георгий Корневич Гринев ротация цехига бошлиқ этиб тайинланди. У матбаачиликда кузи пишган мутахассис эди. Аммо Улут Ватан уруши бошланиши биланоқ ужангга кетди. Одил Қиримтоев, Георгий Ванюков ҳам жанггоҳга отландилар. Улар афсуски, ишхонага қайтиб келишмади. Шу йилларда улар урнигаш ёш шогирлар келишиб, жанг жадалга кетганларнинг шонли анъаналарини давом эттириш ҳаракатига қушилишди. 1941-1945 йиллардаги киргин даврида уруш ортида қолганлар учун ҳам ниҳоятда оғир кечди. Газеталар хом ашё танқислиги, техника камёблиги сабабли жуда оз ҳажмда чиқарди. Урушдан кейинги давр ҳам жуда оғир кечарди. Шундай оғир йилларда ҳам фидокор матбаачилар газеталарни бир амаллаб чиқариб турардилар. Газеталардаги оташин мақолалар халқни душман устидан галаба қозонишга, урушдан кейинги тинчлик давридаги шиддатли меҳнатга отлантиради.

Уруш даври ва урушдан кейинги қийинчиллик йилларида «шарти кетиб парти қолган» унумсиз ускуналарда газета, журналларни чоп этишга түрги келарди. Саҳифалар мураккаб жараёнлардан утиб, 10-12 соат деганда босмага тайёр буларди. Бунинг устига материаллар купинча кечикиб келар, оқибатда газеталар келгуси кун оқшомида босмадан чиқар эди.

Утган йили Буюк Фалабанинг қутлуг эллик йилларидан

лик байрами муносабати билан Узбекистонимиз халқи, жумладан биз ҳам корхонамизнинг уша йиллардаги мардана меҳнатига, оталаримиз, устозларимиз жасоратига бир назар ташладик. Чунки уша йиллардаги уруш ва фронт ортида намойиш этилган меҳнат ва матонат намуналари, фидойилик келгуси ашодларга ва келажак асрларга татигуликлигини ҳаммамиз чин дилдан яна бир бор бутун вуждимиз билан ҳис этдик.

Утган давр тарихига бир назар ташлар эканмиз, 1933-1938 — уша суронли йилларда қурилган Тошкент полиграфия комбинати юртимиз матбуоти эҳтиёжларини қондироладиган даражадаги ягона матбаа корхонаси эканлигини яна бир бор сезамиз. Маълумки, янги комбинатнинг тизимиға пойтахтдаги барча нашриётлар, босмахоналар ва таҳририятлар бирлаштирилганди. Афсуски, уруш ҳар соҳадаги каби комбинат, умуман матбаа ва матбуот ривожига ўзининг ута салбий таъсирини утказди. Жанглар ҳалқасида қолган завод ва фабрикалар собиқ иттифоқ ичкарисидаги шаҳарларга қутирила бошлиди. Урушда моҳирона жанг қилиш учун тегишли куроласлаҳаларни ишлаб чиқариш учун талабга мос келадиган майдонлар зарур эди.

Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига кура, Тошкент матбаа комбинатининг биноси Москва вилоятидан кучириб келтирилган авиация заводига берилди. Заводнинг ердамчи булинмалари эса комбинат босмахонаси бушатган биноларни эгаллади. Авиация заводи маҳсулотининг фронт учун нечогли зарурлигини англаб етган наширёт, таҳририят ходимлари, матбаачилар куч-куватларини аямай, кечакундуз ишлаб, матбаа корхонаси ускуналари ни «Правда Востока» газетаси босмахонасининг эски биносига кучириши. Газеталарнинг таҳририятлари ва нашриёт-бошқаруви ҳам шу бинога кучиб утган эди. Газетанинг ҳам фронт учун, ҳам муқаррар парлаба учун, ҳам фронт ортидаги ҳалқнинг бирлиги учун нақадар аҳамиятли эканини ҳис қилиб, зудлик билан кундалик нашрларни чоп этиш асан ийлга қўйилди, десак булади.

Уша кезларда нашриёт, таҳририят ва босмахонанинг деярли барча юқори малакали мутахассислари урушга кетишганди. Уларнинг аксарияти жонтоҳларда мардана қурашиб, истиқлол учун жонларини фидо этдилар. Шаҳидлар хотираси учун концерни ховлисида ёдгорлик урнатилган булиб, ҳалок булғанларнинг эъзовли номлари мармар тошга билгани.

Мен айни Фалаба йили — 1945 йилда матбаа

екистон»).
ира уша
ади. Жур-
мақола-
ган газе-
уруш ва
туйғуси
, ҳаётдек
каб эмас.
да момо
маданий,
асича ва
артирган
сак мада-
га келди,



ўкув юртими битириб шу корхонага ҳарф терувчи бўлиб ишга келганман. Иш стажим ғалаба билан тенгдош. Шунданми ёки бошқа сабабданми уша йиллардаги газетчилик, фидойилик, мустаҳкам интизом ва раҳмдиллик мен учун ўта яқин ва дардли-дир, суюклидир. Илк бор ўзим терган мақолалар, шеърлар ҳам уруш ҳақида булган. Устоз Мақсуд Шайхзоданинг «Шу соат...» шеъридаги ушбу мисраларни унугиб буладими?

*Минг аср ҳам қиласи
камлик —
Бир соатнинг саодатига,
Бир соатки — магзи
хуррамлик,
Бир соатки, тарих бетига
«Зафар» сўзин ёзди куп
йирик!*

(1945 йил 9 май, «Қизил Ўзбекистон»).

Ҳозир ҳам мураккаб иш орасида хотира ўша кунларга кетади. Тарих куз унгимда жонланади. Журналист биродарларимнинг утли-ҳароратли мақолалари битилган, давр утиб сарғайган, ситилган газета тахламларини варакълаб, уйга толаман, уруш ва меҳнат қаҳрамонлари хотирасини хурмат туйгуси билан ёдга оламан, худди ҳаммалари бор, ҳаётдек кўринадилар. Бу мангулик белгиси бўлса ажаб эмас.

Ҳадемай сафари қарийдиган асримизда момо Еримизнинг табиий, сиесий, иқтисодий, маданий, сиёсий-жургофий қиёфасини инсон иродасича ва инсоннинг орзу-истаклари йусинича узгартирган буюк қашфиётлар, нодир ихтиrolар, юксак маданият, мұтадил иқтисодий анъаналар дунега келди, улар идрок ва билимдонлик билан замин ва инсон хизматига жалб этилди.

Бу асрда башар тарихидаги инсонлар умрига завол бўлган энг қонли урушлар кечди, турли минтақаларда миллионларнинг ёстигини қуритган жантлар содир бўлди, бутун бошли ҳалқлар ва қатламлар маҳсус қамоқхоналарга ташланди, инсон болалари азоб чекди, қийналди, улиб кетди, тириклар эса ўтганларга аза очди.

Бу иккى кутбнинг урчугини ҳам инсон фарзандлари ўгириб турганди, она Сайёрамизни тараққиёт сари бошқарган ҳам, унинг нозик танасини бирбирига зуғум қила-қила зир-зир титратган ҳам инсоннинг бетавфиқ авлодлари эди.

Иккинчли жаҳон урушини, унинг асосий бугини булмиш собиқ СССРга қарши урушни келтириб

МУҲАРРИР НАПИРНИ
ЧОП ЭТИШГА ИМЗО
ЧЕКДИ...

чиқарган сиёсий, иқтисодий, мағкуравий омилларнинг мазмун-моҳияти хусусидаги, урушнинг қандай кечгандиги ва оқибатлари ҳақидаги барча ҳужжатлар, жараёнлар, якин ўтмишдаги ва ҳозирги талқинлари изчил урганилмоқда, башарият ҳақиқатни, жумладан охирги уруш ҳақидагисини билишга интилмоқда, бу ҳақдаги сўров ва истаклар газета ва журнallаримиз саҳифаларидан тобора кўплаб уринолмокда.



Ер юзида тинчлик ва барқарорликни сақлаш, давлатлар, минтақалар, қитъалар ва халқлар орасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш, урушларни келтириб чиқарувчи сабабларнинг энг асосийси — тараққиётдаги тенгсизликни, унинг сабабларини ва оқибатларини бартараф эта бориш умумбашарий тарихнинг бугунги бош масаласидир, десак түгри бўлса керак.

Фашизм устидан қозонилган Буюк Фалабанинг 50 йиллигига собиқ СССР халқлари, Ёвропа улкалари, Шарқ диёрлари ва Америка қитъаси давлатлари, хуллас Она Ер фарзандлари давримизнинг муносиб тухфаси билан келдилар, яъни навбатдаги жаҳон урушини келтириб чиқарувчи сиёсий ва иқтисодий маҳдудлик асослари емирилди, ялпи уруш

Куп йиллик меҳнат ва қасб удумларини, айниқса кундалик босма битиклардаги янгилек ва ҳароратни қалбларига сингдирган матбаачилар инок булишиди

келиб чиқиши мумкин бўлган минтақалар камайди. сабаблар майдони торайди. Аммо бутунлай барҳам топганича йўқ. Шунинг учун ҳам газеталарнинг кундалик саҳифаларида чечен, афғон ва бошқа қўпгин на минтақаларда давом этаётган тукнашувлар ҳақидаги мақолалар ҳали ҳам дунеда тинчлик барқарор эмаслигидан дарак бериб турибди.

Барчамиз ҳар йили ён-веримиздагиларни, жанг кечганларни, уруш мاشақатлари ва жудоликларини тортганларни, муштипар оналаримизни, отахонларимизни, ёшларимизни, фарзандларимизни улуг байрам билан кутлар эканмиз, Буюк Галабанинг нечоғли залворли қадри ва чексиз қурдати борлингини чин дилдан хис этамиз.

Зоро, Буюк Галаба байрами башар байрамидир.

Галабанинг буюк аҳамияти ўша йиллари «Қизил Узбекистон»да доим ёритиларди. Уша йилларда собик СССР таркибида бўлган Узбекистон Республикаси ягона давлатнинг бир минтақаси сифатида иккинчи жаҳон урушида бевосита иштирок этди. Газеталаримизда доим эътироф этилганидек, ҳалқимизнинг асл углонлари жон олиб-жон бердилар, қардош улкаларнинг шаҳру минтақаларида қамалда қолдилар, қитъанинг турли нуқталарида қуриб ташланган марказлашган улим қамоқхоналарида асирлик изтиробини чекдилар. Уша машъум йилларда оналаримиз, оталаримиз, болаларимизнинг туну-кун қули меҳнатда булди, қулоқлари «Галаба» сўзига интиқ бўлди, етим қолган болаларга ва сургун этилган ҳалқларга қадим еримиздан ва қалбимиз туридан жой бердик. Ўзимиз учун, қардош ҳалқлар учун, башарият озодлиги учун, турли ҳалқлар ва улкалар истиқолли учун Галабани яқинлаштиридик. Урушнинг даҳшатли йилларидаги машъум хабарлардан дили ларзага тўлган Мавлоно Ойбек «Ғазабдан қақраган куз, йиги келмайди сира» шаклидаги шеърини бошлаган ва уни: «Юрагимда йиглар Ватаним» дея улугвор эътироф билан туталлаган эди. Бу гаройиб бадиий кашфиёт — буюк қадрият — ҳар бир шахс, ҳар бир ҳалқ ва ҳар бир диёрнинг ботиний қурдатини ифода этарди.

Зоро, Буюк Галаба байрами ўзбек ҳалқининг ҳам ҳақли байрамидир.

Уша йиллардаги газеталарни варакласангиз, тарих бўлиб қолган мақолаларни ҳайрат билан ўқибиз. Уруш йилларида Ўзбекистонга бошпанасиз ва етим қолганлар, ишсиз қолган дастгоҳлар ва корхоналар, кўнгилни хира қилувчи хабарлар оқими оқди. Ўзбекистондан чақирилган аскарлар, шаҳидлар ва қаҳрамонлар, озиқ-овқат, қурол-аслача карвон-

лари Фарб томон тинимсиз кўчиб турді. Устоз Фурғулом уруш йиллари чоп этилган шеърларида нафакат етим болаларга, қолаверса, уксик жараенларга ва битмай қолган ишларга қарата: «Сен етим эмассан» дея далда берган ва «Кўзим усти, миннинг бошимга дурра» тарзида узбекона бағри кенглик ҳамда ҳамдардликни ифода этган. Етим болалар узбекона болажонлик ва меҳрибонлик ардогида жонларини асраладилар, парвариш топдилар. Вақти етиб, эсларини таниғанларида ўз хоҳишилариға



кўра Узбекистон фуқароси бўлдилар. Тириклар сағида тирикларга боғлиқ жараёнлар ҳам, мен бунда Ўзбекистонга кучирилган турли корхоналарни назарда гутаяпман, юртимизда қўним топдилар. Бояйтганимдек, янги матбаа комбинати биносиға самолётсозлик заводи кўчиб келтирилган эди. Қизиги шундаки, кейинчалик бу корхона ҳозирги Тошкент авиасозлик бирлашмасидек улкан корхона-нинг дунёга келишига, жумладан Ўзбекистонда мураккаб ва меҳнат сигими етилиб турган ишлаб чиқариш жараёнларининг томир отишига йўл очганди.

Зоро, Галаба байрами етимлар бошини силаган, дастгоҳлар ёнида тинимсиз ишлаб, голиблик танглайини кутарган, дунёвий ишларни кемтик қолдирмаган меҳрибон ва фидойи инсонларнинг кўнгил байрамидир.

Илгари, 40-йилларда Ўзбекистонда 200 дан ортиқ газета ва журнал ҳамда бошқа даврий нашрлар чоп этиларди. Уруш бошлангандан сўнг ҳарбий ҳолат заруратидан икки нашр «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталари икки саҳифада чиқа бошлади. Қолган газеталар вақтинча тўхтатиб қўйил-

Меҳнат ва уруш
фаҳрийлари
корхонанинг
эъзодаги тарихий-
маънавий
бўйлигидир

ган, матбаа ва матбуот ходимларининг деярли күпчилиги Ватан ҳимоясига отланган эдилар. Чиқиб турган газеталар жамоалари кам сонли, босмахонада ҳарфлар кулда иккита эски линотип машиналарида териларди. Совет Информация бюросидан, ТАСС ва ЎзТАГдан олинган, барча интиқлик билан кутган хабарларни таржима қилишида малақалар таржимонлар етишмасди. Шу боис таҳририятларда ва босмахонада кеча-кундуз иш борар, шунданми уларнинг бирлиги вужудга келган эди. Уша суронли даврда Ўзбекистоннинг етук ижодий кучлари ўюшиб ута мураккаб мавзуларни счиш йулидаги ҳаракат даврасига теран кириб бордилар. Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳдор, Гафур Гулом, Мақсад Шайхзода сингари етук адиблар теварагига истеъодли ёшлиар жамландилар. Ижодий талабчаник ва бадиий теранлик ортганилиги боис, юксак савияли асаллар дунёга келди, уларнинг купчилиги адабиётимиз мумтоз захираларига мансубдир. 1943 йилда оташнафас адиб Ҳамид Олимжон бошчилигига шоирларнинг «Ўзбек ҳалқининг узбекистонлик жангчиларга мурожаати» эълон қилинган, куп утмай, бу шеърий мактуб «Правда» газетасида ўзбек тилида босилиб чиққан, барча қушилмалар ва жабҳаларда жанг киластган улуғ юртимиз углонларига етказилган эди. Ёш истеъодлар, айниқса, Адҳам Раҳмат, Назармат, Эгам Раҳим ва Иброҳим Раҳим каби жанг курган ижодкорларнинг фронтдан юборган мақола ва шеърий мактублари юртни, галабани ва тинч ҳаётни соғинган минглаб узбекистонликларнинг қатъий иорда ва ишончини тараннум этарди. Бекобод металлургия заводи ва Фарҳод гидроэлектростанцияси долзарб қурилишларида бораётган бунёдкорлик ишлари билан ҳалқни таништириб турган матбуотимиз Сайд Аҳмад, Зулфия, Раҳмат Файзий, Ҳамид Гулом, Рамз Бобоҷон, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Раъно Узокова сингари истеъодларнинг меҳнат ва галабага даъватларини уқувчига етказиб, уларни воқеалардан ҳабардор этиб, далда берар, бир оз бўлса ҳам уларнинг кайфиятини хушнуд этиб турарди.

Икки отахон газеталарга муҳаррирлик қилган, таҳририятларда куп йиллар ишлаган етук журналистлар Ҳожиакбар Гуломов, Сиддиқ Ражабов, Абрам Александровский, Вали Галямов, Амин Умарий, Салоҳ Ҳасан, Ҳабиб Нуъмон, Шоаҳмад Шораҳмедов, Наби Юсуфий, Шербек Алиев, Бобош Маҳмудов, Фиес Ашуроловлар ута масъулиятли йиллар журналистикаси бешигини тебратиб турдилар.

Публицистикага, матбуотимиз ва адабиётимизга

бебаҳо ҳисса қўшган карvonбошилардан Шароф Рашидов, Иброҳим Раҳим, Зиёд Есенбоев, Степан Черник, Баҳром Раҳмонов, Иван Костиков, Рустам Абдураҳмонов, Рихсивой Саҳибоев, Валентин Архангельский, Аҳмад Исмоилов, Яхе Йулдошев сингари истеъодли адиб, матбаа ва матбуотнинг етакчи ташкилотчиларининг қўшган салмоқли улушлари тарихимиз саҳифаларидан муносиб ўрин эгалланган. Уруш арафасида, уруш йилларида ва ундан кейинги даврларда корхонамизга Насриддин Сайдалиев, Василий Архангельский, Филипп Идессис, Аким Мазор, Фёдор Леонтьев, Юнус Юсупов, Арон Сайдов сингари етук раҳбарлар етакчилик қилган булсалар. Борий Қамбаров, Соломон Могилевский, Дмитрий Коновалов, Александр Богданов, Нўғмон Ваҳобов, Қаҳдор Раҳимов, Рихсивой Раҳмонов, Вали Зоҳидов, Тўра Содиқов, Зикирилла Умрзоқов, Асқар Абдураҳмонов, Билол Муминов, Александр Шапошников, Тўлаш Музаффаров, Товфиқ Абдураҳмонов каби жанг курган ва фронт ортида меҳнат қилган матбаачилик фидойилари корхонанинг кейинги ривожига ҳам катта ҳисса қўшдилар. Урушдан кейин узбек журналистикасига кириб келган Холбек Ёдгоров, Қодиржон Узоқов, Тұлаган Соатов. Мақсад Қориев сингари истеъодли ижодкорлар кейинчалик адабиётда ва матбуот нашрларини юксалтириш ва ривожлантириш йўлида зур ижодиёт ва меҳнат намуналарини курсатдилар.

Чунончи, таҳририят ходимлари меҳнат фаолиятларини босмаҳонадан бошлаганлари сабабли мashaққатли жараёнларнинг осон кечишига, чоп этилаетган хабар ва мақолаларнинг хато ва нуқсонсиз чиқишида, ҳатто ҳарф териш жараёнида бирмунча секин кечалигига юмушда ҳам ёрдам беришар, гўё барча-барчалари Галаба кунини яқинлаштиришдек савобли ва умидли ишларда иштирок этиб, ёргу кунинг вактироқ чиқишига интилардилар, бундай фидойилик ҳаммада эртанги ёргу кунларга умид уйготарди.

Корхонада сақланаётган ҳужжатларнинг далолат беришича, хассос сўз санъаткори Абдулла Қаҳхор уша кезларда «Қизил Ўзбекистон» газетасида меҳнат Қилган экан. Дарвоқе, етук адибларнинг матбуот билан ҳамкорликда бевосита ишлаши газеталар тили бурролигини, ҳалқ дилига яқинлигини юзата келтирган эди. Давлат ва ҳалқаро аҳамиятга молик ҳужжатларнинг узбек тилига угирилиши жараснида ортирилган тажрибалар давлат тили мақоми берилган она тилимизнинг давлатчилигимизга тула хизмат кўрсатиш борасида ҳозирги кунда ҳам

қаламкашлар билимини оширишга ижобий таъсир курратмоқда.

Ўз тарихий тараккиети йулида, 75 йил давомида, айниқса асримизнинг 50—90-йилларида турличи ривожланиш босқичларини босиб ўтган «Шарқ» нинг бутунги қудратига ва салоҳиятига эришуvida собиқ жангчи журналистлар ва матбаачиларнинг меҳнатдаги матонати, раҳбарликдаги донолиги ҳам қўл келди. Ҳусусан, уруш даврида ва тикланиш йилларида жангтоҳ машакқатларини татиб кўрган Москва мудофааси ва бошқа жанглардаги жасорати учун икки марта «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирланган, кейинчалик дастлаб матбуотга, сунгра Узбекистонга узоқ йиллар раҳбарлик қилган раҳматли Шароф Рашидов уз тизимида бир қанча нуфузли собиқ марказий ва маҳаллий газеталар, турли журнallарни бирлаштирган нашриётга оталарча ғамхўрлик қилди. Дарвоҷе, Шароф Рашидов уз меҳнат фаолиятини босмаҳонада ҳарф терувчиликдан бошлаганлиги ҳам бежиз эмас. Корхонамиз пойтахтнинг кузга ташланиб турадиган ерида йирик, гўзал иншоатларга, мамлакат ва хорижий техникалар урнатилган бўлинмаларга, мўтадил хом ашё таъминотига, етук муҳандислар ва ижодий ходимларга эга ягона тугал нашриёт-матбаа мажмуига айланган. Мазкур тарихий, иқтисодий ва мъери-фий қимматга эга жараённи тұла-тұкис амалга оширишда, матбаачилар ва журналистлар орзусининг руебга чиқишида уруш қаҳрамонлари, уруш орқасида мардонавор меҳнат намуналари ва фидоийлик курсатган оташқалб жангги журналистларнинг бе баҳо тажрибалари кўл келди.

Собиқ СССР парчаланиб, Узбекистон мустақилликка эришгач, иттилоқдош республикалар уртасидаги куп йиллик иқтисодий алоқаларга сезиларли путур етди. Қоғоз таъминотининг чигаллашуви, бошқа зарур матбаа ашёларининг етишмаслиги ва тақчиллиги оқибатида газета-журналларнинг адади кескин камайиб кетди.

Ўз давлатчилигини мустаҳкамлаш йулида изчил бораётган Узбекистон Республикаси ҳукумати муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг доно раҳбарлиги остида мамлакатнинг нефть, олтин, галла мустақиллиги учун астойдил ҳаракат авж олдирилмоқда. Ёғоч ва қурилиш материаллари мустақиллиги йўлидаги дастлабки саъй-ҳаракатларнинг бошлангани, соҳага тегишли бошқа имкониятларнинг изланаётгани, Узбекистон яқин келажакда қоғоз ҳамда матбаа ашёлари мустақиллигига эришишидан далолат берәтир.

Мавриди экан, халқ хўжалигининг юқорида са-
налган ва шуларга ухшаш долзарб соҳаларидағи
умумжараёнларнинг матбуотда ёритилиши хусуси-
ла қисқача тухтамоқчиман. Уруш арафасида, уруш
йилларида ва тикланиш даврида амалга оширилган
Катта Фаргона канали қазилиши, Каттақўргон сув
омбори қурилиши, Фарҳод ГЭСи ва Бекобод ме-
таллургия заводи бунёд этилиши умуммамлакат қу-
рилиш инишоти деб эълон қилинар, барча техника
ва иктисодий кучлар, матбуот, адабиёт, санъат ах-
ли ташаббус теварагида жиспласшар ва шароит қан-
чалик оғир бўлмасин халқда кутаринки кайфият ва
ғайрат туйгуларини уйготарди. Модомики, ёзувчи
Сайд Аҳмаддинг Катта Фаргона канали қурилиши
жараёнларини ҳикоя қўлувчи «Уфқ» романни уюш-
ган ҳалқимиз руҳиятини куйловчи адабий обида
сифатида севиб уқиларкан, модомики, севимли хо-
нанда Маъмуржон Узоқовнинг эл иш бошида тинг-
лаган ва меҳнатга руҳлантирган дилбар қушиқлари-
га ҳамон ихлос билан қулоқ тутилар экан, уз-узидан
бир савол түғилади: ҳозирги пайтда адилари-
миз, санъаткорларимиз юртимиздаги йирик қури-
лишларга ташриф буюрсалар, газеталаримиз узун-
қисқа хабарлар билан чекланмасдан туркум мақо-
лалар билан чиқишиша, танланган мавзуни теран ёрит-
салар бўлмайдими? Албатта, бўлади. Меҳнат ин-
соннинг доимий машгулоти, исталган жамият рав-
нақи ва давлат мустақиллигининг ягона негизидир.
Мингбулօк ва Кукдумалок конларини ўзлаштириш,
Асакада йирик автомобилсозлик корхонасини қу-
риш, Бухорода нефтни қайта ишлаш заводини бун-
ёд этиш, галлачилик ва урмончилик соҳаларини
ривожлантириш каби улкан вазифалар умумхалқ
иши экан, демак, матбуотимиз бу жараёнларга суст
аралашиб, четда турмаслиги лозим, аксинча улкан
бунёдкорлик теварагида халқ — кенг аҳоли омма-
сини ўютиришдек муҳим вазифа ҳам ўз ечимини
топишида ёрдам бериси керак.

Сунгти йилларда кишини бир вактнинг ўзида
ҳам руҳан эзувчи, ҳам маънан мадад берувчи бир
жараён кузатилмоқда. Ер юзида, собиқ Иттифоқ
худудида, жонажон Узбекистонимизда уруш кур-
ган, жабрини тортган кишилар камайиб, музaffer
авлод сафлари сийраклашиб бормоқда. Айни чоғда
Буюк Фалабанинг башарият озодлиги, Узбекистон
истиқолли ва дунё тараққиётидаги аҳамиятлари сал-
моғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Халқимиз
минглаб мард фарзандларини бекорга қурбон бер-
маган экан, зеро, уларнинг шаҳид руҳи бизга ҳамон
мадад бераетгандек...

Купчиликка аёнки, ҳаёт тақозоси, вақт етиш маслиги сабабли мен бу рисолани одатдагидек байлихотиргина эмас, деярли бирор соат бушроқ колганимда ёздим — бу беҳаловатлик зарби воқеаларнинг текис талқин этилмаганидан ҳам сезилиб туради.

Шу уринда ҳам бир воқеани эсладим. 1950 йилнинг февраль ойида нашриёт директори хузурида булган кенгашда цех жамоаси раҳбаримиздан марказий газеталарнинг матбаа ижроси ва босма сифати жуда паст, улар муттасил кечикиб графикдан кечикиб чиқмоқда, деган мазмунда танқидий мулоҳаза билдиришиди. Бундай вазият давом этса, ротация цехи билан бир қаторда бутун корхона тизимлари технологиясини тубдан қайта қуриш зарур булиб қолади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети босмахонамиз ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини ривожлантириши ҳақида қарор қабул қилди. Бу қарорда корхонанинг эски биноларини таъмирлаш, янги корпушлар қуриш билан бирга юқори унумли матбаа ускуналарини ўрнатиш каби мұхим тадбирларни амалга ошириш мүлжалланган эди.

Газета ротация цехи жамоаси газста чиқариш муддатини қисқартириб, меҳнат жараёнини мүлжалланган мақсад тизимиға мослаб, дастгоҳларни қайта таъмирлаш, эскиларини янгиларига алмаштиришга бел боғлаганди. Ана шу режага кура бу ерда бир гардишли ротация машиналаридан иккита янгиси урнатилди, малакали мутахассислар тайёрлаш ҳамда ишлаб турган матбаачилар малакасини ошириш билан боғлиқ булган тадбирлар амалга ошира бошланди. Уша кезлар Ҳайдар Азимов, Дмитрий Коновалов, Николай Богданов, Петр Головко, Александр Шаповалов, Петр Царев, Александр Боуш, Прасковья Долгова, Николай Суздальцев, Степан Буравлев, Саид Фаизов, Петр Хилов, Матвей Павленко, Алексей Варламов сингари қули гул мутахассисларнинг бутун мамлакатга донги кетганди.

Аниқ режалар асосида босмахонамизда юз берәтган илмий-техника тараққиғи тақозоси билан корхонамиз тез орада қурилиши ва ривожланишининг тұрткынчи нағбати дастури асосида бунёд этилған янги биносида Марказий Осиёда биринчى ҳисобланған олти гардишли «ГА» деб аталувчы газета агрегатини урнатиш ва созлаш ишлари ҳам биргаликда олиб борилди. Монтажчилар ва курувчиларнинг ҳамкорлықдаги ақыл меҳнати туфайли бу янги агрегат муддатидан илгари урнатилиб, тез вақтда ишлаб чиқаришда ўзлаштирилди. Бу уринда Ри-

БИНСК шаҳридаги «Полиграфмаш» заводи мутахассисларининг катта ёрдамини эслаб утиш жоиз; ундан олти йил илгари жамоамиз бу мутахассислар билан дўстона ҳамкорликда ишилган эдилар.

Тинимсиз меҳнатда тобланган муҳандислар ва газистарни чоп этувчи ишчилар, стереотипчилар орасидан ишилаб чиқариш булинмаларининг бошликлари лавозимларига кутарилган Анвар Мухамедов, Сергей Леонтьев, Иван Теслюк, Юрий Ермольчев сингари малакали усталар стишиб чиқдилар. Матбаачилардан Рафаэль Муҳамедов, Иван Мушинский, Александр Баришев, Александр Казачков. Николай Суздалъцов, Николай Студенекин, Абдуваҳоб Набиҳужаев, Михаил Бабий ва бошқа унлаб еш ишчилар қисқа муддатда янги техникани пухта урганиб олишди. Булар орасида ута қобилиятли, мураккаб муаммоларни тезликда идрок этиб, ижодий фикрловчи мутахассислар куп эди. Механик-ихтироҷилардан Владимир Вшивков, созловчилардан Иван Сергеев, Михаил Кулиничев, усталардан Александр Гесс, Степан Буравлев, Сергей Леонтьевлар бир неча қимматли ихтироҷилик таклифларини кирийтдилар. Булар орасида ұрамли қоғозларни машина гильдираларига үрнатиш жараенни истисно этадиган мослама, қурғошин саҳифаларини стереотип булинмасидан босма машиналарига узатиш жараёнларини механизациялаш, металл корищмаларини чиқиндилардан тозалаш, қизиган металлни кавшарлаш ва қуйиш учун ишлатиладиган қозонларни таъмирлаш, матрица картонини намлайдиган, турли бүекларни босма агрегатларига стказиб берадиган насосларни бир месъерда ишлатилишига ухшаш купгина қимматли таклифлар борки, булар уша даврдаги ишилаб чиқаришнинг мураккаб муаммоларини ижобий ҳал этишга күп жиҳатдан ёрдам берганди.

Газета тайёрлаш цехининг жонкуяр жамоаси асосий хом ашё — қоғоздан оқилона фойдаланиш муаммоларини чуқур таҳлил этиб, уни кўплаб тежаш режаларини тузди. Лекин цех бўлинмалари бир-биридан узоқ икки бинода жойлашгани сабабли қоғоз сарфини аниқ ҳисоб-китоб қилиб бориш қийин муаммолардан бири эди. Бунинг устига бирор масъул шахс уни матбаачиларга ҳисобсиз бериб юборишига йул кўймаслик керак эди. Бунга сабаб агрегатларни созлаш ва узлаштириш жараённада 16 тоннадан купроқ қоғоз оптика сарфлаб юборилганди. Бу уринсиз сарфлар оқибатида цех иқтисодиётiga салбий таъсир курсалтилганди. Шу боисдан ҳам газета чоп этишнинг янги усулини ишилаб чиқаришга тадбиқ

этилаётган айни вақтда қоғоз сарфини билимдонлик билан хисоб-китоб килиб борадиган мутахассисларни тайёрлаб етиштириш лозим бўлиб қолган эди.

Ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган, ҳали фойда келтирмаётган кучларни аниклашда цех жамоасига бошкарма бўлимларининг мутахассислари яқиндан ёрдам курсатардилар. Бунинг натижасида қоғоз сарфими эндиликда шахсий хисоб-китоб асосида белгилаб, сарфими ҳар бир ишчи зиммасига шахсий масъулият тарзида ёзиб қўйиладиган бўлди. Қоғозни тежаб-тергаб сарфлаганларга мукофот бериш турисида янги Низом жорий этилди. Айни вақтда қоғозни Низомда белгиланганидан ортиқроқ ишлатиб юборган ишчилардан шу қоғоз киймати ундириб олиниши алоҳида белгилаб қўйилганди. Хисоб-китоб шу қадар аниқ ва тез йўлга қўйилдики, ҳар бир матбаачи орадан бир кун утгач, қанча қоғозни тежаб қолганлигини, бунинг учун қанча мукофот олишини ёки ошиқча сарф учун ундан неча сум ушлаб қолинишини аниқ биларди. Шу тариқа моддий манфаатдорлик деб номланувчи қудратли омил амал қила бошлади. Келгуси йилнинг ўзидаёқ цех ҳар ойда 4-5 тонна қоғозни тежай бошлади. Борабора бу цех тажрибакорликда босмахонадаги пешқадам соҳаларнинг етакчисига айланди.

Москва газеталари саҳифалари тасвирини қабул қилиб олиш бўлинмасининг ишга туширилиши натижасида марказий газеталарни чоп этиш жараёнларини тубдан узгартирди. Аввалти бобларда айтиб ўтганимиздек, об-ҳаво ноқулай келганлиги сабабли Москвадан самолётлар учмай қолган кунлари марказий газеталарнинг тасвири алоқа каналлари орқали фотоцинкография цехига ўз вақтида этиб келарди. Металлга кучирилган саҳифалардан тайёрланган матрицалар қўйиш ва босиш учун Тошкентдан Омск, Челябинск, Волгоград, Олма-Ота, Караганда, Боку ва собиқ иттифоқнинг бошқа шаҳарларига ҳам жунатиларди. Бундай техника тараққиётининг амалда татбиқ этилиши натижасида «Правда», «Известия», «Сельская жизнь», «Комсомольская правда» каби газеталарнинг минтақамиздаги миллионлаб обуначилари бу нашрларни москваликлар билан бир вақтда олиб уқийдиган булишиди. Бизда тайёрланган матрицаларни ўз вақтида олиб, газеталарни ўз шаҳарларида чиқарган ҳамкасларимиз Узбекистон матбаачилари ва алоқачиларидан доим миннатдор булишарди.

Газета саҳифалари нусхаларини фототелеграф ускуналари ёрдамида қабул қилиб олиш пункти тўла ўзлаштирилгандан сўнг уларнинг қолиплари ро-

тация цехига маҳаллий газеталар саҳифалари билан биргаликда кела бошлади. Иш айни кизиган чоғларда мазкур цехнинг қувватини сезиларли даражада ошириш зарурати туғилди, тезкорлик ва билим-доңлик билан курилган тадбирлар натижасида 1967 йилда янги бино қурилиб, бу ерда «ГАУ» маркали түрт гардишли янги газета агрегати, «ПРГ» маркали бир гардишли түртта газета ротацияси машиналари, стереотип саҳифаларига ишлов берувчи янги ускуналар үрнатилди. Бундан ташқари ишловдан



Муқовалаш цехи —
имонавий техника-
технологияга эга
булинма. Цех
бошлиғи —
Маҳмуд Мунавваров
на қули гул
муқоваловчилар иш
устиди

үтган стереотип саҳифаларини «З-ОГА» қўйиш автоматларининг қозонларига металл тушириш жа раёнлари механизациялаштирилди, босмахонада ишлатиладиган қора буёқни газета агрегатлари аппаратурига маҳсус қувурчалар орқали етказиб берадиган марказ қурилиб, буёқ сақланадиган баҳайбат металл қурилмалар ва буёқни машиналарга ҳайдайдиган насослар үрнатилди.

Россиядаги турли матбаа бўёқлари тайерлайдиган Торжок заводида хом ашёларни ташиб келтириш учун майда идишлар үрнига 3 тоннали контейнерлар қўлланила бошланди.

Корхонамизда қатъий интизомга доимий равишда амал қилиб келинади. Газета тайёрлаб чиқариш графигига асосланниб иш юритиш корхона жамоаси учун илгаридан қонуний кучга айланган. Зеро, бу график темир йўлда, ҳаво йўлларида, автомобиль транспортидаги ҳаракат жадвали билан, почта алоқаси ва «Союзпечать»нинг ишини ташкил этиш режалари билан ҳам чамбарчас боғланиб кетганди.

САОДАТ МАНЗИЛЛАРИ

Газеталарни босмахонада тайёрлап жараёнларида сал ҳаяллаб қолинса — поезд, самолёт ва машиналар бошка шаҳарларга газеталарсиз жүнайдилар. Күйида баён этиладиган бир вокеани газета ротацияси цехи ишчилари сира ёлларидан чиқармайдилар. Бир куни ҳаво йўллари булинмаси вакили цехга келиб, газеталарнинг 1969 йил 15 январь сонидан бир неча нусха беришни илтимос қилган. Эртасига эрталаб Москва радиоси қўйидаги хабарни таркатган эди. Космонавтлардан А. Елисеев ва Е. Хрунов «Союз-5» кемасида «Союз-4» космик кемасида учаетган Владимир Шаталовга «Правда», «Известия», «Правда Востока» газеталарининг бизда босилган нусхаларини етказиб беришган. Фазо қаҳрамонлари имзо чеккан газеталар нашриётда унчилмас ёдгорлик сифатида авайлаб сақланмоқда.

Илгари айтиб ўтганимиздек, 1978-1984 йилларда Тошкентда Марказий Осиёда ягона булган, технология жиҳатидан тугал, ноёб газета тайёрлайдиган мажмуя бунёд этилгач, унда бир кечакундузда 10 миллион нусха газетани босиб чиқариши кучига эга булган 4 қаватли марказ ишлай бошлади. Бинонинг биринчи қаватида ун икки ролни газета агрегатларига қозоз урамларини илиб қўйиш ускунаси, қозоз омбори, бўёқлар маркази, электр, механика устахоналари ва бошқа ёрдамчи булинмалар жойлашган. Иккинчи ва учинчи қаватларни эса «Рондосет-170» газета агрегатининг 12 гардишли босма секциялари, газеталар қолипларини тайёрлайдиган булинма, Россия газеталарининг фото нусхаларини фототелеграф алоқа каналлари орқали қабул қилиб оладиган булинма ускуналари эгаллаган, туртинчи қаватда эса маданий-маший тармоқлар ва маданий моллар маҳсулотларини қозоз чиқитларидан саралаб чиқардиган цех бор.

Бу замонавий мажмуанинг ишга туширилиши билан газеталарнинг шакли билан матбаа ижроси сезиларли даражада тиниқ тортди. Фотобезаклар равшанлашиди. Энди уқув жараённида газетхонлар қулларига бўёқ юқмайдиган бўлди. 1989 йилда Олма-Ота шаҳрида газеталарнинг бадиий безаги ва матбаа ижроси сифатининг сунгти республикалар аро куриги бўлганида «Совет Узбекистони», «Правда Востока», «Тошкент ҳақиқати», «Ёш ленинчи», «Комсомолец Узбекистана», «Ташкентская правда», «Пионер Востока» газеталари бадиий безаги, матбаа ижроси учун биринчи даражали дипломга сазовор булишганди.

Шуниси муҳимки, газеталарни чоп этиш технологиясининг оффсет усулига ўтказилиши муносаба-

ти билан цехда қурғошин, рухдан саҳифалар, улардан матрицалар тайёрлаш каби мураккаб жараёнлар барҳам топди. Айниқса, инсон сиҳат-саломатлиги учун кони зиён бўлган қурғошин-сурма қотиши маси ишлатиладиган қолиплаш ишларига хожат қолмади. Бу оғир жараёнларни бажаришдан толган ишчилар шундай кунлар келишини жуда орзикб кутишган эди. Аввалдан «сезгир» қилиб тайёрланган қолипларни «ФПП-120» ва «ФПТ-120» каби узлуксиз ишладиган линияларда мураккаб мослама ва механизмлар воситасида қайта ишлангандан кейин ҳам миллионлаб нусхада чоп этилган газеталарнинг юқори ижро сифатига кафолат берса бўлади. Цехда ва унинг экспедициясида газета тахламларини жамлаш ва ураш билан боғлиқ ишлар батамом механизмлар зиммасига юкландган.

Хозирги иқтисодий мураккаб даврда газета ротацияси цехи жамоаси олдида ҳали катта муаммолар турибди, улар аввало иқтисодни такомилластириш билан бирга, янгидан ташкил топаётган тармоқ ва биржа газеталарини босиб чиқариш графигини мукаммалластириш, уларнинг матбаа ижроси сифатини яхшилаш билан боғлиқдир.

Газета ротацияси цехида жами хом ашё, айниқса қозони тежаш учун куп ишлар амалга оширилиши зарур эди. Сарфланган ва тежаб қолинган қозоз миқдорининг кескин узгариб туриши сабабларининг аниқ таҳлили туфайли йилнинг ҳамма ой ва чоракларида ишлатилаётган қозоз сарфини назорат қилиш тұла йүлга қойилди. Ускуналарнинг доимий ишга шай туриши, ишлаб чиқариш маданиятини такомилластириш, тармоққа раҳбарликнинг иқтисодий ва техник фойдалы булган усулларини құллаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш борасида ҳали олдимизда мунтазам вазифалар турарди. Корхонамиз ва газета цехининг жамоаси бу муаммоларни ҳам этиш йулида тинимсиз ижодий меҳнат. Доимий изланиш ва газеталарни чоп этишнинг замонавий ва фойдалы усулларини үзлаштириш билан банд эдилар.

Компьютерларда ҳарф теришга утиш учун ҳам маъдум вақт керак буларди. Фотонаборнинг узи ҳам тарихга айлангани ҳақидағи олдинги фаслда қисман таҳлил қилингани каби, ҳарф териш — матбаа тармоқлари тизимида асосийларидан бири, чунки ишлаб чиқаришнинг ilk жараёнлари ҳарф теришдан бошланади. Босмахонамизнинг ҳарф териш бўлинмаси ҳам бошқа цехлар қатори 1921 йил март ойида очилган эди. Уша даврда Бухородан Тошкентга кўчириб келтирилган ҳарбийлаштирил-

САОДАТ МАНЗИЛЛАРИ

ган Қуриқлаш штабининг сайёр босмахонасини ВЧК сиесий булимининг босмахонасига қўшиб юбордилар, ушбу «корхона»нинг бутун бойлиги борйуги битта темир йўл вагонидан жой олган, тўккиз ишчига ҳарф терувчи М. С. Самаров бошчилиқилар эди.

Бу бирлашган босмахонани ҳозирги Буюк Турон ва Матбуотчилар кўчаларининг муюлишидаги собиқ бир қаватли бинога жойлаштирилар. Дастребаки ҳарф терувчилар орасида кейинчалик узок



Муқовалаш цехида
иш ҳамиша қизгин

вақт мобайннида босмахона ишлаб чикариш булимига бошчилик қилган С. А. Соболев ҳам бор эди. «*Куп ишлар, жумладан ҳарф териш ҳам, — деб ҳикоя қиласарди Сергей Алексеевич, — қўлда бажарилар эди. Босмахонада аввалига идораларнинг буортмалари бажарилар, бора-бора жиддийроқ ишларга ҳам қул урдик.* 1923 йилда, яъни босмахона ишга тушганига икки йил булганида ушбу корхона Тошкентдаги энг ўйрик босмахоналардан бирига айланди ва йил сайнин ривожланиб, уз маҳсулотининг юқори сифати билан бошқалардан сезиларни даражада ажralиб туради».

Юқорида айтиб утилганидек, 1924 йилда ушбу босмахона негизида «Советский Восток» деб аталган марказий газета босмахонаси бунёд этилиб, унга ҳам таниқли матбаачи Х. Г. Маркоч раҳбарлик қилганди. Ушбу корхона ҳозирги «Буюк Турон» ва «Правда Востока» кўчалари муюлишидаги сабиқ ҳарбий омбор урнида жойлашган эди. Ҳарф териш цехи биринчи қаватга урнашган бўлиб, яқингача бу

серда босмахонамизнинг қолип тайёрлаш цехи ишлаб турарди. 1994 йилга келиб иш миқдори камайиши сабабли бир турдаги цехлар бирлаштирилиб, қолип тайёрлаш цехи ботиқ босма мажмусининг туртунчи қаватига жойлантирилди, тутатилган бўлимлар бинолари таъмирланиб, тижорат ва қушма корхоналарга бсрилди.

Корхонанинг шаклланиш даврида ҳам янги техникани узлаштиришга эътибор берилар эди. 1926 йилдақ «Советский Восток» босмахонасида газеталарнинг айрим материаллари Москвадан келтирилган биринчи линотип машинасида териладиган бўлди. Китоб ва журналлар материаллари эса қулда терилиб, янги техникалар қатори кўпайган сари китоблар ҳарфлари ҳам аста-секин линотипда терини усулига утказилган эди.

Асримизнинг ўттизинчи йилларида қурилган матбаа комбинатида 40 та линотип машинаси урнатилиб, улар барча газеталарнинг ҳарф теришга бўлган талабларига жавоб берардилар. Бундан ташқари, ҳар йили журналларнинг 700 босма табоққа яқин материаллари, даврий бўлмаган нашрларнинг материаллари ҳам линотип машиналарда терилиб, шу ернинг узида саҳифаланарди.

Аввал айтиб утганимиздек, иккинчи жаҳон уруши бошлангач, журналларни нашр этиш вақтинча тұхтатилди. Урушдан сунгти 50-йилларда газета, китоб, журнал чиқариш ишлари қайта тикланибгина қолмай, уларнинг сони бирмунча кўпайди.

Уша кезлар цехга республика матбаасининг оқсоқолларидан ҳисобланган уста мутахассис Исаак Рублин раҳбарлик қилди. Ёшларни тарбиялашда Билол Муминов, Зокир Эшмуҳамедов, Маҳмуд Нигматуллин, Александр Мандровский, Анвар Урозов, Александра Кияева, Циля Лушановская, Михаил Куликов, Саид Йўлдошев, Мария Боровкова, Ниана Линова, Абдураҳмон Шомуҳамедов, Лидия Берг, Мунира Шафиуллина, Камол Шералиев, Равил Шокиров, Комил Абдурасулов, Раҳим Одилов, Холиса Хазиева, Муҳаммаднаим Шарофиддинхужаев, Одилхон Юнусхонов, Каримхон Мажидхужаев сингари малакали ҳарф терувчилар унга яқиндан ёрдам бердилар.

Табиатан очиқ чеҳрали, гўзал юзли, соддадил, хушрой, ута меҳнаткаш — фидойи кишиларни ҳар доим юракка яқин тутиб, қадрлаш менинг қонимга сингиб кетган десам муболага булмаса керак. Бунга менинг узим аминман.

Кекса ҳарф терувчи, шоир ва устоз Одилхон Юнусхонов ҳақида батағсилроқ гапиргим келади.

У 1918 йилда ёк ҳарф төрүвчига шогирд түшгандын эди. Бора-бора тажрибали мутахассислардан бири булиб етишди. Одилхон ака юраги доим ижодга интилиб. Шеър ёзишни ҳам машқ қилиб турарды. Күп утмай ишчи-шоир район газетаси мұхаррири лавозимига кутарылды. Қейинчалық «Мұштум» журнали мұхаррирга уринбосар этиб тайинланды. Одилхон Юнусхонов бир қанча шеърий түпламалар мұаллифи болып Республика тараққиетінде құшган салмоклы мекнаты ва ижодий ютуқларини тақдирлаб, унға «Ўзбекистонда хизмат күрсатған маданият ходими» фахрий унвони берилген. Отахон матбаачи – ҳажвчи шоир Одилхон Юнусхоновнинг меңнатында ижодий фаолиятини давом эттирасттан фарзанды Оқилхоннинг ҳам отаси ҳақида айтадиган гаплары булса ажаб әмас, зеро ота изидан юрган фарзанднинг юрагида айтадиган сузлари булади, албатта. Вақти келса бу ҳақда ҳам уқиримиз, иншооллох.

Одилхон акага ушаган фидойилар етарлы булған корхонамыз тарихида сезиларлы из қолдирған жонкуяр мутахассисларни ҳали ҳам хурматта иззат билан ёд этганды, яна икки ҳамкасбимиз ҳақидаги илиқ хотираларимни баён этмоқчиман, бу инсонлар дунёдан үтган бұлсалар ҳам, аммо уларнинг сунмас хотиралари ҳамон ёдимиздә.


Табиат ҳар бир кишига әзгулик ва бетакрор фазилаттар бахш этады. Мұхандис Борис Федорович Ким билан ҳамкор бўлган барча кишилар уни чехрасидан табассум аримаган ва доим саранжом-саришта, ишбилармон, бадастир, истараси иссик киши сифатида эслаб қолишган.

Билимдон ва одамохун Борис Ким нашриет босмахонасига 1958 йилда ишга келиб, ишни матбаачига шогирдликдан бошлади. Матбаачилик касбани пухта урганиб, уз ишини қойил қилибтіна қолмай, ёш ҳамкасбларига маҳорат сирларини ҳам ургатарды. Күп утмай Борис Федорович юқори босма цехи уставбошиси лавозимига кутарылды. 1970 йилда Москвада матбаа институтининг сиртқи булимини тутатгандан кейин уни цех бошлиги уринбосари лавозимига муносиб куришди.

Бу иқтидорли инсон, малакали мутахассис ва кунгли очиқ, меҳри дарә дустимиз, қысқа муддатда шогирдликдан журнал учун ҳарф териш цехи бошлигигача булган йулни босиб үтди. У ишга ижодий ёндошиб, кутаринки руҳда меңнат қиласы, ишлаб чиқаришда ҳам, жамоат юмушида ҳам ҳаммага ибрат бўларди. Қадрдан корхонамизда 20 йил узлуксиз ишлаб, тарихимизда ажойиб, саховатли ва унтылмас из қолдирди.

Исми жисмига монанд, доимий табассуми сруг чехрасига муносиб, забардаст йигит Мұхаммаднаим Шарофиддинхұжәев ҳам нашриёт босмахонасида 20 йилдан ортик ишлади. Ҳарф терувчи, әълонлар бүлимининг бошлиғи, кейинчалик эса журналлар ҳарфини териш цехининг бошлиғи лавозимларида маҳорат билан хизмат қилди. Мұхаммаднаим ҳамиша тиним билмайдыган, янгилик ахтарадиган гамхұр устоз, дилкаш, камтар инсон, меҳрибон дүст сиғатида ҳаммамазининг хотирамиздан муносиб жой әгалтида.

МУХАРРИР НАШРНИ
ЧОП ЭТИШГА ИМЗО
ЧЕКДИ...



лаган. У ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий маълумотли журналист деган касбга сазовор бўлганди. Ишни ўз ўрнига қўйиб бажариши, касбкорга таалуқли билимларни пухта эгаллаб олганлиги, ўз бурчини аниқ ва ҳалол бажариши сингари бебаҳо хислатлари ҳамкасбимизнинг ўзига хос ва хуш феълига жуда мос эди. Дўстлари, айниқса у билан ёнма-ён меҳнат қилган ишчилар, ундан доим ибрат олар, одамийлиги, меҳри-шафқатига, ута саҳйлигига тан берардилар.

Бу меҳнаткаш, дисентир ҳалол одамнинг кўксиди да дилкаш инсоннинг юраги уриб турарди. Бошига мусибат тушган одамларга ҳамдard бўлар, туй-маъракалардан қолмасди, дўстларига ёрдамлашарди. Ёш-

Корхона тарихи ушбу чогроққина цеҳдан бошланган эди.
1921 йилнинг меҳнат фаолиятини матбаачиликка багишлаган қалдирғоч ҳарф терувчилари

САОДАТ МАНЗИЛЛАРИ

лар устоз сифатида унга ҳавас қилишар, эргашар эдилар, аслида эса Мұхаммаднаимнинг ёши улардан унча күп ҳам фарқ қылмасди. Барibir унда шогирдларига нисбатан улугворлик доим сезилип турарди.

Инсон тақдиди ҳаст, табиат қонунига тобе бул маса ҳам, инсонийлик, халқпарварлик, одамлар айниқса ҳамкасларнинг хур фазилатлари билан ёдда қолади. Ана шу куркамлық ва гузал фазилат инсонга меҳр-муҳаббат, уз меҳнат мақомининг гул-

Офсет босма цехи –
мухим
бүлинмалардан бири



лаб-яшнаши йулида толмай тер тукиб, завқ билан ёш авлодга ғамхурлиқ, одамларга ҳамдардлик ва мәхрибонлик курсатиш — Борис Федорович Ким ва Мұхаммаднаим Шарофиддинхұжаевга хос ноёб фазилатлардан ҳар бири, ишлаб чиқариш пешқадамларига ҳам тааллуклады. Ана шу дүстларнинг рухлари доим шод бўлади, хайрли ишлари ва инсоний фазилатлари матбаачиларнинг булажак авлодларига ҳам насиб этади дейишига асосимиз бор.

Ҳаст, табиат қонуларини жиловлаб булмаганидек, вақтни ҳам тухтатиб булмайди. Лекин мұмин-қобил, одил, дилкаш, фидойи ва мәхрибон инсонларнинг номи тарихда абадий сақланиб қолади.

Бинобарин, шуниси бетакрор ҳаётийки, тарих-да давр қийинчилликларига қарамай, техника тарақ-кьети аста-секин бизнинг босмахонада ўз ўрнини топа бошлаган эди. 60-йилларнинг охирида босма-хона янги техника билан жиҳозланиши туфайли журнал ва брошюралар матнлари ҳарфини териш жараенлари механизациялашди, аммо сарлавҳалар ҳарфи ҳамон қулда териладар эди. «СК» йирик кетгели ҳарф териш машиналари участкаси ташкил этилганидан сўнг бу оғир юмуш жараёни ҳам батамом механизмлар зиммасига юкланди.

Бошланган сайд-ҳаракатлар шиддат билан давом этарди, техника-технология янгиликлари қатори ишлаб чиқариш жараёнларидаги турли ускуналар ҳам узлаштирилди. Цехда кучма гранкореаллар урнатилиб, эски ва ёқимсиз куринадиган еғоч реаллар ўрнини хушбичим ва ихчам ускуналар эгаллади. Бу янги мосламаларнинг жорий этилиши туфайли цехда меҳнатни ташкил этиш тарзи анча ўеди, реаллардан бушаган жойларга янги линотип машиналари урнатилиб, уларда журнал, китоб матнлари териладиган булди.

Саксонинчи йилларда ҳарф териш цехи «Н-140» маркали газета сатрларининг қўйма ҳарфларини тे-радиган янги териш машиналари билан жиҳозлана бошлади. Шу йиллари цехга «Небитайп» йирик ке-гелли ҳарф териш машинаси ҳам урнатилди, бу дастгоҳларда йигилган ҳарфларни бузаш ниятида мутахассисларимиз томонидан кашф этилган янги ускуна тайёрланиб, ишга туширилди.

Замонавий технология талабларини урганиш ва амалга ошириш жараёнларida қургошиндан қўйилган материаллар сатрларидан сифатли нусха олиш жараёнини такомиллаштириш жуда муҳим аҳамият касб этади. Оффсет ва ботик босма қолипларини тайёрлаш куп жиҳатдан ана шу олинган нусханинг нечоғли сифатли эканлигига боғлиқ. Жумладан, цел-лофан пленкага қуюқ нусха олиш технологиясининг жорий этилиши фото ва матбаа қолиплари сифатини тубдан ўзгартириди. Булардан қўшни цехларда маҳсулот чиқариш жараённада тула фойдаланиладиган булди.

Босмахона цехларига янги техника-технологияни жорий этиш билан бирга, етук мутахассислар тайёрлаш ишларига ҳам эътибор ошди. Меҳнат фахрийлари К. Абдурасулов, В. П. Олина, Т. П. Полянская, В. Я. Вагина, Т. Иброҳимов, Д. Абубакиров, Р. П. Писаренко, Н. В. Павленко, Г. Боқиева, О. Мадаминова, М. Хужаева сингари ишлаб чиқариш илгорлари, ёшларнинг мураббийлари — кор-

хонамиз маҳсулоти сифатининг равнақ топишига катта ҳисса қушдилар.

Замонавий техникани узлаштириш даврида ли-нотипда ҳарф теришдан фотонаборга ўтиш даври журналлар матнининг ҳарфларини териш цехининг юксалишида ҳаётй бурилиш палласи булди. Цех тарихида ҳақиқатан ҳам изжобий жараён ҳисобланган ана шу ишнинг биринчи босқичида Ленинграддаги полиграфия бирлашмасида тайёрланган «Каскад» фотонабор системасидан фойдаланилди,

Маҳсулот сифати учун кураш цехларда ҳам давом этиши матбаачиликнинг узлуксиз масъулиятли касблардан бири эканлигини билдиради



кейинчалик эса ЭҲМли СПТ ва СП-1420 системаси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу эса китоб ва журнал учун ҳарф териш цехида 1989 йилдаэк қайноқ қургошин қотишмасидан ҳарф териш технологиясига барҳам бериш, бўртма матбаа цехидаги яssi матбаа машиналари булинмасини тутгатишга имконият туғдириди.

Компьютерда ҳарф теришдек нафис ва куркам, умумжаҳон матбаачилиги технологиясига утишимиз фотонабордан фойдаланиш даврини ҳам тарихга айлантириди. Корхонада меҳнатни ташкил этиш жараёнларини мукаммаллаштириш билан боғлиқ булган таҳлилларни утказиш оқибатида тупланган хужжатларга асосан технологик яқинликлари ва қисман уйгунликлари туфайли цех жамоалари тулиқ таркибда бирлашган газета цехига қушилиб, ягона жамоани ташкил этдилар.

МАТБААЧИННИГ ОБРУСИ – ҲАЛОЛЛИКДАН

Бүртма матбаа цехининг фаҳрийлари матбаачи Григорий Андреевич Михайловни ҳамон эслаб юришади. Архивда бир тарихий фотосурат сакланып көлган. Бу суратда у бир гурух ишчилар қуршовида босма машина енида утмиш сабоқлари ҳақида ҳикоя қилиб турибди. Ҳозир ҳам ёшлар бу суратни ҳурмат ва қизиқиш билан қулга оладилар, бейихтиер уша ибтидоий машинани ҳозирги тезкор ускуналар билан таккослайдилар, цех куриниши нечогли узгарганига, утган давр мобайнида техника қанчалар илгарилаб кетганига тан берадилар. Юз берган узгаришлар бекіседір. Ахир 1921 йилда босмахонада бор-йұғи үнта ускуна булиб, бир дона ясси босма ва иккита «Американка» машиналари бор эди.

Босмахонани электр қуввати билан таъминлаш Тошкент трамвай устахонаси электр маркази фАО-лияттың боғлиқ жаһандарының үшінде болған. «Трамвай йулға чиққан булса — электр бор, трамвай депога кетген бұлса — электр йүк», деб ҳазиллашиб қойылыштарды ишчилар, чунки электр қуввати булмай қолса, машиналарни күлдә айлантириб, сұнг маҳсулот чиқаришни таъминлаш лозим булиб қоларди.

Босмахонамизда техника тараккиетини амалга ошириш билан боғлиқ бұлған тадбирларни ишлаб чиқып да уни амалга ошириш ишлары давом этарди. Корхонани тубдан таъмирлаш тадбирлари башланғанда қадар цехдеги мәжнүт жараёнини тинмай баркарорлаштириш күп йиллар давомида машақ-қатыныштың ишлардан бирига айланғанди.

Күрілган таҳлилий чоралар ва ижодий изланишлар оқибатида юз берган янгиликларнинг қалдирғочи бұлған жараёнлардан бири — замонавий машиналарни жорий этиш туфайли юзага келген ақвол анча үнгланған эди. Масалан, «Узбекистон» журналининг мұқовалари стоп-цилиндрли, варақлы машиналардан чоп этилар эди. Шуны айтиш жоизки, бу ускунанинг унумдорлығы юқори булмаган: ҳар сменада бу машиналарда атиғи үн минг нұсха якранг варақтар босилар эди. Шу бойынша ҳам журнални чоп этиш шартынан күп вақт кетарди. Бир хил бүек берилгандан кейин варақтар орасынан астар қойынша түрги келар, бу астар варақларынан күп көрдамида қойылар эди. Вақт күп кетсе ҳам иш унумдорлығы сустырады. Астар тайёрлаш булими булмаган туфайли нұсқалар корректуралық етиб келгунча машиналар күп

вақт бекор туриб коларди. Аммо ишлаб чиқаришни билимдоңлик билан бошқарилиши туфайли күп үтмай ахвол унгланиб кетди.

Журналлар ва дарсликлярнинг адади үсіб бора-вергани туфайли құрғошин сақиғаларни гальванлаш бұлымини очишига зарурат сезилди. Босма қолиплар алмаштирилаётганида ана шундай сақиғаларни тайёрлаш үчүн құшимча харажатларға йүл құйилаётгандығы сабабли нашрларни үз вактида чоп этиш жараёни қийинлашиб қолди. Майды-чүйда бу-



Кези келганды
эрқактасыга жиддий
тахлил ҳам сифат
гаровидир

юртмалар цех иш маромини бузар, жамоани ассоций юмушдан, яъни күп рангли, күп ададлы нашрлар тайёрлашдек мұхим ишдан чалгитар эди. Хуллас, давр ишлаб чиқарищдаги күргина мураккаб жараёнларни замонавий усулда тубдан қайта ташкил этишни тақозо этарди.

Тажрибали ихтироочи, босма жараёнининг уста мутахассиси Николай Хоменконинг ташаббуси билан рангдор босма бұлымида маҳсус бригадалар түзилди, улар ишлаб чиқариш маданияти, унинг эстетикаси ва иш унумини ошириш ниятида енг шимарыб иш бошладилар, күп үтмай бутун цех жамоаси бу мусобақага қүшилди, шу сабабли жамоа матбаачиларининг юмуши бир қадар юришиб кетди.

Тадбиркорлық ва билимдоңлик билан амалға

оширилган тадбирлар натижасыда ишлаб чиқариш корпусининг құшымча бинолари күриб битказилғандан сунг босма цехи янги майдонга кучиб ўтди, үз даври учун юқори унумдор ҳисобланған «Пламаг», китоб саҳифаларини бир меъерда босадиган «ПРК» ротация машиналари, нашрларга күп ранг бередиган янги «Виктория-Фронт» машинаси, «Графопресс» тигель автоматлари, иккита «Максима-Фронт» машиналарининг тез ишлаши учун зарур булған янги қолиплаш ускунаси үрнатылды. Янгидан ишлаб чиқылған технологияга биноан ротация, ясси босма ва тигель машиналари бўлинмалари бунёд этилди, стереотип ва қолипларни мустаҳкамлайдиган бўлинмалар очилди, цехнинг механизаторларни ташкил этилди. Булар қатогрига босма цехининг филиали, яъни бланкалар тайёрлаш булими ҳам қушилди. Бу бўлим барча кичик ва мураккаб буюртмаларни тайёрлайдиган булди. Урнатылган ускуналарни тезкорлик билан узластириб, ундан оқилона фойдаланиш ва сифатли маҳсулот чиқариш йўлидаги умумжамоа ҳаракати бошланиб кетди.

Янги техникани бошқариш учун юқори малакали ишчилар тайёрлаш зарурати туғилди. Босмахонада мураккаб технология құлланилаётгани туфайли ишчилар мураккаб машиналар низомларини үқишига мойил бўлиб қолдилар, уларнинг аксарияти үзимизда ташкил этилган техника билимлари тугарагига қатнашдилар. Ишчи-шслар матбаачилик техникуми, билим юргларида ва институтларда меҳнатдан буш вақтларida — кечқурун ва сиртдан билим оладиган булдилар.

Уша даврда бу улуг даргохнинг купгина фидокор мутахассислари бор эди. Улар орасида Х. Ориффонов, В. Азиков, Ю. Солопов, Е. Афанасьев, Е. Шепелева, Х. Алимова, Н. Сухова, Ю. Баходиров, О. Осипчук, М. Заславский, Н. Хоменко, О. Ибронимов, А. Неулибин, Б. Ким, И. Видонов, А. Хатулин, П. Карапилудис, М. Ходоровский, З. Орипов каби фахрийлар янги ускунани узластиришда ва ёшларга ҳунар ўргатишида фаол қатнашдилар.

Уа касбининг мохир билимдони Борий Қамбаров босмахонамизда күп йиллар ҳалол меҳнат қилди. Республикамиз матбааси тараққистига ҳисса қушған жонкуярлардан бири — у 1930 йилда Тошкентдаги матбаачилар билим юртини тамомлаб келганидан сунг қарийб 25 йил мобайннода, аввал босма цехида ишчи, кейин техника раҳбари, цех бошлиғи, босмахонанинг бош муҳандиси лавозимларида баракали меҳнат қилди. Ҳамкасб фахрийлар-

нинг эсласига қараганда, уша кезлар Борий Қамбаров иштирокида ишлаб чиқаришнинг купгина нозик масалалари ўз вақтида ва ижобий ҳал этилган, корхонанинг жами ихтирочилари мушкул масалаларни билимдонлик билан ечишган. Б. Қамбаров бир гурӯҳ ихтирочилар билан бирга «Максима-Фронт» ва «ДПИ» машиналаридағи қурилмаларга бўёқ тушиб кетишига имкон бермайдиган аппаратлар каллакларини такомиллаштиришни таклиф этишган. Колипларни мослаштириш булимида босма ускуналарнинг барча турларини мустаҳкамлаш технологияси узлаштирилганди. Бунинг оқибатида хориждан янги босма гилдираклар сотиб олишга ҳожат қолмади. Шундай қилиб, буртма матбаа цехи жамоаси узларининг ихтиrolари билан ясси босма цехидаги ҳамкасбларига ижобий мадад бериб, уларнинг миннатдорчилигига сазовор булишганди.

Бу ихтирочилик янги иш услубига асос булди. Күп тишлик гилдиракларни жойлаштириш ва мустаҳкамлаш чоғида юмалоқ мосламаларни мукаммаллаштириш ана шундай оқил ечимлардан бири бўлди. Бу янгиликдан фойдаланиш оқибатида күп тишлик гилдиракларнинг ўқтинг-уқтинг ишдан чиқишига барҳам берилди, машиналар сабабсиз бекор туриб қолмайдиган булди. Ихтирочиларнинг таклифиға кўра юмалоқ гилдиракли машиналар цилиндрларига қурғошиндан қуйилган ярим юмалоқ колипларни мустаҳкамлаб қуиши учун маҳсус мослама тайёрланди.

Техника тафаккури пешқадамларининг ижодий гоялари ва изланишлари туфайли йирик хажмдаги ускуналарни ишлатиш муддати анча узайтирилди. Масалан, «Пламаг» машинасининг қуюв автомати эскириб, ночор аҳволга келиб қолган эди. Мутахассислардан С. Фаизов, С. Буралев, Н. Богданов, В. Вшивков, Ж. Зайниддинов, Ф. Нажимовлар «2-ОГА» автоматини билимдонлик билан мукаммаллаштирилар, натижада бу машина яроқсиз булиб қолган ускуналар урнида ишлатиладиган булди. Газета босма цехида жорий этилган яна бир салмоқли ижодий таклиф ҳақида алоҳида тұхтаб үтиш жоиз булади. Барча машиналарда илгари құлланиб кеслинган тез ишдан чиқиб қоладиган крахмал валик — «жував»лар урнига резина «жував»лар ишлатила бошланди. Бу ихтиронинг ижодкорлари В. Бухбиндер ва ёш мутахассис Н. Викнянский эди.

Янги цех жамоаси корхонадаги жами рационализаторлар билан ижобий ҳамкорликда ишлаб, барча нашрларнинг матбаа ижроси юксак сифатли бўлиши учун ута мураккаб ва ижодий меҳнатга бел-

богладилар. Изланишлар оқибатида маҳсулот тайерлашынг нұксонсиз усули жорий этилди. Маҳсулоттунг сифатсиз бўлишига гов буладиган огоҳлантирувчи талонлар қулланила бошланди. Күшини цехлардан келаётган маҳсулот, мабодо нұксонли чиқиб колса, огоҳлантирувчи ҳужжат кучга киргандан сунг, жарима тушишидан чучиган суратчилар ва нұксонли клише тайерлаган цинкографлар ҳушер тортиб қолиши. Ҳарф териши цехидаги айрим шошма-шошарлар ҳам энді пухта ишлашга ҳаракат килалиган бўлдилар. Чунки ҳар бир сахифа, ҳар бир клише чоп этишдан илгари синчиклаб текширилиб, техника назоратидан утказилади. Юқорида айтиб үтганимиздек, мабодо етказиб берилган ярим маҳсулот технология талабларига мос келмай қолса, дарҳол камчилигини тузатиш учун илгариги цехга кайтариб жұнатилавериладиган бўлди. Янги қоидага асосан ҳар бир ишчи маҳсулотга үз тамгасини құя бошлади, ҳар смснадан сунг маҳсулотни қабул қилиб олиш ва топшириш тартибга туширилди. Маҳсулот сифатига ҳар куни баҳо берила бошланди, бунинг учун беш балли замонавий системадан фойдаланиладиган бўлди.

Кундалик иш натижаларини белгиловчи маълумотлар ҳар доим цехдаги таҳтачаларга илиб қўйила бошланди. Унда ишни бажарган мутахассисларнинг лавозими ва ҳисобланган иш ҳақининг натижаси аниқ курсатиладиган бўлди. Ишчиларга маҳсулот сифати юқори булгандагина мукофот бериладиган бўлди. Афсуски, матбаа хом ашёсининг камайиб кетиши оқибатида ишлаб чиқариш сурати пасайли, унумдор, саботли меҳнат анъаналарига путтур ета бошлаш хавфи тугилди. Шуни инобатга олган ҳолда корхонамизда сунгти имкондан оқилона фойдаланиб, ходимларни қисқартирмасдан ёндашув тартиби ёрдамида уларни доим иш билан таъминлаб туришдек мураккаб вазифани амалга оширишга интилдик, оқибатда маълум ижобий натижаларга эришдик.

Босмадан чиққан варакларни таҳлаш ва саҳифаларга буқлаш бўлинмасининг очилиши (илгари бу бўлинма муқовасозлик цехи сафида эди), буюртмаларнинг тез бажарилиши билан бир қаторда нашрларнинг анча сифатли бўлишига имкон яратди. Босмадан чиққан варакларни муқовасозлик цехига жұнатиш жараёндаги ҳисоблаш ва санаш ишларини осонлаشتирди, ярим тайёр маҳсулотни экспедицияга тулалигича топширишда матбаачиларнинг масъулияти билан бир қаторда уларнинг иқтисодий манфаатдорлигини ҳам сезиларли даражада

да ошириди. Журналлар ададининг бетухтов ўсиши, уларни тезкорлик билан тайерлаб чиқариш зарурти туғилғанлиги туфайли ротация машиналари булинмасининг майдонини кенгайтириш зарур булиб қолди. «ПРК-3» маркали босма машиналар, «Плаг» чоп этиш матбаа машинаси (бу машина варақаларни қабул қилиш, шиббалаш қурилмаси билан жиҳозланган эди), қирқиши қурилмаси бўлган, муайян ўлчамга мўлжалланган «Виктория-1300» ротация машинаси урнатилди. Бунинг натижасида умумий кенглик ҳажми 90x120 сантиметр булган буюргта варақаларини чоп этиш, саҳифаларни буқлаш олдидан варақларини қирқишига зарурат қолмади. «Виктория-1300» варақли ротация машиналарида ишлашнинг узлаштирилиши туфайли журналларнинг матбаа ижроси сифати бирмунча кутарилди, уларни чоп этиши жараёни жадаллашиб, меҳнатга сарф этилган таннархнинг сарфи сезиларли миқдорда камайди.

Босмахона цехларига етмишинчи йилларда купгина юқори унумли ускуналар урнатилди: булар орасида «Виктория-1040», «Виктория-820» (булар купрангли нашрларни босишга мўлжалланган), китоб, журнал чиқариш учун «ПРК-3М» ротация машинаси, «САМ-347» стереотип-қуюв автомати, туртта «571» русумдаги кассетали — саҳифаларни буқлаб тахтайдиган ва бошқа шу сингари машиналар урнатилди.

Уша сермашаққатли йилларда корхонамиз цехларида ясси босма машиналарини кенг меъёрда жорий этиш учун йўл очилганди. Мавжуд талабни руёбга чиқариш мақсадида АҚШдан келтирилган иккита «Госс-Коммюнити» икки гилдиракли оғсет босма машиналари тезкорлик билан қурилиб ишлаб чиқаришда узлаштирилди, бунинг оқибатида «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока» журналларини чоп этиш жараёни жадаллашди.

Китобларни қаттиқ муқоваларда тайерлайдиган булинманинг ишга туширилиши туфайли цех равнақида янги давр бошлиланди. Ҳозир амал қилаётган ускуналар мажмуаси шарофати билан йилига 6 миллион қалин муқовали китоб тайерлаш имконини берди, лойиҳада мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига етгандан кейин эса 10 миллион нусхада китоб етказиб бериш имконияти вужудга келади. Ўз навбатида, газета, журналлар ададлари сўнгги йилларда кескин камайиб кетгач, қаттиқ ва юмшоқ муқовали китоблар чиқариш асосий соҳага айланди. Курратли ва сермаҳсул машиналарнинг буш қолмаслигига эришилди, бунинг натижасида

эса корхонада меҳнат самарадорлиги суръатининг сақлаб қолиниши таъминланиб, бушаб қолган ходимларга мунтазам ва етарлича маош олишлари учун иш топиб берилди.

«ЛИБОС» БИЧИҚХОНАСИ

Корхонамизда урушдан кейинги бунёдкорлик ҳали тикланиш даврини бошидан кечирав эди. 1957 йилнинг июнь ойида қолип тайёрлаш булинмаси ва оғсет босма цехини қуришга киришилди. Бу бинонинг қурувчилари четдан келтирилган машина ва ускуналарни монтаж қилишда ҳам фаол иштирок этдилар. Бино қуриб бўлингандан сўнг матбаага ҳаваси тушган қурувчиларнинг купчилиги шу цехда доимий ишлашга ҳоҳиш билдирилар. Кейинчалик уларнинг айримлари Москвадан жунатилган икки рангли иккита оғсет синов нусхаси оладиган машиналарда ишлашни урганиб олдилар. Уша кезлар жон кўйдириб ишлаган матбаачилардан К. В. Хольщмитд, М. Солиҳов, В. И. Слободзян, Л. С. Переволовалар гайрат билан баракали меҳнат қилган эдилар. Уз даврида етук мутахассис булган нафақаҳурлардан А. К. Чернишев, Б. Каримов, З. Ҳамидовлар ҳали ҳам қадрдан ишхоналарига тез тез келишиб тажрибаларидан ёшларга ургатадилар.

Фаҳрийларимизнинг эсласича, цех дастлабки или «Муштум» журналини 1,5 босма табоқда 60 минг нусхада, «Ғунча» журналини 16 минг нусхада чиқаради. «Узбекистон», «Гулхан» сингари кўп рангли бошқа нашрлар ҳам шу цехда чоп этила бошлаганди. Янги оғсет технологияси ва замонавий ускуналар тула ўзлаштирилгандан кейин қушнимиз — оғсет босма фабрикасининг хизматига ҳожат қолмади. Кўп миқдордаги қозоз ва тайёр маҳсулотни беҳуда ташиб юришга чек қўйилди, энг нодир ютуқ шунда эдики, журнallарни чоп этиш ва тайёрлаш муддати сезиларли даражада қисқарганди. Кўп рангли нашрларнинг бадиий безаги ва матбаа ижроси сифати талаб даражасига яқинлашиб, уз уқувчиларини хушнуд этарди.

Навқирон жамоадан дастлабки қалдиргоч ихтирочиilar стишиб, цех раҳбари С. Глушенко, мастерлардан М. Фирсов, Ш. Набиев, И. Данилов, Н. Коченов, И. Рябиновалар таклифи асосида буек ишқалайдиган резина «жўва»ларини намлаш усули

такомиллаштирилди. Натижада ошиқча сарф-харжат ва бүек аппаратларини созлаш учун сарф қилинадиган вақт ва ошиқча харажатлар камайды. Рух қолиплар ўрнига арzon нархдаги енгил алюминидан ясалган қолиплар ишлатила бошланди. Офсет матбаа қолипларини тайёрлаш жараёнда пластинадан силиклашнинг янги усули қўлланилиши, қимматбаҳо чинни золдирчалар урнига баҳоси арзонроқ металл золдирчалардан фойдаланиш эвазига кўпгина маблаг ва камёб материалларни тежашга имкон яратилди.

Ўша даврда нашриётнинг меҳнатни ташкил этиш бўлими тавсиясига кўра меҳнатнинг яна ҳам тезкор ва фойдали усулига утилди. Икки сменадаги икки гурӯҳ битта маҳсус бригадага бирлаштирилди. Ишчилар меҳнатига ягона ҳисоб варақаси курсаткичлари бўйича ҳақ тўланадиган бўлди. Бу янгилик натижалари дарҳол бутун бўй-басти билан кўриниди: бригаданинг барча аъзолар ускуналарни эҳтиётлаб, режа билан ишлай бошладилар, қозони, матбаа материалларини, бўекни тежаб ишлатадиган булишди. Меҳнат унумдорлиги ошиди, маҳсулот сифати анча кўтарилди, маънавий жавобгарлик, моддий манфаатдорлик ортди, оқибат натижада иш ҳақи ҳам кўтарилиб, меҳнат интизоми мустаҳкамланишиш унуми ва иқтисодий самара салмоги сезиларни даражада кўтарилди.

Тарихий даврнинг уз етакчилари булиши табиийdir. Шулардан бир гурӯхи бўлган Жўрабой Алибоев, Акром Каримов, Мухиддин Солиҳов, Жаъфар Аъзамов, Мирвали Билолов, Ҳасан Жўраев сингари пешқадам ишчилар ва ҳозир ҳам цехда ранг тайёрловчиси бўлиб ишлаётган Яков Мазуриннинг ижодий фаоллиги туфайли Москва матбаачилари тажрибалари синчковлик билан ўрганилиб, корхонамизда юзага келган тажрибалар билан тўлдирилиб, уларни ишлаб чиқаришга муваффақиятли жорий этиш имконияти яратилди.

Бу янги ва фойдали усулни маҳсулот тайёрлаш жараёнда узлаштириш жамоа аъзолари уртасида тартиб-интизомни мустаҳкамлади, ёшларнинг билим олишга бўлган интилишини кучайтирди. Кўпгина ишчилар меҳнатдан ажralмаган ҳолда кечки мактаб, техникум ва институтларга уқишига кирдилар, натижада техник мұхандисларнинг қатори ўзимизда етишган мутахассислар ҳисобига бирмунча купайди.

Ўрнатилган машиналарнинг ишлаб чиқариш кувватларини аста-секин лойиҳадаги мулжалга етказилиди. «ПЦО—6-1», «ПЕО—2-2» офсет машиналари,

«Пламаг» фирмасининг «Крокодил» деб номланган, ун турли ранг берадиган оғсет машиналари урнатиди. Бир гурух муҳандисларимиз бу машиналарни Олмониядан келган механик, монтажчилар, электрчи ва электрончилар билан ҳамкорликда ўрнатиб, фойдаланишга топшириш ва уларда кўп рангли журнallарни тайёрлашга муваффак бўлдилар.

Ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш даврида Москва вилоятидаги Зарайск заводида ишлаб чиқарилган аввалдан фото-сезгири моддалар юргизб тайёрланган пулат листлардан босма учун қолиллар тайёрлаш технологияси узлаштирилди, бу эса мавжуд босма қолилларидан узлуксиз, кўп нусхада вараклар тайёрлаб чиқариш жараёнида унумли фойдаланиш имконини яратди. Худди шу даврда босма нашрларга турт хил ранг берадиган оғсет машиналари — «Ультраплан», нусха кучириш рагмалари, Чехословакиядан сотиб олинган «Бузард», «Затеконте-701» ва «Затеконте-702» тайёр босма қолиллардан нусха кучирадиган машиналар, қозоз намлигини цехдаги шарт-шароитта мослаштирувчи автомат тизими ва бошқа кўпгина ускуналар ўрнатиди. Варакли ва ролли машиналарда чоп этиши учун ўз корхонамизда оғсет резинадан тайёрланган қалин декел материалларини ишлаб чиқаришга жорий этилиши, сифати жиҳатидан уни Англия фирмаларидан олинадиган «Вулкан» маркали резиналар даражасига кутариб, эндиллиқда бу материални валютага сотиб олишдан воз кечиш имконини берибгина қолмай, янги маҳсулотимизни чет мамлакатлар босмахоналарига сотиш имкониятини ҳам яратди.

Федератив Олмониянинг «Хелл» фирмасидан сотиб олинган «ДЦ-300» рангни тақсимлаб, бир-биридан ажратадиган ускунанинг (унинг хромоскопи билан бирга) ўрнатилиши, фото-нусха марказининг бунёд этилиши, кейинчалик эса ботиқ ва оғсет матбаа учун фото ва босма формалар тайёрлайдиган мустақил цехга айланиш жараёнида содир этилаган янгиликларнинг асоси булиб қолди. Бу машиналар ишга туширилиши оқибатида оғсет цехи кўп рангли нашрларни тайёрлашга мўлжалланган Тошкент оғсет фабрикасидан кура бир неча бор кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарадиган бўлди. Айни вақтда кўп рангли журналлар, буклетлар, каталоглар ва проспектлар матбаа ижроси, сифати бўйича давр талаби даражасига кўтарилимоқда эди.

Озиқ-овқат ва виночилик мажмуи корхоналаридан кўп нусхада ишлатиладиган, маҳсулотни безайдиган этикеткаларни корхонамизда босиб чиқаришни

САОДАТ МАНЗИЛЛАРИ

үзлаштириш ҳам буюртмачиларимизга маблаг сарфини анча тежашга имкон берди. Илгари республиканинг озиқ-овқат саноати ва мева-сабзавот ҳуҗаликлари вазирликлари этикетка тайёрлаш учун Москва, Ленинград, Киев, Калуга, Минск шахарларидаги матбаа корхоналарига буюртма берар эдилар, оқибатда куп маблаг ўринсиз ва бефойда сарфланарди. Эндиликда республикамиздаги завод ва фабрикалар шундай босма безакларни корхонамиздан ортиқча ташвишсиз ўз вақтида олиб кетмоқдалар.



Монтаж цехининг қули гул матбаачи аёллари «маънавият обидалари» — журналлар ва китобларнинг матнлари фотонусхаларини бирбира «пайвандлайдилар»

Бу даргоҳда тайёрланаётган маҳсулотлар ҳақида гапирап эканмиз, албатта эсдалик учун чиқарилаётган кўпдан-кўп нашрлар ҳақида ҳам айтиб утишимиз лозим бўлади. Бундан ташқари мавзуу режасига кура стол устида турувчи ва чунтакда олиб юриладиган ўнлаб номдаги календарлар, куп рангли мишиятюралар альбомларини, нафақат республиками уқувчилари учун, Ҳамдустлик мамлакатларининг бошқа шаҳарларида истиқомат қилувчи талабгорлар учун кўп нусхада ана шундай нафис ва гузал нашрлар босилмоқда. Байрам саналарига мулжаланган табрик, қоғозлари, Шарқ назми классикларининг асарларидан тузилган тупламлар ва камада

лак ранги акс этган эсдалик нашрлари ҳали ҳам күп нусхада чоп этилмоқда. Сунгги 5-6 йилда узбек ва рус тилларida миллионлаб нусхада чиқарилган ва үкүвчилар қулига тегаётган турли йұналишлардан күркам китоблар ҳам ана шулар сирасига киради. Буларга доим талаб кучли булиб, китобларимиз харилорларга манзур булаёттандырылған бизни бенихоя құвонтироқта.

Корхонамиз булинмалари уртасидаги меңнат пойгасида әришган юқори курсаткічлари учун бүтін жамоаси бир неча бор күчма байроқ ва пул мүкофоти билан тақдирланғанлығи, унинг ҳақиқий илгорлигідан әрқин далолатдир.

Аммо жамоадаги ҳар бир киши корхонамиздаги умумий иш месъері асосида үз үрнида мавжуд бұлған имкониятлардан тұла фойдаланилмаёттандырылған захиралар борлигини яхши англаңдырып түрібди. Яқында ишбілармен мутахассисларимиз оффсет босма цехини бұртма босма цехи билан битта булинмага бирлаштырылған мұхым мұаммона билимдонник билан ҳал әтдилар. Бу ихтирони ишлаб чиқаришга тәдбик әтиш натижасида босма сақиғаларни тақтаба қирқадырып машиналар булинмасини бир жамоа мажмуасига бирлаштыриб, ягона кучли булинма ташкил әттілді.

Бу янгилик журналларни жадаллик билан чоп әтиш имконини берди. Эндилікда мұқова ва матн бирга букилған сақиға ҳолида мұқова цехиге жұна-тиладырылған булды, бошқача айтганимизда, у ярим тайёр маңсулотни турли цехлардан әмас, балки ягона босма цехидан батамом бутлаб оладырылған булды. Давр олдымизга янгидан-янги мұаммолосының күндағандағы құймокта. Биз қийинчиликларни енгіб үрганған халққа мансубмиз, корхона шарафи захматини чеккан мінглаб жонкуяр фидойи мутахассисларға, замонавий техникага әгамиз. Шунинг учун ҳам қийинчиликдан чучимаймиз, доим мақсад сары интилиб, ютуқни құлдан бой бермай, иншооллоқ, әз-гу яратувчилик, асл ва қатый ниятимизга етамиз. Бунинг ишончли кағолати серзәвқ, сермашаққат на савобли меңнатимиздир.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯНИ ҮЗЛАШТИРИШ ДАВРИ

К орхонамизнинг ботиқ босма мажмуаси нисбатан янги булинмалардан ҳисобланарди. Курилиш 1971 йилда ниҳоясига етиб, ана шу иншоот ишга туширилгандан сунг босмахонамиз матбаанинг асосий уч тури: буртма, офсет ва ботиқ босма технологияларига эга булди.

Илгари айтиб ўтганимиздек, янги мажмуа лойиҳасини Москвадаги «ГИПРОНИИПолиграф» институтининг мутахассислари тайёрлашган. Ўшбу мажмуани жиҳозлашда сабиқ иттифоқдаги матбаа машиналари тайёрлайдиган заводлар ва Олмония фирмалари иштирок этдилар. Бу замонавий мажмуанинг маҳсулот ишлаб чиқариш кучи ва ҳажми ҳақида гапирадиган булсак, унинг эгаллаб турган саҳни босмахонамизнинг ҳамма эски бинолари ҳажмига баробардир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, цех жамоаси 1970 йилларда ҳали навқирон эди. Унинг асосини ташкил этувчи ёш мутахассислар янги мажмуа ишга тушишидан илгариёқ бу технологияни эгаллашга тайёрлана бошлаган, яъни 30 киши Москва ва Киев шаҳарларидағи босмахоналарда ҳунар урганиб келишган эди. Улар «Правда» ва «Радянска Украина» нашриётлари босмахоналари мутахассислари ҳузурида булиб, матбаанинг мураккаб тури булган ботиқ босманинг сир-асорларини ўргандилар. Олмония «Пламаг» фирмасининг раҳнамо монтажчилари ҳам бизнинг усталарга янги технология сирларини ургатдилар. «Правда» нашриётининг юқори малакали мутахассислари эса бир неча бор Тошкентга келиб бизнинг мутахассисларимизга амалий ёрдам кўрсатдилар. Бунинг шарофати билан босмахонамизда журналларни миллионлаб нусхада босишини ташкил этиш имконияти пайдо бўлди.

Бу цех технологиясини ўзлаштиришга катта мастер Ҳошим Дадашев, бригадирлардан Ёдгор Умархўжаев, Баёз Миродилов, Руслан Комилов, механик Рафкат Галиев, оператор Евгений Акимов, тикв-кесиш агрегатларининг машинистларидан Антонина Томкина, Ксения Ямпольская, корхона марказий лабораториясининг мудираси Надежда Кушнир, лабораториянинг етакчи мутахассисларидан Тамара Аминова, Татьяна Леонтьева, Ильвира Губайдулина, Татьяна Шведовалар кўпгина куч ва

билимларини сарфладилар. Цех жамоаси завод лабораторияси ходимлари билан ахил-иноқлик ва ижодий хамкорликда ишлаганини айтиб утиш билан бирга мажмуанинг мураккаб муаммоларини улар ҳозирги кунда ҳамкорликда ҳал этаётганликларини зложида таъкидлаш керак бўлади.

Мазкур ботик босма мажмуасини фойдаланишга топширгунга қадар юздан ортиқ замонавий матбаа ва муҳандислик ускуналари ўрнатилди. Уларнинг умумий қиймати 5 миллион сўмдан ошиқ эди. Булар орасида тўрт секцияли икки хил рангда қоғоз бетига нусха туширадиган икки гилдиракли ботик босма машинаси, иккита саккиз рангли бир гилдиракли ботик босма машинаси, иккита саккиз рангли бир гилдиракли машиналар, еттига тикув-қирқиш агрегатлари (булар брошюра булинмасида ўрнатилган «735» моделига мансубдир) бор. Кейинчалик эса юқори унумли «Вариохромграф С-296» электрон ранг ажраттич ускуна ўрнатилди, унинг ёрдамида кўп рангли нашрларнинг фото-дипозитивлари ва босма қолиллари шу ерда тайёрланадиган бўлди.

Орадан бир йил ўтганидан кейин иккинчи саккиз булинмали икки гилдиракли ботик босма машинаси олинид. 1973 йилда эса ботик босма қолилларини тайёрлаш булинмасида олти рангли нусха кучириш машинаси ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди. Шу туфайли босма қолилларининг чидамлиги ва ижро сифати ошди, машиналарни кўп рангли нашрларни чоп этишга тайёрлаш чогида ишлатиладиган асосий ускунанинг бекор туриб қолишига чек қўйилди.

Уша йилиёқ техникавий бойлигимиз яна ошди: Австриядаги «Графикарт» фирмасининг босма қолилларга кимёвий усулда ишлов берувчи «Гравомайстер» ускуналари ўрнатилди. Булар ўзлаштирилгандан кейин қолип цилиндрлари булинмасидаги кўл меҳнатига батамом барҳам берилди. Уша кезда пигмент қоғозларига ишлов берадиган «Графикарт» фирмасининг машинаси ҳамда «Каспар-Вальтер» фирмасининг ёритиши қурилмаларидан иккитаси ҳам ўрнатилди. Орадан бир йил ўтгач «Гравомайстер» маҳсус қурилмасидан яна биттаси олинид. 1975 йилда цехда «Каспар-Вальтер» фирмасининг силиқлаш-жилолаш дастгохи ўрнатилди. 1976 йилда цехнинг брошюра булинмасида тикиш-қирқиш автоматининг «735» сермаҳсул моделли тезкор машинаси ўрнатилди.

Уша даврда журнал саҳифаларини ўраш ва тишиш жараёнларини механизациялаш катта муаммо

булиб турарди. Иккита нашр түплемларини тикиш қурилмаси ёрдамида ана шу сермеҳнат юмушчи қисман механизациялаш мүмкин бўлди, бунинг учун қогоз чизимча урнига полипропилен лентасидан фойдаланиладиган булди. 1979 йилда «Репроплюс-25-Ф» деб аталган акс чиқарувчи автомат қурилма узлаштирилиб, босма қолип тайёрлаш технологияси бутунлай меҳаник усулга утказилди.

Республика Озиқ-овқат саноати вазирлиги билан биргаликда нашриёт мутахассислари ранги қу-



Турли-туман бўёкларнинг сержило безакларга айланishi учун, эҳ-хе, қанчада зехн ва меҳнат зарур!

тичалар тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқдилар. Буш турган майдонда саҳифали ва ролли оффсет машиналари ўрнатилди. Булар йилига 60 миллиондан купроқ ана шундай қутичалар тайёрлаши мумкин эди. Вазирлик корхоналари буларга макарон, вермишель ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини жойлайдиган булдилар. Цехда «ТС-96» маҳсус бичиши-қирқиши автоматлари ҳамда картон қутичалар расмини тушириб чоп этиб, қирқадиган «ДУО-53» русумидаги маҳсус машиналар ўрнатилгандан кейин бундай маҳсулотлар тайёрлашдан қуриладиган фойда анча кутарилди. Натижада урнатилган машиналар ва дастгоҳлар ишлаб чиқариш кучларидан фойдаланиш даражаси сезиларли даражада оширилиб, рангдор қутичаларнинг сифати яхшиланиб, умумий ҳажми 100 миллиондан ошиб кетди.

Ўз-узидан равшанки, маҳсулот таннархини арzonлаштириш, миллион-миллион сўм сарфлаб со-

тиб олинган ускуналар харажатларини қоплаш муддатларини қисқартириш учун, албатта, юксак унумли ускуна ва унинг тұла ишлашининг ўзигина киғоя қылмайды. Бунинг учун мажмұанинг бутун жағоаси ҳар түрли хом ашё, электр ва иссиқлик қувватларини тежаб-тергаб сарфлаш режаларининг пухта усулини тузид, уни амалга ошириши керак. Айны пайтда тадбирлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, эңг асосийсі эса мажмua хизматчиларининг моддий манфаатдорлигини кучайти-



Чехословакия
матбаачилари билан
урашувдан бир
лавҳа

риш имконини яратади. Инсон омилиниң асосий талаби ҳам шундан иборатдир.

Тажриба ҳали старли бұлмагани туфайли цех ходимлари дастлабки йилларда бүекларни белгилаб қўйилганидан ошиқ сарфлаб юборишар, бу бүеклар қиймати тобора ошиб бораётгани учун цехда тайёрланган маҳсулотнинг таннархига ҳам салбий таъсир курсатар эди. Устига-устак айрим матбаачиларининг бепарволиги оқибатида бүеклар солинган идишларнинг деворларидан анчагина бүеклар қолиб кетар, улар тозаламасдан туриб бефойда тўкиб юбориларди. Баҳайбат идишларни темир йўл тизими базасига жунатилиб, бу маҳсулотни юборган заводларга қайтарилар эди. Шу боисдан ҳам бүеклар сарфи нормативларига қатъий риоя этиш йулида бир неча аниқ ташкилий-техникавий чоралар кўриш лозим бўлди.

Корхонамиз ихтирочилари муҳандисларимиз би-

лан ижодий ҳамкорликда бүек көлтириладиган идишларнинг тагини тозалаб, ичида қолган бүекларни йигиб оладиган маҳсус мослама тайерладилар. Идишлар толуол билан ювила бошланди, шундан кейин бүекнинг исроф булиши деярли камалади. Лекин бу ҳали ҳам чала ярим чора эди. Кейинчалик бүек станцияси таъмирланди ва бу ердаги ишлар механизация воситалари зиммасига юкланди. Ҳар бир машинанинг бүек аппаратларини хом ашебилан тұлдириш вақти 20 минутта қисқарди. Бүек аппаратларга юборилаётганда түкилиб, исроф булиши ҳоллари ҳам камайды. Оқибатда бүекнинг бекінде сарфи камайибина қолмай, бу қиммат бағоли хом-ашёнынг сарфи ҳам қисқарди, оқибатда корхонамиз сезиларлы даражада маблагларни иктиносид қиладиган бўлди.

Лекин ҳали тежаб-тергаш имкониятлари ниҳоясига етмаган, уларни қидириб тошишимиз лозим эди. Буни маҳсулот таннархининг қимматлiği, даражатларни арzonлаштириш заруратини талаб этарди. Шу мақсадда «Саодат», «Гулистон», «Фан ва турмуш», «Санъат», «Кино» журналларининг масъул котиблари, бош рассомлари, фоторепортерлари, техник муҳаррирлари цехга тез-тез таклиф этиладиган бўлди. Икки томон мутахассислари биргаликда кўп рангли нашрларни бадиий безашининг технологик нозик жиҳатлари ва буларнинг матбаа технологияси талабларича мос келадиган масалаларни жонкуярлик ва иқтисодий манфаатдорлик ҳисси билан қизгин муҳокама этиб, тўгри ечимишин топдилар. Шундай муҳокамалардан кейин кўп утмай рассомлар журналларнинг матнларини ва безаги остидаги катта-катта саҳнларга иккинчи хил рангни беришдан воз кечдиilar. Натижада анчагина бүек ва толуолни күшимча тарзда тежаб қолинадиган бўлди, журналларнинг бадиий ва матбаа ижроси юкори даражага кўтарилиди. Таҳририятлар эса журналхоналар талаби билан безакларнинг эстетик таъсирини кучайтиришга муваффақ бўлдилар. Надоматлар бўлсинки, сўнгги йилларда айнан шу йиллар давомида эришилган тажрибаларга хом ашеб етишмаслиги туфайли сезиларли зарар етди. Маблаг жиҳатдан матбаа ашёларининг нархи ошиб кетганлиги, уларнинг қиммат нархига таҳририятларнинг иктиносидай молиявий имкониятлари чегараланганилиги сабабли дош берга олмаётирлар.

Илгари бу цехда ҳам асосий хом ашеб ҳисобланган қофознинг барча навлари асоссиз равишда белгиланганидан ортиқча сарфлаб юбориларди. Аник жавобгар ходим йўқ эди. Шу сабабли ҳар бир иш-

чи ўз масъулиятини шахсан сезмас эди; бригадага берилетган қофозлар ҳисоби ва сарфи түгри йұлға күйілмаган эди. Автомашиналарда қоз үрамларининг күпчилиги ташиш қоидаларига риоя этилмәткенлиги сабабли, улар мұлжалланған жойга етиб бормасданың сифатсизләни қоларди.

Көрхонамиз мутахассислари чамалаб қуришиб, газета ротацияси цехида ва күп рангли оффсет босма машиналари бүлинмалариде қоз тежаб сарфданаётгани, ҳам технология жиҳатидан, ҳам иқтисодий омилкорлик билан иш юритилаётганинги хусусидаги тажрибани бу ерда ҳам ёйишга қарор қилинди. Хуллас, шу фойдалы тажрибани иқтисодий ҳамкорликда баҳам қуриш салмоқлы натижада берди. Ишчиларни аник мақсадни күзлаб үқитиши, уларнинг касб маҳоратини ошириш, ҳар бир бригадага қанча қоз берилгани ва ундан маҳсулот тайёрлашда нечогли түгри фойдаланганини аник ҳисоб-китоб қилиб бориши, тежаб-тергагани учун ишчилар моддий манфаатдорлигини ошириш ва айни вақтда сифатсиз маҳсулот чиқаришда айбдор булған, қозозни ортиқча сарфлаб юбораётганды кишиларга пул жаримасини юклаш бу соҳадаги ишнинг асосий магзи бўлди.

Марказий Осиёда биринчи ва яккаю ягона булған репродукция марказининг очилиши қимматбахо фотопропрдукция усулида ранг ажратадиган ускуналарни бир марказга тұтпаш имконини берди, ҳолбуки, бу ускуналар илгари уч цехда, яъни босма, оффсет ва цинкография цехлариде жойлашган эди. Шундай қилиб, матбаа ускуналари ва ишлаб чиқариш майдонларидан оқилона фойдаланила бошланди. Мехнат унумдорлиги ва маҳсулот сифати ошди. Бушаб қолған майдонларда босма ғилофлар тайёрлайдиган «Гелиос-225» машинаси үрнатилиб, рангдор отkritkalар ва бошқа эҳтиёжлар учун конвертлар тайёрлашга киришилди.

Муқовасозлик — брошюралаш цехи корхонадаги энг кекса булинмалардан бўлиб, у ҳам 1921 йилда корхонамиз билан бирга очилган. Ўша кезларда бу булинма Туркистон Республикаси Давлат Сиесий Бошқармаси босмахонасининг муқовасозлик устахонаси бўлиб, мавжуд беш хонадан бирида жойлашган эди. Бу ерда ўшандаги 12 кишигина ишлар эди.

Ҳозир муқовасозлик цехида асосан аёллар меҳнат қиласидилар. 20-йилларда эса цехда фақат эркаклар ишлар эди. Бу булинмада брошюралар, бланка, квитанциялар ва ҳужжатлар муқоваланаар, папкалар тайёрланар, муассасалар ва хусусий кишиларнинг буюртмалари ҳам тайёрлаб бериларди.

Журналлар, китоблар ва брошюраларни қаттиқ муқовадан тайёрлаш технологиясини қуллаш анча кейин, яъни мазкур корхона «Советский Восток» босмахонасига айлангандан кейин бошланди. Янгидан ташкил этилган босмахонадан ишлаб чиқариш майдонлари таъмирланиб кенгайтирилди, эскиган матбаа ускуналари қайта таъмирланиб, брошюраларга зийнат берадиган янги ускуналар ўрнатилди.

Бу даврни кекса матбаачи, корхона касаба кенгашининг котиби В. П. Казаков шундай хотирлайди:

— «Советский Восток» босмахонасида ишлаганман, кейинчалик унинг номи «Средаэкнига» булди. 1928 йилда эса «Правда Востока» босмахонаси тузилди. Ўша кезлар муқовасозлик цехида барча юмушлар қулда бажарилар эди. Цехда бир неча сим билан тикадиган машиналар, битта тиги бўлган кесиш машиналари бўлиб, китоб блоклари ва муқоваларни тахлаш, тикиш, қирқиш, нақш бериш учун эски пресслар ва қул ёрдами билангина харатланадиган ускуналар буларди».

Шаҳардаги барча босмахоналар янги матбаа комбинатига бирлашгандан кейингина муқовасозлик цехидаги иш шароити бир қадар созланди. Бу ерда Ўзбекистон давлат нашриёти, Адабиёт ва санъат нашриёти, Ўзбекистон педагогика нашриётлари томонидан чиқарилаетган китоблар муқоваланаар, шунингдек, ойлик «Конгресс», «Гулистон», «Совет адабиёти», «Мухбирлар йулдоши», «Ёрқин ҳаёт», «Ёш куч», «Советская педагогика», «Вожатий» журналларининг тиражлари, жумладан нодаврий нашрларнинг кўпмингли нусхалари шу босмахонада тайёрланарди.

Аммо купгина меҳнат жараёнлари, жумладан саҳифаларни буқлаш, саралаш, бутлаш, китоб блокларини урни-урнига қўйиши жараёнлари ҳалигача қўлда бажарилар эди. Мутахассислар, машинасозларнинг мамлакатдаги матбаачи инженерлар билан ҳамкорликдаги узоқ йиллар олиб борган ижодий изланишлари оқибатида янги машиналар яратилди, китоб ва журнал чиқаришдаги сермеҳнат ишлар техника зиммасига юклатилди. Фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнларига жо-



рий этиш ниятида босмахонани тубдан таъмирлаш режаларини амалга оширишга киришилди. Замонавий бинолар қурила бошланди, юксак унумли матбаа ускуналарини урнатишга киришилди.

Босмахонанинг янги биноси фойдаланишга топшорилгандан кейин муқовасозлик цехи унинг икки қаватини эгаллади. Иккинчи қаватда қаттиқ муқова, туртингчи қаватда эса юмшоқ муқова бўлинмалари жойлаштирилди. Транспорт линиясида «кулбола» юқ лифти урнатилди.

Бу даврда муқовасозлик цехида, бошқа қушни цехларда бўлгани сингари янги тикув машиналари, астар тикиш, китоб саҳифалари, тайёр маҳсулотни узатиш линияси урнатилди. Суяк елими урнига биринчи марта янги «КМЦ» слими қўлланилди. Буларнинг ҳаммаси маҳсулот таннархини арzonлаштириш билан бир қаторда ишлаб чиқариш маданияти ва эстетикаси мавқеини кутарди. Цехдаги

60-йиллар илғор
матбаачиларининг
шукухли давраси

хаво ҳарорати бирмунча совитилиб, таркиби зарарли заррачалардан тозаланди.

Техника тараққиети шарофати билан цех 60-йилларнинг бошидан бошлаб миллионлаб нусхада чиқаётган китоблар, журналлар ва бошқа нашрларни бежирим «либос», яъни муқовалар билан тула таъминлади.

Қўл меҳнатини камайтириш мақсадида цехда тўплам-тўплам китобларни қалин муқова билан таъминлайдиган ускуна, юқори унумли саҳифалаш машиналари, пневматик пресслар, саҳифаларни туплаб оладиган, муқова ясовчи ва штрихловчи машиналар, блокни қайта ишловчи бир қатор агрегатлар, ускуналар, автоматлар ўрнатилди.

Илгор техника билан жиҳозлангани туфайли мажмууда меҳнат унумдорлиги кўтарилди, ишчилар учун меҳнат мароми анча қизиқарли бўлиб, ижодий тус олди. Кўрилган ташкилий, техника-иқтисодий чоралар натижасида жамоада ихтирочилик ҳаракати авж олди. Завод лабораториясининг собиқ мудири К. П. Жарков ва муқовасозлик ускунаси созвочиси В. Чаплигин капитал матони муқова матнига елимлаш учун зарур бўлган мослама яратдилар. Шундай қилиб, илгари ишлатиб келинган номукаммал дастгоҳдан фойдаланишга ҳожат қолмади. Ушбу ихтирочилик таклифининг жорий этилиши туфайли электр энергияси, қимматбаҳо, ноёб материаллар ҳаражати ва меҳнат сарфи камайди, булинмаларининг сони қисқарди. Қули бўш қолган ишчилар бошқа дастгоҳларга утиб хизмат қила бошладилар. Ихтиорчи билимдонлар корхонамиз техника бўлими ходимлари ёрдамида штриховка участкасидан чиқсан маҳсулотни назорат қилиш ва жойлаш пунктларига қадар етказиб бера оладиган жўнатмалар тизимини ўрнатдилар. Ўраб боғланган маҳсулотни булинма экспедицияга жунатиш жараёнини механизация воситалари зиммасига юкладилар. Шу даврда «ЕМ-116» электр аравачалари пайдо бўлган эди, бу техникани жорий этилиши оқибатида ёрдамчи ишчиларнинг меҳнати анча енгиллашди.

Муқовалаш ва қирқиши машиналаридан чиқсан қогоз қийқимларидан булинма майдонларини тозалаб туриш ниятида 500 метр узунликдаги пневмотранспорт ўрнатилди. Бу транспортер қирқиши машинаси ёнидаги қогоз қийқимларини «ютиб», уларни босмахонанинг шиббалаш булимига етказиб беради. Бу ерда қирқимлар сараланади ва зичланади. Шу тахлитда тайёр бўлган қогоз қийқимлари

Зичланиб қайта ишилаш учун Тошкент қоғоз комбинатига жұнатыладын бүлди.

Босмахонамиз техника технологиясини тәкомиллаштириш режаси асосида амалға оширилтган янгилеклар оқибатида 70-йилларнинг ўрталарига келип нашриет босмахонасисини газета-журнал чиқаришга ихтисослаштириш тәдбирлари ассоан якунланды. Шұнға құра қаттық мұқовали китоб чиқариш қамайды. Тайёрланадын ассоий маҳсулотимиз күп түрли журналларни чоп этиш биланғина болғық эди. Журнал тайёрлаш юмушларидан холи қолған бүш вақтларда корхонамизда юмшоқ мұқовали катта агадды китобларни чиқариш технологиясини құллаш зарурати пайдо бўлиб қолди. Кейинчалик бу усулни кенг меъёрда қулланиб, босмахонага салмоқли фойда келтирадын бүлди.

Совга буюмлари, этикеткалар ва түрли маҳсулот урайдиган ускуналарнинг сони анча күпайды. Ускуна сотиб олинаетганида ҳам газета ва журналларни сифатли чоп этишга ихтисослашган технологиянинг мураккаб талабларини моҳирлик билан ҳал этиш күзда тутилғанды.

Олмания фирмаларида тайёрланған «Ротор-Биндер» номли китоб ва журнал блокларини чексиз түплаб тайёрлашга мүлжалланған учта янги агрегат олинди, булар линия буйича уч тиғли қирқиши машинаси билан боғланғандыр. Бу тезкор машиналарнинг жорий этилиши ва маҳсулот ишлаб чиқаришда үзлаштирилиши оқибатида китоблар, журналлар тайёрлаш муддати қисқарди ҳамда мұқовалаш жараёнининг сифати бир мунча ошди.

Корхонамиз буюртмасига құра «Сейпа-132» маркалы учта қоғоз қирқиши автомати, күп рангли нашрларга сайқал беришга ихтисослашган «ГТП» автомат пресси, «Геба-70» безаш пресси, уч тиғли кесув автоматлари ва нашрлар мұқоваларини лак билан сайқалловчи машина, «Дуофан» деб аталған тайёр маҳсулот юзасига лавсан пленкасини елим билан епиширадын қурилма, күпгина бошқа безак бेरувчи ускуналар олинди. Бунинг шарофати билан цех жамоаси маҳсулот тури ва ҳажмини күпайтирди, «Шарқ назмининг классиклари» түркумида юмшоқ мұқовада лавсан пленкаси юргутириб чиқарыладын жажжи китобларни тайёрлаш ва безаш технологиясини үзлаштириди. Деворга илинадын, иш столи устига құйиладын, چүнтакда олиб юриладын тақвим (календар)лар, ранго-ранг проспектлар, буклет-

лар, открыткалар харидорларнинг талабига кура мидионлаб нусхада чиқарила бошланди.

Юқорида айтилганидек, бўлинмада «Норм-Биндер» автомат линияси ўрнатилгандан кейин «Человек и закон» журнали илгаригидек 24 кунда эмас, балки 14 кунда, «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Совет мактаби», «Ёшлик» журналлари илгари белгиланган муддатидан икки баравар тезроқ тайёрланаидиган булди. Бу мажмуя илгор техника ва технология билан жиҳозланганлиги, ходимлар малакаси-

Хаёт бушлиқни билмайди. Техника-технология тақомиллашиши туфайли бушаган майдонларда илгор савдо маданияти барқарорлашмоқда



нинг ошганлиги туфайли миллион-миллион нусха журналлар уз вақтида чоп этила бошланди. Агар цех таъмирланганига қадар беш номдаги журнални бир йула 25 минг нусхада чиқарилган булса, уша йиллари 34 номдаги журнал жами 5 миллион нусхада чоп этиларди. Бундан ташқари, цехда «Ёш гвардия», «Узбекистон», «Фафур Фулом» номидаги нашриётларнинг юмшоқ муқовадаги 4—5 миллион нусха китоблари қисқа вақтда тахт этиб, юқори сифатда чиқариб бериларди.

Булинма қисқа муддатда юпқа муқовадаги журналлар ва китоблар чиқаришга ихтисослашди. Янги газета биноси фойдаланишга топширилгандан сунг, Алоқа вазирлигининг Тошкент темир йули ёқасидаги газета экспедицияси янги бинога кучиб келгандан кейингина ундан бушаб қолган майдонларда янгидан қаттиқ муқовали китоб чиқариш бу-

линмаси очилди. Бу цех икки сменада, йилига олти миллион нусхагача китоб чиқариши мүмкін. Эндиликда «Колбус» китоб линияси йилига 4 миллион нусха китоб тайёрлаш құвватига эга бўлди. Ишлаб чиқарыш ташкилотчиларидан Л. А. Талянскай, М. И. Красюков, Ф. А. Рижкова, Н. Н. Колбина, А. Г. Аверкиева, Н. И. Кузмина, М. Мунавваровларнинг событқадамлиги, ўзларига топширилган ишга масъулиятни теран англашлари ва ўз касбларини тула эгаллаганларни туфайли ёшлар-



га мураккаб муқовасозлик сирлари ва ҳунарларини тезда ўргатиб, эндиликда ўзлари моҳир мутахассислар бўлиб етишдилар, шогирдлар эса улар изидан бориб, ҳунар асосларини эгалламоқдалар. Демак, бу муҳим бўлинмада меҳнат эстафетаси давом этмоқда.

«Шарқ»нинг кўркам
ва нағис
китобларини
халқимиз севиб
үқиди, уларни бутун
дунёда билишади

ЮҚОРИ СИФАТ – БҮЮРТМАЧИНИ БОСМАХОНАМИЗГА ЕТАКЛАЙДИ

Корхонамизнинг барча ҳисоботлари ва маълумотларида асосий цехлар ва уларнинг иш кўрсаткичлари катори қозоғ буюмлари цехининг иш натижалари ҳам чукур таҳлил этилиб, хужжатлаштирилади. Бу билимдонлар ўз даврида шиҷоат кўрсатиб, хайрли ишларни амалга оширганлар. Бу ердан дўконларимизга юз минглаб папкалар, кўйин дафтарчалари ва қозоғ-картондан ясалган бошқа буюмлар жунатилади. Мазкур цех 1968 йилда муқаммал технологияли мустақил булинмага айлантирилганди, ундан илгарироқ эса бу цех қозоғ қўйикларини қайта ишлаш булинмасининг таркиби сифатида кенг истеъмол моллари мажмуаси деб атадиган бўлди.

Ветеранлар цехнинг биринчи бошлиги, кейин чалик нашриёт директорининг ўринbosари лавозимигача кутарилган М. С. Бутелькинни ҳали ҳам миннатдорчиллик билан эслайдилар. Ундан кейинги цех бошлиги Т. И. Козлова, мастерлардан Я. В. Колико, В. И. Голубев, А. З. Абдиев, Толиб Йулдош ҳам цех истиқболи учун ўша даврда жон куйдирганлар. Уларни ҳам корхонамиздаги катта-кичик хурмат билан эслайдилар.

Бу жамоа илк бор оёққа турганидан бошлаб хозиргacha қозоғ чиқиндиларини қайta ишлаб, ён дафтарчалари ва ҳисоб-китоб дафтарларини тайерлаб чиқараарди. Унинг харидоргир маҳсулотлари ҳаммада қизиқиш уйготди. Буни ҳисобга олган корхона раҳбарияти 1956 йилдан бошлаб бу булинмага сифатли қозоғ ва бошқа материаллар ажратади. Бир қанча фойдали тадбирлар курилиши натижасида булинма маҳсулотларининг турлари кўпайди. Умумий дафтарлар, кундаликлар, альбомлар, диплом ишлари учун папкалар ва бошқа маданий моллар ишлаб чиқаришига чаққонлик билан киришилдики, оқибатда маҳсулотлар жуда харидоргир бўлиб қолди. Республикадаги маданий моллар савдо ташкилотлари бундай маҳсулотларга кўплаб буюртма беради. Уз ўрнида бу эзгулик билан амалга оширилган тадбирлар цех жамоасига ва умуман босмахонамизга сезиларли ва салмоқли фойда келтирадиган бўлди.

Меҳнат фаолияти такомиллашиб бораётган бу жамоада ишлар жуда юришиб кетгач, босмахона бўлинмалари кучларини бирлаштириб, меҳнатни ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда ташкил этиш зарурати туғилди. Бу, айниқса етмишинчى йилларнинг иккىнчи ярмида маҳсулот ҳажми ва турлари бир мунҷа купайганида билинди.

Шунда газета ротация ва ботиқ босма цехларининг ходимлари дустларига ёрдамлашиш ниятида ҳашарга келган эдилар. Улар уз дастгоҳларида қасбдошларига ҳисоб-китоб дафтарлари учун юқори сифатли бежирим муқовалар, андозалар учун қоғоз буюмлар тайёрлаб бердилар, олинган фойданинг бир қисми, қушган ҳиссасига яраша цехларро булинарди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг ижобий таъсири оқибатида 1980 йилнинг январидан бошлаб цехлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик янада ривожлауди. Натижада ушбу бўлинмада поливинилхlorид плёнка қопламали нафис муқовали ён дафтарчалар тайёрлана бошланди. Бундай плёнкали муқоваларни резина «жӯва»лари цехи етказиб турди. Маҳсулот тайёрлаш купайиб, эндилиқда чұнтакда юрадиган алифболи дафтарчалар, календарлар тайёрлашга киришилди.

Корхонамизда ишлаб чиқариш захираларини қидириб излаш кўригининг утказилиши оқибатида тоғилган қушимча кучлар ҳисобга олиниб, ишлаб чиқаришнинг сарфи таннархини камайтириш билан бир қаторда сифатини кутаришта ёрдам берди. Бутун куч-ғайрат сермеҳнат ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштиришта қаратилди. «Гелиос-225» маркали конверт тайёрлайдиган дастгоҳ маҳсулот ишлаб чиқариш жараенида узлаштирилди. Натижада күл меҳнати камайди, бошқа шаҳарлардан қимматбаҳо конверт-гилофларни неча ўн миллион нусхада келтиришга ҳожат қолмади.

Эндилиқда бадий безакли нафис босма гилофлар Узбекистон билан бир қаторда Марказий Осиенинг барча республикаларига ҳам жұнатыладиган бўлди. Варақлар тўпламиини кичикрок ҳажмга келтириб ёпиштириш учун автомат, алфавит босиб чиқарувчи машина, «Виктория-820» матбаа машинаси, «Сейпа-132» қоғоз қирқиши машиналари ҳам узлаштирилди. Қоғоз буюмлар цехининг бланка цехи билан қўшилиши, механизация даражасининг кутарилишига олиб келди, кейинчалик қоғоз қийқим-

ларини қайта ишлаш бўлинмаси ҳам шу тизимга қушиб юборилди. Шу тариқа ягона цех бунед булиди. Унинг таркибида қогоз тайёрлаш участкаси, босма ва муқовасозлик булинмалари ташкил этилди. Навбатдаги вазифа юкори такрорий электр пайвандлаш қурилмаларида поливинилхлорид плёнкаларидан буюмлар тайёрлаш участкасини ҳам қогоз буюмлар тайёрлайдиган булинмаларга бериш вазифаси турибди. Шундай қилинса, муқовалар, папкаларни резина цехидан босмахонага юборишга ҳожат қолмайди. Минг афсусларки, иқтисодий танглийк, зарур хом ашёларнинг танқислиги сабабли ҳозирги кунда бу режаларни амалга оширишининг иложи булмаяпти.

Бир вақтлар бланка цехи асосий цехларни майда-чуйда буюртмалар билан овора қилмаслик мақсадида ташкил этилганди. Ҳозир эса бу қогоз буюмлар цехидаги йирик бўлинмага айланди. Ниҳоят, нашриётнинг офис-салонида (дуконида) таклифномалар, ташрифномалар тайёрлаш учун буюртмалар қабул қилиш бўлинмаси очилди. Бу тадбир аҳолига майиший хизмат курсатиш кўламини кенгайтириб, харидоргир маҳсулотлар ҳажмини ошириб, оқибатда корхонанинг даромадини купайтиришдек муҳим ишга сезиларли ҳисса қушадиган бўлди. Юқорида айтиб утганимиздек, бўлинма маҳсулотлари нафакат Ўзбекистонда, балки Москва, Челябинск, Краснодар шаҳарларига, Ҳамдустликнинг бошқа минтақаларига ҳам миллионлаб нусхада жунатиладиган бўлди. Улар орасида боғдорчилик, гулчиликка оид, йул ҳаракати Қоидаларига даҳлдор маълумотномаларнинг мавжудлиги, маданий ва майиший молларга бўлган ҳалқ талаби ўсиб бораётганлигининг аниқ исботи бўла олади.

Олтмишинчи йилларда нашристда иш ҳажми-нинг ниҳоятда ошиши боис цехларни қоз билан таъминлаш зарурати уларни талабга кўра турили бинчиқлар асосида кесадиган булинма ташкил этилишини тақозо этарди. Биргина 1979 йилнинг ўзида чет эл фирмаларидан олинган 45 минг тонна қоз босмахонада ишлатилиб, унга турли босма нашрлар чоп этилиши оқибатида купгина фойда олинганди.

Ана шу асосий хом ашё ҳисобланган қоз урамларини қирқиб тайсрайдиган илгариги бўлинмаси ярим ертўлада жойлашган эди. 70-йилларнинг босиға кслиб цех биринчи қаватдаги кенг, ёргу хонага кучиб утди, варак кесиш («AP-2»), қоз ва картон киркадиган машиналар билан жиҳозлана бошлиди, уша кезлар босма ва муқовасозлик цехлари учун ўрам қозини қирқиб тайерлаб, бир месъёрга тушириш технологияси тобора такомиллаша борди, оқибатда замонавий мажмуа вужудга келди.

Корхонамиз тизимида 1965-1970 йилларда темир йўл изларига эга бўлган база қурилиб, замонавий хом ашё омборлари бунёд этилди. Бу ерда темир йўл вагонларидан қозозларни тушириб олиш, уларни таҳлаш ва автомашиналарга ортиш асосан механизация воситалари зиммасига юклатилди. Темир йўл ёқасидаги бинолар таъмирланиб янги бино қурилгач, 1979 йилда қоз омборларининг майдони кенгайтирилди, унинг умумий саҳни 17000 квадрат метрни ташкил этди. Ана шу майдондан оқилона фойдаланиш мақсадида эндиликда қоз ўрамлари 3-4 кават қилиб таҳланган, бунинг учун бу қозозларни маҳсус электр аравачаларда ташиш ва юқорига таҳлаш воситалари тадбиқ этилди. Баҳайбат қоз ўрамларини ортиш-тушириш ишларининг механизациялаштирилиши туфайли қоз ўрамлари бузилмайдиган усуlda сақланадиган бўлди.

Замонавий омбор биноларининг қурилиши оқибатида қозозларни ортиш-тушириш ишлари бутунлай механизация воситалари зиммасига юклатилди. Қозозшунос муҳандислар ҳукуқшунослар билан ҳамкорликда ишлаб, муаммоларни ечиш зарур бўлса асосли даъволарни кўтариб чиқишилари ва қоз етказиб берувчи фабрикалар билан амалий ва доимий алоқа, шунингдек вагонлардан молларни тушириб олишда нашриётнинг юқори малакали мутахассисларининг фаол иштирок этиши, ходим-

ларни моддий жиҳатдан дуруст рағбатлантириш көбі тадбирлар күнгилдагидек натижалар берғанды. 1971-75 йилларда амалда белгиланган нормадан ташқари 750 тонна йиртилган қоғоз чиққан булса, 1978-80-йилларга келиб бундай заарларға бутунлай чек құйилди. Шу йилларда амалға оширилған техника-ташкiliй чоралар оқибатида 3 минг тонна ноеб қоғоз тежаб қолинди. Бу иш самараларини қуидағи маълумотлардан ҳам бilsа бұлады, 1971 йилда 62 тонна, 1972 йилда — 55,2, 1973 йилда — 76,6, 1974 йилда — 140,8, 1975 йилда — 187,1, 1976 йилда — 289,1, 1977 йилда — 366,4, 1978 йилда — 451,1, 1979 йилда — 526, 1980 йилда — 535,4 тонна қоғоз тежалди.

Кейинчалик қоғознинг ишлатилиш миқдорига қараб, уни иқтисод қилиб қолиши усулини құллашға етарли аҳамият берилді. Масалан, 1980 йилда 562,2 тонна, 1984 йилда 581 тонна қоғоз тежалди, беш йил мобайнида 10,7 минг тонна қоғоз иқтисод қилиб қолинди. Утган даврга бир қараңша үсіш борға ухшарди, аслида эса маҳсулот тайёрлаш жараёнда фойдаланилған умумий қоғоз сарфига нисбатан таққосланғанда тежалған қоғоз күпайыш уёқда түрсін, балки 0,1 фоиз камайған. Ҳар қалай 1981 йилға нисбатан 476,45 тонна, қарийб иккі баравар куп тежалғаны күринди. Аммо иқтисод натижаларини үн йил мобайнида мамлакатдаги бошқа матбаа корхоналари курсаткичлари билан таққослайдыған булсак (бу корхоналарда тежаш 2,2 фоизни ташкил эттән), бизнинг иқтисодимиз курсаткичи, сарф этилған қоғознинг 0,4 фоизини ташкил этарди, холос. Бунинг сабаби аввало техника етарли эмаслиги, қоғоз сарфлаш ҳисоботи тизимлари иш натижаларини мунтазам равища чуқур таҳлил этилмаганлығы сабабли қоғозни тежамкорлик билан сарфлаш борасидаги мавжуд ижоби үсуllар тұла үрганилмағанлығы ва кенг тарғиб этилмаганлығыда зди. Аммо, ҳар қалай босмахонамизда нашрларни чоп этувчи ишчиларнинг илгор бригадалари бўлиб, уларда қоғозни тежаш ҳажми 3 фоизга етарди. Шунинг учун ҳам илгорларнинг моддий манфаатдорлигининг ҳажми салмоқли миқдорға стенданы.

Тежамкорлик ҳаракати ривожланиб бориб, 1984 йилда сарфланған умумий қоғознинг тежалған ҳажми 0,3 фоизга еттән булса, 1987 йилда бу ишнинг сусайғанлығы сабабли иқтисод күрсаткичи 0,1 га тушиб қолди, бушашишлик ва бепарволикнинг олдини олинмаса, ахвол янада ёмонлашиши мумкин зди. Шунинг учун ҳам 1989 йилнинг биринчи ярим йиллиги ҳисоботининг теран ва ҳар томонлама таҳ-

лил этиш зарурати туғилиб, қимматбаҳо хом ашёниңг нобуд булишининг ташкилий-иктисодий, технологик сабабларини аниқлаш лозим булди. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида қоғоз нархи кескин күтарилиб кетган даврда, бу айниқса кечиктириб бўлмайдиган зарурат эди.

Саксонинчى йилларнинг иккинчи ярмида ишлатилаётган қоғоз ҳажми яна 15 минг тоннага купайди. Темир йўл буйи базасининг майдонларини кенгайтириш эҳтиёжи туғилиб, 1989 йилда бу ерда яна бир омбор қурилди. Корхона раҳбарияти қоғозни яхши сақлаш ва кўплаб тежаш мақсадида уни вагонлардан тез тушириб олиш ва босмахона бўлинмаларига нобуд қилмай етказиб бериш чоратадибларини қуриб, бу мураккаб ишнинг ҳам фойдали ечимини топиб, ишлаб чиқаришга тадбиқ этишга муваффақ булди.

Асосий хом ашёни иктисод этиш муҳим масала бўлганилиги сабабли бу булинма ҳам хужалик ҳисобига утказилди. Шунинг учун қоғоз цехи таркибига хом ашё чиқиндиларини йигиш, саралаш ва топшириш булинмаси ҳам киритилди. Илгари айтиб ўтганимиздек, авваллари макулатура йигилиб, тайёрловчи ташкилотларига топширилар эди. Бу ташкилотлар ана шу чиқиндиларни йигиш ва саралашга сарфланган харажатлардан анча кам ҳақ тўлар эдилар. Нашриёт янгилик яратувчиларининг таклифи билан Тошкент қоғоз комбинати билан бевосита узаро фойдали алоқалар урнатилди, бундан буен қоғоз чиқиндилари шу корхонанинг ўзига топшириладиган бўлди. Комбинат ҳар бир тонна қоғоз учун хом ашёнинг сифатига қараб 53 сўмдан 87 сўмгача пул тулайдиган бўлди. Шу таклифнинг амалга оширилиши туфайли йиллик шартли иктисодий самара 400 минг сўмдан ошиб кетди.

Қоғоз муаммоси нафақат корхонамизнинг, эндиликда мустақил Узбекистон истиқлолининг муҳим соҳасига айланди. Келгуси булимда батафсил тўхташни дилда тутиб қўйганимиз боис, мазкур бобни шундай яқунламоқчимиз: андак эриш туюлсада, матбаачилар орасида муҳим «қоғоз — матбаачиларнинг нони» деган изборани ҳар куни эсга оладиган масъулиятли даврда яшайпмиз. Ҳазрати Инсон бор экан, Ҳазрати Нон булади. Ҳазрати Инсон омон экан, унинг уйғоқ қалби маърифатга ташна экан, демак Ҳазрати Қоғоз ҳам булади. Бозор иктисиодиётiga утарканмиз, қоғознинг қадри янада ортади. Барча тажрибаларимизни ишга солиб, қоғознинг ҳурматини ўрнига қўйишга интилганмиз, уни тежаб сарфлашимиз зарур. Вақт келар, фурсат етар,

Ўзбекистонимиз бақувват қофоз саноати мажмуига ҳам эга булиб қолар. Лекин ушанда ҳам бир қадрият сақланиб қолади: матбаанинг Ҳазрати Ноны — Ҳазрати Қофоз хамишадагидек эъзоз-эътиборда бўлади.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙУЛИДА

Босмахонани техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасидаги таклифларни тайёрлаб, тақдим этиш техника бўлими, корхонамиз лабораторияси, бош механик, бош энергетик ва бош технолог булимлари зиммасига юкланган. Уларнинг бу йуналишдаги фаолиятини корхонамизнинг техникавий кенгаши бошқариб туради.

Юқори малакали мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган техника тараққиётининг истиқболли режаси сунгти йиллар мобайнида изчил амалга ошириб келинди. Оғсет босманинг прогрессив технологияси қулланиласетган янги газета мажмусининг қурилиши ва ишга туширилиши ана шу ривожланиш ва тараққиётининг энг муҳим боскичи булди. Эндиликда Россия Федерацияси ва Узбекистон Республикаси, Тошкент вилояти ва шаҳри ҳамда муассасалар газеталари юқори унумли «Рондосет-170» ун икки гилдирак-гардишли ротация машиналарида замонавий усулда чоп этилмоқда. Ружли темирқолилга ўтказилган газета саҳифаларини тайёрлаш, матрица олиш, металл саҳифалардан стереотип усулда қолип тайёрлаш (бу ишчилар соғлиги учун зарарли бўлган қурғошин-сурма котишмасини ишлатиш билан боғлиқ эди), эндиликда бу биз учун ўтмиш булиб қолди. Енгил биметалли ва пулат оғсет қолилларни собиқ иттифоқнинг Львов, Одесса шаҳарларида тайёрланган ФПП-120, ФПТ-120 поток линияларида маҳсус механизмлар воситасида пулат босма қолилларга қайта ишлов бериш усулининг жорий этилиши билан матбаа ижроси сифатига кафолат бериш ва булардан миллионлаб газета нусхаларини чоп этиш шароити яратилди.

Техника кенгашининг журналларни чоп этишда қайноқ металл сатрларидан замонавий фото йули билан ҳарф териш технологиясига ўтиш түгрисидағи ихтиrolарини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш, бу борадаги иккинчи муҳим боскич булди.

Босмахонанинг цехларини АҚШда тайёрланган

«Госс-Коммюнити» урамли қоғоздан чоп этадиган машиналар, Олмониядаги «Пламаг» фирмасининг «Р-44» ва «Р-46» ясси оғсет машиналари билан жиҳозлаш билан бирга жами журналларни чоп этишини ёккори босма усулидан замонавий оғсет босма технологиясига ўтказиш жараёни мураккаб булса хам осон кечди. Газета ротацияси цехининг ишчилари турдош корхоналардан «Московская правда» газетасининг босмахонасида ва Молдавия матбаа корхоналарда ҳунар ургандилар. Корхонамизнинг муҳандис-техник ходимлари босмахонанинг юкори техникавий ўқувини ташкил этдилар, янги техника ва технологияни ўзлаштиришда ёш мутаассисларга амалий ёрдам бердилар.

Журнал учун ҳарф териш жамоаси касб-кор ўқувини ўштиришда катта қийинчиликларга дуч келди. Фото йули билан ҳарф териш тизими учун мамлакали созловчи-электрончилар тайёрлаш жараёнлари осон кечмади. Журналнинг ҳарфи фото усулида терилган дастлабки сонлари матнларининг диопозитивлари босмахонага топширилаётганида айрим саҳифалар фотоқолиплари зичлигининг бир хил эмаслиги, лунда қилиб айтганда, ҳар бир саҳифада матбаа нұқсонлари күриниб турарди.

Оғсет цехида мамлакатимизда тайёрланган ўрамли ва ясси саҳифали ускуналарда ва машиналарда босиши учун резина полотноларни қўллаш усули жорий этилди. Ўзимизнинг резинали полотномиз — декель сифати жиҳатидан Англияning «Вулқон» фирмаси маҳсулотидан қолишмайдиган даражага етганлиги оқибатида, оғсет босма машиналарининг ҳамма турларига корхонамизда тайёрланаётган деқель материалари ишлатиладиган бўлди.

Ўз даврида ягона ҳисобланган янги «Гелио-Клишограф» ускунасида ботик босма формалар тайёрлашнинг замонавий технологиясининг ўзлаштирилини зарарли химиявий усулда қолип тайёрлаш технологиясидан воз кечиш имконини яратди. Мазкур бўлинмада галваника (босма қолиплар юзини қотишмалар билан мустаҳкамлаш) жараёнлари учун суюқликнинг мис ва хром ёрдамида қолипларни чидамлилигини оширадиган узун ва чуқур ўзанлар ўрнитилган. Босма қолиплар зарарли кимёвий моддалариз тайёрланадиган булиши билан бир қаторда қайта ясалган қолипларнинг нархи арzonлаштирилиб, сифат кўрсаткичи сезиларли даражада кўтарилиши.

Ишлаб чиқариш лабораториясида корхонага келаетган қоғозлар ва буёклар сифати «ИГТ» намуна босувчи асбоб ёрдамида таҳлил ва аниқ назорат

килинишига эришилди. Таҳлил натижаларига кура босмахонамиз цехларига аниқ ва зарур техник тавсиялар бериладиган булди. Фотоплёнкалар корхона цехларига жұннатиш олдидан сенситометрда назорат қилинадиган, тайёр оффсет қолиплари, матбаа жараёнлари сифатини намуна тарзидә текшириш эса «РШ-Ф», «ОКП», «Брунера» тез назорат шкалалари ёрдамида амалға оширилиб, юқори сифатда тайёрланишига эришиладиган булди.

Сунгги йилларда буёқларнинг турлари үзгарди.



Олмониялык матбаа машинасозлари синашта ҳамкорларимиз саналади. «Пламаг» фирмасининг директори жаноб Х. Литтман янги ускунани таништирумокда (1979 й.)

Босмада синтетик слимловчи моддалар қушиб тайёрланган ялтироқ, қозға бетида тез қотувчи күплас буёқ турларини куллашнинг янги усуллари ўзлаштирилди. «РН-Метр» ва колориметрлар ёрдамида химиявий назорат аналитик усулдан потенциометрик усулга утказилди. Бу таркиби хилма-хил аралашмаларни назорат қилишга имкон яратди. Инженерлардан Т.В.Аминова, Н.В.Яковлева, Т.Г.Шведова, И.Ш.Губайдулина, Н.В.Виноградовалар күп йиллардан бери лабораторияда ижодий меҳнат қилиб, маҳсулот сифатини күтаришдек мұхим тадбирларга салмоқты ҳисса қушдилар.

Корхонани ривожлантириш ва техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш босқичларини бош механик ва техника булимларининг ходимлари яхши

әслайылдар. Уша йиллари қанча машиналар сотиб олиниб, монтаж этилгани ва ҳозирда ишлатилает-гани ҳақида батағсил ҳикоя қилишга имконимиз ійүк. Шунинг учун босиб үтилган давр тарихини рақамлар билан ифодалаб берайлык! Сүнгти бир неча йил мобайнидаги қыймати 100 миллион сүмдан ортиқ бұлған юзлаб машина ва ускуналар үрнатылды ва тұла үзлаشتырıldı.

Ҳамонки, шу йиллар мобайнида 500 дан ортиқ машиналар үрнатылған экан, буларни юқори малакали ишчи-мутахассислар бошқариши, эски ускуналарни таъмирлашнинг барча турлари үз вақтида, сифатли бажарилиши керак бұлади. Акс ҳолда, мұраққаб, қимматбақо бұлған босма маҳсулотини ишлаб чиқарыш ва унинг сифатини күтаришинин негизи ҳисобланған матбаа ускунасини зарур техникавий даражада сақлаб туриш мүмкін булмайды.

Шуни айтиш жоизки, босмахона эндигина оёқка тұраёттан кезларда ходимлар орасыда машиналарни үйгүвчі ва сөзловчилар — мутахассислар кам бұлған. Таъмирлаш билан boglyq бұлған майда ишларни ишчиларнинг үzlары эплашарди, чунки уша кезлар босмахонада бор-йүғи иккита ясси ва иккита босма тигел машиналари үрнатылғанды.

Кейинчалик «Советский Восток» босмахонасининг газета ротацияси цехида бор-йүғи иккі сөзловчи — Александр Гросс ва Георгий Гринев, ишлар мұқовасозлик ва газета учун ҳарф териш цехларидаги машина ва механизмларни созлаш ҳам шулар зиммасида әди. Техника етишмаганлығы сабабы күргина жараёнларни ёш ишчилар құлда бажарап әдилар.

Дастрекеби линотип машиналари босмахонага 1926 йилда Олмония ва Россиядан олиб келинди. Таъмирлаш-механика цехи эса Тошкент матбаа комбинатида 30-йилларнинг урталарыда очилғанды, худди уша даврларда үзимизда үқитиб, етиштирилған сөзловчилар күпчилик цехларда матбаа ускуналарини тузатыш ва созлаш тизимида меңнат қила бошлиған әдилар.

Босмахона техника базасини доимий таъмирлаш, машиналарни етарли даражада тузатыш ва созлаш жараёнлари чўзилиб кетарди. Бунинг сабаби атиги битта пармалаш ва иккита «Крауз» токарлик ускунаси мавжудлиғи әди. Техника бўлимлари асосан янги ускуналарни үрнатиш ва эскиларини тубдан таъмирлаш ҳам улар зиммасида әди. Уша йилларда техникани режа асосида таъмирлаш усули ҳали амалга оширилмаган әди. Малакали мутахас-

сислар этишиб чиккан 50-йилларнинг урталаридан бошлаб бу иш одат тусига кира бошлаганди. Ускуналарнинг тез ишдан чикиши ва муддатидан илгари яроқсиз ҳолга келиб қолиши сабабларини үрганиш ва таҳлил этишнинг натижалари шундан далолат берадики, таъмирлаш-механика булимининг асосий вазифаси ҳар доим ускунанинг ишлашини таъминлаб туришдир. Энди кўпчиликка равшанки, агар ускуналар режа билан таъмирлаб турилса, машинанинг «умри» узаяди, бекор туриб қолиш ҳоллари камаяди. Маҳсулотнинг сифати юқори бўлиб, техникани таъмирлаш учун кетган сарф-харажатлар ўрни тезда қопланади.

Ускуналарни эҳтиёткорлик, билимдонлик билан ишлатиш ва вақтида таъмирлаб туриш лозимлигиги корхонамизнинг барча ходимлари тула уқиб олишган. 60-йилларнинг охирида босмахона режалаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги услуга утгандан сўнг бу иш айниқса равшан бўлиб қолди. Эндиликда ускуна ишлатилаётган ёки бекор туриб қолганидан қатъи назар, амалдаги фонdlар учун ҳақ ундириб олинаверар эди. Уша даврда 125 та янги ускуна урнатилган бўлиб, ишлаб чиқариш фонdlарининг қиммати 4 миллион сўмни, фонdlар учун ажратма эса 300 минг сумни ташкил қиласди.

Корхонамиз цехларининг раҳбарлари ва муҳандис-техник ходимлари янги ускуна монтажини ва ўзлаштириш муддатларини қисқартириш, уларнинг бекор туриб қолиш ҳолларини бартарафа этиш, машиналарнинг фойдали иш коэффициентини кутариш учун фаол ҳаракат бошладилар. Илгор ишчиларнинг ташаббуси билан босма нашрга турт хил буёқ берадиган оғсет машинасида, варақни саралаб оладиган ва тикув-қирқиши агрегатларида ишлаётган бригадалар меҳнатига ишбай ҳақ тулаш усули жорий этилди.

Билимдонлик билан тузилган режалар ҳам таъмирлашнинг янги услуга бирданига утиш шароитини яратиб беришга ожизлик қилди. Ишчиларни техникавий билим жиҳатидан ҳам, руҳий, маънавий жиҳатдан ҳам тұла тайёрлаш учун кўп йиллар давомида иш олиб бориш зарур бўлди. Айни вақтда ишчиларни руҳий, психологик жиҳатдан тайёрлашга кўпроқ вақт ва маблаг сарфланадиган бўлди. Ҳозирги кунда баъзан булинма устаси, ҳатто цех бошлиги ҳам режага кўра машинани таъмирлаш навбат рўйхатини бузуб бўлса-да, маҳсулот чиқаришга тайёр туради, бироқ бу ҳолда улар шуни унутиб қўйишадики, бугун бир сўм пул топаман

деб келажақда олинадиган минглаб сүмдан ажраб қолиш мүмкіндір.

Корхонамизда режали таъмир навбат рўйхатига уз вақтида амал қилиш цехлар уртасида утказиладиган мусобақанинг асосий шартларидан бири булиб қолди. Бош механик Валентин Иващенко ҳафталик ишлаб чиқариш кенгашларida режали таъмирнинг амалда бажарилиши ҳақида муттасил хисоб бериб борар экан, таъмирлаш бўлимлари ходимларининг муваффақиятини таъкидлаш билан бир қаторда цех ва умуман, ишлаб чиқариш раҳбар ходимларининг айримларини навбат рўйхатини бузган-



Техника билан
тиллашиш
усталарнинг севимли
ишидир

ликда айблаб, уларни қаттиқ танқид қилиб, айрим ҳолларда ишбузармонлар ойлик мурофотларидан айрилиб қолишлари мүмкнилиги таъкидлаб уктирилади.

МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАШДАГИ ҚУТЛУҒ ҚАДАМЛАР

Б осмахонамиз ишлаб чиқариш тизимларига фан ва техника ютуқлари, илгор технологиянинг жорий этилиши, нашриёт-матбаачилик негизининг янада ривожланиши бу жараенларни узлаштириш учун олий малакали мутахассислар, аввало, мұхандис-технологлар тайёрлашнинг замонавий усуларини узлаштириш такозо этди. Түгри, Тошкентга Москва ва Львов полиграфия институтини битирib чиққан бармоқ билан санаарлы мұхандислар келиб туришарди, лекин уларнинг техника билан жорий жиҳозланыётган корхона бўлинмаларига ракбарлик қилиш учун уқувлари, тажрибалари етишмас эди, албатта.

Шу боисдан бизнинг таклифимиз асосида республика нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси Комитети ҳамда Олий ва урта маҳсус таълим вазирлиги ўртасида республика олий ўкув юртларидан бирида матбаа мұхандисларини тайёрлайдиган булинма очиш туғрисида утказилган мунозаралар оқибатида бир тухтамга келинди. Худди ўша кезда Фаргона политехника институти очилаётган эди. Бизнинг нашриёт ва юқорида номи зикр этилган комитетнинг қатъий эътиroz билдиришларига қарамай, шундай булинмани Фаргона политехника институти қошида очишга қарор қилинди. Шундай қилиб, ҳар қалай, Ўзбекистон матбаачилиги учун мұхандислар тайёрлашга ilk қадам қуйildi.

Мазкур булим 10 йил давомида ишлаб турди ва матбаа-полиграфия соҳаси учун юздан ортиқ мұхандис-технологлар тайёрлади. Аммо уларнинг малакаси паст эди. Ушбу мутахассислар асосан Фаргона водийси вилоятларида ишга жойлашардилар. Водий босмахоналарида ана шу ёш мұхандислар учун иш ўринлари етишмаганидан булинмани битирib чиққанларнинг аксарияти ихтисослари буйича ишламадилар. Бунга сабаб уқитувчиларнинг етишмаслиги, таълим бериш савиясининг пастлиги, матбаа ишлаб чиқариши учун мұхандислар тайёрлаш базасининг кучсизлиги ҳамда институт раҳбарияти бу ишга қизиқмаганлиги (ихтисослик институтининг асосий фаолиятига мос келмас эди) шунга олиб келдики, кириш имтиҳонлари өғида дурустросқ билими булмаган ёшлар ўкув йили бошланиши олдидан ана шу булинмага жұнатилаверди. Йигит-қизларнинг қобиляти ҳам, полиграфия

касбига мойиллиги ҳам, истаги ҳам инобатта олин-масди. Мутахассислар тайёрлашни шу йўсинда ташкил этиш оқибати яхши булмаслиги аввалданоқ равшан эди. Юкорида айтиб утганимиздек, матбаа касбининг мұжандис-технологи деган дипломини олган ёшлар истиқболга интилмасдан, бошқа тармоқларга кетиб қолавердилар.

Хуллас, Фарғона политехника институтида мазкур булимнинг очилиши пуч хаёлдан бошқа нарса эмаслiği ҳаммага аён бўлганди. Моддий-техника



Ёшлар — илгор
техникани
жон-дилдан севиб,
узлаштириб оладилар

базаси, малакали ўқитувчилари бўлмаган ўқув даргохи «қоғоздан қаср» ясалган қурғонни эслатарди. Аслида, республика Олий таълим вазирлигининг ўша даврдаги раҳбарининг бефарқлиги оқибатида, щунчаки ҳисобот учун очилганлиги сезилиб қолганди. 1975/1976 ўқув йилларида камина давлат имтихон комиссиясининг раиси сифатида мазкур институтда полиграфия булимини битириб чиқаётган ёшлардан имтихон олишда қатнашган эдим. Ўшанда ишончим комил бўлдики, ёшларнинг ихтисослик буйича билими жуда паст, уларнинг кўпчилиги имтихон оқибатидан қатъий назар дипломни олиб ёзуларини бошқа тармоқларда ишлашга чоғлаб туришгани билиниб турарди. Бу ёш-яланлар бош-

ка тармоклар сингари замонавий матбаа саноати ишлаб чиқариши ҳакида суст тасаввурга эга эдилар, ўзларидан пухта билим талаб қилинишини ҳам тушуниб турадилар, албатта. Дархакикат, ниҳоятда мураккаб технология жараёнларини ўзлаштириб олиш учун тинмай уқиб-урганиш керак бўлади. Бу ҳаммага аен талабдир. Ушбу институтни битириб чиқувчилар ишлаб чиқариш практикаси пайтидаек бу ишга чоғим келмайди деган холосага келган булсалар керакки, шу боисдан ҳам бошқа ишни кузлаб туришарди. Ҳойнаҳой, олий маълумотни тасдиқловчи диплом бўлса бас, у ёги бир гап булар қабилида иш тутишарди.

Замонавий матбаа техникаси йўклиги сабабли мазкур бўлим Республика матбаа корхоналарига малякали мутахассислар етказиб беришда тузукроқ иш курсата олмади, айрим билимдонларини хисобга олмагандан, билими буш ёшлилар савдо соҳасига утиб кетавердилар. Бунинг оқибатида босмахоналарнинг мухандисларга муҳтоҷлиги масаласи ҳал этилмай уз холича қолаверди.

Юқорида айтиб утганимиздек, шу даврда Москва, Львов матбаа мухандислари тайёрлайдиган институтларини битириб ишлаш учун купгина мухандис-технологлар, мұхандис-механиклар, мұхандис-иктисодчилар корхонамизга келишган эди. Лекин ёлчитиб ишлашмасди, истиқбол йўлида уларга кўз тикиш хато булар эди. Айрим қобилияtlари ҳам «илдиз отиб, палак ёзиб» кетмадилар. 1955-1970 йиллар мобайнида нашриётимиз босмахонасида шу институтларни битириб келган 50 мутахассис нари борса уч йил ишлади, холос. Факат ун нафаридан биригина шу муддатдан купроқ ишлади. Бу мутахассисларнинг аксарияти корхонамиздан белул квартира олишганидан кейин уни уз она шаҳарларидаги уйларга алмаштириш пайига тушиб, эл-юртларига жунаб кетдилар. Бунинг оқибатида мұхандислик лавозимларига тегишли маълумоти бўлмаган тажрибакорларни қўйишга тури келди. Масалан, босмахонамизда улар ана шу лавозимларнинг 30 фоизини эгаллаб туришар эди. Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси Комитетида эса буш ўринларнинг 50 фоизида тажрибакорлар меҳнат қилишар эди.

Ишлаб чиқариш кучлари шиддат билан ривожланаётган, жуда аниқ тизимли ишлайдиган, электроника техникасининг юқори даражасида жихозланган полиграфия машиналари урнатилаётганда шу холга тушиб қолганимизда, малякали кадрлар такчилиги айниқса яққол сезиларди. Олий маълумот-

Матбаачиларниң
яңи замон авлоди
техникалык
технолотик
имконияттардан якка
тарғибыла
фойдаланишига
мұяссар бүлдилар



Тайер газета
сақиғаларини
шыстықтаға күчирин
шырынник ва маҳорат
талағынан
мағблағылыш касби





Газета редакциясы
дастықтары
жойлаштың цех ятона
газета мажмусаси —
корхонамизиниң
юрагы салалады



Офсет босма
цехининг замонавий
кудратлы техникаси
ва илгор
технологияси
Ватанимиз
мәденияттеги бир умр
хизмат қызметседи



Харф теришнинг
компьютерлаш
тирилиши истиқдол
йилдерда мухим
вокеа булиши
баробаринда ишлаб
чиқарыш мұхитини
замона талабига кура
тубдан янығылған
жарағы ҳамдир



Күз олдингиздаги
дасттох босма
маңсулотлардаги
рангли безакларга
жило берувчи ақлты
машинадыр



Қурувчилар бунёд
эттән монтаж ишләри
имараттарын
мустаҳкамланған
сингари
матбаачылықдаги
«монтаж» амаллари
хар қандай нағырнинг
мухтасиамларын
тәмминлады



Сахифадан нусха
күчирип санъат
даражасидаги нозик
амалдир



Хар бир пластинани
босма машинасын
урнатыпдан олдин
бирров күздан
кечириш
матбаачыларнинг
узита хос удумига
айланған



Бу машиналар
матбাচылык
бүсқеларини минглаб,
миллионлаб
сағифаларга дид,
нафосат ва «адолат»
билин тақсимлайдилар



Иш уриининг озода
булиши,
дастохларниң хар
доим меҳнатта шай
турици —
матбাচылыкның
тамал қадрияларидан
биридир



Мұқоваласи ластохи
барча жарағыларни
бажарды, мана, әнди
китобнинш япты
нусхаси тайёр були



Махсулот
истеммөтчиларга
жұнағылышдан олдин
такрор тақрор күздан
кечіриллади, бу ҳам
одатдагы мұхим
вазиға



Мүқоваланың әсітінде
барча жарасыларни
бажарды, мана, энді
китобнинг янги
нусхаси тайер булды



Махсулот
истеммөдчиларга
жуннатилишдан олдин
такрор-такрор күздан
кечириләди, бу ҳам
одатцаги мухим
вазифа



WE
QUALITY
SQUARE MILE

PRINTERS

Copy
Centre
FRANK REED

RACHEPDRH

KYAHACH
PRINTERS AND PAPER

HA

RACHEPDRH
PRINTERS AND PAPER

PRINTERS AND PAPER









Бу оромтоҳда дам
одувчилик фоол
жисмоний тарбия ва
бардамлика
интиляжилар



Замонавий тиббий
асбоблар воситасида
даволаш
«Навбаҳор»нинг
қиёмага сан
муолажа
хизматларидан
бирали



«Навбаҳор»нинг
муҳташам залларини
бунёд этишида узбек
халқ амалий
сигъатидан кеңг
фойдаланилганлиги
дам олувчиларда күш
кайфият уйготади



Сувнинг чинакамига
оби раҳмат
экалигини дам
олувчилар таналарида
«синаб» куришади





Бу оромтохда лам
олувчилар фаол
жисмоний тарбия ва
бардамликка
интиляштилар



Замонавий тиббий
асбоблар воситасида
даволаш
«Навбахор»нинг
қиёмийга стган
муолажа
хизматларидан
биридир



Матбаачилар
истиқлол йилларida
вужудта келгän янги
савдо мажмугига яхши
ният билан улут
хукмдор боболари
Алғ Эр Түнга —
пахлавон
Афросиёбнинг
номини беришиди



«Шарқ» — «МИР»
супермаркети —
дунёнинг инсонга
хизмат курсатувчи
саноати
иамуналарини
мижозларга
таницитирувчи ва
уларга хизмат этувчи
узига хос даргоҳлар



«Шарқ», наини
замонавий
техникадан
фойдаланаади,
башарты үз
хамкорлари ёрдамига
таяниб
Узбекистонимиз
тармоқларини
компьютер-
лаптирилишига
ҳам илги түк
хиссасини құшади



«Шарқ» — «МИР»
супермаркети
мижозларга хизмат
курсатинин
замонавий йусинда
таңкил
этапталығынни
амалда куриб
қувонаасиз



ди мұхандислар, малакали ишчилар етишмагани сабаблы, мөннат унумдорлиги пастлиги оқибатида яңғы үскуналарда ишчилар мөннатини оқилона ташкил этишининг имконияти булмасди. Бошқа республикалардан вактинге ишга таклиф этилган матбаачи мұхандислар мұхим жараёнларда ишлаш учун зарур тажрибалари етишмаганлығы сабаблы замонавий үскуналарни самарали ишлатишнинг үддасидан чиколмас әдилар, бу эса машиналарнинг саббасыз туриб қолишига, матбаа нашрларининг по-



Ҳадемай китоб
сақиғалари чоп
этишга тайёр булади

лиграфия ижроси жиҳати, сифатининг пастлашувиға сабаб булади.

Тармоқда ҳам, нашриётимизда ҳам мұхандис-технолог мутахассислар етишмаслиги сабабларини таҳлил килар эканман, шунга ишонч ҳосил құлдымки, республикамизда замонавий талабларға жағов берадиган малакали кадрлар тайёрлашни йүлга күйиш керак. Шу боисдан ҳам матбаа касбининг мутахассислари, айникса мұхандис-технологларни үзимизда билим олаёттан ёшлар ҳисобига, Тошкент олийгоҳларда тайёрлашдек мұхим вазифаны счишда өрдам беришни сураб, 1976 йилда Узбекистон хукуматига аниқ ва батағсил таклифлар киритдік. Бунга республика нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси Комитетининг тақдимномаси ҳам иловава қарнинган эди. Ушбу ҳужжатларда полиграфия факультетини Фаргона политехника институтида

эмас, балки Охунбобоев номли Тошкент түқимачилик ва енгил саноат институти ҳузурида очиш зарурлиги аниқ далиллар билан асослаб берилган эди. Таклифларда куйидагилар ишботлаб берилди: полиграфия саноатида фото ва матбаа қолипларини тайерлаш технологияси түқимачилик саноатидаги жараёнлар каби бир-бирига уйгун усуулар буйича тұла үшашлыктары билан таққосланар әди. Асосий ихтияс ослиги бўйича ҳам мазкур институт технологияси полиграфия бош усулига жуда яқин. Ушбу билим даргоҳида полиграфия усулини биладиган малакали ўқитувчилар ҳам мавжуд әди. Шу боисдан ҳам бу ерда полиграфия саноати технологияси кафедрасини ташкил этиб, ўқув, педагогика ва мутахассисликка оид фанларни ургатадиган олимлар ҳам етарилиги аниқланди.

Бу таклифнинг муҳолифлари ҳам бор әди, албатта. Улар шунчаки эътиroz билдирибгина қолмай, полиграфия булимини Фарғонадан Тошкент түқимачилик ва енгил саноат институтига утказишига очиқ тускинлик қилдилар. Хайриятки, уша кезда фан доктори, олим Салим Пулатов республика Олий ва урта маҳсус таълим вазири этиб тайинланган әди. Таниқли олим ва сезгир фан ташкилотчиси марҳум Салим Пулатов бу ишга жуда жиддий киришиб, хайриҳоҳ бўлди. Натижада масала ижобий ҳал этилди. Уша кезлар мазкур институтнинг ректори булиб ишлаган академик Турсун Рашидов ҳам бу хайрли ишни қуллаб-қувватлади, булимнинг тезда ташкил этилишида ёрдамини аямади.

Саъӣ-ҳаракатлар ишнинг ижобий ҳал этилишига сабаб бўлди. Мазкур институтнинг матбаа муҳандислари факультети кундузги, кечки ва сиртқи булимларида 1979 йилдан бошлаб матбаа кадрлари тайёрланмоқда. Институтда полиграфия ишлаб чиқариш технологияси кафедраси ишламоқда, унга дастлаб муҳандис-технолог, техника фанлари номзоди Одилжон Раҳимов бошчилик қилди. У ҳозир бизнинг корхонамизда унумли амалий фаолият курсатиш билан бирга, қадрдон кафедрасини ҳам унумтамай, ўқитувчиликни ҳам иш билан боғлаб олиб бораёттир.

Бу илм даргоҳини битириб чиқаётган ёшлар республикамиз матбаа корхоналарида гайрат билан ишламоқдалар. Концернимизнинг купгина ходимлари бу илмгоҳда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда уқиб, муҳандис-технолог дипломини олдилар. Корхонамизда шу институтни тамомлаган 20 га яқин мутахассислар ҳавас билан меҳнат қилиб, тажriba орттироқдалар. Улар мастер, цех ва булин-

маларнинг раҳбарлари дидирлар. Институтда сиртдан таҳсил кўрган ҳар бир ходимимиз эса корхонамиз матбаа жараёнлари технологияси буйича етакчи мутахассисдир. Матбаа билим масканининг сиртқи булимидаги 17 нафар ишчимиз таҳсил кўрмоқда. Яқин йилларда улар ҳам мұхандис бўлиб етишиб, корхонамизнинг раҳбарлик лавозимларига кутариладилар.

Концернимиз институт раҳбарлари билан тала-балар касби буйича тажрибасини ошириш амалий машгулотларини ўтказиш хусусий илмий-ишлаб чи-кариш ҳамкорлиги түгрисидаги узоқ муддатга мўл-жалланган шартномалар тузди. Умидвормизки, вак-ти келиб, институтнинг матбаа булинмаси ҳам кон-цернимиз илмий-ишлаб чиқариш ўкув маркази-нинг таркибий қисми бўлиб қолади, бу ерда дарс-лар ва машгулотлар бевосита ишлаб чиқариш даргоҳида ўтказилади, шу тариқа ишлаб чиқаришнинг булажак мутахассислари етарли тажриба ортириб, юқори малакали мутахассислар бўлиб ети-шадилар.

Шундай қилиб, полиграфия саноати учун мұ-хандислар тайёрлаш масаласи асосан ҳал этилди, десак тўғри бўлади. Лекин бу тармоқ ҳали малака-ли механиклар, иқтисодчилар, рассомлар, матбаачи-техникавий мұхаррирларга муҳтож. Бу ноёб мута-хассисларни ҳам олий мактабда тайёрлаш яқин ке-лажакдаги мұхим вазифалардандир.

Турли тармоқларда бўлганидек, матбаа саноати соҳасида ҳам олий бўгин қатори урта ва қўйи бў-гин кадрларига ҳам талаб бор. Ўрта бўгин мутахас-ислари — техник-технологлар, техник-иқтисодчилар, механиклар, техникавий мұхаррирлар Тош-кент полиграфия техникумидаги тайёрланади. Ушбу техникумнинг моддий базаси, уқувчиларнинг би-лим даражаси, уқитувчиларининг савияси, уқув бос-махонасининг техникавий жиҳозланиши ҳақида га-пириб ўтиришнинг хожати йўқ. Чунки улар ҳозир-ги замон техника тараққиети талабларига жавоб берадиган даражада эмас. Техникумни битириб чиқ-кан ёшлиарнинг билими, касби буйича тайёргарлиги суст, билим чала-ярим бўлганилиги сабабли улар бос-махоналарда ишлаб турган мураккаб ускуналарни бошқара алмай, касблари буйича ишламасдан, ун-ча мураккаб бўлмаган тармоқларга ўтиб кетмоқда-лар. Ахвол шундай экан, Олий таълим вазирлиги алоқандор соҳалар билан биргаликда техникумдаги таълимнинг қай аҳволда эканлигини пухта ўрганиб чиқишида, бу урта билим даргоҳи раҳбариятига техника базасини мустаҳкамлаша, уни малакали

укитувчилар билан таъминлашда ёрдам беришлари зарур. Бу масалаларнинг ҳал этилиши матбаа учун ўрта маълумотли мутахассислар тайёрлаб этиштириш сифатини зарур булган даражага кутаради деган умиддамиз.

Куйи бўғин мутахассислари шахардаги 2-полиграфия билим юртида ҳам тайёрланмоқда. Бу билим юртида янги техника, замонавий технология жорий этилган. Ўқув жараёни такомиллашган, фотонабор ва оғсет-матбаа усули узлаштирилган, линотип машиналари, муковалаш ускуналари модернизациялаштирилиб, капитал таъмирдан чиқарилганини натижасида кўплаб маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган тадбирлар рӯёбга чиқкан. Шу боисдан ҳам уқув юртининг техника базаси мустаҳкамланганлиги натижасида бу даргоҳда сифатли босма маҳсулотлар ва малакали матбаачилар тайёрланмоқда. Яқингача ҳам бу билим юртини битириб келаётганларнинг 20-30 фоизигина корхонамизда муқим ишлаш учун қоларди. Улар 2-3 йилдан сўнг ўз касбининг устаси булиб этишарди. Кейинги 3-4 йил ичida аҳвол тубдан узгарди, билим юртини битириб келганларнинг 90 фоизи корхонамизга ва уз касбига меҳр қўйиб, доимий ишда қолмоқдалар. Аксарият ёш ишчилар Тошкент тукимачилик ва енгил саноати институтининг полиграфия факультетида сиртдан ўқиб, беш йил деганда муҳандислик дипломини олиб, эндилиқда раҳбарлик лавозимларида ишлаб фидойилик намуналарини курсатмоқдалар.

Тақдир тақозоси билан камина 1985-1989 йилларда шу билим юртида ишлаб, биноларни ва эскириб қолган техникани таъмирлашдек кўпдан бери кунглимга туғиб қўйган орзумни амалга оширедим, эскиларини таъмирлаб, янги бинонинг курилишида, замонавий полиграфия техникиси ўрнатишида, янги технологияни жорий этишда баҳоли кудрат катнашдим. Шу вақтларда республика ҳокимиyати тепасида турган ношуд раҳбарларнинг мени нашриёт директори лавозимидан озод қилиш ва билим юртига ишга юбориш тўғрисидаги карори адолатсиз бўлганлигига қарамасдан, жамоа билан биргаликда куп хайрли ишларни амалга оширедим. Бунда бизга ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг раҳбарларидан Пўлат Каюмов, Рисбой Жураев, Хайриддин Маъсумов, Шавкат Содиковлар куп мадад бердилар. Ўша йилларни, меҳнат иштиёқи қандай зўр ижобий куч эканлигини ҳалигача кунглим тулиб эслайман...

Ҳозир корхонамизда ишлаётган ҳар икки ҳарф

терувчининг, матбаа маҳсулотини босувчи, муқовасознинг бири шу билим юртида үқиган. Билим юртиниң директори Назар Оллоберганов, унинг уринбосарларидан Ирина Макарова, Ҳайбат Убайдуллаев, Систлана Носирова, ишлаб чиқариш булиминг бошлиғи Замира Сафаралиева, катта мастер Воҳид Усмонов, устахона раҳбарларидан Саттор Охунов, Надежда Бегунова, мастерлардан Ирина Чичкова, Қутбихон Йўлдошева, Дилбархон Исроилова, Гулнарахон Музаффарова, үқитувчи Назокат Нурмухамедовалар ёшларни ижодий құдрат, гайрат билан тарбияламоқдалар. Уста ва үқитувчиларниң таълим-тарбия жараёнидаги ҳамкорлиги, улар билиминг пухталиги, педагогик маҳоратини пухта эгаллашгани шарофати сабабли билим юртида босмахоналар учун малакали мутахассислар етиштирмоқдалар.

Бу ерда самарали меҳнат учун зарур бўлган ҳамма шароит муҳайе. Шу боисдан ҳам стишган ютуқларни тула эгаллаб олиш, улар миқдори ва сифатини келгусида янада ошириш лозим булади. Бу ўринда матбаа корхоналарининг ўзида ишчиларни якка тартибда тайёрлаш тизими ўзини окламаганини алоҳида айтиб утишим керак. Келажакда — концерн ҳузурида илмий-ишлаб чиқариш үқув маркази бунёд этилсетганда ушбу билим юртини ҳам корхонамиз таркибига киритиш имкониятини излаб курсак булади. Шундай қилиб, тукимачилик институтиниң матбаа технологияси бўлими, полиграфия техникумниң филиали ва мазкур билим юртининг «бошлиари қовуштирилиб», корхонамиз тормоқлари учун малакали мутахассислар тайёрлаш марказига айланниши мумкин.

Илмий-ишлаб чиқариш ва үқув марказини вужудга келтириш концерн олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Бу ниятни руёбга чиқариш корхонамиз раҳбарлари, жами муҳандис-техник ходимларниң муқаддас бурчидир. Ҳозир эски хўжалик юртиши амалиёти тубдан қайта қурилмоқда, бозор муносабатларига утилмоқда, шу боисдан ҳам ёш мутахассисларниң малакаси ва тажрибасини оширишга ҳам талаб ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантаришнинг энг муҳим омилларидан булган юқорида номи тилга олинган марказни яратиш тадбирларини яқин йилларда амалга ошириш ниятимиз бор.

Купчилик меҳнат жамоаларида бўлганидек, «Шарқ» концернида ҳам барча муваффақиятларниң бир кафолати бор. У ҳам бўлса, малакали кадрлар стиштириш муаммосининг ижобий ҳал бу-

САОДАТ МАНЗИЛЛАРИ лаётганидир. Ҳали бу борада тер тўкиб, узокни мулжаллаб ишлашимиз керак, албатта, бундай истиқбосари интилишни ҳозирги мураккаб давр талабларини ҳам тақозо этмоқда.

Корхонанинг етук ишчи-ходимлари ва малакли муҳандисларини доимий ишда сақлаб қолиш учун, бошқа ташкилотларда булгани сингари сонни кескин қисқартириш йўлини тутмадик, аксинча ишчиларнинг бир гурухи турдош корхоналарга утиб кетган бўлсалар-да, аксариятини сақлаб қолдик. Бозор муносабатлари купгина муаммоларни эндилик



Газета матнларини теришни компютерлаштириш Ватанимиз матбаачилигига янги ва узоқ вақт давом этадиган баракали ва ишchan жараённи бошлаб берди

да кундаланг қуяр экан, юзага келаётган эҳтиёжларни етук мутахассисларимиз эҳтиёткорлик ва билимдонлик билан ҳал этишларига ишончимиз комил.

Азиз китобхон, мана, китобнинг биринчи бўлими билан танишиб чиқдингиз. Оддинда эса концерни мизнинг Узбекистон истиқтоли сафидаги елкадош одимлари ҳақида сўз юритилади. Марҳабо!

ИСТИҚЛОЛ САФИДАГИ
ОДИМЛАР

Она Ватан, дея томирлари асрлар қаърига ва юрагимиз магзига туташган, улардан бош тортгапн күттаринкилик ва ёщ танламас хурсиниң ила үзимиз билган-бильмаган равищда такрорлаймиз. Хүш, Ватан нима үзи? — деган саволни үз-үзича такрорлайверадиган соддадиллар ва серҳаяжонлиларнинг үзларича мангуд атаган саволларининг сафари қаристгандай туолади кишига. Оёгини босса улуғ боболарининг ва муニс момоларининг суюги ётган қадри баланд тупрогини, кузини тикса юлдузлари дурахшон порлаган ва собит мовийлиги күнгилларни күттарган сирли ва йироқ осмонини, үзини ва түйгуларини күршаган Ватанининг нафасини ҳис этган ҳар бир кимса барча ходисаларда унинг мұкаммал үйгүнлигини ва абадий саодатини күради.

Йиллар ортидан йиллар кечаркан, оламнинг асоцини булинмас ватаний үйғунлик ва боқий инсоний саодат таркиб топтиришини англайсиз. Бу үйғунликка ва саодатта зид булган ҳар бир ҳодиса униб-улғаймагани сингари, Ватанга, унинг тақдирига үз тақдири, амаллари, фаолиятини муштарак билган одамлар ва улар измидаги интилишлар ва жараёнларнингтина келажаги порлок бўлади. Янги тарихий даврнинг буюк ва беназир тарихий воқеаларидан азизи, бу Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиб, дунёга юз очиши ва тақдири Абадият қадар давом этажак башарият силсиласига кушилиши бўлди. Аён буляяптики, Ватан ҳақидаги сон-саноқсиз кечинмалар ва тафаккур неъматлари — бурро-бурро ҳикматлар олдида қул қовуштирган ҳолда тилимнинг учидаги турган шахсий фикримни янги боб дебочасида эътиборингизга ҳавола этмоқчиман. Шояд соҳамиз моҳиятини теранроқ англашга мадад берса!

Ватан, бугунги кунда үзига, фақат үзигагина оид ҳодисалар, қадриятлар, буюклики замонавий ва кутилаётган маърифат замирида мустаҳкамлаётган, ҳар бир шахсни ва ҳар бир ҳалқни юксак маданият, порлок келажак сари собитқадамлик, пок иймөн, эътиқод ва соғдиллик билан одим оттираётган амалиёт ва тажрибалар мажмуасига айланди. Бу дегани, юксак сиёсий-иқтисодий ва маънавий-хаёттаги тадбиркорлик тафаккури кенг бағрида баркарорлашаётган Она сайёрамизда яшовчи, дунё ик-

тисодиёсти, сиёсати ва маданияти неъматларидан ўзининг асрий маданияти ва кадриятларини ~~тако~~ миллаштириш йулида янглишган ҳар бир милл ~~да~~ ва унинг вакиллари бегона ғанимларига кур-куронга эргашишга, ўз ичидан емирилишга мажбур булади деганидир.

Ватан эса халқнинг мунтазам илгарилама ~~хара~~ кати, унинг ҳар томонлама ривожланиб бориши ~~ди~~ дир.

«Асрларга татигулик кун» қадимий ибораси

Истиклол шарофатидан бошланган бозор иктисолиётига ўтиш жараёни доимий ишлар қатори бўшаб қолган майдонларда тижоратни ҳам ривожлантиришга унади. Матбаачилар савдо маданияти бобида ҳам биринчиликка интиладилар



нинг қадим Туркистон заминида қайта жаранглаб, инсоният фикри-эътиборини ўзига қаратганига ҳадемай 20 йил тулади. Боболаримиз сук сурган табаррук диёrimizning далласи билан Чингиз оғанинг етук асарида тараннум этилган умумтуркий ва умуммиллий ғоялар, гүё барчамиз кутган қутлуг ва хуш дамларнинг муждаси эди. Табаррук Туркистон кўкрагига озодлик ва ҳурлик шамоли тегиб, қардошларимиз ва она халқимизнинг, Узбекистонимизнинг бугунги ва келажак тақдирида асрларга, абадиятга татигулик кунлар туғилди!

Ҳа, Ўзбекистон тарихи саҳифаларига, асрлар оша давлатманд халқ бўлиб келган ва қарийб бир ярим

аср истибоддоз зулмини тортган узбек халқининг қадим аждодлари, бугунги авлодлари ва келажак наслари тақдирномасига буюк орзунома, қутлуг шарафнома, муқаддас саодатнома рутбасида ёзилажак 1991 йилнинг 1 сентябрин Ватанимиз ва халқимиз шаҳодатномасига асрларни яшартган кун сифатида битилди. Бу муқаддас кун Ўзбекистондек сулим мамлакатнинг эътироғномаси ва эътиборномаси — Мустақиллик баённомаси эълон қилинган



Тижорат маърифати
ҳам сингил
тутиладиган соҳа
эмас, унинг ўзига хос
завқу машаққатлари
бор

сана мақомида Ватанимиз озодлиги тарихининг янги даврини бошлаб берди.

Орадан күп ўтмай, 1991 йил 6 ноябрда Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига мувофиқ Узбекистон Компартияси Марказкуми нашриёти негизи булиб келган зиё масканида «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ташкил этилди. Айни тарихий воқеадан сунг йирик матбаа корхонасининг жаннатмакон юрт истиқлоли, багри кенг халқ орзу-умидларига муштарак қадамлари, келажаги порлөк Узбекистон давлатига баҳамжиҳат одимлари бошланди. Мана, ҳаш-паш дегунча орадан беш йил ҳам утиб кетибди. Халқимиз шу давр ичидагасур ва зукко боболарининг тарихий ватанини, элининг юксак қадриятларини, ишончли ва жозибадор келажагини танлаган, таниган бўлса, кўп

Йиллик тажрибага эга матбаачилик жамоаси фаолити ва амалиётининг янги-янги жабҳалари мазмунни шу элни, шу Ватанин таний бошлади, она юрт фарзандлари хонадонига ва миллатимиз қалбига янтирух ва покиза маслак билан кириб борди.

Мазкур булимда, табиийки, концерннинг янги истиқлол сафидағи тарихининг асосий жиҳатлағиға, корхона техник-технологик қудратининг бүгунғи ҳолатига ва тақдирига, молиявий-хужалик фаолияти ва иқтисодининг барқарорлашиб камол тоғаётганига, дунё ноширчилигининг етук ва замонавий анъанарапига, истиқболда турган асосий вазифалар ва келажак режаларга оид мулоҳазаларни уртоқлашмоқчимиз. Дарвоҷе, беш йил ичида кечгап воқеалар, ўзгаришлар, янгиликлар шу кадар рангбарангки, уларнинг мазмун-моҳиятини туликрок англашга маълум давр зарур бўлади. Бу нарса, ҳалқимиз, унинг турли авлодларга мансуб фарзандлари, корхонамизнинг фидойи ишчи-муҳандисларининг зиммасидаги маънавий бурчидир.

Истиқлолнинг шарофатидан янгидан дунёга келган «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг сунгти беш йил давомидаги, ҳозирги кундаги ва келажакдаги ривожи хусусида сўз борганда, аввало шуну айтиб утиш керакки, ишлаб чиқариш йўналиши ва технология такомилий йули ҳар қандай жамиятда ўзгармасдан қолади, бинобарин сиесатдаги ўзгаришлар ва жамиятдаги ислоҳотлар ишлаб чиқаришнинг асосий технологик жараёнларига сезиладиган даражада аниқ таъсир уtkаза олмайди. Бу шунчаки тажрибалардан чиқарилган фикр булиб, қатъий хулоса эмас, албатта.

Ишлаб чиқариш муносабатлари ҳамда технологик жараёнлар ўзгармай, аввалидек қолган бўлса ҳам, лекин бу жараёнлар воситасида ўёки бу ускуналарда чоп этилаётган ноширлик маҳсулотларининг умумий мазмунига, маънавий кимматига давр талаблари асосида жоиз ўзгаришлар киритилганлиги бундан буёғига шарафли тарихимизни, жамиятнинг ҳозирги ва яқин келажақдаги тартибларини тугри талкин этишдек орзу-ниятларининг илк мевасидир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сунг асосий маҳсулотларимиз газета ва журнallарни, ноширлик заҳмати меваси сифатида чоп этилган бошқа барча босма нашрларни ўзгаришларга бой, янгила-наётган замонамизга, ҳалқимизнинг мустабидлик йилларида ҳам йўқолиб кетмаган ва мустақиллик шарофати билан қайта эъзозланадиган урф-одатла-

рига мос, кунимиз талабига жавоб берадиган тарзда чөп этишга эришдик.

Янгича иқтисодий муносабатлар шакллана бошлиған сүнгги йилларда газета-журналлар адади кескін камайиб кетди. Бу эса янги фаолият соҳалари ни излашыга ва аввалдан мавжуд, ривожлантирилиши мумкин бўлган синашта фаолиятни такомиллаштиришга ундади. Ана шундай тарихий касблардан бироқ китоб ноширчилигидир. Концерн ижодий негизида нашрга тайёрланган, ўқувчи ҳукмига ҳавола этилган китобларнинг купчилиги узбек адабарининг — хассос ёзувчиларимизнинг, севимли шоирларимизнинг асарлари бўлди. Аксарият нашрларда мустақилликнинг энг асл, мақбул қадриятларини, элимизга зарур бўлган, келажак авлодга наомуна буладиган жиҳатларини айтиб утиш билан бирга, узоқ ва яқин утмишимиздаги маданиятимиз, адабиетимиз намояндаларининг, истиқлол курашчиларининг, гуё бугунги кунни каромат ва башорат қилгандек келажак авлодга мўлжаллаб, комил ишонч билан ёзган мұтабар ва табаррук асарларини қайта тиклаб, уларнинг мағзи тўқ, адолатпарвар ва сермазмұнларини ҳалқимизга, уқувчиларимизга етказиб бериш йулида анча-мунча ибратли ишларни рӯёбга чиқардик. Босмадан чиқарилган китобларнинг купчилиги ҳозирги кунда уқувчиларимизга ута зарур — истиқтолимизни яратганлар, унинг мағкурасини асослаганлар, ўз ҳаётини ва ижодини истиқлолга багишлаган адилларимизнинг дунёқарашини ва ишларини, уларнинг асарларини ҳалқа етказиб беришдек катта ижодий, қолаверса қисман илмий фаолият амалга оширилди. Давримизнинг энг илғор гояларини илгари сураёттан, ўз асарлари билан ҳалқимизга манзур булаётган шоирларимиз, ёзувчиларимиз асарларини нашр этишдек мұхим ва шарафли ишни ҳам изчил ташкил этдик. Бу жараённи тута-тўқис давом этириш ниятидамиз, бу йулдаги ижодий режаларимиз аниқ, унинг эртаси, истиқболи равондир.

«Истиқлол фидойилари» туркумининг нашр этила бошлиниши, унга Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдуҳамид Сулаймон Чўлтон, Сиддиқи-Ажзий, Исҳоқхон Ибрат, Отажон Ҳошимов сингари ўнлаб истиқлолларврар маътифатчилар, адиллар ва олимлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи мароқли тадқикотларнинг киритилиши сингари бир қанча холис юмушларимиз, туркумнинг, қолаверса «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг эл орасидаги янги қиёфасини белгилаб берди. Айниқса, таникли адаб Наим Каримовнинг «Усмон Носир» ва

«Усмон Носирнинг сунгги кунлари» номли илмий фалсафий тадқиқотлари узбек адабиётшунослигига күшилган салмоқли ҳисса ва адабиёт ҳаётида катта тарихий воеа булди. Сунгра... уларнинг ортидан эл назарига тушган китоблар силсиласи нашр этила бошланди. 1995 йилдан бошлаб энг эзгу ниятларимиздан бири булган узбек романчилигининг XX аср намуналаридан мумтоз ва етук, уқимишли ва залворли китобларни нашр этишга киришдик. Мазкур туркум узбек миллий романчилигининг асосчisi мавлоно Абдулла Қодирий қаламига мансуб — «Ўтган кунлар»дек қалдиргоч асардан тортиб искеъдодли алиб Тогай Мурод ижодхонасида яратилган «Отамдан қолган далалар» асаридек кенжа романни, яъни ана шу икки нодир китоб оралигига дунёга келган етук асарларни уз ичига олдики, қисқаси бу эзгу ниятимиз билан биз узбек романчилиги галвирини сувдан кутаришдек нозик жараённи бошлаб, келажакда мулжалланган интилишларга кенг йулни очиб бердик, десак хақ гапни айтган буламиз.

Концернимиз газета ва журналлар таҳририятлари билан ишлаш ва хусусий, таҳририй-ижодий ишларни бир томондан олиб борса, иккинчи томондан, унинг асосий вазифаси ҳозирги матбаа технологиясини тараккий эттириш, ноширичилик билан матбаачиликни концернимиз тизимига қушиб, биргаликда амалга оширишдир. Нашр этиладиган асарларни мукаммал тайёрлаш, ҳар томонлама тұкисигини таъминлаш, технология жараёнларини бекаму күст тұлалигича амалга ошириш, құлөзмаларнинг пухта бұлищи, матбаа ижросининг юкори савияда бажарилиши барча ижодий ва ишлаб чиқариш амалдарини уйғун юритишиңа үндайды.

Аввалги нодаврий нашрлар булими үрнида дунёга келган Бөш таҳририят ходимлари технологлар, иқтисодчи ва цехлардаги усталар билан ҳамкорликда иш олиб боришади. Шу сабабли биз нашр этаёттан китобларнинг ҳар томонлама күркам безатилишини, матбаа ижросининг сифатли бажарилишини, тайёрланган маҳсулот даражасининг үкувчилар дилига мос келаётганини айни ҳамкорликнинг дурустгина куриги ва намойиши деса булади.

Бозор иқтисодиёти тикланаётган ҳозирги умумиlliй жараёнда қатнашаётган даврда, шуни алоҳида уқтириб утиш жоизки, газета, журнал, китоб нашр этиш билан бирга, ҳалқимиз учун зарур булган замонавий күркам ва куп турли босма маҳсулотларни ҳам тайёрлаб бериш йулида эътиборга мо-

лик ижодий ва ижобий янги нашрлар чиқарилмоқда. Шулардан айримларини айтиб утмоқчиман. Хушбичим ва бежирим гулқоғозлар, мебель тайёрлаш учун зарур булган текстуралар, табрикномалар, так-лифномалар, завод-фабрикалар маҳсулотларини бе-заш учун зарур булган күп рангли этикеткалар, ма-салан, чой фабрикалари учун картон қоғоздан ясалған құтичалар ва шунга ухшащ мактаб үқувчилари ва үқітуvчилар учун синф журналлари, кундалик-лар, ҳар хил блокнотлар, папкалар, ёзув қуорлларидан тортиб ҳар куни фойдаланиладиган, элимизга зарур маҳсулотларни ҳам тайёрлаб, уларга янгича сайқал беріб, ниҳоятда хушбичим, нафис қиёфада чиқаришимиз ҳозирги кунга, давр ва буюртмачи-лар талабига мос келмоқда. Шу ва шунга ухшащ режаларни амалга ошириш учун корхонамизда урнатылған илгор техника, замонавий технологияга құшымча равища компьютерлар туркумини, прин-терлар ва сканнерларни чет эл фирмаларидан со-тиб олиб, тезкорлық билан ишлаб чиқаришга тад-биқ этлик. Шундай қилиб, илгаридан құлланиб ке-линәеттан құл кучи билан еки линотип машина ердамида ҳарф териш, фотонабор усули билан иш-латылған ҳарф териш цехларининг барини қис-қартириб, үрніга замонавий компьютер, принтер ва сканнер каби үнлаб электрон машиналарни урнатдик. Янги техника құлланилиши билан газета-лар матні териладиган, форма тайёрлайдиган учта цех бирлашиб, бирлашган, ягона газета мажмуси-га айлантирилди. Айни өткөнде ҳарф териш технологиясында ҳам, фото формалар тайёрлаш, булардан эса босма қолиплар тайёрлаш жараёнларига ҳам, босма технологиясини құллаш тизимларига ҳам күп-гина янги үзгартырышлар киритилди. Буларнинг ба-ри газеталарни ишлаб чиқариш бўлинмаларида қис-қа фурсатда сифатли даражада тайёрлаб бериш, шу-нингдек, журналларнинг ҳар томонлама нафис ва кўркам булишига, китоб матні ва безакларининг ҳозирги замон талаби даражасида, үқувчи дидига мос савиядада тайёрлаш имкониятини берди. Бу, ал-батта, жамоамизнинг ижодий изланишлар йўлида-ги илк ютуғидир.

Тадбиркорлик, омилкорлик ва тезликда мақсад-ни мулжаллааб амалга оширилған бу беқиёс ижобий янгиликлар корхонамиз миқёсида инсон омилига эътиборни янада кучайтириди, табиийки, яшаб турған давримиз ҳам шуни талаб этади. Замонавий технологиянинг амалиётга тадбиқ этилиши оқиба-тида инсонга, айниқса, ишчилар соглиғи учун за-рарли бўлган қўргошин ва шунга ухшащ оғир ме-

таллар, бошқа химиявий бирикмалар зуғумидан тулишга мушарраф бўлдик. Уларни ишлаб чиқаришдан бутунлай чиқариб ташлаб, озодалик ва экологик тоза мұхитни — меңнат шароитларини мұқтадил йүлга қўйиб, ишчи-хизматчилар саломатлигидан зарар етказадиган муаммолардан бутунлай кутди. Эндиликда цехларимиз баҳаво, ёруғ, ишчилик нинг кайфияти соз, уларнинг саломатлиги тұла ҳофаза этилиб, матбаачилар, матбуотчиларнинг бәракали меңнат қилишлари, узоқ умр кўришлари учун зарур бўлган деярли ҳамма имкониятга эга бўлдик.

Айни муаммонинг тарихий жиҳати шундаки, тарақкий топган давлатлар ва мамлакатлар 15-20 йил илгари амалиётта киритган бу ишлар мустақил Узбекистонда биринчи марта амалга оширилди. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни меңнат жамоаси шу мурakkab даврдаги асло тақрорланмас синон майдони булиш мақомидан ҳакли равишда фахрланади.

Собиқ Совет Иттилоқининг тарқаб кетиши оқибатида Узбекистон Компартияси Марказқўумининг нашриёти деб номланган корхонамизнинг ҳам номи ўзгартирилиб, унга ҳозирги истиқолимиз даврига уйғун келадиган муносиб ном берилди. Биринчидан, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни деб номланишининг асосий маъноси шундаки, «Шарқ» буюк миңтақамиз — Марказий Осиёда энг катта, забардаст, юқори даражада тарақкий этган матбаа корхоналаридан биридир. «Концерн» сузи замирида мавжуд барча куч, имкониятларни бир ерга туплаш ниятида амалга оширилган ҳамкорлик деган маъно бор. Бинобарин, биз ҳам барча тажриба, имконият ва күчларимизни бир жойга йигиб, бирлаштириш туфайли ягона, уз Низомига эга концерн бўлдик. Дарвоқе, кўп тармокли корхоналарнинг бирлашган бошқармаси ҳам Концерн деган маъненинг ифодасидир.

Истиқлол сафидаги одимларимиз, нафақат мавжуд тизимларни техника-техннологик қуроллантириш, мақбул тизимга мослаштириш, айни пайтда уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашдек холосанилло ички сиёсатимиз билан уйгунлашиб кетди. Боя айтганимиздек, нодаврий нашрлар таҳририяти Бош таҳририятга айлантирилган бўлса, бўшаб қолган фойдали майдонларда Ишлаб чиқариштижорат Маркази, яъни концерннинг тиҷорат ишларини марказлаштирган янги тизим вужудга келди. Бош директор муовинларидан бири раҳбарлик

қилаётган бу марказ орқали ички бозор эҳтиёжла-
ри ва ташқи бозор аҳволи урганилмоқда, янги қуш-
ма корхоналар очиш имкониятлари кенгаймоқда.
Масалан, концернинг таъмирлаш-қурилиш цехи
негизида «Шарқ бунёдкорлари» фирмасининг таш-
кил этилиши, эндиликда хусусий қурилиш, таъмир-
лаш ишларимиз билан чекланмасдан, шахримизда-
ги эҳтиёжманд ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг
таъмирлаш, қурилиш, ободончиликка оид буюрг-
маларини бажаришимизга имконият туғдирди, фао-
лият майдонимизни кенгайтириди. Концерн тизи-
мидаги булинмаларнинг иқтисодий мустақиллиги
янги даврнинг муҳим воқеаларидан, самарали тад-
бирлардан бири бўлди.

Сунгги йилларда режалаштириш муассасалари
томонидан ҳом ашёларнинг ажратилмаслиги, дав-
лат таъминотининг барҳам топиб, бизга бирор таш-
килот ёрдами билан зарур ашёлар берилмаслиги
сабабли маъқул бозор муносабатига ўтиш даврида
корхонамиз мураккаб муаммолардан, кутилмаган си-
новлардан утиб, ўз иқтисодини тобора мужассам-
лаштириш билан бир қаторда, ҳозирги кунда ҳам
қул келаётган кўпгина фойдали тажриба орттири-
моқда. Бу мураккаб тажрибамизга таяниб, иқтисо-
димизни келажакда аниқ мақсад йўлига олиб чиқи-
шимиз шубҳасизdir.

Иқтисодий синовлардан дадил, келажакка ко-
мил ишонч билан ўтаяпмиз. Шуни аниқ айтиб утиш
жоизки, концернимиз жамоаси айни шундай му-
раккаб, ута талабчан ҳолатда ҳам ўз йулини топиб
олди. Бу узгаришлар нималар эвазига юзага келган-
лигини тилга олганда, шударни айтиб утиш керак-
ки, биз илгарилари бундай мураккаб муносабатлар-
ни хаётда кўриб билмаган бўлсан ҳам, лекин замон
талабларининг узгариб туришини, коммунистлар
партиясининг ўз мавқеини йуқотиб қўйишини, дав-
лат органлари томонидан бериладиган топширик-
лар, ажратиладиган ҳар хил материалларнинг энди
сунгги йиллар шароити даражасидагина тухтаб қо-
лишини олдиндан сезган эдик. Шу муносабат би-
лан бозор иқтисодига утиш йўлларини қидириб,
узимида тайёрланадиган маҳсулотларни бошқа мам-
лакатлар бозорига — Россияга, Белоруссияга, Қо-
зогистонга, шу каби бошқа ўлкаларга олиб бориб
сотинш, шу билан бирга уша ерда ишлаб топилган
маблагларга қоғоз, картон, ҳар хил турдаги буёқ-
лар, фотоплёнкалар, оффсет пластинкалар сотиб олиш
йулига ўтдик. Шуни айтиш жоизки, газета ва жур-
налларни ўз вақтида чиқариб туриш бобида Узбе-
кистон Республикаси ҳукумати ҳам ёрдамини аяма-

ди. Бу ёрдам ишлаб чиқариш жараёнларини тухтаб қолмаслигига ижобий таъсир қўрсатиб, мутахассислар ва тажрибали ишчиларимизни корхонамизни доимо сақлаб қолишимизда ҳал этувчи омил бўлди.

Хукуматимиз қарори билан 1994 йилда ажратилган 1000 тонна пахта толаси, шу қатори берилган икки миллиард бир юз миллион Россия рубли ҳам иқтисодий кучимизни мустаҳкамлашда мадад булиб, зарур ашёларни, сотиб олинадиган турли навлардаги қоғозларнинг купгина қисмини уз вактида келтиришдек ишимизга ёрдам берди. Шу билан биргаликда газета-журналларни чоп этиш ниятида давлат ҳисобидан сотиб олинган қоғозларнинг ажратилиши ҳам бизга катта мадад берди. Лекин буларнинг бари ишнинг маълум булагини чиқариладиган маҳсулотларнинг маълум қисмини хом ашё билан таъминлаб туришгагина етарди. Бизнинг асосий мақсадимиз Россия газеталарининг Тошкентда босиладиган ададлари учун туланадиган пулларни ноширлари билан тузилган шартнома асосида Россия банкидан олиш; узимиз тайерлайдиган харидоргир, нафис, рус ва жаҳон адабиёти нашрларини Москва, Санкт-Петербург, Киев, Новосибирск, Алмати, Минск, Ашгабад, Бишкек шаҳарларига обориб сотишиб билан бир қаторда ҳамкорларимиз китобларини ҳам үлкамиз ва узимизнинг китоб савдоси тармоқларимиз орқали тарқатиш; бундан тушган маблагларнинг ҳаммасини Россия рублига конвертация қилиб, хом ашё ва маҳсулот юборидиган ташкилотларга уз вақтида утказиб туриш учун зарур эди, тадбиркорлигимиз оқибатида биз бунга ҳам деярли эришдик. Оқибатда 1994-95 йилларда қоғоз, картон, цelloфан плэнкалари, матбаа учун зарур булган ҳамма хом ашёларнинг купчилигини уз вақтида келтириб, газета ва журнallарни узлуксиз чиқариб туришга улгурдик.

Бунда ҳамкорларимиз ҳам бизга сеziларли ёрдам берди. Масалан, «Авекс» корпорацияси билан биргаликда тузилган қушма корхонамиз, Буюк Британиянинг «Ренк-Ксерокс» фирмаси билан бирга тузилган «Ўзбек-Ксерокс» қушма корхонамиз ҳам маблагни Россияда конвертация қилиб, хом ашё сотиб олишда ёрдамлашди.

Ўзбекистон хукуматининг концернимизга 1995 йил бошида Россияяда сотишиб учун ажратган 2000 тонна пахта толасидан тушган маблаг ҳисобига сотиб олинган хом ашёлар ҳам бизга мадад бўлди.

Бозор иқтисодиёти талабларига жавобан техник-технологик тараққиёт дастурларини тузишга ҳам катта эътибор берилаяпти. Қушма корхоналарнинг асл

максади халқимиз учун зарур маҳсулотлар етказиб бериш баробарида, тайёр маҳсулотларнинг бир қисмини Россияда ва бошқа Ҳамдустлик, узоқ чет эл мамлакатларида сотишидир. Бу бозорларда топилган пул Россия ва бошқа мамлакатлар фирмаларидан матбаа учун зарур бўлған кўп турли ҳом ашё ва когоз сотиб олиш учун сарфланмоқда. Мана, АҚШнинг «Пасифик» фирмаси билан ҳамкорликда «Ал-Фаросат» номли янги қўшма корхона тузганимизга ҳам бир йилдан ошди. У ҳам бизга иқтисодий ва техникавий катта мадад, бу соҳадаги муаммоларни ҳал этиб, тажрибаларимизни мустаҳкамлашда ва корхонамизни электрик ва электроника ускуналар билан қуроллантиришда, корхонамизни замонавий техника билан бойитиш борасидаги режаларимизни ижобий ва бехато бажаришимизда сезиларли ёрдам булаёттир.

Иқтисодчиларимиз утказган тадқиқот ва ҳисобкитоблари шуни курсатмоқдаки, ташқи бозорларда қўшма корхоналар тузиш асосида ишлаб топилган маблагларнинг деярли асосий қисми Россия бозорила ҳаракатга солиниб, зарур материалларни олиб келишга сарфланар экан. Ўз вақтида ҳукуматга мурожаат қилиб, содир булаётган барча қийинчиликларни билдириб, куп миқдорда босма маҳсулотлар тайёрлаш имкониятларига эга булган машина-дасттоҳаримизнинг бекор турив қолаётгани, бунинг оқибатида ишчиларимизнинг айримлари бошқа жойларга кетиб қолиши хавфи тугилаётгани турисида маълумотнома юбордик. Бизга пахта толаси ажратилишини ва бошқа ҳом ашёга алмаштириш шарти билан Россия рублини орттириш хусусида ёрдам Курсатишларини сураб илтимосномалар ёзган ва аниқ таклифлар киритган эдик.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бу илтимосномаларга муносабат ижобий булди. Ажратилган пуллар Россиядан қофоз, картон, матбаа бўёги, бошқа материаллар сотиб олишда ёрдам берди. Натижада чоп этилаётган нашрларимиз миқдорини ҳам, ададини ҳам кўпайтиришда, жаҳон матбаачилигига қўлга киритилган янгидан-янги тажрибалар, замонавий технология, янги услугуб ҳамда ютуқларни ўрганиб, уларни амалда узлаштириб, ишлаб чиқаришга тадбиқ этишда сезиларни мадад булди. Албатта, узимиз ҳам қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ, мақсадимиз йўлида тер түкиб, шижаот билан ишладик, десак муболага бўлмайди.

Концернимиз ҳозирги иқтисодий мувозанатини юқори даражада ушлаб туришнинг асосий омилла-

ридан бири ҳам муҳандис, техниклар ва айниқса ишчиларимизнинг куч-ғайрати, бажараётган ишлари натижасининг ижобийлиги, уларнинг меҳнатга ижодий ёндашиб, сабр-тоқат ва матонат билан бағчилаштирилган таъминотини мунтазам равишда барқарорлаштириб борилмоқда. Шу билан бирга ҳалол ва серунум меҳнатлари эвазига олинаётган фойда ҳисобидан ходимлар маошларини мутаносиб даражада ошириб, юқори миқдорда мукофотлар бериш, улар учун зарур шарт-шароитларни яратиш оқибатида корхонамиз шу бугунги иқтисодий мураккаб даврда ҳам юқори малакали мутахассис, билимдонлар меҳнати эвазига ўз мавқеини йўқотгани йўқ. Энг муҳими, одамларнинг кайфияти тетик, меҳнатга, яратувчиликка бўлган хоҳишлари кишини қувонтиради. Ҳаммаси жон-дилдан меҳнат қилиб, газета, журнал ва китобларни ўз вақтида чиқариш ниятида тер тұкаётганинг чиқарилаётган маҳсулотлар сифатида намоён булиб турибди.

Бундай аҳвол келажагимизни порлоқ этадиган ишларимизнинг оқибати бундан ҳам кўркам, ижобий узгаришлардан ходимларимизнинг ҳам тула манфаатдор булишидан нишоналар мавжудлигини күрсатади. Яқиндан бошлиб купгина қўшма корхоналар фойдалари ҳисобидан акциялар чиқариб, ишчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан таъминлаштизимини янгича асосга утказдик. Яқин келажакча, иншооллоҳ, барчамиз ҳам ўз кучимиз билан ҳосил этаётган савобли ва саҳоватли ишларимизнинг купгина неъматларини татиб курдик. Ишчи ва ходимларимизнинг ҳаммаси, худо хоҳласа, яқин йилларда муқаррар бой бўлади. Шуни доимо ёдда тутишимиз зарурки, жамоамиз аъзолари ўз манфаатларини, ўз қобилияtlарини, ўзларининг эзгу ниятларини корхона ва жамоат манфаатлари билан уйгунлаштириш йулидаги саъй-ҳаракатлари, тараққиёт ва таъминот жараёнларига бу нарса ижобий таъсир күрсатади.

Давр тақозоси, эзгу ният билан буюртмачилар матни асосида турли-туман маҳсулотларни куркам сайди бериб босишни таъминлайдиган, кўп турли қимматбаҳо қоғозларни, акцияларни тайёрлайдиган янги цехни ташкил этгандик. Пировардида купгина ташкилотлар, вазириклар, корхоналар, завод

ва фабрикалар акцияларини чоп этиш, уларни үз жамоалари орасида тарқатыб, хужалик айзоларининг моддий ахволини барқарорлаштиришга хизмат килаудиган қимматли қоғозлар ишлаб чиқариш узлаشتырıldı. Қимматбаҳо қоғозлар, акциялар, лотереялар чиқариш ва шунга үхшайдиган ҳар хил бозорбон қоғозларни чоп этиш, уларни ҳар томондама муҳофаза қилиш, улардан ксерография ускуналари өрдами билан күчирма олиш ҳолларининг оддини олиш, шу билан биргаликда айни қимматбаҳо қоғозларнинг мунтазам равишида дахлсиз бўлиб қолишини галография муҳофазаси билан таъминлайдиган янги тармоқ очгандик. Бу бўлинмада купроқ қимматбаҳо акциялар, ҳар хил юқори кийматга эга бўлган қоғозлар чиқариб, халқимизнинг, идораларнинг шу каби хужжатларга бўлган талабларини ҳам тўла қондириш борасидаги ишларимиз кулами сезиларли даражада кентгайди.

Маълумки, яқин-яқингача олий ўқув юртлари, техникиумлар, ҳунармандлик – билим юртларининг дипломлари, гувоҳномалари, ҳар хил муҳим ва ноёб ҳужжатлар чоп этишига ихтисосланмаган матбаа корхоналарнда сифатсиз тарзда чоп этиб келинарди. Ута муҳим муаммонинг ижобий ҳал этилиши кераклигини инобатга олиб, бу зарур ҳужжатлар, гувоҳномалар, руҳсатномалар, аттестатлар, дипломлар, кўп тармоқли ўқув юртларини турли қисқа курсларини тамомлаган, лицейларда ўқийдиган ёш мутахассисларга бериладиган жорий ҳужжатлар шу ерда тайёрланадиган бўлди. Бу эса, уз ўрнида бизга ишчиларимизни меҳнат билан бир меъёрда таъминлаш имкониятини яратди. Ташкилотларнинг бу ҳужжатларга бўлган талабини қондириш йўлидаги ҳамкорлигимизга ижобий таъсир этиб, шу давргача муаммо бўлиб келган муҳим вазифалар тўла амалга оширилди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, китоб ноширчилиги йўлидаги хайрли ишларимизга холисона мусносабатлар билан бирга, ноурин таъналар эшитилди. Айрим муҳолифлар томонидан концернимизда чиқсан китоблар тұгрисида баъзан носамимий фикрлар билдирилаётгани ва уларнинг ноурин эканлиги яққол сезилиб туради. Биз муқоваси ялтироқ китоблар чиқариб, Россия бозорида сотиб, фақат пул ишлаетганимиз йўқ. Бундай нохолис фикр айтивчиларга жавобимиз шундан иборатки, асоссиз, пуч гапларни тарқатиб юрувчилар үз вазифасининг асл маъносини англай олмаган, қилаётган ишининг маг-

САОДАТ МАНЗИЛЛАРИ зини чақа билмайдиган, бадий адабиет атрофиянын уралашыб юрадиган күнимсиз одамлардир. Мабудо, теран таҳлил қиладиган булсак, нашрларимиз ҳозирги қимматлашиб бораетган нархларга арзийдиган савияда бўлиб, маъноси ҳам, безаги ҳам, матбаа ижроси ҳам кишининг кўзини қувонтирадиган даражада. Биз, агар уларнинг маъноси, мазмуни ҳақида гапирадиган булсак, аксариятининг халқка ёқадиган асарлар каторидан уринли жой эгаллаётганилиги билан изоҳлашимиз мумкин. Шуни айтиш жоизки, утган оғир даврда истиқолимизни кўйлаған адилларимизнинг китоблари қайтадан минглаб нусхада нашрдан чиқарилди. Бизнинг фаолиятимиз ва амалиётимиз хусусида одилона фикрда булмаган кимсалар билсинки, халқимиз томонидан ижобий фикр билдирилаётган бу китоблар истиқолимиз ва истиқболимиз учун бебаҳодир. Фойда дегандা купрок маънавий фойдани назарда тутяпмиз. Биз чиқараётган истиқлол ҳақидаги, «Истиқлол фидойилари» туркумига мансуб китоблар мактаблар, олий ва урта уқув юртлари дастурларига киритилиб, мактаб ва олийгоҳларда дарслер сифатида фойдаланилмоқда. Ҳозирги даврда тарихдан ҳам, фалсафадан ҳам, бошқа ижтимоий фанлардан ҳам адабиётлар етарли эмас. Ҳар бир чиқарилаётган янги китоб, жумладан ҳозирги замонда жуда күп уқувчиликимизга, талабаларимизга катта фойда келтиргани ва бундан кейин ҳам келтириши табиий. Купгина босмахоналардаги техниканинг паст савиядалиги, уларни бошқараётган мутахассисларнинг билими етарли эмаслиги, бунинг оқибатида сифатсиз китоблар чиқараётганилиги, айниқса дарслерларнинг ахволи мавжуд талабга жавоб бермаётганилиги матбаа корхоналаридаги мавжуд камчиликлар натижасидир.

Юқорида айтганимиздек, эзгу мақсадга эришиш йўлида бошланган хайрли ишларимизга нисбатан оқилона хайриҳоҳлик урнига тирноқ ичидан кир қидирган кимсалар, ноширчилик ва матбаачилик тажриба корхонасининг асл мақсадларини тушунмаганлиги сабабли ҳам бор ҳақиқатни тан ололмайдилар. Ишончимиз комилки, чиқаётган нашрларимиз халққа маъқул бўляпти. Бундай дейишимизга сабаб шуки, бизнинг китобларимиз хоҳ Қозистонда, Россияда булсин, хоҳ Украинада, Белоруссияда бўлсин ўқувчисига эгадир. Барча савдо ташкилотлари, «Ўзбекбирлашув» дўконларига чиқа раётган китобларимиз ҳам тез кунда тарқалиб кетмоқда. Шунинг учун асоссиз фикрни айтган «дустларимиз» обдон ўйлаб куриши керак. Биз камчилик

тимиз йук, деб гуурурланмаймиз, қанча ҳолисона танқид булса, ҳолисона фикрлар ва самарали тактилар билдириладиган бўлса, ўз ишимизда улардан ижобий фойдаланамиз, ана шундай тафаккур ҳамкорлигидан доим манфаатдор булиб келган ҳамкорнамиз узи чиқараётган маҳсулотларнинг сифатини янада оширишга интилади. Албатта, ҳолисонада билдириб, биз билан ҳамкорликда ишлаётган дустларга нисбатан қулимиз кўксимизда, улардан доим миннатдормиз. Бундай танқидий ёхуд ижобий таътилларнинг тўғри, ҳаққоний, вижданан, соғ ва чин дилдан булиши ҳаммамиз учун ҳам аҳамиятга эга, чунончи, бу ҳақиқатни доим ёдда тутишимиз керак.

Купчиликка сўзсиз аёнки, газета, журналларнинг даврийлиги, бичими, адади қисқариши ҳамкорнамиз учун, ишчиларимиз учун ҳам фойдасиз, нокераҳ воқеадир. Йиллар давомида миллионлаб ададда чоп этилган журналларимиз, газеталаримиз ададлари кейинги йиллардаги қийин иқтисодий шароит, нарх-навонинг ошиши туфайли ниҳоятда камайиб кетди. Оқибатда эса куп машиналар ишсиз колди ва серунум меҳнатга урганган ишчиларнинг шашти анча пасайди. Айрим мутахассисларни бошқа ишларга ўтказишга тўғри келди. Лекин ҳозир ишлаётган мутахассисларимиз катта жамоанинг энг фидокорлари, матбаачиликка меҳр-муҳаббат билан қарайлиган, ўз қасбини севадиган фидойилардир. Шуни айтиб утишим жоизки, ўз вақтида ҳисобкитобини қилиб, теран таҳхил этиб, иш олиб боришимиз оқибатида қайси цехларда қанча жой бўшайди, булинмалар ва хизматчиларни тигизлаштиришнинг мажбурийлиги ишлаб чиқаришга нечогли таъсир кўрсатади ва қандай иқтисодий самара келтиради, бунинг олдини олиш учун нималар қилиш керак деган саволларга олдиндан қатъий жавоб ҳозирлаб келганимиз. Шунинг учун ҳам концернимиз тизимида бир неча қушма корхоналар, дуконлар, тижорат марказимиз, унинг ҳар хил булинмалари фаолият юргизиб, иқтисодий ва амалий ишларимизга ижобий таъсир курсатмоқда.

Сунгти йилларда тузуккина фаолият кўрсатаётган, ўзбек ва рус тилларида нашр этилаётган «Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз», «Тошкент ҳафтаганомаси» каби хусусий-тижорат нашрларимиз сафига иқтисодий самара келтириши мумкин булган янги нашрлар қушиш устида изландик. Бу нашрларимизнинг адади бошқа газеталарнидан сези-

ларли даражада фарқ қилса-да, кўп тиражда наш этилаётган Узбекистон Давлат телерадиокомпаниясиning ҳафталик дастурларини чоп этишга имкон яратиб, бир саҳифасини реклама учун ажратдик. Чунки бу нашрлар ададининг юқори даражадалигкорхонамиз учун фойдалидир.

Мавжуд бинолардан, ишлаб чиқариш майдонларидан, айниқса бушаб қолган муаззам биноларимиздан самарали фойдаланишга етарли эътибор бердик. Купгина қўшма корхоналардан олинаётган фойда, ижарачи ташкилотлардан тушаётган қўшимча маблаглар ҳам ҳозирги етишмовчилик даврида иктиносидиётимизни барқарорлаштиришда бизга анча мадад буляпти. Биз бу йўналишни такомиллаштиришнинг қўламли дастурини илгаридан тузганимиз. Бу дастурга кўра қайси даврда, қайси бинонинг қанча ишлаб чиқариш майдони бушайди, уша бинода қандай ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиш кераклигини аниқлаганмиз. Сунг чет эллик савдогарларни, тижоратчиларни, яъни ҳамкорларни топиб, улар билан биргаликда қўшма корхоналар туздик. Бу корхоналарда чиқарилаётган маҳсулотнинг харидоргир булишига, улардан келадиган фойданни эса энг аввало ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бирга ходимларни рағбатлантиришга, техника негизини улгайтиришга, уларни етарли даражада матбаа хом ашёлари билан таъминлашга йўналтиридик.

Тангрига шукрки, кейинги йилларда юқорида зикр этилган ишлар ўз натижаларини бера бошлиди. Бу тадбирларимиз бизнинг ҳозирги қозоз танқислиги давридаги мураккаб молиявий аҳволимизга маълум даражада ижобий таъсир курсатаёттир. Бинобарин, «Ўзбек-Ксерокс»дан, Тижорат марказидан олинган фойдалар, «Авекс» билан биргаликда топган маблагимизнинг катта қисми, ношириликдан тушган фойдалар, «Ҳамса» номли китоб дуконимиздан олинган фойда, 16 қаватли бинодаги тижорат ташкилотларидан олинган ижара тушумлари, 7 қаватли газета таҳририятлари биносининг бушаб қолган жойларини тижоратчиларга бериб, улардан олинган ижара ҳақи, хуллас, барча-барчаси умумий иқтисодимизга ва ривожланишимизга ижобий таъсир кўrsатиб келмоқда. Ваҳоланки, сунгги йилларда қуриб эгаларига топширилган иккита уй-жой биноси, профилакторияни кенгайтириш, дам олиш уйини қуриб битказиш, болалар оромгоҳини замонавий усулда қурилган бинолар ҳисобига кенгайтириш каби ишларнинг барчаси кўпгина маблағ сарфлашни талаб қиласарди. Шунингдек, фойда ва

тушумлар янги асбоб-ускуналар сотиб олишга, ходимларимизга бериладиган ижтимоий мададнинг мінкорини бирмунча күпайтиришга ишлатилади. Демак, қачонлардир бизнинг ишчи-ходимларимиз, жамоамиз томонидан аниқ уйлаб, келажакни кузлаб күрілган бу осмонұпар биномиз ҳозирги пайтада жуда зарур бұлған маблагн топищда бизга ёрдам беряпти. Газета-журналлар адади қысқарған булса ҳам, бебақо бинолар, күчмас мулкнинг салмоқдан булғани жуда дуруст экан, деб хурсанд бўлишлари аниқ. Чунки бўшаб қолган бинолар ва бунёд этилаётган қўшма корхоналар, қўшимча ишлаб чиқариш цехлари ва шунга ухшаш самарали ҳамкорликдаги ишлардан олинадиган фойда ҳам ҳозирги тақчиллик даврида жамоамизга сезилларли ёрдам бермоқда. Иқтисодий аҳволи оғир бўлған нашрларнинг чоп этилишига, янги нашрларни очишга, умуман олганда мамлакатда матбаачилик нуфузини сақлаб қолишига ва корхона ишлаб чиқариш негизини асрашга, кенгайтиришга ва замонавий техника-технология билан қороллантиришга сарфланмоқда.

Концерн раҳбарияти фаолиятининг муҳим қисми — ишчи-хизматчилар учун меҳнат ва турмуш шароитини етарли даражага кутаришга мулжалланган. Шуниси қувонарлики, ҳозирги иқтисодий ва молиявий жиҳатдан оғир бўлған кунларда ҳам профилактория-санатория, дам олиш уйларини, болалар оромгоҳларини кенгайтириш, уй-жой куришни тұхтатмаганligimizning асосий сабаби — ҳар бир меҳнаткаш одам, ҳар доим күнглида үзи учун курсатилаётган гамхўрликнинг даврий эмас, доимий эканлигини сезиб туриши керак. Бундан мақсад, курсатилаётган гамхўрлик меваларини ходимларимиз үзининг ва бутун оиласининг фаровон турмушига қаратылғанни доим сезиб туришидир. Меҳнати эвазига маош, мукофот олиш билан ҳамманинг ҳам кунгли тұлавермайди. Узлуксиз бир умр корхонамизда ишлашга аҳд қилған ва сидқидилдан меҳнат қиластганларни, яъни ҳаётини матбаага багишилган фидокор кишиларни ҳар томонлама құллаб-қувватлашлек саховатпешалик тадбирлари улар сафини илғорлар ҳисобига устиришга хизмат қиласы. Юқорида айтганимиздек, савобли ва мурувватли режаларнини барчасини олдиндан мүлжаллаб қўйғандик. Ходимларни мураккаб бозор муносабатига ўтиш жарасында ижтимоий ҳимоя қилиши хусусида тұхталадиган бўлсак, ишчиларимизни ҳар томонлама маблаг билан тулароқ таъминлаш, қасб-коримизнинг нуфузи ва эл орасидаги обрусины сақлаб қолиш асосий мақсадимиздир. Ана шу эзгу мақсаднинг амал-

га оширилиши ҳар бир меҳнаткашнинг ишга ўшиб, талпиниб келишига, узи қунгил қўйган ҳунарига янада иштиёқ билан ёндашишига боғлиқдир. Босма корхонамиз ходимлари ижодий меҳнатининг асосий омилларидан бири сердаромадлик, оиласи нинг фаровон, маъмур, эртаниги кунидан етарли даражада кўнгли тўқ бўлганлигидadir.

Корхонамиз — «Шарқ» нашриёт-матбаа концепциининг моддий-техника ва технологик негизининг ҳозирги аҳволи хусусида сўз боргандা шуни айтиш керакки, биз анча йиллардан бери ишлатиб келган ва ҳозирги кунда қулланилаётган техниканинг 85 фоизи Олмония фирмаларида тайёрланган. Бу мамлакат корхоналари орасида «МАН-Пламаг» корпорацияси алоҳида ажralиб туради. Бинобарин, бу корхона, ўн икки рулонли «Рондосет-170» машиналарини — газета агрегатларини шартнома асосида 1982 йилда етказиб, уларни газета биносига урнатиб берган эди.

Таажжубки, табиат ва ҳаёт қонуни бўлган вақт эса сувдек оқиб тураркан. Мана, 14 йилдирки, ушбу машиналар мамлакатимизда нашр этилаётган газеталарни — республика, вилоят, шаҳар, тармоқ нашрларини чоп этиб келаяпти. Ҳамкорларимиз корхонамизнинг техника-технология тараққиётида янги босқич бўлган ва унинг ҳозирги қудратида бекиес имкониятлар яратган агрегатларни урнатган йиллардан эътиборан, айниқса, 1984-1990 йилларда, ҳатто 1991 йилда ҳам газета ноширчилиги, уларнинг адади бениҳоя ошиб кетганди. Айни ўн йиллик мобайнида ўша пайтда марказий нашрлар мақомига эга, таҳририяти Москвада жойлашган, бизда эса вакиллари ва муҳбирлари бўлган 24 нашр 3 миллион нусхада босиларди.

Мамлакат ҳаётида бўлганидек матбуотда ҳам жiddий ижтимоий-сиёсий узгаришлар содир булиши, айниқса ўзбек зиёли раҳбарларининг, ҳатто мавжуд сиёсатнинг негизига путур етказган баъзи шов-шувли жараёнлар, бу ўринда мен маъшим «ўзбеклар иши»ни назарда тутаяпман, шунингдек ҳалқимизнинг мустақилликка интилиш ҳаракатларининг бошланиши арафасида республика ва тармоқ газеталарининг сони ва тиражи купайиб, уша йиллари 40 дан ортиқ турли нашрлар жами 8 миллиондан ортиқ ададда босилган эди.

Қайта қуриш ва ошкоралик йилларида газета ноширчилиги сезиларли фойда келтирувчи соҳага айланган, бинобарин, қозоз ва бошқа матбаа ашёлар¹¹

нархи арzon булган бир шароитда йирик тиражда газета босиц таҳририятлар учун ҳам, корхонамиз учун ҳам самарали булиб, кўпгина фойда келтиради.

Фикримни исботловчи, юқорида таҳлил тарзида келтирилган давр рақамлари «Шарқ»нинг тұла күvvат билан ишлаган ва олдинда кутилаётган жағаенларга тайёргарлик ҳамда корхонанинг давлат шлорларидан мустақиллиги ортган йилларни тавсифлайди. Биз, тұла күvvат билан ишлаган эдик. «Роңдосет-170» агрегатларида, ушанды ҳар куни 8,5-9,5 миллион нұсха газета босиб чиқарилар эди. Мазкур агрегатларнинг ҳозирги күvvати ва техникавий ахволи ҳали ҳам юқори даражададир. Жаҳон матбаса технологиясида ҳаливери уз мавқеини йўқотмайдиган машиналарнинг барчасидан фойдаланилмаса-да, ишлаб турғанлари ҳам күп миқдорда тайер маҳсулот ишлаб чиқармаса-да, «иш қуролинг соз будса, машаққатинг оз бўлур» нақлига амал қилган ҳолда уларни дуруст сақладик, ишчиларни лоқайдик, машиналарни қаровсизликдан асраридик.

Кутилмаганда бизга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юз берди. Собиқ Совет Иттифоқи асримизнинг биринчи чорагида шиддатли ва инсонни гангитиб қуядиган, тоҳида тарихий заруратсиз, баъзан эса инсон шаъннита зид мустамлакачилик сиёсати маҳсули тарзила, қисқа фурсатда тарих сахнасига чиққан ва етмиш йил мобайнинда башарият ҳаётининг бакувват бўгинига айланган бўлса, асримизнинг сўнгги чорагида айни шиддат ва эсанкиратиш дабдабаси билан тарих майдонидан кетди. Тарих илмидан маълумки, ҳар бир улкан салтанат ёхуд йирик давлат парчаланганда, аввало фуқаролар дунёкарашида зилдиятлар ортади, сўнгра қалбнинг ҳукмига бўйсунган кўллар иқтисод ришталарини узиб ташлайди. Республикамизда мавжуд ишлаб чиқариш соҳаларида бўлгани каби «Шарқ» концернида, умуман узбек матбаачилигига иқтисодий алоқалар ва ҳамкорликнинг издан чиқиши оқибатининг оғриклиари сезиларли бўлди. Мабодо, юртимизда хом ашё ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи тармоқлар ва корхоналар узларини қисқа вақтда ўнглаб олган бўлсалар. матбаада ишлатиладиган хом ашёни чет элдан сотиб оладиган корхоналарнинг, жумладан концернимизнинг таъминот тизимидағи юмушлари сезиларли даражада чигаллашди.

Сўнгига йилларда босмахонамизда чоп этиладиган нашрлар сони кўпайиб — 60 дан ортиқ бўлсада, уларнинг адади ниҳоятда камайиб қолди. Бизда босиладиган Москва нашриётлари газеталарининг сони 23 тадан 3 тагача қисқарип кетди. Эндиликда

фақатгина «Труд», «Рабочая трибуна» ва «Аргументи и факти» газеталари, олдинги иккитаси ҳар куни, сунгиси эса ҳафтада бир мартадан босилиб чиқаётир. 1983-1991 йилларда кунига 7-8 миллион нусха газета босган булсак, эндиликда уларнинг адади ниҳоятда камайиб, бир миллиондан сал ошидир. Уз-ўиздан маълумки, бу купгина машиналарнинг беиш туриб қолишига сабаб булиб, маҳсулот таннархини қимматлашишига олиб келмоқда.

Тарқалиб кетиши арафасида собиқ СССРнинг купгина нашрлари, хусусан «Работница», «Крестьянка», «Здоровья», «Крокодил», «За рулём» сингари куплаб журнallарнинг 15 миллион нусхаси ҳам көхонамизда босиларди, улар нафақат Узбекистонгина эмас, қолаверса бутун Марказий Осиё минтақасига тарқалар эди. Бу нашрлар бошида ботиқ босма цехида ўрнатилган 8 ва 4 бүекли машиналарда босилар, таҳририятлар талаби ва уқувчилар этиежини тұла қондириш билан бирга мавжуд машиналар ҳам тұла қувват билан ишлатилар эди. Собиқ Олмония Демократик Республикасининг «Пламаг» фирмаси ботиқ босма цехини қуроллантиришда үз машиналари билан бевосита қатнашган, турт ва саккиз бүекли машиналар келтириб урнаттанған эди. Нафақат икки йирик тузум — коммунизм ва капитализм, қолаверса қони бир, жони бир миллат ўртасида құққайыб турған машхұр Берлин девори йиқилиб, Фарбий ва Шарқий Олмония бирлашиб, ягона олмон давлати юзага келгач, «Пламаг» фирмаси «МАН-Пламаг» корпорацияси деб юритиладиган бұлды. Эндиликда Олмония Федератив Республикасининг матбаа ускуна-дастгоҳларини ишлаб чиқарадиган машхұр «МАН» корпорациясига қушилиб кетди. Ҳозирги пайтда бу корхонанинг «РО-96» маркалы етти бүекли агрегатларидан журналлар ва китоблар ададини чоп этиш жағаёнларида ҳам унумли фойдаланаяпмиз.

Бундан бир йил муқаддам кун сайин шакланаған бораётган бозор әхтиёжларидан, маҳсулотнинг харид даражасини ошириш заруратидан келиб чиққан ҳолда, турли-туман маҳсулотлар: масалан, кийим-кечаклар, чойшаблар, бошқа турдаги моллар үраб сотилаған түрли плёнка халтачаларини турт рангли тарзда босиши технологияси үзластирилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилған эди. Бу билан мамлакатимиз саноат ва савдо корхоналарининг буюртмалари бажариладиган бұлды.

Ўзбекистон жаҳонга юз тутгач, тижоратчилари мизнинг чет эллардан олиб келаётган ва юртими³ бозорида сотилаётган түрли маҳсулотлар савдосид³

матбаанинг қай тарзда иштирок этиш жараёнлари-ни бевосита қузатиш имконияти туғилди. Кузатган бұлсанғиз, бозор иқтисодининг асосий талаблардан бири юқори сифатли этиб ишланған махсулотни чыройли тарзда үраб, бежаб сотиш, истемолчидарга уларни бежирим қоғоз идишларда етказиб бериш экан. Машхур фирмаларнинг равнақида үша мамлакат матбаачиларининг бевосита иштирок этганининг аниқ мисоли мутаххассисларимизга яққол куриниб туради. Мұхтарам Президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримовнинг әлга бениҳоя мақбул бұлған 5 иқтисодий тамойили амалиётта түлиқ татбиқ этилиб, юртимизда бозор иқтисоди талаблари, аңаңалари ва қадриятлари томир ёядиган бұлса, матбаачилик мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаёттинг, имоним комилки, иқтисодиеттинг ажаралмас таркибий қысмига айланади. Корхонамиз бу соҳада етарли тажрибага эга бұлғанидан фойдаланыб, дарғаликни құлдан чиқармаслик йүйлида зарур бұлған ҳамма мақбул, ижобий ва ижодий воситаларни билимдонлық ва тадбиркорлық билан ишгә соламиз.

Қоғоз танқислиги шароитида лавсан плёнкаларга гул босиб, турли сувратлар тушириб чоп этиш, ходимдарни иш билан таъминлаш ва иқтисодий самара олишта өрдам бераетир. Бинобарин, 4-5 йиллик тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, олдимизда күндаған турған масалаларни корхонанинг технологик, илмий ва ижодий құвватларига таянибгина ҳал этишта, муаммолар олдида довдираб қолмас-лика, маъно-мазмунга таянған таваккал этагидан мақкам тутишта үргандык. Шу йүсін корхонамиз техника базасини чинакам матбаа мақомига етказишдек улкан ниятимизга эришдик. Чunksи бу соҳанинг мутаххислари багоят ноёб ва фидойи шахслар булишади. Уларнинг кунглини ишдан совутиш, бекор туришта мажбур этиш бошқа тармоқлардаги га нисбатан осон, аммо нашриёт-матбаа соҳасида йылдар, ҳатто даврлар мобайнида ҳал этиладиган исталмаган муаммоларни келтириб чиқариши мүмкін. Сиртдан қараганда, шунчаки қундалик масалаларни ҳал этиш билан bogлиқ раҳбарлық, мұхандислик, ижодий фаолиятимиз аслида авлодлар ва жараёнлар тақдирининг қонунияти ва әхтиёжлари даражасини англабгина қолмай, ечиш түйгуси билан ҳам үйғуналашиб кетган.

Корхонамиз техник-технологик, қолаверса, иқтисодий құдратини, унинг мамлакатимиз матбаачи-лигидеги мавқеини таъминлашта хизмат қиласидан замонавий ноёб дастгохлар хусусида сұз юритади-

ган булсак, асосий ҳамкор фирмаларимиз жойлашган Олмония мамлакатидаги «Госс-Хелл» фирмасыдан олинган «DS-300», «DS-360» кўп буёқли слайдлардан депозитивлар ва фото саҳифалар тайёрлайдиган янги ускуналар ҳақида алоҳида тұхталиш мүмкін. Бичимлар, яъни формалар тайёрлаш цехида үрнатилган гелиоклишограф, нусха олиналидиган турли машиналар ҳам ҳозирги даврнинг иқтисодий ва техникавий жиҳатдан ривожланган улкаси — Бирлашган Олмония фирмаларидан сотиб олинган.

Матбаа соҳасининг, айниқса, техника-технологик ривожланишининг ўзига хослиги шундаки, жаҳон матбаа-машинасозлигининг муайян муқим бир маркази йўқ. Шу сабабли янгидан бунёд этилаётган матбаа корхонаси ташкилий жараённада янги-янги ҳамкор давлатлар фирмаларини танлаш билан боғлиқ бўлган синовлардан утишга мажбур булади. Масалан, ҳозирги пайтда цехларимизда үрнатилган машиналардан бири Швециянинг «Солнно» фирмаси тайерлаган шу номдаги икки гилдиракли машина бўлса, дастгоҳларнинг куплари Олмония, АҚШ, Венгрия, Чехия, Россия фирмаларидан сотиб олинган.

Офсет босма цехида үрнатилган машиналарнинг деярли барчаси Олмонияда ишлаб чиқарилган. Корхонанинг иқтисодий қувватини нафақат саклаб қолиш, балки имконият даражасида ошириб борилиши натижасида сунгти йилларда нодаврий нашрларимизни ва шартнома асосида китоб босиб бериш шарти билан четдан куплаб буюртмалар олганимизда китоб муқоваси, матни, умуман барча зарур безакларни аъло даражада бажарадиган ақлли машиналаримиз қўл келди. Гарчанд, журналлар қофоз танқислиги сабабли ва иқтисодий жиҳатдан мураккаблашиб борган, уларнинг ойлик сонлари сунгги йиллар мобайнида мунтазам босилмаган, вақт утган сайин рангли иловалари камайиб кетган бўлса-да, Бosh таҳририятимизнинг негизида тайёрланган турли-туман китоблар, тақвимлар, плакатлар, манзарали варақалар чоп этилиши асосида ҳалқимизнинг, кўп ҳолларда чет эллик истеъмолчи-ларнинг ҳам маънавий эҳтиёжлари етарлича қондирилишига эришдик. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодига утиш даврида маълум технология, аниқроги, исталган жараён тасарруфидагузоқ қолиш, утаётган жараёнларнинг бироргасининг ҳам этагига қаттиқ ёпишиб олиш мумкин эмас экан. Энди-энди куника бошлаган жараёнлар қисқа вақт ичидаги эскириб қолади, ҳаёт эса ишлаб чиқаришни ривожлантириш, техникани такомиллаштиришни давом эттиришга ундейверади.

Айтганча, босма цехида Америка Құшма Штаттарыла ишлаб чиқарылған түрттә рулонлы «Госкоммюнити» босма машинаси ишлаб турибди деңгән зәдик. Юқори босма цехида ҳам сермаңсул, тезкор машиналар бор. Улар ҳам ишлаб чиқаришга хизмат қилишга шай турибди, аммо матбаада ишлатыладиган ҳом ашё, айниқса қоғоз танқислиги, бу азamat машиналарни мажбуран ишсиз туришга олиб көлгәнлиги ҳаммамизга маълум. Начора, янги бозор муносабатларига утиш даврининг ўзига хос муаммолари шуни тақозо этаётганлигини күпчилик түгри тушунади.

Концернимиз босмахонасида ишлаб чиқарылған маҳсулотларнинг нусхалары босма цехида чоп этиларкан, демак, бизнинг энг кучли, мураккаб, шу билан бирга ўта самарадор машиналаримиз ўша ерда жойлашған булади. Улар орасида нашрларни табок-табоқ технологияси асосида, шунингдек рулондан босадиган илгор машиналар бор. Газеталар таҳририятлари томонидан белгиланадиган уларнинг бадиий жиҳатдан безатилишини ва мақолалар мазмуны ва маъни даражаси, қай тарзда жойлашиши зарурлигини истисно қылғанда, компьютерда ҳарф теришеси усулига ўтиш билан барабарида бу ўта мураккаб ишлар ҳам амалга оширилған бир қатор техника-иктисодий тадбирлар натижасида анча юқори савиядада амалга ошадиган бўлди, ярим-юрум механизациялашған эски усулдан тута автоматлашған замонавий технология жараёнинг ўтказилди.

Газета ва журналлар нашри безакларининг жаҳон андозаларига мос келиши эса таҳририятлар ва нашрлар муассисларининг диди ва билимдонлигига, айни чогда бизнинг матбаа корхонамиздаги дастгоҳларнинг аҳволига ва уларнинг зарур ҳом ашёлар билан етарлича таъминланғанлиги ва мутахассисларнинг билимига бояғылғылық ҳаммага аён. Бизда техника-технология масаласи эмас, аксинча, ҳом ашё ва бошқа материаллар камёблиги муаммоси унумли фармиятимизга гов булиб турибди. Бу ташвишлар эса йилдан-йилга оғирлашиб бормоқда. Бу уринда кези келгандан шуни айтиш керакки, сиёсатнинг ишлаб чиқаришга, айниқса матбаа соҳасига таъсири бирмунча сезилиб туради, шу сабабли етишмовчилик борасидаги муаммоларни ҳал этишда аниқ мақсад йулидаги шахсий ҳаракатларимиз билан бир қаторда ҳом ашё тониш борасида ҳукумат ташкилотлари ёрдамига ҳам суюнамиз, чунки газета ва журналлар ҳаётимиз ойнаси, давлатимиз, ҳукуматимиз раҳбарларининг ҳалқ оммаси билан алоқасининг асосий ворситачи-тарғиботчиси булғанлиги сабабли вақтли мат-

буот нашрларига булган эътибор бундан ҳам етиши лозим.

Халқимизнинг кўп йиллик орзуси, улуг боболаримизнинг асрий тилак ва истаклари амалга ошиб Узбекистон мустақилликка эришиб, мамлакатимиз эркинликда жаҳонга юз очмоқда. Юртимиз, давлатимиз гарчанд мураккаб бўлса-да, ёнилги ва дон мустақиллиги учун курашмоқда. Ана шу шарафли жараён газета, журнал, рисола ва китобларда қайд этилиб бориларкан, уларни ҳам халкнинг маънавий нони деб аташ, ҳаёт томирларидағи юз берадиган жараёнларга қиеслаш мумкин булар?! Вақти келиб, Узбекистон матбуот ҳом ашёси негизига полиграфия асбобсозлиги ва бошқа матбаа ашела-ри тайёрловчи илгор саноатга эга булади. Ушанда «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг бу қийинчиликлари унутилиб, юзларда хайрият эътирофи, авлодлар ташаккурининг ёғдуси порлагусидир. Зеро, концерннинг техник-технологик негизини ташкил этувчи замонавий, сермаҳсул, ақлли, хотиралирида ўнлаб жараёнларни сақлайдиган машиналаримиз амалиётда синааб кўрганимизга кўра, ҳар йили 100 минг тонна қофозга матнлар чоп этиш қувватига эга эканлиги, минг тонналааб матбаа ашёларини ишлатилиши, мабодо зарур бўлса, бир йилда 115—120 минг тонна қофоз ва бошқа зарур ашёларни ҳазм этиб, уларни тайёр босма маҳсулотга айлантириши учун ҳеч қандай қўшимча кучнинг зарурати бўлмайди. Чунки бундай куч-қувватлар корхонамизда шу кунда ҳам мавжуддир.

Бундай техникий куч ва қўрсаткичлар ортидан нечоғли катта иқтисодий самаралар олиш имконияти балқиб турганини пайқаш унча қийин эмас. Жумладан, нашриёт-матбаачилик корхонамиз замонавий ва бақувват мажмuinинг гўзал Тошкентдек шаҳри азимнинг қок марказида жойлашгани, барча зарур хизмат бўгинларининг бир-бирига туташлиги ва давомийлигининг таъминланганлиги, сунгги йиллардаги сингари нафақат кучмас мулқдан, қолаверса, мавжуд машиналардан, янги урнатиладиганларидан ун карра самарали фойдаланиш имкониятларини туғдиради.

Мамлакатимиз матбаа тармоқлари каби «Шарқ»нинг бу ва шу янглиг техника-иқтисодий устунлиги ва афзаликларини сақлаб қолиш масаласи, албатта биринчи галда корхонанинг ўзига, айниқса, Узбекистонда қофоз саноати негизининг шакллантирилишига, унинг маҳсулорлиги миқёсинг аниқ белгиланишига ва иш доирасининг мунтазамлигига боғлиқдир.

Афсуски, хозирча Россия Федерациясидаги турдош ва хом ашё етказиб берувчи корхоналар билан алоқаларининг узилиб қолиши, узоқ йиллар ягона булиб келган умумий Россия пул бирлигининг қадар сизланиб, уртадан қут кутарилиши оқибатида давлатлараро пул алмаشتiriш амалларининг чигаллашиб ва қийинлашиб кетиши, кўпдан сақланниб келаётган хом ашеларимиз ҳажмини ниҳоятда камаёттириб юборди. Хом ашё сотиб олишнинг қийинлашиб кетиши оқибатида машиналар ҳозирги кунда икки ўрнига бир сменада ишлаб турибди, холос. Бу мураккаб аҳволнинг қачон ва қай тарзда ҳал этилиши, давлатлараро алоқаларнинг тикланиши ва ўзимизнинг хом ашеларимиз барқарор бўлиши боғлиқдир, иншооплоҳ, бу борадаги холис ниятларимиз, тадбиркорлик ва сергайрат меҳнатимиз, сифатли маҳсулотимиз ёрдамида бундай муаммоларнинг ҳам ечимини топамиз.

Корхонамиз тарихига назар ташласак, кунлар утиши билан янги-янги вазифаларни белгилаб, уларни ечиш одат тусига кириб қолган.

Техника тараққиёти дастурида белгиланган тадбирларга асосан сотиб олинган «Зиглоҳ», «Колбус» номли каттиқ муқовали китоб тайёрлайдиган икки замонавий дастгоҳлар ишлаб турибди. Бу машиналар мұмтоз муқовали нағис китоблар тайёрлашга ихтисослашган. Шу машиналар жойлашган бинонинг туртинчи қаватида эса юмшоқ муқовали китоблар тайёрлайдиган «Ротор-Биндер», «Норм-Биндер» ва Олмониянинг кўп рангли китобларни автомат усулда тикадиган «ВШР» деб номланган машиналари босмахонамизнинг бошқа цехларида ҳам кўп йиллардан бери кўлланади. Муқовалаш цехининг ноёб ва замонавий дастгоҳлар иш кам булғанлиги сабабли 1,5-2 йилдан буен бир сменада ишлатилмоқда. Ҳолбуки, мазкур машиналардан тўхтовсиз фойдаланиш, истеъмолчиларга юмшоқ ва қаттиқ муқовали, жажжи ва совғабоп китобларни кўплаб етказиб бериш, китоб ноширчилигига эришилгандан ҳам юқори миқдор, сифат даражасига етиб олиш мүмкін булурди.

Корхонамиз техник-технологик тараққиёти ва унинг тарихидаги энг кузга кўринадиган ва муҳим янгиликлардан бири, қўйма ҳарф териш ва фотонабор цехлари тугатилиб, компьютерда ҳарф теришга утилишидир. Бу янгиликларни урганиб, амалда кўллаш йўлида анча тайёргарликлар курилди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бу технологик янгилик ўн йиллар давомида шаклланган айrim мураккаб меҳнат талаб қиласидиган жараёнларни бутунлай қис-

САОДАТ МАНЗИЛЛАРИ картириб, эски ва зарарли усулларни техника тарихга айлантириш, ҳозирча сақланиб қолғанларин эса такомиллаштиришга ундади. Бу тадбир мавжуд ишлаб чиқариш майдонларининг қисқартирилишидан ташқари техника хавфсизлиги, ишчилар саломатлигини сақлаш, қофзни ишлатишга тайёргарлик жараёнидаёт билимдонлик билан бичиб-кесиш орқали тежаб қолишга эришиш баробарида нашарларнинг безатилиши ва қулланилаётган ҳарфларнинг бежирим ва нафис турларидан фойдаланиш усуллари сонини бир неча карра ошириш афзалтини яратди. Янги цехимизда ишлатилаётган эллиқдан ортиқ IBM компьютерлари, лазерли принтер ва сканерлар АҚШнинг таникли фирмаларида тайёрланган. Бу ўринда шуни эътироф этиш керакки, уммон ортидаги ҳамкорларимизнинг корхонализ техник-технологик қувватидаги янги мавқеи олмониялик машинасозларнинг нуфузига ҳали-бери таъсир эта олмаса керак. Бинобарин, замонавий ҳарф териш машиналарининг ўрнатилиши ва қулда бажариладиган ишлар ҳажмининг камайиши туфайли линотипда ҳамда қул кучи билан ҳарф териш, фото саҳифалар ва улардан босма қолиллар тайёрлаш, 12 гидриялли босма ротация агрегатлари ўрнатилган экспедиция цехлари ўрида ягона газета мажмуаси ташкил этилди.

Синашта ҳамкорларимиз — олмонияликларнинг юқорида зикр этилган машиналари орасида энг нодири ва замонавийлари сифатида саҳифадан нусха кўчирувчи, фото кучирмалар юзини очувчи машиналар афзалликларини айтиб ўтиш керак. Ҳозир ягона газета цехида 60 дан ортиқ турли газеталар мўлжалдагидан кам ададда босиси чоп этилаёттир. Мабодо, таҳририятларнинг молиявий турмушида кун туғиб, ададлар ошадиган, ишимиз купайдиган, шарафли ташвишимиз ортадиган бўлса, зарур барча амалларни ўз вақтида бажаридиган техника-иқтисодий қувватларимиз, юқори малакали мутахассис-ишчиларимиз, билимдон, жонкуяр муҳандисларимиз ҳар қандай шароитда ҳам газеталарни ўз вақтида, юқори матбаа ижроси даражасида сифатли чоп этишдек вазифаларни бажариш учун доим шай турадилар. Бундай саранжомлик, ута фидойилик тарихий даврда уларнинг дилига жойлашиб, қон томири ва бутун вужудига малҳамдек сингиб кетганлиги аниқ.

Иқтисодий танглик ва давр тақазосича, мустақил Узбекистоннинг янги қонунларига мувофиқ машиналарнинг миқдорини қисқартириш хусусида кўп бош қотирган эдик. Шундай қилганимизда,

машиналарга туланадиган жорий соликлар камайган булади. Башарти, биз уларни ишлаб чиқариш балансидан чиқариб ташламадик. Солиқлардан озод килинган бу машиналар ҳозирча бекор турган бўлсаларда, хали 20-25 йил мамлакатимизнинг ватанпарвар халқларига мўлжалланган босма нашрларни чоп этишда баракали хизмат қилиши муқарардир.

Узбекистонимизнинг ҳар бир фуқароси ва минглаб корхоналари сингари иқтисодий юксалиш меваларига умидвор булиб, фаровон кунларни кубит, газета агрегатларидан 3-4 тасини ишлатган бўлсақ-да тадбиркорлик, ишбилармонлик ва жонкуярлик оқибатида қолганларини ҳам бекаму кўст, бутунлигича сақлаб келаяпмиз. Зоро, бу қимматбаҳо агрегатлар уз вақтида корхонамизнинг уз маблағлари хисобига сотиб олинган. 25 миллион АҚШ доллари қимматига эга булган бу ноёб машиналарни ишлаб чиқариш майдонларидан шошма-шошарлик билан олиб ташлаш иқтисодга ва ақлга зиддир. Мавриди етиб, газеталарнинг сони, даврийлиги ва тиражи ортади, иншооллоҳ, ушанда келажак авлодлар нигоҳида юзимиз шувут бўлиб қолмайди. Бу — аник гап. «Шарқ» корхонасининг техник-технологик ва иқтисодий қудрати мувозанатининг юқорида айтиб утилган сабабларга кура бузилиши йиллар давомида орттирилган кучмас, техник-технологик мулкка зарар етказиши мумкин. Чунончи иқтисодий тамойиллар ва мавжуд шароитга кура иқтисодий-техник-технologик негиз аста-секин яратилади, лекин жараёнлар, даврий узгаришларга бардошлироқ булади. Шу сабабдан техника, технология во-ситалари қонуний муҳофазага доим муҳтоҷ бўлиб колади. Бу ҳақиқатни мутахассисларимиз тула ҳисэтадилар.

Ботик босма цехининг форма тайёрлаш бўлинмасида мавжуд булган машиналар борасида ҳам шундай фикрдалигимиз сабабли бу ноёб, қимматбаҳо дастгоҳлардан унумли фойдаланиш баробарида уларнинг ҳам умрини узайтириб, бекаму кўст сақлаб келаяпмиз.

Юқорида номлари зикр этилган машина иқтисодий шароитларнинг мураккаб талаблари химоя қилинار экан, биз кутган фаровон кун ро келишини, китобларимизнинг сони ва тиражи ортиб, журнallаримизнинг тагин кўп рангда, катта ададларда босилишини умид қиласиз. Шуни эътироф этиш керакки, тилга олинган муаммолар корхона изн-ихтиёридан ташқаридаги, давлатимиз, мамлакатлараро миқёсда ҳал этиладиган, ёхуд маълум

САОДАТ МАНЗИЛЛАРИ даврларда концернимиз босмахонасининг икти^{со-}
дий негизида яратиладиган асосий ва ишонччи омилларга айланишига ишончимиз комиллар.

Мехнат жамоамиз эса, мавжуд машиналарнинг айримларини иш билан таъминлаб, қолганларини ўз вақтида таъмирлаб, асраб келар экан, қизик бир ҳодиса кузатилали: бозор иқтисодиётига утиш ларрида нафақат ишчи-ходимлар, айни чоқда машиналар қонуний, ижтимоий бўлмаса-да, молиявий муҳофазага муҳтоҷ эканлар. Концерн раҳбарияти ҳафтанинг ҳар сеансида куни бошқарма юқори раҳбарлари, ҳар ойда бир марта умумий ишлаб чиқариш кенгашида кўп масалалар қатори ана шу масалани ҳам теран таҳлил қилиб, бу муҳим ишнинг бажарилиш жараёнини мунтазам назорати остига олгантигининг ягона сабаби корхонамизнинг техник-технологик негизи Марказий Осиёдек улкан минтақада дурдона, такрорланмас, тенги йўқ эканлигидадир, десак муболага бўлмайди. Собиқ СССР тизимидағи республикалар, ҳозирги мустақиллик давлатларда, умуман олганда, Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги миқёсида «Шарқ» сингари ўрнак олса арзийдиган тарихга, иқтисодий-молиявий, замонавий техник-технология билан тарақкий топган ва бақувват негизга эга нашриёт-матбаа мажмуалари бармоқ билан санарли, нари борса, 4-6 тагина топиладики, бу ҳам ишчи-ходимларимизнинг, мустақил Узбекистоннинг, ҳалқимизнинг катта бойлиги, ва у соҳамизнинг келажак тараққиётида пойдевор бўлади десак-да арзиди. Мен 1995 йилда «Друппа-95» кургазмасига борганимда Олмониянинг Дюссельдорф шахридаги босмахоналардан бирида 1932 йилда ўрнатилган ротация агрегатининг ҳозиргача ишлатганини ўз кўзим билан куриб ҳайратда қолгандман.

Дарвоқе, узоқ йиллар, ҳатто авлодлар умри давомида сотиб олинган, ўрнатилган, ишлатиб келинган машиналарни иложи бўлса иш билан таъминлаш, буш турганларини таъмирлаб зарур ҳолатда сақлаб туриш, биринчидан, шу чоққача ишонччи ҳамкор булиб келган машинасозлик фирмалари билан алоқаларни жоиз даража давом эттиришга ва келажакда янада ривожлантиришга хизмат қилса, иккинчидан, янги-янги нашрлар дунёга келишига, албатта шундай булади ҳам, асос яратади. Яъни, тайёр технологик негиз ва унинг хизматини укувчиларга ҳавола этишдек муҳим ва шарафли вазифада зарур аҳамият касб этади. Шуни ҳисобга олиб, «Зигло», «Колбус», «Ротор-Биндер», «Норм-Биндер» китоб линиялари ҳам яхши сақланган. Бу машина-

лар бир оз таъмирланса, шу йиллардагина эмас, балки келаётган XXI асрнинг 20-йилларига қадар хизмат қилиши мумкин.

ИСТИҚЛОЛ САФИДАГИ
ОДИМЛАР

Биноларимиз — кучмас мулкимизнинг барчаси замон талабига, нашриёт-матбаа корхонаси эҳтиёжларига мутаносиб барпо этилган. Шу уринда айтиш мумкинки, «Шарқ» концерни техник-технологик негизининг ҳозирги аҳволи унинг тараққиёти, биноларнинг мустаҳкамлиги ва матбаачилик талабларига уйғунлиги, билимдон ишчи-муҳандислар ва иходий ходимларнинг етарлилиги, ёш Узбекистон давлатида ноширлик, матбаачилик, журналистика мавкеини сақлаб қолишига, такомиллаштиришга, қисқаси, йиллар давомида келажак авлод олдида муаммо бўлиб қоладиган ҳаётий заруриятларни ҳал этишга хизмат қиласеради.

Аввал тухталганимиздек, ҳозирги пайтда матбаачилик соҳасидаги энг оғир ва мураккаб муаммолардан бири қоғоз, картон, бўёқ ва бошқа матбаа хом ашёларининг етишмаслигидир. Устига-устак қўшметалли офсет пластиналар, елим, турли химикатлар ва турфа хил ашёларнинг 93 фоизи Россиядаги корхоналардан келтирилади. Асосий хом ашёмиз хисобланган қоғознинг етишмаслигига икки нарса: биринчидан, қоғоз нархининг ниҳоятда кутарилиб кетганлиги, иккинчидан, Узбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги пул муоммасининг ҳали тулиқ ҳал этилмаганлиги, бундай аҳволдан манфаатдор бўлган қоғоз ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг танқислискни янада авж олдиришга мойиллиги сабаб деб биламиз.

Айни вақтда қоғоз масаласи ҳал буладими? Узбекистонда қоғоз саноати шаклланиб ривожланадими? деган кундалик саволларга ижобий жавоб бериш мумкин. Қоғоз ишлаб чиқарадиган бир қанча корхоналарнинг бунёд этилаётгани, Тошкент қоғоз фабрикасининг кенгайтирилаётганлиги, қишлоқ хужалик вазирлиги ва урмон саноати давлат қўмитасининг бу ишга жалб этилганлиги, миллӣ пул бирлигимиз муоммалага киритилиб, Узбекистон Республикаси Давлат зарбонасининг очилганлиги, аввало ҳукуматимизнинг қоғоз саноатини яратиш йўлида саъи-ҳаракатлари жиддийлигидан, унинг барча турларини бўлмаса-да, энг зарурларини юртимизда ишлаб чиқариш пойдевори тикланаётганидан далолат беради. Бу соҳадаги ҳар қандай ташаббус ва ҳамкорликнинг қуллаб-кувватланаётгани ҳам кўпонарли. Сал кўрмаса қуёш согинадиган она диёримизда, баракали тупрогимизда пахта етиширилади, ипак қурти боқилиб пилла етиширилади,

ширали меваларга тұла узумзорлар, чорбоғлар құқа бүй چузади, киши бошини айлантирадын хүшбүй полизларда сархил қовун-тарвузлар етилади, бүгдойзор ва шолизорлар күзни қувонтиради. Истиқол шароғатидан Үзбекистоннинг ўрмон саноатини мустақил ривожланишини мұлжалловчи миilliй дастур ишлаб чиқылди ва уни амалға оширишга киришилди. Бу тадбир, аввало, биносозликни ривожлантиришга қаратылған булса-да, кейинчалик көз саноатини тараққий эттиришга ҳам хизмат қиласы, деб үйлаймиз. Пахта якказироатчилигидан ха-лос бўлган тупрограмиз бугдойзорлар ва урмонзорлар билан кенгаяди. Бу тадбирлар қанча тез бажарилса, соҳамиз ҳам шунча тез тараққий топади.

Матбаатчилик үзининг маҳсулотларига жамиятнинг муңтазам әхтиёжи сақланадиган узлуксиз соҳа ҳисобланади. Биз эса, Россия корхоналаридан матбаа нони — қоғоз, картон, оғсет пластинаси, фотоплёнкаларнинг, боя айтганимдек, нақ 93 фоизини олишимизга қарамай, газета-журналларнинг тиражини туширмасдан, номларини қисқартирмасдан чоп этиб туришимиз, корхоналар, вазирликлар, идоралар, талабалар, мактаб үқувчиларининг кундалик ва узоқ муддатли әхтиёжини инобатта олган ҳолда китоб, плакат, иш дафтари, дарсликлар, кургазмали қуроллар, тақвимлар, иш қоғозлари, картон қутичалари, этикеткалар, гулқоғозлар чоп этишимиз, ҳозирги бозор иқтисодига утиш даврида ўз ноширлик маҳсулотларимиз билан эл хизматининг ҳамма соҳаларида бирдек иштирок этишимиз зарур. Шунинг учун ҳам, қоғозга қўйилган нарх, темириўл хизматлари тарифлари нечогли юқори булмасин, Үзбекистон сўмини Россия рублига алмаштиришда қанчадан-қанча кийинчилик туғилмасин, асосий ҳом ашёларни келтиришга, корхонанинг бир маромда ва ҳатто фойда олиб ишлашига эришишимиз жамоамиз учун ҳаводек зарур. Бутуннинг талаби ҳам шундан иборат. Ҳом ашё етказиб берувчилар ва хизмат курсатувчиларнинг талаблари қанчалик оғир бўлмасин, биз ҳом ашени топиб келтириб, қўйилган вазифалар ва ўқувчиларимиз талабини бамайлихотир адо этајимиз. Жамоамиз бундай фидойилик ва тадбиркорлик билан фаҳранади, қувонади, шунингдек ўз масъулиятини оғишмай адо этиш учун жон-дилдан тиришиб ишлайди.

Узбекистонда тараққиётнинг ўзига хос ва қадимий юртимизнинг номига муносиб удумларининг тикланиши, дунёвий тараққиётга интилишнинг бошланиши, шуларнинг натижаси үлароқ, келажаги буюк давлат куриш дастури ишлаб чиқилғанлиги

етүк, билимдөн, тажрибали олимлар ва мутахассисларга эхтиежни кучайтиради. Күзда тутилган келажыккынг үзидек буюк талабларига жавоб берадиган кадрлар эса зарур билимларни китоб, газета-журнал ва бошқа нашрлардан ўқиб үрганиб оладилар. Бозор иқтисодига ўтиш даврида халқнинг қироатхонлик, ўқиши, билим даражасида салбий йусинда үзгариш кечади деган бир хулоса юради. Бозор иқтисоди, китоб, журнал, ҳатто газета ноширчилигини табақалаштиради, демак, нашрларнинг миқдори ортиб, адади камайиб бориши табиий ҳолатга айланади, десак хато булмайди. Эндиликда китобхон энг зарур ва энг сара китобни ўқийдиган пайти келди. Зеро, ҳамма таңлаган соҳасига оид адабиётни биринчи галда сотиб олади.

Бундан роппа-роса 7 йил бурун давлат мақоми берилған үзбек тилида ҳамон стишмәсттан зарур дарсلىклар ва бошқа үқув қуроллари кам бұлғанлиги сабабли, ҳукуматимиз күмагида ана шу соҳани ривожлантиришга эътибор кучайтирилди. Давлатимиз, Президентимиз ёрдамидан миннатдор булиб, оёққа астойдил туриб олғач, албатта, Россиядаги корхоналар билан үзимиз бевосита алоқа урнатишимиз, шу кунда сақланиб келинаёттәнларини янада ривожлантиришимиз керак. Бу уринда концерн тармоғида тузилаётган «Зиёкор» банкига алоҳида тұхтапшымиз мүмкін. У бизнинг истиқболли ишончимиз ва умидимиздир. Бу бұлажак молиявий бүлинмамизнинг асосий вазифаларидан бири — олинган фойданинг зарур ва етарли қисмини матбаачиликни тараққий эттириш учун сарфлашға хизмат этади. Бу уринда 10-15 бақувват газета таҳририятлари концерн тизимига киритилиб, биргаликда ишлайтынан, шу билан үз ҳаражатларини бизнинг күмагимиз билан оқтайдын булиши мүлжалланған. Айрим хұжаликларимиз хусусида ҳам шундай мулоҳаза билдиришимиз мүмкін.

Лекин күпчилик газеталар, журналлар ҳамон үзини-үзи маблаги даражасида оқламаяпти, табиийки, таъсисчилар ёрдамисиз улар үз юкини үzlари торта олмайдилар. Журналларнинг айримлари янгидан ташкил этилған, баъзиларининг эса сони ва тиражи камлиги сабабли ҳажми юпқалашиб қолған, концерн босмахонасининг технология тизими талабларига тұла жавоб беролмайдилар. Бундай қимматбаҳо нашрларни болалар ва ўсмирлар сотиб ололмайдилар. Шуни ҳисобға олиб бу нашрларнинг чиқиб туришини таъминлаш учун зарур бўлган маблаг-камомадларга ана шу банкдан олинадиган фойданинг бир қисмини сарфлаш кўзда тутилган. Шу

билин бир қаторда күчмас мулкимизни ишбилилар монларга ижарага бериш ва тиженратдан тушаётган фойданинг ҳам бир қисмини маърифат, зиёкорлик, тиббий тармоқларни ривожлантириш ва ёш авлод тарбиясини юксалтириш йулида сарфланишини ревалаштирганмиз.

«Зиёкор» банкини очищдан кузлаган асосий максадимиз, матбуот ва матбаани маблаг билин құдлаб-қувватлаш билан бир қаторда янги банкнин Россия Марказий банки муассасаларида корреспондент ҳисобини очиши эди. Бунинг учун банкнине валюта ҳисобини мустахкамлаш зарур булади. Россия ва МДҲ давлатларида валюта ҳисобларининг очишлиши, шу әлларда буладиган пул муносабатларимизин аңча осонлаштиради. Концернинг валюта жамғармаси, табиийки, унинг сарфланиш қуввати сезиларлы даражада ортиб бориши ҳам аниқ режалаштирилган. Бунда ҳар бир катта ёки кичик муаммо юзасидан ҳукumat останасига боравермасдан, ташқи бозорлар, айниқса, хом ашё бозоридан үз урнимизни ва харидорлик мавқемизни сақлаб қолишига ёрдам бериши мүлжалланган эди. Чунончи, Россия қоғоз бозорини узоқ чет әллик харидорлар әгаллаб бораётгани, биз кутмаган рақобатни келтириб чиқарған эди. Қисқаси, янги банк тизими воситасида концерн үз таъминот соҳасини ривожлантириш имкониятини яратарди. Афсус-надоматлар бұлсинки, бу ниятимиз ҳамон кимларға дірек маляпты, бинобарин иш жойидан құзгалмаяпты.

Шунинг учун ҳам қоғоз ва бошқа хом ашёлар муаммолари йўлидаги ишимиз юришиб кетиши қолаяпты. Асосий масала булган сүмни Россия рублига алмаштириш билан бояғылғы ишлар ҳал булмагунча, ишимизга күмак бұлаоладиган барча йултарни ахтаришга мажбурмиз. Зарур ҳужжатлар, етарли маблаглар, забардаст ҳамкорларимиз, шу соҳага мослашган биноларимиз бор, ҳукumat рухсати бұлса-ю, бизга келганды негадир ҳеч гал келмаётпі?

Қоғозни тежамкорлик билан ишлатиш муаммоси, зарурати, бу жараённи ҳар қандай эзгу сүз билан таърифлаш мумкин, лекин у ҳамон долзарбелигича қоляпты. «Ноннинг ушоги ҳам нон» деганларидеск, технологияни ривожлантириш, китоб ва үқув куроллари бозорига самарали ва бежирим маҳсулоттарни таклиф этиш, бұлым ва цехларнинг ижодий-техник ҳамкорлигини ошириш, мәжнат интизомини күчайтириш каби бир-бирига чамбарчас бояғылғы жараёнлар, керак бўлса, янгича асосда ташкил этилиши зарур.

Қиммат, катта пулга сотиб олинган қозоқ оқилюна ишләтилиши шарт. Бу эса технолог, мұхандис, ҳибетчи, инженер, мұхаррирлар, умуман олғанда, бутун жамоа олдида турған асосий вазифадир. Тежамкорлик, худи аввалғи йилларда бұлғани сингари, ҳар ҳафтанинг сешанба куни утказыладын ишлаб чыкариш кенгашыда табдиркорлик ва омилкорлик билан таҳлил этилиб, режалар тузилиб, ижобий тажриба ва таклиф әгалари, ихтиорчилар моддий ва маънавий рагбатлантирилмоқдалар. Теран ва ҳар томонлама таҳлил өнгіда ишлаб чыкариш муносабаттарин тәкомилластириш ва машиналарни қозозни тәжашшылластырып, мүлжаллаб созлаш масалаларига, очиги, матбаачилікнинг үзиге хос дардига даво изламоқдамиз. Йул қуйилған камчиликтер аниқланиб, зарур чоратабдирлар белгиланмоқда. Булар үз үрнида қозозни омилкорлик билан сарфлашда ишчи ва мұхандисларимизга меңнатни ташкил этиш жараённан жуда құл келаяпты.

Россиянинг Владимир шаҳрида жойлашған «Инком ЛТД» корхонаси билан ҳамкорликда очилған епик турдаги ҳиссадорлик жамияти «Белги» Узбекистон — Россия құшма корхонаси утган 1995 йилда ташкил этилған кенже корхоналаримиздандир. Мазкур ҳамкорлик шакли ёргулған айланиб утадын тизимлар құмагида қимматбақо қозозлар чоп этиштегі имконият түгдирди. 1994 йилнинг охирларидан өзтиборан оддий ва әгаси ёзилған акциялар чоп этиб келған ва үлкамиздаги минглаб корхоналар ва ташкилоттарнинг қимматбақо қозозга бұлған буюртмаларини бажарып турған бұлсак, маҳсус ташкил этилған булинмамиз ишлаб чыкариш имконияттаримизни көнгайтириб, бевосита кимошиби савдоғы бозорида сотиладын қимматбақо қозозларнинг күпгина турларини чоп этиш шароитини яратди. Шуниси диққаттаға сазоворки, сұнгғи 5-6 йилда очилған құшма корхоналар ва хизматлар ҳам худи илгариги жараёнларда бұлғани сингари корхонанинг техник-технологик құдратидан фойдаланиб, маҳсулот таннархини камайтириб, фойдасини оширишдеск зарур вазифаны бажарышга хизмат қиласы. Бундан кейин ҳам шундай булади деган асосли умидимиз бор.

Бүтунгі мұраккаб бозор савдоғынан үтиш шароитида ишнинг биз учун зарур еки бекорчи деб хиб боланған томони йүк. Иш бұлса, маҳсулот тайёрласак, албатта, нағи тегади. Шунинг учун ҳам бир Нарсага ишончим комилки, келажакда мамлакатимизда қозоқ ва бошқа матбаа ашёлари ишлаб чыкарадын катта-кичик корхоналар қурилади. Айни

чоқда, МДХ давлатлари ўртасидаги дустона сабатлар түгри изга түшса, сиёсий, иқтисодий, мундай алоқалар янада кенгайтирилса, турли соҳалишлайдиган мутахассисларнинг ўзаро алоқалари ҳамкорлигининг миқёси ортса, айниқса, йирик ташкилотлар ва корхоналар уртасидаги бевосита алоқалар жонланса, туловлар масаласи тезроқ ечила, аминмизки, қозған танқислиги билан боғлиқ бўлган масалалар тезроқ ва ишончлироқ ҳал булиб, ниятишимиз амалга ошади. Купчиликни изтиробга солаётган муаммолар счилади. Мамлакатлар уртасидаги алоқаларнинг ҳозирги даражаси бундай ишончимизни янада мустаҳкамластириб, иншооллоҳ, уша кунлар ҳам яқин орада юзага келиб, холисона умидларимиз амалга ошса, соҳамиз меҳнаткашлари учун бирдек зўр байрам булурди.

Минг йиллар давомида жаҳон цивилизацияси, дунёвий маданият, умумбашарий қадриятлар такомили соҳасида фаол иштирок этиб келган Марказий Осиё ҳалқларининг, жумладан, жонажон динеримизнинг ўзлигини таниши, барча жабҳаларда бўлгани каби матбаачилигимиз маданиятига, унинг келажагига ижобий ва руҳбахш таъсир курсатди. Купчилик ҳамкасларимиз мендан «Шарқ» матбаа-концерни ишлаб чиқариш негизида жаҳон матбаачилигининг янги, илгор ва стакчи анъаналарини ўзлаштириш имконияти борми, деб сурашади. Бунинг учун жаҳон матбаачиликнинг етакчи анъаналари қандай жараёнларда мужассам бўлганлигини билиб олишимиз керак. Дунё ноширчилигига умуммиллий ва умумбашарий анъаналар, уларнинг замирига қўйилган турли жараёнлар изчил давом этирилган, ҳозирги даврда ҳам давом этиб келмокда. «Совуқ уруш» даври тугаб, собиқ социалистик лагер ва СССР парчалангач, ошкоралик шарофатидан жаҳон газета, журнал, китоб ва умуман матбаачилигининг ҳозирги аҳволи ва келажакдаги йуналишлари билан танишишга, концернимизнинг истиқболдаги йўналишларини мустақил белгилашга мушарраф бўлдик. Тан олиш керакки, газета ноширчилигига аввал шаклланган мавжуд тафовутлар яққол сезилади. Айни вақтда шуни айтиб утиш жоизки, бу тафовутлар кўп ҳолларда «Шарқ»ка алоқасиз бўлган айрим ҳодисалар билан боғлиқ булади. Чунки газета безагини ва мазмунини таҳририятларда белгилайдилар, унинг уқимишлилиги, бадиий мукаммал ёзилиши таҳририятлар ижодий ходимларининг билимига ҳавола этилган. Журналлар

ни беңаш хусусида ҳам шундай дейиш мүмкін. Роппа-роса бир йил олдин компьютерда журналлар маңылары ҳарфини териш усулы жорий этилгач, таҳририятлар газета саҳифаларини үзлари истаган йүсінде безаш ва мақолаларни макет асосида жойлаштириш имкониятiga эга бўлдилар. Бироқ, ҳали ҳам оғсет пластиналари камёблиги, матбаа ҳом ашёларни етишмаслиги, таҳририятларнинг иқтисодий қишинчликлари сабабли азалий орзумиз — газеталарни турли рангда чоп этишни амалга ошириш муаммо булиб турибди. Ачинарли жойи шундаки, журнал ва китобларни чоп этадиган зур машиналаримиз дунё матбаачилиги талаб ва анъаналарига деярлик жавоб берадиган даражада бўлса ҳам, иш билан тўла таъминлай олмаяпмиз. Юқорида айтиб ўтганимиздек, корхонанинг техник-технологик қуролланиш даражаси чакки эмас. Демак, ноширчиликдаги жаҳон анъаналарини урганиш, самаралиларини ишлаб чиқариша ўзлаштириш ва келажак истиқболдаги янгилик ва узгаришларни қабул қила олиш имкониятлари мавжуд, албатта. Бунинг учун амалга оширилиши зарур бўлган ишларнинг салмоғи ҳам ўзига яраша, баланд ва давомийдир. Биз эса мунтазам изланишдамиз, мақсадимизга етиш бора-сигаги шарафли вазифаларни ўз вақтида тадбиркорлик билан амалга ошириш иштиёқидамиз.

Айни чоқда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бизнинг босмахонамизда чоп этилган китоблар сунгги пайтларда талабчанлиги ортган дунё бозорларига юборилиб, талаб даражасига етказилганлиги сабабли қисқа фурсатда сотилиб кетмоқда. Жумладан, «Фонд» фирмаси билан ҳамкорликда тузилган «Хамса» кичик корхонамиз воситасида тайёр маҳсулотларни чет элларга юбориш асносида айни мамлакатларда тайёрланган китобларнинг мазмуни, бадиий безатилиши билан обдон танишамиз, уларни таҳтил этиб, ўз йул-йуригимизни белгилаймиз, қолаверса аввало она тилимиз, шу билан бирга чет тилилардаги ва рус тилидаги китобларга нисбатан маълум әхтиёжни қондиришга ҳаракат қилиб келдик. Бунга китобхон аҳлининг узи лозим топган баҳосини беришига ишончимиз комил. Дарвоҳе, хусусан, болаларбоп китобларимизда, турли альбомлар ва тақвимлар чоп этиши чогида чет мамлакатлардан келтирилган китобларнинг матбаа ижросини, уларнинг бадиий безатилишидан тортиб, қайси русумдаги машинада босилганинча таҳлил этиб, тайёрланиш жараёнини, рассом ва дизайнерлар иштирокини урганиб, кўп рангли, қаттиқ муқовали китоблар. бошқа босма маҳсулотларни нашрга тайёр-

лашда янги технологияларни урганиб, ишлаб чиқариша тадбиқ этаяпмиз.

Албатта, хорижлик ҳамкасларнинг барча технологик сир-асрорларини ва янги тажрибаларини тулиқ таҳлил этиш қийин. Бироқ, шу нарса аниқки, таҳлил чоғида англаб стилган тажрибалар босма маҳсулот сифатини оширишда қул келаетир. Маълумки, 4-5 йил олдин сифатли босма маҳсулотларни чоп этиш учун хом ашёни четдан олар эдик. Матбаа материаллари — оғсет пластинаси, лавсан плёнка, сифатли бўёқ ва қозоғ етарли булган даврда босмахонамизда тайёрланган китоблар, альбомлар, тақвимлар ҳам чет элнинг етакчи корхоналарида тайёрланадиган шу турдаги маҳсулотлардан куп ҳам фарқ қиласди, яъни босма ижроси сифати жиҳати бўйича улардан қолишимасди. Фақат матбаа материаллари стиб турса булгани энди! Бу таъкиллар шунчаки айтилаётган йўқ. Корхона цехларида урнатилган «Зиглоҳ», «Колбус» китоб мұқовалайдиган линияларига кўпдан-күп технологик янгиликларнинг киритилиши натижаси босиб чиқарилаётган ва шу дастгоҳларда сайқал бериб тайёрланаётган китобларимиз хушбичим ва нағислиги билан кўзни равшанлаштириб, дидимизга монанд бўла оладиган мұқоваларда, китобхон аҳли ундан фойдаланаётганда титилиб кетмайдиган даражада пухта-пишиқ тикилганлигига, яъни сермеҳнат технология асосида тайёрланганлигига сезилиб туради. Бизнинг босма маҳсулотимиз дунё ноширчилиги анъаналари ва талабларига тўла жавоб бера оладиган даражага кутарилганидан китобхонларимиз ҳам беҳад хурсанд ва узимиз ҳам баҳтиермиз.

Дустларимиз ёрдамига суюниб утказган кўпгина таҳлилларимиздан аёнки, мутолаа ошиқлари, китобсеварлар узоқ йиллар давомида Шарқ мумтоз шеърияти намуналарини ялтироқ мұқовада узбек тилида ва оммабоп насрый асарларни рус тилларида чоп этиб чиқарганимиздан, китобларнинг юқори сифатли булганидан бевосита хабардор. Бизга бу китоблар сифати юзасидан, ҳатто уларнинг мазмунан ижроси юзасидан шикоятлар келмаганлиги ҳам кураётган тадбирларимизнинг пухталигининг тасдиги десамиз тўғри булади.

Газета-журналларнинг тиражи камайгач, иқтисодий мустаҳкамланиши ниятида корхонада хусусий ноширчиликнинг ривожланиши, соҳамизда узгаришлар кетаётганлиги сабабли замонавий услубларни — концернимиз иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида янгича йўлларни ишлаб чиқаришга жадал-

лик билан тадбиқ этишга мажбурмиз ва шунга эриштеп айтыпмиз ҳам. Бу зарурат нашриёт барча хизмат бүтинларининг ижодий изланиши билан боғлиқ бўлган янгича йўлларга бошлади. Ихтиро этилаётган янгиликлар, амалий ва ижодий таклифлар, хусусан ноширчиликнинг йиллар давомида шакланадиган фойдалари тажрибалари тобора такомиллашибга ва замонавий тадбирлар дастурига эга булишга ундейди. Демак, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, нафақат жаҳон ноширчилиги тажрибаларини, қолаверса, уз негизида ижодкорлари, ихтирочиларининг таклифларига таяниб яратилган, эзгу ниятлар билан дунёга келаётган технологик янгиликларни такомиллаштириб боравериш имкониятига эгадир. Мамлакатимиздаги аксарият нашриётлар бундай ижобий имкониятларга ҳалигача эришганлари йўқ. Шунисини айтиш ўринлики, жамоамиз уз тажрибаларини соҳамиз касбдошлари билан ўртоқлашибга, имкони борича кумаклашибга тайёр. Лекин қарс икки қулдан чиқами. Бунинг амалий тасдиги — тажрибамизни буюртмачиларнинг нашрларини чиқариш борасида ҳам ишга тадбиқ этаётганимиз, оқибатда четдан келаетган буюртмалар салмогини йилдан-йилга купайтириш имконини яратаяпти.

Юқорида тилга олинган жаҳон анъаналари табларига жавоб берадиган китобларимиз шунчаки бармоқ билан санарли бўлибина қолмай, «Фонд» фирмаси билан, «Аурика» сингари нашриётлар билан ҳамкорликда концерн Бош таҳририяти томонидан тайёrlанган «Алвон атиргул» туркумлари, жаҳон ва рус адабиётининг мумтоз намуналари, дунёга машҳур бўлган Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи, узбек адабиётининг етук вакиллари Уткир Ҳошимовнинг 2 жилдлик сайланмаси, Тогай Муроднинг икки жилдлик асарлари. Тоҳир Маликнинг икки жилдлик «Шайтанат» романи, бошқалар шулар жумласига киради. Утган йили бошланган, ҳануз нашри давом эттирилаётган «ХХ аср узбек романни» туркумига мансуб ва шу йусинда уқувчиларимиз талабларига таяниб нашр этилган юзлаб китоблар фикримизнинг ёрқин далили бўла олади.

Бу китобларнинг нашр этилиши икки жиҳатдан кимматлидир: биринчидан, корхонамиизда техник-технологик тараққиёт билан боғлиқ ишларнинг қийин иқтисодий шароитда амалга оширилаётгани, иқтидорли ихтирочиларимизнинг ижодий изланишлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб давом эттирилаётганилиги булса, иккинчидан, буюртма китоблар сонини купайтириш ва буюртмачилар би-

лан бевосита ҳамкорликда китобларни куплаб нашр этиш орқали матбаачилик юмушларимиз улгайиб бораверади. Сузимнинг исботи улароқ, бу-гунги кунда фаол ижод этаётган ўзбек адиллари бизнинг доимий муаллифларимизга айланиб бораёт ганини эслатиб утишимиз жоиздир. Мавридида шундай мулоҳазаларни билдириш ҳам мақсаддан ташқари бўлмас: юқорида тилга олинган нашрларда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Қизик бир жумбок-муҳандис-технологларимиз, муҳаррир, рассом, тех-

Билимдон ва зийрак
лаборантлар янги
буёкларни амалда
текшириб
куришмоқда



ник муҳаррирларимиз технологик янгилик, бежирим безак, юксак савияли матн учун қанчалик жон куйдирмасинлар, матбаа хом ашёларининг стиш-маслиги уларнинг эзгу мақсадларига бирмунча тусқинлик қилаётir. Китобхон оммаси қулидаги китобнинг ана шу кемтикларини куриб-бilsa-da, маҳсулотларимизни тортинмай сотиб олади. Чунки китобларимиз ҳар қандай етишмовчилик, қийинчилик билан чоп этилмасин, нашрларимизнинг хушбичим ва нафис ижросини куриб, унинг китобхонларнинг ўсиб бораётган дидига ва талабчан мальнивиятига, янги эътиқодига ва шакланаётган дунекарашига мос келадиган даражага етказилганлигини куриб қувонамиз. Шу билан бирга уларнинг эҳтиёжларини тула қонаатлантириш йулида тагин қандай ишлар қилиш керак деган саволга жавоб излаб, аввало Ҳамдустлик ва хорижда қофоз ҳамда

бошқа матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар билан бевосита алоқа урнатиб, синаштала-рини давом эттириб, зарур қоғоз турлари ва матбаа ашёларини сотиб олиб, китобхонларимизнинг йилдан-йилга ортиб бораётган эҳтиёжига ва усаётган савиясига лойик китоблар нашр этсак, дунёвий анъа-наларни хайрли ишимиизда тулик барқарорлаштири-ган будамиз деган умиддамиз.

Китоб азалдан узоқ вақт талаб этадиган мураккаб жараёнларда тайёрланганини, шу боисдан унинг на-фис бе затилганини, гузал ва мустаҳкам мұқова, чидам-ли тикиш технологиясига эга бүлгәнлигини кутубхо-нада сақланастган қадимий құләзмалар мисолида ку-ришимиз мүмкін. Токи авлодлар «Шарқ»нинг китоб-лари күхна Шарқнинг ноширик, китобат санъат-нинг анъаналарига содиқлигини сезиб, ҳис этишла-ри мақсадида бу йуналиштаги ижодий, технологик из-ланишларни давом эттираверамиз.

Кези келганды шуни айтib ўтиш жоизки, ношири-чилиқдаги жаҳон анъаналари билан яқындан тани-шиш. Янгидан ихтиро этилаётган илфор технология янгиликларни урганиш — ишлаб чиқаришга тадбиқ этишда корхонамиз мутахассисларини ноширичилик санъати, матбаачилик саноати ривожланган мамла-катларга, у ердаги йирик матбаа олийгоҳлари ва мар-казларига юбориб үқитиш, касбда мунтазам самара-ларга олиб келди. Бу йуналишда амалга оширилган ишларимиз анчагина. Билими ва тажрибасини оши-ришни истаган би нафар мутахассисимиз «Зиглох» фир-масида тажриба урганиб қайтган бұлса, бир гурух ходимларимиз бошқа мамлакатларнинг нашриёт ва босмахоналаридан бўлиб, мутахассислик үқувларини бойитиб келдилар. Бу усталар ноёб машиналарни мо-ҳирлик билан бошқариб, ёшларимизга устозлик ва-зиғаларини ҳам утамоқдалар.

«Шарқ» концернининг турли китоб күргазмала-рида ва жаҳон матбаачилиги муаммоларига багиши-ланган нуғузли анжуманларда үз сифатли маҳсу-лотлари ва билимдон вакиллари билан иштирок этиб келаётгани ҳам дунё матбаачилиги анъаналарини урганишимизда, улар орасидан манзур булган ҳамкорларни топища ва мавжудлари билан алоқа-ни янада кенгайтиришимизда қўл келаёттир.

Жаҳон анъаналари ва ноширичилигимизнинг бе-восита ёхуд билвосита алоқалари хусусидаги мулод-хазаларни шундай якунламоқчиман: «Шарқ» кон-церни меҳнат ва ижодий жамоаси, умуман, босма маҳсулотимиз истеъмолчилари, газетхонлар, журнал-хонлар ва китобхонларнинг йилдан-йилга усиб бораётган савия ва эҳтиёжларини инобатта олган ҳол-

да, сифатли, бежирим, хушбичим ва уқимишли газета-журнал, китоб, тақвим ва уқув куроллари чөп этишда ноширчилигимиз борасидаги ижодий изла-нишни тула-түкис давом эттириб, дунё мезонлари-га жавоб берадиган нашрлар тайёрлайдиган корхона сифатида уз мавқеимиз ва нуфузимизни доимий амалда сақлашта қодирмиз.

Замон шитобига мос нафас оламан деган ҳар қандай корхона аввало, уз даврининг серунум дастгоҳларига эга булиб, ишлаб чиқаришнинг замонавий усулларини ўзлаштириши керак. Бусиз тараққиёт булмайди, ишлар ривож топмайди. Муаммоларни ҳал этиш учун эса тер түкиб ижодий меҳнат килиш ва изланиш зарур.

Матбаачилик соҳасида ҳам бошқа тармоқлар сингари, асосан чет давлатларда тараққий этган техника ва илгор технология зарур. Биз матбаамизни дунё андозаларига мослашдек улуг ниятни уз олдимизга қўйган эканмиз, ҳозирги замоннинг ма-наман деган полиграфия техникасини, шу соҳанинг энг сунгги, ута замонавий, оз меҳнат сарфлаб салмоқли самара оладиган, маҳсулотнинг юқори си-фатини таъминлайдиган, инсон саломатлигига бе-зарар илгор техника ва замонавий технологияга таянган иш усулларини корхонамизда жорий эти-шимиз лозим. Бу мақсадга этишиш учун, шубҳа-сиз, чет элларга чиқиш, улардаги янги техника ва технология ютуқларини ўрганиб, илгор техникани сотиб олиш, ишлаб чиқаришга билимдонлик ва тад-биркорлик билан тадбиқ этишдек муҳим фидойи-лик талаб этилади.

Юқори даражада тараққий этган мамлакатлар-даги матбаачилик техникаси кўргазмаларида ишти-рок этиб, қасбни мустаҳкамлаш эса мақсадга эри-шишнинг энг кулай йулларидан биридир. Чунки бундай кўргазмаларда, аввало, жаҳон миқесида яра-тилган энг сунгги дастгоҳлар намойиш қилинади. Уларнинг янгидан ихтиро этилган иш жараёни би-лан бевосита танишиш имкони яратилади, муҳими, биз улардан энг мақбулини ўзимизга танлаб олиб, оқилона фойдаланишимиз, бунинг ёрдамида ишимизга туғаноқ булиб келаётган жумбоқ ва муаммоларни билимдонлик билан ҳал этишимиз мум-кин булиб қолади.

Ҳозир корхонамизда ишлаб турган журнал, ки-тоб, газеталарни чөп этадиган «Госс-Коммюнити», «Рондосет-170» агрегатлари, «Зиглох», «Колбус» ки-тоб муқовалаш линияларининг ана шундай афзал-

икларини сафарларимиз даврида ўрганилиб, сунг ИСТИҚЛОЛ САФИДАГИ
Улар сотиб олинган. Улар оғирилизни снгил қи-
лаётган серунум дастгоҳлардир.

Матбаачилик фаолиятим даврида собиқ Чехо-
словакия, Венгрия, Австрия, Швеция, Япония,
Франция, АҚШ, Олмония, Англия, Люксембург,
Түркия каби мамлакатларда бұлдым. Бу тарақкий
этан мамлакатлардаги полиграфия корхоналарини-
ң мәхнатни ташкил этиш тартиби, замонавий тех-
нологияни ишлаб чиқаришга билимдонлик ва ик-
тисодий манбаатдорлик асосида тадбиқ этишдек
иш услуги билан танишдик. Илгор тажриба ва мәх-
натдаги ижобий ютуқларни ўрганиб, ўзимизда жо-
рий этишга интилдім. Хорижда орттирган тажри-
баларим натижасыда амалга оширилган ижодий та-
клифлар иктисодий ва техникавий кучимизни бар-
қарорлаشتыриб, ҳозирғи мұраккаб ишлаб чиқариш
палладарыда ҳам корхонамизнинг бир маромда, бе-
каму құст ишлаб туришининг асосий пойдевори-
дир. Мен бунинг сирини сафарларда, ярмарка-кур-
газмаларда урганғанларимиз оқибати, сотиб олин-
ған техникалардан унумли фойдаланиш билан бир
қаторда уларни моҳирлиқ билан бошқарадиган би-
лимдөнларни етиштириб, сифатли маҳсулот чиқа-
раеттанимизда, деб биламан.

Шу үринде үтган 1995 йилнинг май ойида Ол-
мониянинг Дюссельдорф шаҳрида булыб үтган бу-
тун дүнә матбаачилик ва қоғоз тайёрлайдыган кор-
хоналар учун машиналар етказиб берадыган фирмаларнинг «Друппа-95» күргазмаси ҳақида икки
огиз гапириб үтишни лозим топдым. Олмония ҳо-
зирғи пайтда матбаачиликнинг янги техникаси ва
замонавий технологиясини яратыш бобида дүнәда
етакчи үринде туради. Мен бу мамлакатда бир не-
ча бор бұлғанман, бир қанча фирмалар мутахас-
сислари билан суҳбатлашғанман, уларнинг «Зиг-
лох», «Колбус» каби китоб тайёрлайдыган линия-
лари фаолияти билан иш жойида танишғанман.
Сүнгра уларни ўзимизда жорий этиб, бу машина-
лар афзаллilikарини амалда синааб қуриш жараён-
ларыда қатнашғанман. Шунинг учун Дюссельдорф
күргазмасига соғамиз учун яратылған эң илгор тех-
ника тараққиети натижаларини яна бир бор кү-
риш иштиёқи билан борғандым. Адашмаган экан-
ман. Чиндан ҳам бу күргазма унда үрнатылған тех-
никаларнинг юксак даражаси, күргазманинг бенуқ-
сон ташкил этилғанлығы, унинг иштирокчиси бўл-
ган фирмаларнинг санаб бўлмайдыган даражада куп-
лиги, күргазма майдонининг бекиёс кенглиги би-
лан дүнә миқесида үтадиган ҳар қандай тадбирдан

устунлигини амалда намойиш этди. Дюссельдорф шаҳрининг кўркам қисмига жойлашгани, ҳашаматли 16 та павильондан иборат булиб, 100 гектар майдонни эгаллаганинг ўзиёқ кишини ҳайратга солади. Унда жаҳоннинг полиграфия саноатига ихтинослашган 1800 дан зиёд фирмаси ўз машиналари, турли технология линиялари ва ускуналари, 2000 дан зиёд полиграфия материалларининг кўпгина янги намуналари билан иштирок этдилар. Улар қаторида кўп рангли, қимматбаҳо, нафис нашрларни чоп этувчи техника воситаларини ишлаб чиқаришга ихтинослашган машхур «Хейделберг», газетачилик техникаси соҳасида етакчи уринни эгаллаб турган «Ман-Пламаг», «Ман-Роланд» фирмалари, биз билан кўпдан ҳамкорлик қилиб келаётган китоб муковалашнинг тезкор технологияси асосида ишловчи «Зиглох», «Колбус», фотослайдлардан кўп рангли диопозитивлар тайёрлайдиган «DS-300», «DS-360» ускуналарини яратган, «Хелл» фирмаларининг замонавий линиялари ва машиналари кургазмада ишлаб турарди.

Бу тенгсиз оламшумул, гўзал кўргазма булинмалири аъло даражада ташкил этилган, павильонлар нафис безаклар билан жиҳозланган эди. Кургазманга қўйилган баҳайбат ва митти матбаа машиналари, турли-туман техникалар, компьютер, принтер, сканнерлар автоматика, электроника ёрдамида бир меъерда, белгиланган дастурда ишлайди. Кургазманни, таъбир жоиз булса, мен амалий-илмий тажрибаларнинг бекиёс лабораторияси деб атаган бўлардим. Бизда ҳам кўргазмалар утказилади. Мисол учун ер текислайдиган тракторлар кўргазма майдонига териб қўйилади, лекин уларни мураккаб иш жараёнида уша ерда синаб кўриш, куч-қудратига айни тугри баҳо бериш имкони яратиб берилмайди. Фалон от кучига эга дейилади, холос. Бу ерда эса ҳар бир харидор машинанинг имконияти ва афзалликларини амалда синаб кўриши мумкин. Сиз бирор буклет, проспект, каталог тайёрлаб беришни сўрасангиз, сотувчи фирма ходимлари шу ернинг ўзидаёқ хоҳлаган нашрни бир ярим соат ичида аъло сифатли, рангли буёқларда, ялтироқ, пишиқ ва гўзал кўринишида тайёрлаб беришади.

Кургазмага қўйилган газетачиликда ишлатиладиган техника ҳам энг замонавийдир. Унинг афзалликларидан бири шуки, мақола оригиналлари компьютер ёрдамида терилади. Мониторда саҳифаланади, шу ерда мавжуд бўлган қурилмалар ёрдамида босмахонадаги компьютер билан боғланади. Сиз тайёрлаган газета материалларининг қайси

юрг, қайси тилда, қандай узоқликдаги шаҳардан юборилган булишига қарамай, уша заҳоти қабул килиниб олинади-да, ишлаб чиқаришда ягона тизим орқали фото-саҳифа тайёрлайдиган машина хотираси марказига жойлашиди.

Бу техникалар шу даражада автоматлаштирилган ва модернизациялаштирилганки, электрон бошқарув тутмасини босиш орқали газета тайёрлашнинг мураккаб жараёнлари бир-бир ярим соат майданида тута удаланади. Бундай ўзига хос кичик корхоналар, шубҳасиз, кўпчиликнинг эътиборини ўзига торгади. Айнан бежирим ва ишлатишга мос будган матбаа корхоналарининг яна бир устунлиги шундаки, уларнинг ишлаб чиқариш майдони, маблаг сарфи ҳам сезиларли даражада тежамли. Масалан, уртача кичик босмахона 3 минг квадрат метр жойни эгаллади. Кургизмада тақдим этилган техникаларнинг урнатиш лойиҳасида белгиланган майдон ҳажми эса, у 400-500 квадрат метрдан иборат холос. Маблаг, ҳом ашё, техника танқис бўлган ҳозирги пайтда бундай ихчам босмахона жуда муҳим, арzon ва зарур омиллардан ҳисобланади. Бизда ҳам корхонамизни янги техника-технологиялар, замонавий ускуналар жорий этишимиз эвазига кўпгина ишлаб чиқариш майдонлари бўшаб қолмоқда. Тадбиркоғолигимиз оқибатида бу биноларда янги кичик ва қўшима корхоналар, цехлар, дўконлар очилмоқда. Бу ҳозирги қийин фурсатда иқтисодимизга малҳам бўлмоқда.

Китоб чоп этувчи техникаларимиз ҳам комплекс механизациялашган. Соддароқ қилиб айтганда, илгари сарф этиладиган 10-15 кунлик соф техник-технологик ишлаб чиқариш жараённи бу автоматлашган машиналарда энди 10-12 соатда амалга оширилади. Буни техника тараққиёти йулида олиб бораётган ишларимизнинг улкан ютуқларидан бири десак арзиди.

Жорий этилган замонавий матбаа техникаларида ҳамма жараёнлар тезкорлик билан тұхтовсиз бир меъерда бажарилади. Маблаг ва вақт салмоқли ҳажмла тежаб қолинади. Матбуот нашрини оммага етказишда вақт энг муҳим омиллиги ҳаммага маълум. Мураккаб технология ва тезкорликка мүлжалланган ахборот даврида үқувчига хабарлар қанча әрта, тез етиб борса, шунча фойдали бўлади. Акс ҳолда сусткашликка йул қўйган нашрлар үқувчиси-ни ўқотади. Бу, демак, бозор иқтисодиёти шароитида давр талабидан орқада қолган нашрлар узини иқтисод томондан оқлолмай, касодга учраб қолиши мумкин.

Олмониянинг «Хейделберг» фирмаси кургазмага қўйган турли техникалар харидорлар ва мемонларда айниқса катта қизиқиши уйотди. Унинг 1997 йилгача ишлаб чиқаришга мўлжалланган барча техникаси кургазма кунлари давомида сотиб олини. Тасаввур қилинг, маҳсулотлари бутун дунёдаги бу юртмачилар томонидан тан олиниб, барвақт сотиб олинган фирмалар корхоналари олдиндан тушган маблагларини амалда айлантирилиб, олинган фойда ҳисобига сотувчининг иқтисоди ва молиявий аҳволи қанчалик гуллаб-яшнаши мумкин! Мана, сизга «Друппа-95» кургазмасининг амалий жиҳатининг обру-эътибори ва нақд фойдаси!

Хуш, кургазма бизга нима берди? Биз ундан қандай наф олдик? Келажакда қандай машиналарни сотиб олишимиз мумкин?

Аввало, «Шарқ» концерни босмахонасида ишлаб турган техникалар ҳам, гарчи қургазмадаги янглиг моделлардан бўлмаса-да, ҳали бақувват, нисбатан замонавий. Бироқ, кейинги йилларда газета-журналлар тиражи камайиб кетгани туфайли, ҳозир ишлаб чиқаришда мавжуд булган техникаларимиз кучидан ниҳоятда оз, 30 фоизи даражасида фойдаланяпмиз, холос.

Бу мураккаб шароитда яна янги техникалар сотиб олсан, улардан унумли фойдалана олмасак, кувватини тұла ўзлаштирмасак, иқтисодий жиҳатдан бефойда иш буларди. Шунинг учун ҳам биз ортирган тажрибаларимизга суюниб, ҳозир ўзимизда бордастгоҳларни таъмирлаб, уларни янада такомиллаштириш йүлини тұтдик. Жумладан бозор иқтисодиети широитида барча корхоналар үз акция ва қимматбаҳо қоғозларини чиқараётган бир пайтда биз бу ноёб ишга эътиборни кучайтирудик. Акция ва қимматбаҳо қоғозларнинг ҳимоясини таъминлайдиган, уларнинг тартиб рақамларини босадиган техникаларга әхтиеж сезаётганимиз боис, Австрация фирмасининг Москвадаги ваколатхонаси ва ХГС корпорациясининг ҳамкор корхонаси билан «Домонант-725» машинасини олишга келишдик. «Зиглоҳ» тезкор китоб босиши линиямиз учун электрон пульт орқали китоб форматини тезлиқда биридан бошқасига алмаштирадиган жараёнларни бошқарадиган техникани сотиб олиш түргисида аник фикрга келиб, шартнома тузадиган бўлдик.

Газета комплексини техника жиҳатидан такомилаштириш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириша бизга Ўзбекистон ва Американинг «Пасифик» фирмаси ва «Ал-Фаросат» қўшма корхонамиз сезиларли ёрдам кўрсатди. Уларнинг мутахассислари кор-

хонамизда ишлаб турган компьютерлар ва бошқа ИСТИҚЛОЛ САҒИДАГИ
электрон ускуналарни созлаб, бошқаларини ишга ОДИМЛАР
тушириб, еш мутахассисларимизга иш үргатиб улар-
нинг билимини оширишга эришдилар. Шунингдек,
бу фирма билан яна бир келишувимиз бор. Улар
бизга компьютерда терилган материалларни дискет-
га чиқариш, фотоплёнкага утказишнинг энг замона-
вий лойиҳаларини тайерлаб беришади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, кургамада қатнаш-
ган фирмалардан унча кўп машиналар сотиб олма-



Матбаачилик оддий
қоғозни муайян
фурсаддан сўнг иш
қоғозига, амалли
хужжатта
айлантирувчи
ҳожатбарор
тармоқдир

ган бўлсак-да, корхонамизда ўрнатилган машина-
ларни кургамадан сотиб олинган қурилмалар би-
лан таъминлаб, мавжуд кучлардан янада унумли-
роқ фойдаланишнинг ўзига хос йўлларини чуқур-
роқ урганиб, маъқулларидан ишлаб чиқариша
кенгроқ қўллаш ниятимиз бор.

Кургамза чинакамига замонавий, антиқа техни-
калар намойиши бўлди. Шу билан бир қаторда,
матбаачиликда ишлатиладиган турли хил хом ашё-
лар ҳам харидорларга тақдим этилди. Энг замона-
вий оғсет пластиналари, бўёқлар юқори сифатлиги,
ицлатишдаги декел материалларининг осонлиги ва
чидамлиги билан ҳам кургамза иштирокчиларида
қизиқиши уйғотди. Айрим сабабларга кура ҳо-
зиргача бизда бу хом ашёларга танқислик сезилиб
турди. Илгари уларни асосан Россия корхоналари-
дан сотиб олардик. Лекин россиялик шериклари-
миз ўз маҳсулотларининг сифатини кутаришдан ку-
ра, нархини ошириш йўлига утиб олишгани бизни
ранжитиб, бошқа хорижий фирмалар билан ҳам-
корликка утишга мажбур этаяти. Чунончи, ихти-

сослашган маҳсус бүеклар сотиб олиш ниятида Франциянинг «Бронше» фирмаси билан шартномалар тузиб, ундан 6 минг килограмм турли хил бүекларни сотиб олдик. Техникавий фотоплёнкаларни эса Бельгия, Люксембург давлатлари фирмаларидан валютага арzon баҳода сотиб олишга мўлжалланган сурункали шартномалар туздик. Бу фирмалар тайёрлаган плёнкалар пишиқ, сифати жиҳатидан Қозон заводиникидан бирмунча юқоридир. Баҳоси эса арzon.

Хуллас, кўргазма даврида баракали ишлаб, купгина тажриба орттирилди. Уларни аста-секин ишлаб чиқариш жараёнларига тадбиқ этиш борасида купгина муҳим жумбокларни ечиб, маҳсулотимиз сифатини кўтариб, таннархини арzonлаштиришдек муҳим вазифани амалга оширишга эришамиз деган ниятишимиз бор.

Сафаримизнинг иккинчи қисми Англияда утганди. У ерда машҳур «Рэнк-Ксерокс» фирмасида утказилган халқаро семинарларда қатнашдик. Маълумки, бу фирма билан ҳамкорликда тузиленган «Узбек-Ксерокс» қушма корхонамиз мамлакатимиздаги энг илгор, ҳужжатлардан замонавий усулда нусха кўчиришга, турли рангдаги буклет каталоглардан нусха кўчирувчи ва бошқа электрон техникаларни тайёрлаб, бутун дунё миқёсида сотиш ва уларни созлашга ихтинослашган йирик марказдир. Семинарларда мамлакатимизнинг 12 вилоятидаги марказий шаҳарларда ҳам нусха кўчириш бўлинмаларини ташкил этиш юзасидан узаро келишиб олдик. «Рэнк-Ксерокс» фирмасининг замонавий машиналари урнатилгач, «Узбек-Ксерокс» корхонаси нусха кўчиришдан ташқари таклифномалар, ташрифномалар, буклет, каталоглар тайёрлайди. Матбаа корхонасининг технологик шароитида узини оқламайдиган кам нусхали, кичик ҳажмдаги каталоглар, проспектлар, буклетлар, турли туцламлар, китобчаларни матнидан нусхалар кўчириб, қайтадан асил ҳоли даражасида чиқара оладиган даражага етди. Қолаверса, бу қушма корхона ҳар турли ксерокслар, компьютерлар, принтерлар ва улар учун эҳтиёт қисмларни ҳам келтириб сотиш билан бир қаторда Қиброй тумани ҳокимлиги ёрдамида «Узэлектромонтаж» трести ихтиёридаги заводнинг куриб битмаган биносини сотиб олиб, пахта қолдикларидан медицина соҳасида ишлатиладиган гигроскоп тоза пахтасини ишлаб чиқарувчи корхона барпо этиш йўлида купгина ишларни амалга ошироқда. Бу истиқболли лойиҳага жаҳон банклари 8 миллион доллар инвестиция ажратишиди. Завод иш-

га түшгач, бир йилда тайёрланган 2600 тонна ноөб маҳсулотдан 8 миллион доллар фойда олиш ва 4 йил мобайнида қарздан кутилиб, корхонанинг бутунлай мамлакатимиз тасарруфига ўтказиб, уни яна-да кенгайтириб, тайёрланган маҳсулотни фойдали майда микдорларда қадоқлаб, кичик ўрамларни тайерлайдиган ва этикеткалар босадиган цехлар таш-кил этилса, олинадиган фойда микдорини бундан хам ошириш билан бир қаторда Тошкент вилоятиниң Қибрай туманида 230 киши учун иш жойини очиң мумкин бўлади.

Англияга қилган сафаримиз даврида мана шу лойихани амалга ошириш устида ҳам ишлаб, бри-танийлик ҳамкорларимиз билан бу соҳада ҳам аниқ режалар туздик.

Сафардан олам-олам таассуротлар билан қайтар-канман, самолётга ўтирганимдан сўнг, қаерга бор-сан, азбаройи қизиқиш туфайли йигиб олган уша жойларнинг газета-журналларини хотиржам варақлаш имкони туғилди. Баҳайбат босма тўпламларни эслатувчи 8, 12, 16, 24, 32, 48, 96 саҳифали, кўп-рангли, жозибали даражага етказиб чоп этилган газе-талар саҳифаларидан жой олган нафис суратларнинг сифатларига қараб кўзинг қувонади. Материалларни жозибадор тарзда бериш маҳорати, саҳифалаш, дид билан чизилган безакларни кўриб ҳавас қила-ман. Айни пайтда «ўзимиздаги газеталар нега шун-дай кўримлик безакларда чоп этилмаяпти», деб ўкси-наман. Ваҳоланки, ҳозир биздаги техникалар 4 ранг-даги газеталарни бемалол чиқариш қудратига эга. Қани энди, иқтисодий имкони етарли ҳамкорлар то-пилса-ю, мана шундай гўзал нашрларни чиқарсак! Бундай нафис газеталарни чоп этгандан кейин, еп-ган нонидан яйраган новвойдай хурсанд булиб кетсанг! Уни қўлдан қўймай ўқисанг! Мен узоқ йиллардан бери шанба кунлари чиқадиган, дам олишда ро-хатланиб ўқиладиган, ўз қиёфаси, мазмуни ва безаги билан ўқувчига ҳақиқий ором берадиган газетани, журнални, бирор бадиий-адабий вақтли нашрнинг туғилишини орзу қиласман...

Айни вақтда, газета-журналлар таҳририятлари-нинг иқтисодий аҳволи оғирлашиб, молиявий тан-қислик сабабли кўплари чиқмай қоляпти. Ярим аср-дан ортиқ умрим шу даргоҳда ўтаяпти. Нашрларга ўз фарзандларимдек ўрганиб қолганман. Шу боис улардан бирортаси чиқмай қолса дилим оғрийди, қайфиятим бузилгандай, нималарнидир йўқотган-дай нохуш юраман.

Утган йиллар мени қийинчилклар сабаблари-ни ижобий таҳлил этиб, чуқур мулоҳаза асосида

ижобий счим топишга ургатган. Иқтисодий узғаришлар оқибатида етарли маблаг түплай олмаган нащрларни құллаб-куватлаш йулида бир гурух бақывват фирмалар билан ҳамкорликда үз тижендер банкимизни ташкил этиш борасида сезиларлы ишларни амалға оширидик. Бу ҳақда илгари ҳам айтиб утгандығымиз сабабли, яна тұхталиб утиришга ҳожат қолмаган бұлса керак. Соғ ният — ярим мөлдеганларидек, иншооллох, банкимиз ишга тушиб қосыс газста ва журнallаримиз иқтисодиети учун анча енгиллик түгіларди, уларнинг молиявий вә маблаг танқислиги сабабли чиқмай қолишига йүл қойылмасдан бир мөъерда, юқори сифатда чиқиб туришини таъминлардик.

Чет элларда газетачилик даромадли соҳалардан була туриб, нега у бизда оқсаяпты? Буни иқтисодий қийинчиликлар билан боғлайверищ ҳам балки түгримасдир. Қоғоз ва бошқа хом ашे харажаттарининг құмматлиги бор. Лекин газеталаримиз үқишлими? Қызықиб, баҳслашиб мутолаа этадиган хикоялар, очерклар, үткір сатирави ва танқидий мақолалар қаны? Газеталарнинг безаги, саҳифаларнинг ташқи қиёфаси бир қолиппа тушиб қолғандек. Ажабо, нега фарзандига 20 сумга «Сникерс» олиб берган ота-она үқимишли, қызықарлы материалларга бой, тарбиявий аҳамияти билан боланинг ақли-идроқи, онғы ва билим даражасига ижобий таъсир этадиган газетани арзимаган пулға олмайды. Олади. Фақат ушандай газеталарнинг узи кам. Менинг бу гапларимни азиз, меҳнатсевар қаламкаш биродарларим түгри тушунади деган умиддаман. Зоро, сизнинг ташвишиңгиз менинг ташвишим. Сизнинг ютуғингиз, қувончингиз менини ҳам, тарих кемасида бирға сузид бораётгандығымиз фикримнинг говоҳидир.

Назаримда, инсон учун энг яхши ҳамроҳ, сұхбатдош, садоқатли дұст газетадир. Телевизорда күрганингизни, радиода эшиттанингизни эсда сақлаб қолишиңгиз осон әмас. Лекин газет-журнал, китоб Сиз билан ҳар доим ҳамнағас, етакчи омил булиб қолади. Үнга, турли тузум ва давлатларда ҳам, өттідан келгандар, аввало, газета сақиғасини күриб, халқнинг дүнәқарашига, маънавиятига, маданиятига баҳо бериши мүмкін.

Мана ярим асрки, газетачиликдек ўта мураккаб, ҳар куни йилларга тенг, қызғын, оғир ва шарапфли иш билан шүгүлланаман. Барибир шу қайнок меҳнаттага меҳр қойғанман. Шу сабабли ниятим ҳолис, ишончим комилки, биз матбаа-матбуютни деб мураккаб меҳнатта отланғанимиз боис орзу-мақсад-

ларга уз ишонч, эътиқодимиз билан албатта етишамиз.

Зеро, сунгги йилларда корхонанинг асл вазифаларидан ташқари ёндош фаолиятлар билан ҳам шуғулланиб, құшма корхоналар, тиҳорат дүконлари, савдо маркази очиб, фойда ва самара олишдан ана шу ягона мақсадни кузладиқ. Яъни авлодлар мәхнати эвазига таркиб топган йирик матбаа корхонаси, унинг чиройи, техник-технологик негизини сақлағандаштырып, жамоанинг стук ишчи-мутахассисларини, мұхандисларини, ижодий ходимларини ижитимоий ҳимояга олдик, маҳсулотимиз таннархини арzonлаштирип, ишлаб чиқариш негизини тарқатып юбормай, шу баробарида уни кенгайтирип бордик. Биз ноширлармиз, биз фидокорлармиз, биз изланувчан мутахассислармиз, худо хоҳласа, матбаа ашёлари купайиб, асл қасбимиз қайтадан самара келтирүвчи соҳа тарзида күтәйишига, уз мавқеини қайта тиклашига ишончимиз комил.

Бозор иқтисоди ва унинг үзгәрувчан талаблари бугун пайдо булиб, эртага изсиз йуқоладиган заруратлар жами эмас. Уз бозоримиз, истеъмолчиларимиз ва уқувчиларимизни сақлағандаштырып, турли туман маҳсулотлар билан уларнинг хонадонига ва маънавий дунёсига ёргу юз, жозибали нашрларимиз билан кириб боришидек орзу-ниятимиз бугунги ва эртанды кунимизнинг узак масаласидир.

Еш Узбекистон давлатининг сиёсий, иқтисодий мустақиллиги қаватида маданий мустақиллигининг кундан-кунга, йилдан-йилга мустақамланиб боравериши объектив тарихий воқеликдир. Матбаачилик миллий маданиятнинг каттакон қисми мақомида миллий қадриятлари силсиласида узига муносиб урин эгаллайди. Ўтган қисқа даврда мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида тараққиётнинг қонуний-ижтимоий асослари яратилдики, яқин кела-жакла барча соҳа ва тармоқларда юксалиш одимлари бошланади. Ана ушанда истиқболи порлоқ ва тупроги мұқаддас Ватанимизнинг, буюк аждодлари тарихга бой авлодларига маданий-маънавий мерослар қолдирған халқнинг муборак қадамжолары сурати туширилған күркам ва нафис альбомларни, стук адилларнинг юксак дидли асарларини, иқтидорли ва еш шоирларнинг тұпламларини жаһон ноширчилегининг эң илғор анъаналярига мутаносиб равишда нашр этиб, улкан миңтақамизга, қолаверса, бутун дунёга таниттаймиз, чунки ниятимизнинг аниқ ва ҳастийлигини тасдиқловчи ҳамма шарт-шароитлар ҳозир ҳам мавжуд ва манзурдир.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни аввалиндан сочиқ СССР республикалари ва хорижий мамлекатларнинг турдош корхоналари билан мустаҳкам манфаатли ҳамкорлик юритиб келган йирик матбаа корхонаси булиши билан бирга, мамлакатими вазирликлари, муассаса ва ташкилотлари билан ҳамтиғиз алоқани йўлга қўйган ишончли жамоадир. Мабодо, биз кўп ҳолларда қурилиш ташкилотлари лойиҳалаштириш институтларига янгидан бунёд этиладиган турли-туман саноат, уй-жой, даволаш, дам олиш уйлари бинолари лойиҳаларини чизиш ва уларнинг иқтисодий-техникавий бажарилиши учун зарур бўлган ҳисобот ҳужжатларини тайёрлаш буйича буортма берсак, ноширчилик маҳсулотларига муҳтож турли мақомдаги ташкилотлар ҳам ўз навбатида бизнинг буортмачимиз булиб келишган. Қуриниб турибдики, техникавий ва иқтисодий ҳамкорликларимиз икки ёклама фойдали бўлган, бугунги иқтисодий танг даврда муаммоларимизнинг шундай ечилиши ҳам табиийдир. Чунки корхонамиз элга ишончли ҳамкор сифатида танилган, ўз ваъдамажбуриятларини доим оғишмай адо этиб келаётганини кўпчиликка маълум булиб, тадбиркор ва ҳамкорларимизга манзурдир.

Истиқлолимиз, эндиликда нафақат Тошкенти азимнинг, балки вилоятларимиз марказларининг иқтисодий мавқеини янгилаб, юқори погоналарга кутармоқда. Жумладан, бизнинг Андикон вилоятидаги нашриётимиз билан қўшма корхона тузган эдик. Бу корхона, мана, бир ярим йилдан ошибдики, Фаргона водийси вилоятларида бизнинг матбаа маҳсулотларимизни тарқатиш, бозор талабини урганиш билан бирга, ёndoш, самарали соҳаларда ҳам ҳамкорликни изчиллик ва тадбиркорлик асосида олиб бормоқда. Ишбилармон одамлар замони, тадбиркорлик даври келганини чўқур ҳис этган андиконликлар катта-кичик дуконлар очиб, алоқа хизматидан мустақил ва унга муқобил равища матбуот маҳсулотларини бутун водий туманларига олиб бориб, узлари сотаётирлар. Бу нарса нимани курсатади? «Шарқ»да ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати, мазмуни, қулланиш кўлами билан бизни нечоғли қониқтирмасин, ички савдода ҳам ўз бозоримизга эга бўлишимиз, тижоратнинг янгича талабларини пухта урганмайдиган ва уни тўла иногатга ололмайдиган даққи ташкилотларгагина суюниб қолмаслигимиз керак.

Ўзбекистонда дунё иқтисодий ҳамкорликларда ўз ўрнига эга бўлган корхоналар билан дўстлик алоқаларини ўрнатишига киришдик. Масалан, Навоийда-

ги «Кизилқумнодиррингиметал» концерни билан акция ва лицензиялар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлигимиз баракали бўлди.

Тошкент вилояти саноат марказлари йирик корхоналари, айниқса, қишлоқ хўжалиги жамоалари билан яқиндан ҳамкорлигимиз самарали тарзда давом эттирилмоқда.

Жаннатмонанд, Ер юзининг сайқали деб номланган Самарқанд Узбекистонимизнинг йирик саноат, маданият, илм-фар марказидир. Корхонамиз Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси билан кўп йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келади. Эндиликда бу қадимий шаҳарнинг донги кетган тарихий ёдгорликларини сайёҳлар дилига мос равишда нашр этиш кўламини янада кенгайтириш кузда тутилган. Дарвоқе, Узбекистон Республикаси туризм миллый компанияси, «Узбекистон Ҳаво Йуллари» миллый авиакомпаниясининг буюртмалари рўйхати ҳам анча кенгайди.

Бу самарали ҳамкорликлардан келган тушумлар биз учун вилоятларда, йирик шаҳарлар ва корхоналарда тайёрланадиган маҳсулотларни сотиб олишга ёки айирбошлаш имкониятини яратмоқда. Лекин, асосий мақсадимиз хизматимиз эвазига бериладиган полиз, мева ва умуман қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Россияда тайёрланадиган матбаа хом ашёларига айирбошлаш учун ишлатилмоқда.

Асосий кучларимиз вилоят, туман, шаҳар босмахоналарида тайёрлаш имконияти булмаётган сермеҳнат ва мураккаб буюртмаларни бажаришга, вилоят, туман, шаҳар тўйлари муносабати билан юбилей китоби, турли хил альбом, буклет ва бошқа маҳсулотларни куплаб ишлаб чиқаришга жалб этилди. Буюртма миқдори баробаридан унинг жуғрофияси ҳам кенгайиб бориши бизни қувонтиради. Корхоналар ўз каталогларини нашр эттираётгани бу соҳадаги тажрибаларимизнинг шаклланишига асос булаётгани, келажақдаги истиқболли ҳамкорликларимиздан дарак бертаётгани биз учун ута қувончлидир.

Юқорида мамнуният билан такрор айтиб утганимиздек, Буюк Британиянинг «Рэнк-Ксерокс» корпорацияси билан ҳамкорликда тузилган ўзбек-инглиз «Узбек-Ксерокс» кўшма корхонаси ташкилотлар ва аҳолининг ҳужжатларидан нусха кучиришга бўлган эҳтиёжини пойтахтимиз миқёсида сифатли ва уз вақтида бажариш билан чекланмасдан, эндиликда Самарқанд, Андижон, Фарғона, Ургонч, Бухоро. Нукусда ўз шўъба корхоналарини ташкил этиб, хизмат турлари ва кўламини кенгайтириш йўлида

истиқболли дастурини амалга оширишга бел бөлгөнгө ганмиз, булар ҳам яқинда рүёбга чиқади.

«Рэнк-Ксерокс» корпорацияси билан яна битта янги құшма корхона «Ўзбек-Ксерокс-2»ни тузарған миз, үз вақтида таъсис шартномасыда Ўзбекистонда нұсха күчирадиган машиналар йигадиган янги корхона очиши ахдлашиб олган әдик. Шартномагүра, машиналарнинг нозик жиҳоз ва әхтиёт үнсурлари Англияда тайёрланса, корпуси ва кам мөхнатталаб булған әхтиёт қисмлари мамлакатимиз санаот корхоналаридан тайёрланадиган бұлади. Иқтисодий ҳамкорликнинг бундай асосда ташкил этилиши, табиийкі, үзимизда тайёрланадиган машиналар таннархини анча арzonлаштиради, мұхими Ўзбекистонимизда мураккаб технологиялар тезроқ үзлаштирилишига андак бұлса-да, самарали ҳисса құшади.

Тошкент ва Олмалиқдаги, Самарқанд ва Навоийдеги йирик санаот корхоналарында ксерокс йигадиган дастгоҳларимиз ишга тушиши арағасыда зарур буюртмалар берамиз, шу аснода қудратли корхона ва концернлар билан ҳамкорлықдаги алоқаларимизда янги босқич бошланади. Бу лойиҳани амалга оширсак, машина корпусларини Англиядан катта маблаг ҳисобига ташиб келтиришга сира-сира ҳожат қолмайди. Машиналар таннархи арzonлашади. Ҳамкорлигимиз натижасыда икki соңа ҳам иш билан таъминланади, чет әллик ҳамкорларимизнинг эса бизга нисбатан ҳұрмат-эътибори, ишончى органды. Аминманки, Ўзбекистонни йирик санаот марказларининг кучи барқ уриб турған корхоналари нұсха күчириш машиналари корпуслари, кам мөхнатталаб үнсурларини тайёрлашда ва машинани йиғишда бизга яқындан ёрдам берадилар. Шундай қылсақ, шартномамиз асосыда машиналар таннархи арzonлашади, ходимларимизнинг мөхнат ҳажми ошади, барча вилюятларда, йирик шахарларда булим ва шұльба корхоналар очиши имконияти юзага келди, йирик корхоналарда күл мөхнатидан фойдаланиш ҳажми қамайиб, ақылли машиналардан фойдаланиш даражасы ортади, ҳужжатлардан ва зарур қоғозлардан фойдаланиш маданияти такомиллашади. Бу эса тараққиёт йулиға кирайттан Ўзбекистон санаоти ривожига құшган бир дебочамиз бұлади.

Маълумки, ҳар бир шахснинг, жамоанинг бүгунғи янги ҳаётимизга ва тарихий воқселикка алоқадорлик түйгуси, иштирокчилик мавқеининг булиши ҳам аниқ ҳақиқатидир. «Шарқ» концерни жамоаси Ўзбекистонда матбаа санаоти ривожланиш давары бошланишида ўзининг кичик ҳиссаси ва тад-

биркорона ташаббуси билан иштирок этәтганидан мамнундир. Дебочадаги ҳамкорлик икки еқлама, ҳитто уч еқлама манфаатдорликка асос солади: яни англияликлар уз корхоналарини кенгайтиради, «Шарқ» ёндош фаолият миқёсини ўстиради, мамлакатимиз йирик саноат корхоналари эса ҳамкорликда тайёрланган маҳсулотдан фойда олиш чогида устунликка эга булади, уз ишлаб чиқариш кучларини күшимча иш билан таъминлашга эришади. Бундай хайрли ишларимизнинг сони ва кулами кенг ва истиқболидир.

АҚШнинг «Пасифик» компанияси билан тузилаётган бешинчи босқич IBM компьютерлари ва савдо касса аппаратлари йигадиган қушма «Ал-Фаросат» корхонамизнинг зарурлиги ҳақида ҳам шундай фикрлар билдириш мумкин.

«Узбек-Ксерокс»нинг, «Ал-Фаросат»нинг, «Хамса» кичик корхонасининг, «Афросиёб» саноат тижорат ўюшмасининг аксар вилоят марказларида бўлим ва шуъбалари очилади. Яқин келажақда кўпгина шаҳарларда шундай марказларни очиб, тумандарда тадбиркорликни, саноатни, тижоратни ривожлантиришга муносиб ҳиссамизни қушаверамиз. Мустақилликда яшаётган давримизнинг талаби ҳам шу. Тошкентдаги йирик фирмаларнинг вилоятлардаги бўлинмалари ҳам бирдек кучли ва халқа фойдали бўлиши керак...

Азал-азалдан ибрат булгулик ишлаб чиқариш анъаналари ва намунали меҳнат интизомига эга, ҳар қандай ташабbusни қуллаб-қувватловчи ва уз шизжоати билан янгиликка интилувчи, энг муҳими баҳамжиҳат ва аҳил меҳнат жамоамиз мамлакатимиз матбаачилиги маданиятининг учоги бўлмиш «Шарқ» концерни 75 йиллик туйини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш иштиёқида шизжоат курсатиб ишлади. Бу таъкид хўжакўрсинга, тарих қаърига отилган яқин утмиш анъаналари йусинида келтирилаётгани йўқ. Биз, эндиликда жамийт деганда ҳар бир шахс, ҳар бир оила, ҳар бир жамоани эътироф этадиган тук назарга эга бўлдик. Корхонамиз жамоасининг бутунги ижтимоий аҳволи. иш билан таъминлаш даражаси, турмуши қойилмақом даражада булмаса ҳам, ҳар нечук ачинарли, шунчаки хаспӯшлаб курсатадиган ҳолатда бўлмай, ҳозирги ижтимоий аҳволи ҳам юқори даражадан кам эмас.

Байрамни байрамдек ўтказа оладиган имкониятимиз бор экан, у кунгилга сигади, ходимларимиз

амалга ошираётган ишлари, меҳнатдаги арзигулиқ ютуқлари бунга асос бўларли, десак уринли булади.

Элга хизмат қилишга мўлжалланган покиза ниятларимиз ва масъулияти юксак фаолиятимиз замирида инсонга, унинг омилига эътибор, кундалик турмушидан хабардорлик, бутунини сермазмун этиш ва эртанги ҳаётининг ёргу ва мусаффо булишини таъминлашдек олий мақсадлар туради.

Узбекистон Республикаси Олий Мажлисига булиб ўтган сайлов, биринчи чақириқ Олий Мажлис қарорига кура Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг давлат бошлиги ваколатларини 2000 йилга қадар узайтириш тұгрисида умумхалқ референдумининг ўтказилиши ва бу давр президентлик бошқарувининг биринчи даври деб эълон қилиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, маданий, қолаверса техника-технологик ислоҳотларда янги босқични бошлаб берди.

Кундалик ҳаётимизда эса ҳар бир фуқаро ва ҳар бир меҳнат жамоасининг юз берәётган ислоҳотларга бевосита ёхуд билвосита дахлдорлиги, иштирок этиш даражаси бекиёс ошиб, кишилар онгига ижобий таъсир кўрсатиб, буюк келажакнинг порлок истиқболи сари етакламоқда.

Жамоамизнинг асосий вазифаси муҳтарам Президентимиз ва ҳукуматимиз илгари сурәётган ислоҳотлар дастурининг магзини чақиши, уни ҳалқа ўз вактида етказиб бериш, тегишилларини ўз жамоамиз ҳаётига ва корхона ишлаб чиқариш жараёнларига тадбиркорлик билан тадбиқ этиш, яъни кенг қамровли умуммиллий, умумдавлат жараёнлари юкининг жоиз қисмини аниқ бир манзилга етказишидир. Комил ишонч билан айтиш керакки, муҳтарам Президентимизнинг рисола ва нутқларida таъкидланганидек, юртимизнинг келажаги чиндан ҳам буюк ва порлок булади. Ана шу истиқболнинг негизида инсон тилагига монанд ва лойик фаровон турмуш кечиришдек эзгу мақсадга етар эканмиз, аввало бу келажак дастури ва ислоҳотлар мазмунини ҳалқа яқиндан таништириш, билимдон мутахассислар ва изланувчан тадбиркорлар куч-куватини янгилик яратиш томон йўналтириш зарур. Ўзига хос мулоқот ва бирдамлик эса ҳар бир шахснинг ақл-идроқига ва ҳалқига муҳаббатининг самимийлигига, инсон боласининг меҳнат, ижод қила олиш имкониятларига ва зарур бўлганда меҳнатидан тула манфаатдорлигига боғлиқдир.

Ўзбекистонда келажаги буюк ва инсонпарвар давлат барпо этиш учун барча зарур шарт-шароит-

дар мавжуд. Аввало тинчлик-осойишталиқ, миллій бирдамлық ва фаолият баҳамжиҳатлиги, давлатимиз бошлиғи томонидан шахсий намуна күрсатыластгани, ҳар бир мутахассис ва хизматчининг ўз меҳнат ўрнида тұлақонли ишлашига имконият яратылғанлиғи, одамларда әртанғи буюк келажак ва фаровон күнларга ишончнинг шаклланғанлиги кишини қувонтиради.

Юбилейимизга тайергарлик билан үтган 1995 йил яқунларини таҳдил этадиган бұлсақ, айтиш мүмкінки, мамлакатдаги ва жамоадаги тотувлик, осойишталиқ, бирдамлық ва ахыллық ҳамда барқарор дүстлик түйғуси эришилған ютуқларнинг, ишлаб чиқаришта тадбиқ этилған янгиликларнинг тазамини, одамлар ва миңнұттар лауреаттардың ишончларының табиий ва маданий бойликларидан фойдаланыши имкониятлари янада көнгайтирилса, үйлаймызки, юртимизнинг келажаги мұқаррар порлоқ булажак. Ана шу буюк келажакнинг ҳақиқиي әгалари — үсіб келәттегі авлодларнинг фаровон түрмуш кечириш йүлида чинакамига фидойиларча меҳнат қылсақ, маҳсулотнинг сифатини ошириб, ҳажмини устириб, амалдаги технологияларни тақомиллаштырасқ, янгиликларни ишлаб чиқаришга изчил тадбиқ әтаверсак, ўзимиз ҳам, ёш насларимиз ҳам шоду-хуррам ҳаёт кечирадилар деған ниятимизга албатта етамиз.

Күнгилни тұқ құлувчи мулоҳазаларни биргина мисол тариқасида тасдиқлаб үтмоқчиман. Бинобарин, замона зайли билан «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида умумий ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилға нисбатан 5 баробар камайиб кеттеган бұлса-да, жамоамизда меҳнат қилаёттан ҳар бир мутахассис ишчи-ходимларнинг маошини, мүкофотини, ҳатто 13-ойлигини күпайтириб, уз вақтида бериб туриш-дес масъулиятли ишни ўрнига бажарайпмиз. Қувонарлары шундаки, ишчи-хизматчиларимизнинг түрмуш даражасини пасайишига йүл қўймадик. Республикамиздаги мустаҳкам корхоналар каби бизнинг жамоамиз ҳам тұپланған фойдалар эвазига үй-жой қуришни, ижтимоий-маданий инициативаларни маблаг билан таъминлашдек мұхим ишни билим-донник билан давом эттириди, мавжуд мұраккаб ахволни баҳона қилиб, қийинчиликлар олдода довдирраб қолмади. Бу ишбилармөнлик ва тадбиркорлик билан қилаёттан самарағы мәхнатимизнинг ижобий натижасидир. Алалхусус, «мәхнатдан келса бойлик, түрмуш булар чиройлик» деганларидек, фидокоро-

на меҳнат ва самарали изланишларимизни давом эттираверамиз деган ниятимиз биз учун асосий ма-дад булогидир.

Олдинги бобларда батафсил тухталганимиз каби, атоқли давлат арбоби, адаб, журналист Шароф Рашидов уз ҳамкаслари ва матбаачиларга алоҳида меҳр билан қарап, хусусан корхонамизнинг муаммолари ва келажак режаларидан боҳабар булиб, уларни ҳал этишда бевосита қатнашар эди. Раҳматли Шароф ака республикамизга раҳбарлик қилган йилларда бунёд этилган йирик ишлаб чиқариш майдонлари эндилиқда ёндаш фаолият юргизиш, күшма корхоналар очишида қўл келаётir.

Утган йил ёз фаслида жамоамизнинг эҳтиеж-манд ҳодимлари Ипакчилар кӯчасидаги янги уйга кучиб кирган бўлсалар, бу йил насиб этса Паркент йулидаги 100 ҳонали уйга кучиб кирадилар. Уз вактида кўрилган тадбирлар сабабли бу йил ҳам меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларининг ёзги дам олишини ташкил этишда ҳам узилиш бўлмайди. Бундан бир неча йиллар давомида бунед этилган, давр тақазоси билан қулайликка — ишламай турган кучмас мулкдан оқилона ва тадбиркорлик билан унумли фойдаланиш имконига эришилди.


Юқорида айтиб утганимдек, янгидан ташкил этилган газета-журналларнинг матнини-ҳарфини компьютерда терадиган цехнинг техник-технологик қуролланишига 650 минг АҚШ доллари сарфланган эди. Капитал қурилиш ва техника билан қайта қуролланиш кулами сунгти 5 йилда унча кенг булмаса ҳам, ҳар ҳолда бу узгаришлар концернинг ўз меҳнати билан ишлаб топган маблаглари эвазига амалга оширилгани қувонарли воқеадир. Умуман олганда, корхонамиз давлатдан қарз олмай ишлайдиган жамоа мақомини қийин шароитларда ҳам сақлаб қола билди. Биз инсоннинг қадр-қимматини оширишга, давлатга нисбатан бокимандалик кайфиятига тушиб қолмаслигига, кишиларимизнинг ўзларини ва болаларини ижтимоий ҳимоямизига олиб, ҳодимларимизни маблағ билан имкон даражасида тузукроқ таъминлашга интилар, бу мақсадларнинг мухимларига тўлиқроқ эришар эканмиз, бундан хурсанд бўламиз. Аммо ишчиларимизнинг сафини ва мавжуд куч-куvvatларини сақлаб қолишдек масъулиятли паллада айрим қўли эгрилар ҳамон у ёки бу тайёр маҳсулотни ёхуд ҳом ашёларни кутариб кетишилари каби гайриқонуний одатлар давом этиб келаётгани ақлга сигмайди. Ташмачиликдек, угриликдек, ҳамма имтиёзлардан фойдаланиш билан бирга инсон зоти шаънига нолойиқ одатдан, очик-

рөгі хиёнатдан ҳали тұла кутула олмаяпмиз. Ҳолбукі, сүнгі беш йилда ҳар йили олинган 80-100 миллион сүм фойданинг салмоқли қисмини маош, мұкофот, 13-ойлик тұлашга, уй-жой қуришга, бошқа ижтимоий иншоотларни маблаг билан таъминлашға сарфлаб келдік. Агар корхонада ташмачидик бутунлай тұгатылса, бефойда сарфларға барқам берилса, моддий бойлигимиз, ноәб техникамиз тулиқлигіча сақланади, маҳсулот ишлаб чикариш омыллари, маош-мұкофотлар ҳозиргисидан ҳам юқоригоқ булади. Гуруч курмаксиз булмаганидек, бундай кайфиятдаги бир гурух, аниқроги 10-15 одам кузни шамғалат қилиб корхонанинг моддий бойликтарига ва тайёр маҳсулоттарига күз олайтириб, ҳануз зарар ва путур етказаётганиги ачинарлидір.

Биз ҳар бир инсонға, у мұхтож бұлғанда ёрдам беришимиз учун, тақрор айтаман, күч-қувватимизни, мавжуд маблагимизни тұлиқ сақлашшимиз ва ба жариладиган ишлар ниҳоясига етказилганидан кейин буюртмачи мулки саналадиган тайёр маҳсулоттарға зарар етказишишдек камчиликларни бутунлай тұгатишимиз керак. Дарвоқе, утган йили ҳамиша ұмарышта уриниб юрган жиноятын үч кишидан иборат гурух жавобгарлықтортилди. Уларни үз вақтида тарбияламаган ота-оналары, концерн жамоасини, рахбариятни несөглик авраб, таҳдид солмасынлар, биз бундай одамлар билан муроса қылмадик. Шу уринде корхонамызда устозлик ва шогирдлик мұносабатлары, ҳар бир ишчига билими, ишга мұносабатини ҳисобға олиб алоқида ёндашув, унинг мақсадлари ва заңқатини амалда синағ күриш аńяналары катта тарихға ва тажрибага эга эканлыгини алоқида таъқидлаб үтиш керак. Шундай, күпоп бұлса-да, тақдир тулатадиганларни ҳар қандай аҳыл жамоа ҳам осонличча тузата олmas, йұлға сололмас экан, биз келажақда ҳам бундай құли әгри, нияти бузуқ одамлар билан муросасозликка йүл қўймасдан, интизомни мустаҳкамлаш борасидаги мавжуд барча чораларни амалга ошираверамиз.

Ҳар бир йирик жамоа, айниқса катта тарих ва аńяналарга эга жамоаларда бұлғани сингари «Шарқ» концернида ҳали амалга ошмай турған, аммо амалга оширилиши күзда тутилған режалар, әзгу мақсадлар бир талай. Мұхими — биз уларни аниқ биламиз. Билганимиз сабабли ҳам мохиятини ҳис этиб, англаб, теран таҳдил этамиз, амалга ошириш йўлларини обдон ўрганамиз. Маълум бир масала кундаланғ турған ҳолларда мутахассислар ва ходимларнинг масалага ижодкорлик, бунёдкорлик, ихтирочилик нүқтаи-назаридан ёндашувига зарур

лар тұлық бажарилиши, ишнинг сидқидилдан ниҳоясига етказилиши, маҳсулот сифатига, таннархни арzonлаштириш жараёнларига ижобий таъсир курсатишини, күркам ва бежирим маҳсулотни харид қылған истеъмолчининг дили ёришиб, хушнұл ҳолда устасига раҳмат айтишини такрор-такрор уқтирасак-да, охир-оқибатда уларнинг үзларига тегаёт-гандан ҳам ортиқ маош, мукофот олишини расман билдирсак-да, меҳнатга вижданан, ихлос билан ёндашиш масаласи яқин келажақда ҳам күн тартиби-



Китоб ноширчилиги азалий ҳунармандчилукдир. Ҳусусий kitob савдо тармогимиз эса сүнгти йиллардаги изланишлар неъмати. Ҳушмуомала сотовчиларимиз китобхонларга намунали хизмат курсатишдан мамнун

дан тушмайдиганга үхшайди. Бу мұлоҳаза факат ишчи-мутахассисларғагина эмас, айни чоқда мухандислар, мұхаррирлар, рассомлар, борингки, айрим раҳбар ходимларға ҳам тааллуклидир. Бинобарин, улар орасыда ҳам ишга пала-партиш ёндашиш ёхуд билим, тажрибаларидан кеккайиб кетиш ҳоллари учрайдики, баъзилари маҳсулот тайёр булиб, тузатиши имкони қолмаган жараёнға етгандагина сезиб.

англағандан кейин ҳам турли баҳоналарни руқаң қиладилар. Жамоамиз орасида умумфаолиятда суст қатнашиб, үзини четта олиб, хато килишдан чүчидиганлар ҳали ҳам учраб туради.

Минг азобу укубатлар билан келтирилаётган коғоз, картон ва бошқа матбаа хом ашёлари фақатгина сифатли, кўркам, бежирим истеъмолчилар савиясига лойиқ ва эҳтиёжларига узоқ хизмат қиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга сарфланиши кераклигини тўлиқ англамаган, тежамкорлик эвазлагина фойда олиш мумкинлиги тажрибаси қонқонига сингмаган айрим ишчи, муҳандис, раҳбар ходимларни ўз вақтида огоҳлантириш билан чекланмасдан, айримларини моддий жавобгарликка тордиган бўлдик.

Матбаачилик касби қулма-қул, галма-гал амаллар технологияси асосида бажариладиган иш бўлгани сабабли, йул қўйилган биргина хато ўз навбатида қулма-қул ўтиб, тайер ҳолда бориб етгач, истеъмолчини ранжитади, корхонамиз обру-эътиборига птур етказади, ҳатто маҳсулотининг бозорини касод қиласди. Барчамиз қулогимизга қуйиб оладиган ягона тавсиямиз ушибур: меҳнатга ва меҳнат амалига вижданон, ихлос билан ёндашиш керак! Тарихан куп йиллик тажрибаларга таянган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, жонкуярлик, масъулият хисси ҳаливери истеъмолдан чиқмаса керак! Ишга сидқидилдан ёндашиш, бажарилиши зарур бўлган амалларни тулиқ, хатосиз, охиригача камчиликсиз адо этиш, меҳнат интизомига тула риоя қилиш, ҳозирги иқтисодий жиҳатдан оғир шароитда хом аshedan унумли фойдаланишини таъминлайди. Санъаткорлар орасида актёрнинг илк қадами театр саҳнаси биносининг даҳлизидан бошланади деган ибратли ибора юради. Корхона, унинг жамоавий меҳнат маҳсулоти сифати ишчининг, муҳандиснинг, раҳбар ходимнинг қонқонига меҳнат интизоми, ишга сидқидилдан ёндашув шиори, қолаверса, манфаатдорлик туйгуси обдон сингишидан бошланади. Ўйлайманки, ишчи-ходимларимиз матбаачилик милий маданиятнинг ажралмас қисми эканлигини англаб, бир умр бу удумдан ўзларини ва узгаларни баҳраманд этадилар. Зоро, муаммолар олдида довдирааб қолиш ёхуд сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш «қонунийлашмаслиги» шарт.

Адоғига етаётган асримиз сўнгти ун йиллигининг буюк жиҳати шундаки, истиқлол шарофатидан Ўзбекистон давлатининг сиёсий, иқтисодий ва маданий равнақи учун ишлаш, меҳнат қилиш баҳтига мушарраф, ўз навбатида сифатли маҳсулот иш-

лаб чиқариш эвазига халқимиз эътирофи-ю миннатдорчилигига мұяссар бўлдик. Бу мұқаддас шукронани онгига сингдирган ишчи-мутахассисларимиз эндиликда истеъмолчиларнинг «қули гул уста экансан, отангга раҳмат» қабилидаги раҳматларидан мамнун бўлсалар, «қийшиқ, хато қилган қулинг синсин» деган қаргишлардан хазар қиласидаган юқори даражага етардилар.



Китоб муаллифи
юртимизнинг улуг ва
тахрибали
матбаачилари
Баҳри Гуломова,
Василий
Архангельский,
Филипп Идессис ва
бошқалар даврасида
(1969 й.)

Она диёrimiz — Ўзбекистондек бағри кенг, баҳрали, гўзал табиятли ўлка халқига, унинг 7 ёшдан 70 яшаргача булган аҳлига чорак кам бир аср давомида сидқидилдан меҳнат қилиб, газета-журналларни ўз вақтида, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларни кўркам ва сифатли тарзда чиқариб келдик. Шу узок муддат давомида она Шошнинг қоқ марказида «Шарқ» деган нуфузли кўркам нашриёт-матбаа корхонаси дунёга келди. У нафақат Ўзбекистонга, эндиликда бутун Марказий Осиё минтақасида истиқомат этиб турган аҳли одамларга қамишдан бел боғлаб хизмат қиласиди.

Матбаачиликдаги фаолиятини ҳарф терувчиликдан бошлаб, узоқ йиллар давомида «Шарқ» нашриёт-матбаа концернига раҳбарлик қилиб келган бир матбаачи сифатида ёшларга бир-икки оғиз ҳам ота-

лик, ҳам устозлик маслаҳатим, насиҳатим бор: Сиз, корхона тарихини үқиётган чөгда күп нарсаны ўз нозик дидингиз билан пайқаб, англаб олганингизга ишончим комил. Шундай бұлса-да: Сизни бунёд эттан Яратғанга, оқ ювиб, оқ тараган ота-онанғизга, бағридан жой берган Ватанингизга муносиб фарзанд бұлмокдан асло толиқманғиз! Устозлар иш үргатса, ён-верингиздагилар ва жамоадагилар билмаганингизни күрсатиб берса, хатоларингизни ўз вақтида тузатишига ундаста, ҳеч ҳам оғринманғиз, оғрин-маслика күниги ҳам қолманғиз! Баҳт боши меҳнат эканлигини, бирор сизга тайёр баҳтни гүлқофозға үраб, тақсимчага солиб бермаслигини сира-сира едән чиқарманғиз! Сизни тұғри йүлға бошлаган-лардан миннатдор бўлиб, Сизнинг имкониятларингизни кашф этишга чоғланғанларга меҳр-мурувватингизни қизғанманғиз, имкониятларни кашф этиш майдони тұғри амаллар эканлигини, оқилона хуло-салар эканлигини англаған ҳолда қуруқ сұз, въъдаларга, ҳатто мушуквачча офтобға чиқмаслигини ҳарғиз ёдда сақланғиз! Тұғри сузлик ва ҳақсеварлик эскирмаслигини, ўз ишхонасидан үгирлик қилған одамнинг на ишхонасига, на хонадонига барака ёғил-маслигини шиор айланғиз! Шунда ошигингиз олчи булади, ойдин юзингиз минг карра еруғ, иймонингиз бутун, баҳтиңиз тұкис, обрүйингиз баланд, фарзандларингиз қобил булади, демоқчиман.

Бир-икки оғиз чекиниш үрнида: бундан 53 йил олдин матбаачиликни урганиш учун үқув юртига борганинми таққосладыған бұлсам, нима ҳам дейишим мумкин: уша даврда урушнинг қироны, талофатли йиллари, 8-синфни битирар-битирмас қулимга йүлланма беришганды билмас эдимки, қайси ҳунар әгаси бүлишимни?! Лекин үқув юртига кирганимдан бошлаб, уша воеадан кейин 50 йилдан күпроқ вақт үтган бұлса ҳам, камина бирор марта нега бу соҳага кирған эканман, нимага шу ҳунарни әгаллаган эканман деган саволлардан қийналғаним йүк. Агар жоиз бұлса айтишим керакки, ҳеч қанақа чекиниши мен яна ҳәетимни шу касбга багишилардим. Муболағасиз айтишим мумкин, ўзим ишлаган, яшаган, меҳнат қылған ярим асрдан күпроқ вақт бекор кетмади. Айникса унинг 30 йили жуда мұваффақиятли ва сермахсул үтди. 1964 йилдан директорнинг мувовини булиб ишлаганимдан бери капитал қурилишга раҳбарлық қылдым. 1968 йилда директорлық вазифасига тайинланғанимдан то ҳозиргача капитал қурилиш биноларини бунёд этиш билан бөглиқ бұлған юмушларни асосан ўзим олиб бораман. Шу үринде одамлар учун уй-жой, дам

олиши уйлари, болалар учун оромгоҳлар куриш, катта-кatta ишлаб чиқариш биноларини бунёд этиш, шу билан биргаликда янги техника-технологияни жорий этиб, узлаштириш күнтеги ишиди. Чунки мен ўзимни юқоридан буйруқ берувчи бошлиқлардан эмас, жонкуяр яратувчи, қурувчи, жафокаща мөхнат соҳиби деб биламан.

Мөхнаткашнинг ҳар доим ижодий иш билан машғул булиши, унинг ижобий натижасидан ўзи ҳам жамият ҳам, бирга ишлаётганлар ҳам, оила аъзолари

Илгор корхона
мақомида «Шарқ»
ўз тўйларини
кўтарилик руҳда
кутиб олади ва
утказди.
Корхона 60 йиллиги
тантаналаридан
лавҳа. Илгор
матбаачи Марта
Фёдоровна
Доманинага эсдалик
совгаси
топширилмоқда



ҳам мамнун булишлигини чин дилдан ёқтираман. Шунинг учун агар мендан сўрашса, шу бугунги 75 йиллик тўй куни яна бир ўтган умрингиз ҳакида гапириб берсангиз, қандай баҳолардингиз? дейишса, мен очиқ айтишим мумкинки, умрим бекорга ўтгани йўқ. Мен бутун 50 йил давомида мөхнат билан машғул бўлдим. 10-синфни 1957 йилга бориб сиртдан уқиб битирдим. 1958 йилдан 1964 йилгacha Тошкент Давлат Университетида сиртдан уқиб, журналист касбини эгаллашдек олий ниятимга етдим. Чунки тенгдошларим орасида юрганимда бу кемтикни сезиши туйгуси доим билим сари чорлар эди. Бу максадга етиш жараённида, сермашаққат, ута мураккаб мөхнат билан машғул эдим. Олтмишинчи йилларда асосий вазифам бўлим раҳбарлиги бўлса-да, бир вақтда комсомол комитети котиби, фирқа бюроси-нинг аъзоси, шаҳар партия, комсомол, республика касаба ўюшмаси, журналистлар ўюшмаси ва бошқа

бир неча ташкилотларда фаол қатнашардим. Ижодий, маърифий ва амалий ишни ҳар томонлама таҳлил эта бориб, 1978 йилда нашриётимизнинг ташкил этилиши, унинг тарихи ҳақидаги рисолани тутатиб, илмий ишни ёқлаб, тарих фанлари номзоди унвонини олишга муяссар бўлдим. Уларнинг ҳаммаси: нашриётимизнинг меҳнат фаолиятига оид булган тарихий ўзгаришлар ҳақида ёзган рисолаларим, китобларим, 200 дан ортиқ илмий, оммавий мақолаларим, меҳнат фаолиятим даврида амалга оширилган ишла-



Аскияning
«чийратмаси» кетди.
Бош директор
уринбосари Тухтасин
Бобоҷонов бошлаб
берган мавзу авжида

римни таҳлил этиш, шу ўзгаришлар, таракқиет жарёнларини теран мулоҳаза қилиб, келгуси авлодларга қоладиган ибратли меҳнатимиз намуналарини, турли мамлакатлардаги ҳамкасларимизга, оғайниларимизга ҳам жиндай бўлса-да, ёрдам берадиган даражада бажариш учун қаймогини рисолаларимга киритганман.

Россияning Самара шаҳридаги қурилган нашриёт биноси камина ихтиро этган таклиф-дастур асосида тайерланган лойиҳа бўйича бунёд этилганидан, Бишкек шаҳридаги нашриёт ва босмахоналар эса илмий ишимдаги лойиҳа асосида қурилганидан мамнунман. Ҳозирги кунда ҳам қўшма корхоналарни қайси биноларга қай йўсинда жойлаштириш, ўрнатилган машиналар ва бўшаб қолган ишлаб чиқариш майдонларини фойдали тарзда ўз-

гартириш, жорий технологияларга янгиликлар кириши каби амалларга бош күшибгина қолмай, уларни амалга оширилишини таъминлайман. Шундай аснода құшма корхоналар ташкил этишда сармоялар фондига құшган маблағимиз ҳам ажраттан билоларнинг изжара ҳақидан иборат булиб, ишлаб чиқариш майдонлари, таҳририят биноларининг майдонларидан оқилона фойдаланиши натижасыда 15 минг квадрат метр жойни бушатыб, изжарага берип учун ажратдик. Буларнинг ҳаммасини боңша мұхтож ташкилотларга ва корхоналарга изжарага беріб, изжара орқасидан сезиларлы иқтисодий фойда олишимиз туфайли ҳам асосий мақсад — янгилик яратышга, ҳар бир метр жойдан оқилона фойдаланишга эришяпмиз.

Ишончим комилки, ярим аср ҳамнафас бұлған одамлардан, ҳамкорликда меңнат қылған ишчилардан олган таълимнинг, устозларимиздан қолған мактабнинг асоси шу бұлса керак. 1943 йилда 2-матбаа билим юртидан бириңчи марта шу босмахонага тажриба даврини үтиш учун, 1945 йилда эса доимий изшга келиб, ишни ҳарф төрүвчиликдан бошлаб, қарийб 30 йил етакчи раҳбар лавозимида ишлаб келишимнинг асосий мазмунини кечәётгандын даврнинг изжобий жиҳатларини ўзлаشتыриш билан болжық булған дастур ва режали ишлар ташкил этади. Ишга булған мәхр-муҳаббат, халқ учун, одамлар учун, давлат учун, ёшлар келажаги учун холисона єндашиб хизмат қылаётганимдан бенихоя мамнуман, бундан кейин ҳам баҳоли құдрат, кучим етганча техника-иқтисодий янгиликлар яратыб, замонавий бинолар, үй-жойлар қуриб, халқимизга, келажак авлодға олдингидан ҳам тұлароқ хизмат қилиш умидим бор. Иншооллох, бу умидга, яхшилик йулида илжом билан меңнат қилишимда күч-қувватдан қолмасдан, орзуларимни амалга оширишимда Яратганинг ўзи мададкор бұлғай деган холис ва аник ниятим барқарор.

Әътиборга сазовор бұлған салмоқли, күп йиллик раҳбарлық тажриbam, сезишімча, ёшлар учун ибрат бұлғусидир. Халқа сидқидилдан хизмат қылған ҳар бир инсон руҳан қаримайды, жисмөнан кексаймайды, у холис мақсад билан ҳаммага бирдек ёрдам күрсатиши йулида оқсаб қолмайды.

Инсонға хизмат қилишдек эзгу ниятим ёргу, савобли йүлден ўз жамоамни эртанды гүзәл ва сермазмун меңнат ва ҳаёт сары тоза виждон, комил иймон билан, зур шижаоат ила моҳирона бошлаб бораверишга ундейди.

Құтлуг түй тантаналари кезларида әгалланған

манзиллар, ишлар билан бирга ҳали амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ҳам бир бор хаёлдан ўтиб туради. Биз уларнинг муҳимларига юқорида батафсил тұхталиб ўтдик. Марказий Осиё давлаттаридаги, Россия, Украина, Белорус ўлкаларидаги маҳсулот ва ҳом ашё бозоримизни мустаҳкамлаб, ички ва ташқи буюртмаларни вақт ўтгани сайин купайтириб бориш, матбаа соҳасига эндигина кириб келаётган ёшларни, соҳанинг барча ўзига хосликла-ри, нозик талаблари билан яқиндан таништириш,



корхона куч-кувватини сақлаб, замонавий матбаа машиналарининг эътиборга молик янгиликларини ўрганиш, ҳом ашёдан оқилона фойдаланиш, уларнинг самарадорлигини ошириш, вазирликлар, концернлар, ийрик корхоналар билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш, маҳсулот сифатини жаҳон андо-заларига яқинлаштириш, ёндош фаолиятимизни ку-чайтириб, қўшма корхоналар тармогини кенгайтириш, янги иншоотлар, уй-жойлар, майший, ижти-моий бинолар қуришни жадаллик билан давом эттириш каби долзарб масалалар концерн тарихида-ги келгуси чорак асрнинг ҳам асосий йуналишла-рининг силсиласидандир.

Ишлаб чиқариш илгорларини тақдирлаш тантаналаридан бирида атоқли давлат раҳбари Ш. Рашидов ҳам қатнашган эди

Усиб-улгайишимииз даврида, сермуаммо ва ёргу күнларимизда ҳам бирдек бизга холисона таълим берган устозларимизни ёдга олишимиз, бугунги кунда устоз бўлмоққа муносиб кишиларга миннатдорчилик билдиришдек одамийлик удуми бизнинг инсоний бурчимииздир.

Туй арафасида ва туй күнларида тўйчиликарнинг кунглидан нималар кечмайди, хотидаларда эса қай азиз одамлар ва таассуротлар жонланмайди дейсиз? «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни аввал мавжуд булган, кунимизда пойдор ва келгусида дунёга келажак бутун маърифат даргоҳлари сингари покиза ва муқаддас хонадондир. Утган аждодларимиз танлар Раҳмон ва Раҳим булмиш Аллоҳга сажда қиласидиган даргоҳни масжид, илоҳий ва дунёвий билимлар ургатиб-ўрганиладиган даргоҳни мадраса деб атагани тарихий ҳақиқиат. Фикри ожизимча, мабодо қадим замонлардан матбаа техника-технологияси мавжуд бўлиб, элга маърифат хазиналари — китоб ва бошқа ноширлик маҳсулотлар оммавий тайёрланиб, тарқатилганида эди, албатта матбаа уйи ҳам худди масжиду мадраса сингари азиз тутилган бўлур эди. Масжидга эътиқодли, имонли, покиза ахлоқли одамлар оёқ босгани, «мадраса тупроғи»ни булаҗак аллома ва имомлар узоқ йиллар ялаганидек, матбаа уйига ҳам ихлоси баланд ва фидойи, зийрак ва меҳнатсевар кишиларгина келадилар, элга ва маърифатга хизмат қиласидилар. Матбаачилик ҳам юқорида тилга олинган муқаддас масжидлар ва мунаvvар мадрасалар сингари, бироз эриш туюлса-да айтиш мумкинки, «сиркаси сув кутармайдиган» даргоҳdir. Чунки бунда бажарилган ҳар бир амал у катта ёхуд кичик булишидан қатъий назар, нафақат муайян шахснинг, қолаверса жамиятнинг, жумладан корхонамизнинг тарихида акс этади. Купчилик одамлар менга туюмашракаларда «Шарқ»да ишловчиларнинг сиймосида киши кўнглини ёритувчи мамнунлик ва жозиба борлигини, бундан руҳан ёришиб кетишларини эътироф этишади.

«Шарқ»нинг муazzзам хонадон эканлигини айтдик, табиийки, ҳар қандай улуғ иморат каби у ҳам узининг бақувват устунларига эгадир.

Мир Алишер Навоий ҳазратлари келгуси маънавий ворисларига шундай васият қилган эдилар:

Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўкутмиш юз ранж ила,

Айламак бўлмас адо онинг ҳаққин минг ганж ила.

Эътибор берган булсангиз, 17 қаватли улуғвор

биномиз ҳам, газета-журналлар таҳририяти ҳам, қолған иншоотларимиз ҳам нимаси биландир улкан улкан китобларни эслатади. Дунедан вокиф қилгүвчи газета, журналлар, китоблар эса ўзининг зарурлиги ва жозибадорлиги билан бирга бирданига илгаш қийин бўлган сирлари ва жумбоқларига эга. Демак, матбаачилик «игна билан қудуқ қазиладиган» касблар сирасига киради. Гап, муаллифнинг ҳар бир суз ёхуд жумлани қалб нури билан излаб топганида, мухаррирнинг ҳакамларча инжиқ таҳририда, ҳарф терувчининг ҳар бир ҳарф ва белгини битталаб терганида ҳам эмас, балки кўнгил амри билан шу ишга у ёки бу даражада иштирок этаётган ҳар бир ходим ёйинки раҳбарнинг узлуксиз жираёнлар устида «борини тўкиб солишида»дир. Буларнинг замирида эса шахсий фидоийлик ётади. Туғри, «Шарқ» деган даргоҳга шунчаки ҳавас билан келиб, уч-турт ой, нари борса бир йилча касбхунар урганиб, тез орада елкасининг чуқури бу хонадонни кўрмас бўлиб кетганилар ҳам бор. Инсон боласи ҳаёт йулини танлашда эркин. Матбаачилик ана шу мунтазам ва даҳлсиз эркинликдан ташқари, боя айтганимиздек, шахсий фидоийликни талаб этади.

Менинг бир матбаачи, йирик матбаа корхонасининг раҳбари сифатидаги кузатишларим вазирлик ва турли идораларда юқори лавозимларда узоқ ишлаган соҳа ёхуд тармоқлари раҳбарлариникидан ашча-мунча фарқ қиласди: меҳнат дафтарчамда 2-хунармандчилик билим юрти ва «Шарқ» нашриёт-матбаа концернидан бошқа бирор ташкилотнинг номи қайд этилмаган. Дарвоҷе, 2-хунармандчилик билим юрти, гарчанд расман булмаса-да, «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг таркибий қисми санаб келинади. Шу даргоҳда ярим аср насиб этган экан, мен аввало одамлардан, улар қайси ишда ё Қандай лавозимда булишидан қатъий назар, фидоий матбаачилардан миннатдор бўламан. Шу жиҳтдан олганда, тўйини тўйдек ўтказишга қодир корхонамизнинг бутунги иқтисодий-ижтимоий аҳволи ва истиқболдаги режаларининг маъқуллиги ва порлоқлиги, аввало шу даргоҳни обод қилиб кетгани кишиларнинг шаънини сақлаш, ишларини изчили давом эттириш, сулолалари ва шогирдлари қаватига янги сулолалар ва қобилиятли матбаачилар Куша олишимизни исботлаб турибди.

Матбаачилар кўп ҳолларда дехқонларга, аниқроғи дехқон халқимизга ухшайди. Дехқон ҳар бир Ниҳолни авайлаб-асраб устиргани каби матбаачи ҳар бир шогирдини эъзозлаб парваришлайди, касбимиз

эса нафақат қул хатти-ҳаракатларини, айни чогда тил ва дил назокатининг ҳам ташнасиdir.

Таниқли давлат арбоби, узбек матбаачилиги нинг йирик ташкилотчиларидан бири Юнус Юсу повнинг падарибузруквори Юсуф ота Мусамуҳамедов асримиз бошларидаёт биринчилардан булиб матбаа дасттоҳининг устаси бўлганлардан. У киши куплаб матбаачилар қаторида қобил фарзанди Юнус акани ҳам тарбияладилар. Ю. Юсупов уз фаолиятини ҳарф терувчиликдан бошлаган, кейинчалик эса кўп йиллар давомида турли миллат вакиллари меҳнат қиласидаган корхонанинг директори лавозимида ишлади. Бир неча йил Узбекистон Давлат нашриет ва матбаа комитетига раҳбарлик қилди. Юнус аканинг фарзандлари ва шогирдлари ҳозирги кунда матбаачилигимизнинг кўзга куринган вакилларидан. Мехрибон, камтарин бу матбаачи бир умр вижданан, ҳалол меҳнат қиласан бўлса ҳамки, узининг ютуқларини ҳадеб билдиравермасликка, элга кузкуз қиласмасликка интилар эди. Шунда ҳам одамларнинг ўзлари бу кишининг қиласан хайрли ишлари ва яхшиликларини билиб олаверардилар. Дарвоҳе, Юнус аканинг ташаббуси билан ва унинг раҳбарлигига Тошкентда биринчи полиграфия комбинати қурилди. Барча вилоятларимиз марказлари ва йирик шаҳарларда босмахоналар қуриб ишга туширилишида «Юнус Юсуповнинг қули борлиги»ни ҳамма билар эди. У киши,Faфур Гулом айтмоқчи, «Тақдирини қул билан яратган» азиз инсонлардан биридир.

Юнус ака билан бирга ишлашган, босмахонамизнинг биринчи директори бўлган Насриддин Сайдалиевнинг кўркам ишлари ҳозир ҳам матбаачилар орасида ҳурмат билан тилга олинади. Бинобарин, 30-, 40-йилларда амалга оширилган йирик узгаришлар бошида Н. Сайдалиев сингари ишчан ва ташаббускор раҳбарнинг тургани, у курсатган шахсий намуналар рисоланинг тегишли бобларила етарлича талқин ва таҳлил этилди.

Харлампий Григорьевич Маркоч «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг ибтидоси бўлмиш чорроқцина босмахонага 20-йилларда раҳбарлик қиласан бўлса-да, келаётган матбаачилар ва соҳа раҳбарлари учун шахсий ибрат намуналарини мерос колдириб кетди. Биринчи бўлимда тавсифлаб берганимиздек, корхонамиз сиёсий бошқарманинг кичик бир ташкилотидан каттагина матбаачилик даргоҳига, мустақил жараёнлар мажмуига айланди.

Корхонамизга раҳбарлик қиласан олижаноб кишилар сирасида уз умри ва меҳнат фаолияти даво-

мида куплаб шогирдлар етиштирган ва бир қанча матбаачилик жараенларини тақомиллаштириш барбарида корхона тараккиетига катта ҳисса қушган Филипп Григорьевич Идессисни ҳам ички бир қувонч билан қушиб тилга оламиз.

Хозиргина тилга олиб утганимиз Юнус ака Юсупов билан бирга ишга келган, Узполиграфия ва нашриётчилик бошқармаси бошлиги муовини Василий Федорович Архангельский 1951 йилда корхонамизга раҳбар этиб тайинланган эди. Унинг меҳнағееварлиги ва тадбиркорлиги туфайли «Қизил Узбекистон», «Правда Востока», «Ўзбекистони сурх» га еталарининг нашриётлари 2-босмахона билан билаштирилиб, бирлашган нашриёт ва унинг босмахонаси деб юритиладиган бўлди. Айни шу тадбир туфайли корхонанинг тугал матбаа мажмуасига айлантирилишидек буюк ҳиммат юз курсата бошлаганди. В. Ф. Архангельский ишчан ва одил раҳбар бўлиш билан бирга матбаачилар учун кўп миқдорда турар-жойлар, майший иншоотлар қурдиришга бош бўлган ғамхўр киши ҳам эди. У нафақат корхонани бир бутун мажмуага айлантириш, бинобарин матбаачилар учун турли-туман майший иншоотлар бунёд этиш йўлидаги тажрибалари ҳам фаолияти мизда қул келди. Келажак раҳбарларга ҳам ибрат булгулиkdir.

В. Ф. Архангельский 1964 йилда Узбекистон матбуот ва нашриёт ишлари буйича Давлат қўумитаси риссининг биринчи уринбосари этиб тайинлангандан сунг ниҳоятда ақли, ута маданиятли Аким Борисович Мазор нашриёт директори этиб тайинланди. Камина унга муовин булиб ишлаган тўрт йил давомида унинг иш ёхуд бошқа нарса юзасидан ҳуда-бехудага қизишмаслигини, кишига қаттиқ гапириб, дилини оғримаслигини кўриб, сабр-бардошига қойил қолганман. Бирор камчиликни сезса, хушмуомала билан ётигича тушунтиради, Сиз эса ишни зудлик билан изга солиб юборганингизни сезмай қолар эдингиз.

Федор Михайлович Леонтьев нашриёт бирлашишига қадар босмахонада директор булиб ишлаган, яхлитлашишдан сунг директорнинг техника масалалари буйича уринбосари, бош муҳандис булиб ишлаган эди. Маълумки, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни мураккаб ва замонавий техника ва технологик жараёнлар билан қуроллантирилган катта муҳандислик билимлари ва тажрибаларини талаб этадиган мажмуудир. Ф. М. Леонтьев ана шу жараённи барқарорлаштириш йўлида, айниқса ёш матбаачи муҳандисларни тарбиялашда катта ишлар қил-

ган. Ф. М. Леонтьевнинг сафдошлари ва тенгдошлари орасида А. С. Карташов алоҳида инсоний фазилатлари билан ажралиб туарди. У менга тушкунликка ботган дамларимда, соҳани ўзгартиришга мойиллик сезган пайтларимда падарибузрукворимиз Шоғулом отамиз қаторида насиҳатлар бериб, түрги йулга бошлар эдилар. Бир дафъа у менга: «Ислом сенга ухшаган йигитлар факат матбаачилик учун яратилгандир», дея каромат қилган эди. Шу воқеадан сунг у билан узоқ вақт бирга ишлашдик.

Чин инсонлар ёнида ишлар экансан, тарихий йилларнинг нечогли шиддат билан утиб кетиб қолганини сезмай қоласан киши.

Исаак Рубин деган кекса матбаачи менга қулда ҳарф териш санъатини ўргатган эди. Билол Мўминов, Вали Зоҳидов сингари мутахассисларнинг лилотип машиналарида операцияларни маҳорат билан бажариши ҳаливери ёш мутахассисларга намуна мактаби бўлиб қолади. Усталар орасида Б. Мўминов ўзининг каттиққуллиги, талабчанлиги, ишибилармонлиги, ҳунарни обдон ургатиши туфайли матбаачиларнинг бир неча авлодига меҳрибон устоз булди. Ишнинг сифати устида куйинчаклик қилувчи Билол ака туфайли ёшларда, айниқса миллатимизга мансуб матбаачиликда полиграфия техникасига меҳр-муҳабbat уйғонган эди.

Вали Зоҳидов ва Билол Мўминовлар қаторида Асқар ака Абдураҳмоновни ҳам жамоамиз ҳурмат билан эслайди. У киши қариндошларимиздан бирiga куёв бўлганлариданми, ўта одил, камтарин, содда бўлганлариданми, менга ичидагиларни бутунлай тортинмасдан айтар эдилар. Ваҳоланки, Асқар ака тортичкоқ, андишали, хушмуомала киши бўлиб, кимса билан тортишмас ва жанжаллашмас эдилар. Бардоши тогдек юксак бу одам 7 жўжабирдай фарзандлари билан бор-йўги 3 хонали хонадонда яшар эдилар. Бир куни республикамиз раҳбари Шароф ака қўнгироқ қилиб: «Исломжон, ҳарбийлар учун қурилган уйда 100 кв. метрли квартира бор, шунга ҳалол, кўп болали ишчиларингдан бўлса, айтигин», деб қолдилар. Ҳаёлимга лоп этиб Асқар ака келдилар, шу заҳоти Шароф акага таклифимни билдирган эдим, у киши хурсанд бўлиб кетдилар. Исмат Мансуров, Орифжон Иброҳимов, Собир Соатов, Самиг Умурзоқов сингари шогирдлар ундан таълим олиб, етук мутахассислар бўлиб этишиши. Асқар Абдураҳмоновни ҳамма мамнуният билан эслайди. Корхонамиз тарихида Асқар акадек 50 йил мобайнида ҳарф терувчи бўлиб ишлаган киши ҳали учрамаган. Кейинчалик Асқар ака уз фарзандлари-

ни ҳам корхонамизга олиб келдилар. Улардан икитаси шу ерда ишлайди. Бу кишининг қолган фарзандлари ҳам узларига тортиб, ҳалол, меҳнаткаш одамлар булиб улгайишиди.

Биринчи ташкилотчи раҳбар Харлампий Маркоч, ундан кейинги директорлар Насридин Сайдалиев, Дмитрий Аненков, Арон Саидов, Филипп Идесис, Василий Архангельский, Аким Мазор; республикамиз матбаа бош бошқармаси бошлиги Юнус Ўсупов, муҳаррирлар Ҳожакбар Гуломов, Иброҳим Раҳим, Мақсуд Қориев, Степан Черник, Валентин Архангельский, кейинчалик матбуот комитетининг бошлиги бўлган Зиёд Есенбоев каби раҳбарларнинг корхона тараққиетига асос солиб, қийин даврларда корхонамиз иқтисоди ва техникикасини ривожлантириши, раҳбарликнинг асосий таъмилиларини ишлаб чиқиши ва амалиётта тадбиқ этиш ўюлида бебаҳо хизмат ва меҳнат намуналарини намойиш этгандилар. Ҳозирги мураккаб иқтисодий шароитда мадад қулини чузиб турган яқин кумакдошимиз Зелимхон Ҳайдаров, Рихсивой Муҳамедов, Элдор Фоуровларнинг ишимиз ривожида, концернимиз тараққиетида салмоқли ҳиссалари мавжудлигидан жамоамиз аъзолари ута хурсанд ва миннатдордирлар. Концерннинг етакчи раҳбарларига муовин лавозимида меҳнат қилиб, корхона юкини баб-баробар тортган моҳир матбаачилари мизнинг бир нечасини санаб ўтиш, улар хотирасига миннатдорчилик билдириш мен учун ҳам қарз, ҳам фарздири. Булар — Борий Қамбаров, Лев Добринский, Михаил Бутелькин, Фаттоҳ Абдураҳмонов, Николай Соломин, Михаил, Игорь Тулузиков, Ҳамидулла Юнусовлар, жамоатчилик ишида қизгин фаолият юритган Анатолий Карташов, Тожи Исҳоқов, Владимир Баловнев сингари жонқуярлар булиб, улар Ўзбекистон матбаачилиги соҳасида ва концерн тарихида учмас из қолдирганлар. Етакчи мутахассис ва устозлар сифатида корхона тараққиетига бебаҳо ҳисса қўшган, ёш мутахассис ва ишчиларни касб сирлари билан яқиндан танишириб, ҳунар ургатган Билол Мўминов, Аскар Абдураҳмонов, Вали Зоҳидов, Зикрулло Умрзоқов, Рихсивой Раҳмонов, Тўлаш Музafferов, Ҳошим Олимов, Шукрулло Тўлаганов, Товғиқ Абдураҳмонов, Қаҳҳор Раҳимов, Самиг Умрзоқов, Ҳошим Орифжонов, Анатолий Бектемиров, Туйчи Ҳакимов, Сайд Фаизов, Василий Голубев, Алексей Варламов, Александр Шаповалов, Матвей Павленко, Дмитрий Коновалов, Николай Богданов, Михаил Токарев, Михаил Чирсов, Нодир Караманов,

саклиги ва инсоний, маънавий дунёга уйғунлиги каби афзаликлар хаёлимдан утади. Ким билсин, узоқ йиллар шу корхонада ишлаб касбидан, ўз меҳнатидан, ҳамжиҳат оиласидан, кейин эса фарзандлари мұхаббатидан баҳт топған ота ёки она ўз фарзандларининг ҳам баҳтли булмогини истайдир. Фикримча, ўзи амалга оширолмай қолған ниятларни болалари давом эттиришини истайдиган, ҳаётга ихлоси баланд матбаачиларни утган ярим аср давомида күпини курғанман ва улар билан дүстона муносабатда булғанман.

Шуни ҳам айтишим жоизки, тарихий даврда «Шарқ» концерни әшигини қаттиқ епіб кетиб, сүңг узр сүраб қайтиб келғанлар ҳам йўқ эмас. Бу муқаррар ҳақиқат, улкан даврда қўриғ — бошимдан кечирғанларим бу давомли меҳнатнинг ҳақиқий исботи эканлигига мисол ва асос етарли. Лекин ҳар ким ҳам ҳақиқатни тан олишга қодир эмас. Бунинг учун минг афсус, барибир, ҳаёт қонунларини ҳамма бирдек тан олмаслиги сир була олмас экан.

Ушбу қутлуг кунда корхонамизнинг барча ишчи-мутахассис раҳбарларини, унинг 75 йиллик улуг айёми билан чин юракдан қутларканман, озод Ватан — истиқболи, келажаги порлоқ Узбекистонимиз ҳалқи билан баробар одимлаётган фидойи меҳнат жамоасига хайрли ишларида улкан муваффақиятлар, барчага оиласи ғашырып баҳт ва иноқлик, сиҳатсаломатлик, истиқболимиз йўлида ижодий баркамоллик тилайман.

Чунки биз, янги истиқболли мустақил давр билан бирга одим ташлаётган ўзбек матбасининг байроқдори — кўхна зиё масканиданмиз.

Биз, истиқбол ва буюк истиқбол билан бирга қадам ташламоқдамиз.

Зеро, биз маърифат ва зиё маскани — етмиш беш йиллик муборак ешини нишонлаётган, узининг таҳsinga молик босма нашрлари билан кенг оммага танилган — «Шарқ»данмиз!

ИСТИҚБОЛ ПИЛЛАПОЯЛАРИ ЁХУД ГАЛДАГИ ХОТИМА УРНИДА

Муайян халқнинг кўп минг йиллик тарихи ва маданийти унинг келажакдаги ҳаётий мавжудлиги ва маданий равнақига асос бўлиб хизмат қилгани сингари, ана шу халқнинг ўтмиши ва бутуни, хусусан маданий-маънавий борлиги келажагининг ажралмас кисми бўлган айрим моддий жараёнларнинг ҳам, мен бунда «Шарқ» нашриёт-матбаа концернини назарда тутаяпман, узига ҳос истиқболлари бўлади. Боиси, унинг тарихига багишланган навбатдаги рисолани галдаги хотима урнида ёзилган «Истиқбол пиллапоялари» фасли билан туталашга жазм этдим. Раҳмон ва Роҳийм сифатларидан узга барча жиҳат ва хислатларини инсон боласига ҳам раво билган бағри кенг Аллоҳ таоло эртанги кунни ва истиқболини мулжаллаш, башорат килиш фазилатларини ҳам баҳам курганки, ишнинг узини ҳам, қузини ҳам билган одамлар муайян истиқболлар ва уларнинг манзилларини чамалаб иш юритади.

Матбаачилик, китобнинг тақдимномаси, бўлимлари ва фаслларининг айрим уринларида турли даража ва талқинда ёритилганидай, ижтимоий ҳаётнинг ички эволюцияси ва такомили таъсирида ва тасаруфида кўлами кенгайиб борадиган, Замон ва Макон хотирасини шакллантирадиган БУЮК ШАРТЛИЛИК, аниқроғи ёзма ва босма равища ШАРТЛАНГАНЛАР МАЖМУАСИни яратишидир. Бу нарса ҳар қандай жамиятнинг эҳтиежидан келиб чикади, яъни ижтимоий адолат, ижтимоий муроса, ижтимоий интизом, давлатчилик, иқтисодиёт, сиёсат, маданият чек-чегарасиз шартланган қадриятлар ва анъаналарига таянгани каби, Суз ва Жумла қоғозда моддийлашадиган, ижтимоий таъсир кучига эга бўладиган буюк ҳодиса МАТБААЧИЛИК ва унинг турли-туман неъматларидир.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг истиқболини, китобни ўқиб гувоҳ бўлганингиздек, чорак кам бир асрлик тарихи, унинг заминида вужудга келган матбаачилик негизи, кўчмас мулки, ишлаб чиқариш билимдонларини тарбиялаш анъаналари, ўзлаштирилган техника, технологиянинг ҳолати ва фойдалалик даражаси, касб ворислиги сингари биз илғаган ва биз ҳали пайқамаган объектив қадриятлар белтилайди. Бу, тарих ва унинг яратиқлари, аввало, ишлаб чиқариш мухитининг инсон ор-номусига ва соғлигига муносиб равища узгартирилишини тақозо этарди. Истиқлол йилларини истисно килганда, утган 70 йил мобайнида жаҳон матбаачи-

лиги илфор технологиясини бутунлай түлік үзлаштириш имкониятiga эга бүлмаган әдик. Жүн техника ва инсон саломатлигига зарар етказуучи технология, албатта, 1975-1991 ийлларда құдратлы техника-технологиялар жадал үзлаштирилған әди, үз навбатида катта-катта ишлаб чиқариш майдонларининг, яның үйрек күчмас мулкнинг яратилишига сабаб бўлганди. Компьютерлаштириш жараёнининг бошланиши – сунгти беш ичидә бу жа раенга 1 миллион АҚШ доллари атрофида маблагар сарфланди – күчмас мулкнинг маълум қисмини ортиқча, кераксизга айлантириш баробарида, у билан болғиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёnlарини ўйгунаштириш максадида янгидан-янги истиқболли ва аниқ-равшан йуналишларни юзага келтирди. Авваллари узлуксиз ишлаб турган, сунгти ийларда тула қувват билан фойдаланилмаган ишлаб чиқариш майдонлари, мабодо, компьютерлаштириш амалга оширилмагандан, шунчаки сўнгайиб тураверарди. Бинобарин, нафақат 2000 кв. м. ҳарф териш майдонлари 300 кв. м. га тифизлаштирилди, қолаверса компьютер технологияси «Ўзбекистон овози», «Правда Востока», «Мулкдор», «БВВ» сингари газеталарнинг ижарага олган майдонларига кириб борди, уларнинг фойдалалик даражасини орттириди. Демак, ишлаб чиқариш муҳитини инсон эҳтиёжларидан келиб чиққан холда замонавийлаштириш, такомиллаштириш галдаги ун ийиллик, айни ҳорда келажак чорак асрнинг бош вазифаси булиб қолади.

«Шарқ» асосан газетачилик, журнал ва китоб ноширчилигига асослангани туфайли бу шарафли ва масъулиятли соҳаларимизнинг келажаги купчиликни қизиқтириши табиий. Газетачилик, бизга боғлиқ бўлмаган объектив ва субъектив жараёнлар ва сабабларга кура уз мавқеини баъзи жихатларда йуқотиб қуядиган аҳволга тушиб қолган булса-да, у бизга боғлиқ бўлмаган ижтимоий эҳтиёжлар заруратидан ва бизнинг фаол иштирокимиз шарофатидан тагин баракали фойда келтирувчи, асосийси, жамиятни зарур ахборотлар билан таъминловчи кундалик матбаачилик юмушига айланади. Бу йуналишда салмоқли ишлар амалга оширилди ва янгилари кўзда тутилмоқда: А-3 бичимли газсталар кўпаяди, А-2 бичимли газсталар эса хозирча 2 рангда, кейинчалик жаҳон матбаачилиги даражасида күп рангда чиқадиган булади. Купсаҳифали ва күп рангли газсталар чиқариши такомиллашиши баробарида буш турган машиналар десярли түлік ишлатилиши ҳам назарда тутилган.

Журналлар ноширчилиги сунгги йилларда асосан газетабол қоғозлар олганимиз сабабли үзимизни ҳам қониқтиrmайдиган даражада чикастган булса-да, лекин истиқболсиз йұналиш әмас. Жумладан, ижтимоий ҳаёт, истиқтол даври, давлатчилигимиз келажаги янгидан-янги умуммамлакат ва тармоқ журналларини вужудга келтирди, бундан кеңін ҳам көлтираверади. Бу йұналишта үзига хос әхтиёжманда жараен вужудга келди: әнд аввало, «Мұштум» ехуд «Саодат» мисолида оладиган булсақ, журнал ноширчилигини, аникроғи матбаа ижрасини қозғауынан 1991 йил даражасини тиклаш, кейин эса такомилластириш зарур булади. Даврийлик ҳам ҳал этилиши лозим. Зоро, хоҳ газетачилик, хоҳ журнал ноширчилиги булсın, унинг мунтазам талаб ва қадриятлари истиқболда ҳам истеъмолдан чиқармаслик чинакам үзбекона одатдир.

Учинчى муҳим йұналиш — китоб ноширчилиги саналади. У корхона тарихи тонгида дүнега келган, утган 75 йил мобайнида етакчи соңага айланған булса-да, мамлакат ва минтақа, ҳатто дуне бозорида юзага келган вазият тақозоси унинг истиқболли соңалигича қолишидан далолат беради. Мен, рисола давомида бу мавзуга кенг тұхталғаним боис, асосан унинг истиқболи хусусида ва соңадаги муҳим вазифалар ва ечимлар ҳақида айрим мұлоҳазала-римнан уртага ташламоқчиман.

Аввало, матбаачилик техника-технологик негизимизде китоб ноширчилигимизнинг барча мавжуд йұналишларини барқарор ривожлантириш имконияти мавжуд. Яңы асарларни, мұмтоз адабиёт намуналарини, дарсліктер ва үқув құлланматарини, қонундар ва низомларни, албомларни, мамлакат ва унинг минтақалари тарихини ҳам әрқин тәнлаш, ҳам буюртма асосида хусусий ноширчилик тарзидан ҳамда бошқа нашриєтлар таҳририятларыда тайёрланған түрли матнлар негизида чөп этиш үлкемиз халқтарининг маңынан әхтиёжидан көлиб чиқади. инчунин китоб чиқариш корхонамизнинг бундан буен ҳам мунтазам истиқболли фаолият соңаси булиб қолаверади. Матбаа негизимизде 10 миллион қаттық мұқовали, 150 миллион юмшоқ мұқовали түрли бичимда китоблар тайёрлаш имконияти мавжуд экан, ҳозирғи ўртача 3-4 миллион қаттық, 5-6 миллион юмшоқ мұқовалидан кам миқдордан усеб бориб, босмахонамиз негизидеги имконият даражасига эришиш күн тартибидаги ва истиқboldаги муҳим масала саналади. Китоб құлғымасини таҳририятта қабул қилинишидан бошланған матбаачи-

лик ижроси жараёни үнлаб, ҳатто юзлаб узлуксиз ижодий ва техникавий амалларини ўз ичига олади-
ки, буни замонавий иқтисодиёт тилида китоб мар-
кетинги деб аташимиз мумкин. Меҳнат интизоми
деб юритилувчи талабчан ишлаб чиқариш қадрия-
тини янада мустаҳкамлаш, таҳрирчи, муҳаррир, рас-
сом, техника муҳаррири, технолог ва муҳандислар-
нинг сидқидилдан меҳнатигина маҳсулот сифатини
тӯла таъминлайди, китобхон ҳалқи олдида сўзимиз-
ни утқир, юзимизни ёргу этади. Биз, сунгти беш
йил давомида, қисман утган йиллар мобайида яра-
тилган анъанаалар заминида шундай бир юксак са-
вия яратдикки, бундан гуурланганимиз ҳолда, эн-
диликда — истиқболда ана шу савияни сақлаб ту-
риш ва давр талаби асосида такомиллаштириш ҳар
нечук осон тутиб бўлмас юмуш эканлигини англаб
турибмиз.

Илгор ва замонавий техника-технология негизи-
нинг барқарор ишлаб туриши, мамлакатимиздаги
ижтимоий эҳтиёжларнинг давлат мустақиллиги ту-
файли бошланган ички тараққиётига ҳам боғлиқ-
дир.

Маълумки, собик СССР даврида давлат ва
маъмурий идораларнинг ходимлари, турли жамоат
ташкилотларининг аъзолари, олий ва ўрта уқув юрт-
ларининг талабалари фойдаланадиган иммунитет-
ни ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар — хизмат
гувоҳномалари, ҳарбийлар билетлари, дипломлар ва
ҳоказолар Гознак фабрикасида босилар ва тақсим-
ланар эди. «Шарқ» эндилика турли гувоҳномалар-
ни тегишли миқдорда нашр этишига кириши ва бу
жарён үн-үн беш йил жадал, кейинчалик эса зарур
миқдорни сақлаб туриш асосида амалга оширила-
ди. «Ўзбекистоннинг ҳужжатлар зарбхонаси» деган
мақомни олиш ва уни сақлаш матбаачилар янги
авлодининг аждодлари ва устозлари олдидағи маъна-
вий бурчидир.

Истиқдол ўзагини, аслида кундалик юмушлар
силсиласи ташкил этади. Истиқдол шарофатидан
Ватанимиз, ҳалқимиз ва жамоамиз, айниқса ҳар
бир ходим ёки хизматчининг етарлича фаровон бу-
гуни ва эртагни ёргу куни учун ишлаш баҳтига
сазовор бўлган, бўшаган ишлаб чиқариш майдон-
ларида қўшма корхоналар, тижорат дуконлари оч-
ган, мамлакатимизнинг ҳамма минтақаларига ки-
риб келаётган чет эл фирмалари ва ўюшмаларига
биноларни ижарага берган, бошланган ишларни из-
чил давом эттираётган эканмиз, асосан икки жи-
ҳатни кўзладик: бутуннинг иқтисодий мушқулотла-
рини бирмунча осонлаштириш ва истиқболи пор-

лоқ янги йўналишлар ҳисобига чинакам концерн макомига эришиш.

«Ўзбек-Ксерокс-2»нинг қурилиши, вилоятларда унинг филиалларини очиш, матбаа саноатининг турли тармоқларини узлаштириш яқин истиқболдаги муҳим вазифалардан биридир. Мамлакатимиз қалби — Тошкенти азимнинг қоқ ўргасида эканлигимиз, қундалик юмушлардан ташқари истиқболга мулжалланган ишлар амалга оширилишини тақозо этади. Меъморчилик масаласида — эски ботиқ босма цехининг фасадини Матбуотчилар кӯчасининг умумий меъморий оҳангига ва газета таҳририятилари биносининг «чап» биқинидаги ошхона ва маданият саройи фасадини эса Савдо Биржасининг умумий манзарасига уйғунлаштиromoқ зарур. Асрнинг 20-йилларида мавжуд бўлган илк осиёча-оврупоча қурама тор кўчалар ўрнида вужудга келган «Шарқ»нинг улутвор иморатлари теварагида кейинчалик нодир ва кўркам иншоотлар вужудга келгани табиий бўлганидек, эндилиқда айрим иншоотларимиз, қанчалик катта маблаг талаб қиласин, Тошкент марказига уйғунлашиши ва уни мукаммал равишда тўлдириши лозим. Демак, галдаги 3-4 йил ичида пардозлаш ишлари амалга оширилса, навбатдаги 15-25 йил мобайнида тагин бир талай иморатларимизни қайта қуришимиз керак бўлади. Ҳар қандай иморат унинг ичидаги «мазмунни»сиз, шунчаки қўққайиб турган моддийликлар, холос. Мавжуд муҳандислик тармоғини таъмиглаш ва айрим бутинларини қайта қуриш, замонавий техника, ускуналар ўрнатиш, уларни янги аср матбаачилигининг бақувват негизига айлантириш, раҳбарият ва ҳар сешанба куни ўтадиган ишлаб чиқариш мажлисларининг дикқати остида турган долзарб масала саналади. Дарвоқе, Абдулла Қодирий кўчасидағи Тижорат марказини қуриб битказиш, қурилаётган уй-жойларни эгаларига тезроқ топшириш, «Навбаҳор»ни дам олиш уйидан санаторийга айлантириш, кейинчалик замонавий касалхона қуриш, Бустонлиқдаги катталар ва болалар оромгоҳини янги бинолар ҳисобига кенгайтириш каби хусусий капитал қурилишларини ниҳоясига етказиш, ҳаёт олдимизга қуяжак меъморчилик-қурилиш ишларини бошлиб юбориш бардавом ва шарафли юмушлар сирасиға киради. Табиийки, ўрнатилаётган ҳар бир янги техника ва замонавий технология концерн мажмуасидаги иморатларни ҳам замон талабларига мослаб қайта қуришни ёхуд таъмилашни талаб этади. Бунинг учун жўшқин ва ёниб ишланишимиз керак. 1994 йилда 27 миллион сўм, 1995 йилда 150 мил-

лион сүм фойда олган булсак, мавжуд қувватлар яқин йилларда хозиргидек 30-35 фоиз эмас, 65-75 фоиз ишлатыладиган бұлса, таҳминан 325-375 миллион сүм соғ фойда олиш, ижтимоий ва капитал курилиш соҳасидаги, қайта техникавий-технологик куролланишин давом эттириш мүмкін булади.

Биз, халқимизнинг йилдан-йилга нозиклашиб ва такомиллашиб бораёттан истеъмолчилик дидига мос товар ишлаб чиқармайлик, турли-туман кичик «бос-махоначалар» аксинча матбаа маҳсулотларидан уларнинг қўнглини қолдирмоқда. Ким билсин, балки матбаачилик маҳсулотларини чиқаришда сифат ва мазмун жиҳатидан қатъий талаб қуядиган ва бажарилишини зиммага юклайдиган маҳсус қонун кесракдир?

Концерн таркиби тузилмаларига мансуб айрим бўлим ва хизматларининг мустақил тузилмага ва устув капиталига айланиши, улар мустақиллигининг ортиши эвазига ижодий ва ижобий таклиф, ташаббусларнинг кўпайиши, ижодкорлар, истеъмолчилар, республикамизнинг бошқа вазирликлари ва ташкилотлари билан бевосита мулоқот ва ҳамкорликнинг янгича асосда ташкил этилиши, бутунги ва яқин 10-15 йилда кун тартибидан тушмайдиган истиқболли жараёнлир. Нега? Таъмиглаш-курилиш цехи мустақил қурилиш ташкилотига, Бош таҳририятнинг эса — «Туркистон ноширчилик уйи»га айланиши каби давомий жараёнлар икки жиҳати билан ута мухимдир: бўлимлар эндилиқда мустақил пул топишга, концерн эса топганини «босиб ётмаслик» — ундан ўринли фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Табиийки, кейинчалик пойтахт ва бутун мамлакат миқёсида «тирик», «ишchan» сармоялар сарфлаш ва янада кўпроқ фойда олиш барқарорлашади.

Истиқболни лаёқатли кадрлар ва муносиб издошларсиз тасаввур қилиш анча мушкул. Доно халқимиз дейдики: «Қуш уясида курганини қиласи». Камина ёш Ўзбекистоннинг бўлажак матбаачиларига, журналистларига оталик, боболик, устозлик насиҳатларимни, ўйтларимни изҳор этар эканман, ҳаёт ва ижодий йўлимнинг сабот билан кечишида, нафақат масъулияти юксак ва ижодий жиҳатдан талабчан соҳамиз — матбаачилик фидойиларидан, айни чоқда шу азиз ва ссркуш Ватан багрида мени дунёга келтирган, оқ юваб-оқ тараган, хотираси ҳамиша муътабар бувим, ота-онам — раҳматли Саломат ая, Шоғулом отам ва Сайданиса онамдан ҳам миннатдор бўлмогим лозим. Раҳматли отамиз — у киши 1891—1982 йилларда яшаганлар — турт

тилни: раҳматли Зикрилла акамизни, ҳозирда ҳаёт Усмон акамни, Рустам укамизни ва Мунаввар опамизни, гарчанд узлари боғбон бўлсалар-да, барчамизнинг оёқса туриб олишимизда, эл қаватига күшилиб, сулоламизга муносиб фарзандлар булиб етишишимиз учун камига ҳам, кўпига ҳам шукrona билан вояга етказдилар.

Бир воқеа сира-сира эсимдан чиқмайди: 1943 йилда биз уқиётган 33-мактабни ёпиб куийшган, 8-синфи тутатганлар ҳар ким ҳар томонга тарқаб кетадиган булди. Шунда отамиз: «Эски жўвада ҳарф терувчиарни уқитадиган 2-нчи билим юрти бор. Уша ерга кириб уқисанг, ҳам ҳунар урганасан, ҳам билим ургатишиади, кейинчалик институтларда ҳам уқирсан, болам», дедилар. Маҳалламиздан 10—11 услирин 2-ҳунар-техника билим юртида уқий бошлидик. Чорсу бозори яқин бўлгани учун биз билан уқишига келганларнинг кўпчилиги ўзини савдога уриб кетди. Лекин, отамиз билим юртида ҳам, богимиздан мева-чева сотиши учун бозорга тушганларида ҳам мени бирор кун назоратсиз қолдирмадилар. Ўруш давридаги кўпчилик йигитларга ухшаб бозор йўлига кириб кетмадик. Мен билан бирга уқиган, кейинчалик билимдон булиб улгайган фидойи матбаачи Тулаш Музаффаров билан иккимиз билим юртини тутатдик, матбаачи булиб етишдик.

Ёш эдим, олов эдим. Уша кезларда ҳам адолатсизликка, нопокликка чидолмасдим. «Қизил Узбекистон»да ҳарф терувчи бўлиб ишлаб юргандим. Бу соҳада 1—2 кўйлакни биздан олдин йиртган иккитаси менсимайроқ муомала килувди, жанжаллашиб қолдим. Уша даврдаги цех раҳбарлари мени жазолаб, эски ҳарф териш машинасига ишга утказишмокчи булиши. «Ахир, айб улардан ўтган бўлса, нега мен жазоланаман?» деб шартта ариза бериб бушаб, армияга кетвордим. Хизматдан қайтгач, отам Эски шаҳардаги таниш дўкончилар ёнига стаклаб бордилар. Бу қўшнимиз — Хайридин аканинг газмол сотадиган дўкони экан. Осто надан ҳатламаёқ бу иш менга тўгри келмаслигини сездим. Ўйга келиб, энди гина хизматдан қайтган йигитлардек ўйнаб олай деб, томда кантар учириб юрувдим, отам чақириб қолдилар. Тушсан, қай куз билан курайки, босмахонадаги устозимиз, ҳарф териш цехининг раҳбари Анатолий Семенович Карташов туриди. У, шахсан «Қизил Узбекистон» газетасининг бош муҳаррири Шароф Рашидов юборганини, «Ушанда бу йигитга нисбатан адолатсизлик булган эди, армиядан қайтибди, босмахонага олиб келинг, ундан уста матбаачи чиқади», деб далолат

берганларини мендан құзини узмай туриб отамларга айтди. Ичимда шундай одамлар менинг тақдирим билан қизиққанидан гуурлансам-да, әшлик қилиб, ориятим йүл қыймасди. Отамнинг панд-насиҳатларидан сунг, фотиҳаларини олиб устозимнинг олдига тушиб Пиен бозордаги янги босмахонага қараб жұнадим. Дунени қарант, ушанда бу йүл — менинг бир умрлик йүлім, падари бузрукворимизнинг йүлланмалари асосидаги хаётим мазмуни, күвончларим, армонларим, баҳтим йүли эканлигини билибманни? Отамнинг: «Барака топ, сұзимни иккى қылмаганинг, одобингдан, одамлигинг, қобил фарзандлыгингдан дарап беріб, мени беҳад баҳтиер этаяпти, бор болам, ишиңг үнгидан келиб, умринг зиеда, толеңг баланд бұлса ажаб эмас, иншооллох» деб фотиҳага яқун ясаганларини унута олмайман. Отамнинг дилдан айтған сұзларини тушунғандек ҳатто Анатолий Семёнович ҳам құлини күтариб, отамнинг тилакларини құллагандек, миннатдорона жилмайиб, секин құлымдан ушлаб, худди еш боланы етаклагандек, секин юра бошлади — уша 1943 йил 15 апрелдеги меңнат сари юриш, мана, ярим асрдан бери ҳали ҳам давом этаётір.

Үйде олган таълим-тарбия, йүл-йуриқ, укиш, мөнэт жараённан тобландым дессан муболага бұлмайды.

Отамизнинг эса биринчи талаби — интизом ва сұзнинг устидан чиқыш эди, күпинча, бирор хато қылсақ, киноя билан ақлни ҳаммадан: оқыл одамлардан ҳам, оқиллар теварагида ивиришиб юрган беакллардан ҳам үрганишни қулогимизга қуяр эдилар. Кейин билсам, отам бу сұзларни киноя билан айтған эканлар. Отамнинг сұзлари вожиб бўлди, барча-барчаси менга матбаачилик йўлини танлашда ва айниқса, бепоён соҳанинг ҳамма ишларига оқилюна ва жонкуярлик билан қараб, меҳр-оқибат билан раҳбарлик қилишда ҳамон жуда-жуда асқотади, дессан янгиш бўлмас.

Ҳаёт йўлимни танлашда, мураккаб раҳбарлик ишини одилона интизом билан олиб боришмда, айниқса, оғзаки ижод соҳасида алоҳида мақомга эга бўлган бир зот борки, у киши юзларидан доимо нур томиб тургувчи бувимиз — Саломат ая эдилар — менга Ислом номини беріб, узларининг меҳрибонлиги, бағри кенглиги, донишманлиги, хусусан Шарқ ва Ислом маданиятидан катта билимга эгалиги билан тақдиримда учмас из қолдирдилар. Бувимиз, турмуш икір-чикирларини обдон билиш, тез-тез касал бўлиб турадиган Саида онамизнинг кунглини кутариш баробарида маҳалла, жамоат, халқ билан муомалани олиб бориш миллий мада-

ниятининг нозик сир-асрорларига ўргатдилар. Умуман олганда, авлодимизга узок умр куриш, қариндош-уругчилик анъаналарини авайлаб сақлаш, маъалла билан чамбарчас бөглиқлик, элнинг маъракамаросимига бош бўлиш, ишониб топширилган ишни ихлос билан охиригача стказиш, хушмуомалатик, шахсий гурур, кучли ор-номус туйгуси хосдир. Бу судолавий қадриятлар ўз навбатида меҳнат жамоасида ёнма-ён ишлаётганларнинг моддий-маънавий эҳтиёжларини англаб етиш, муҳтоҷжларга ёрдам бериш, мусибат курғанларнинг күнглини кутариш, соҳадаги янгиликларни ўз вақтида илгаш ва зарурларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, меҳнатдан келаётган фойдани ижтимоий-маиший-маданий иншоотларга йўналтириш каби раҳбарликнинг тамал қадриятларини сақлашда қўл келди.

Мен, ишдан ажралмаган ҳолда урта маълумот олиши 29 ёшимда, 1957 йилда тутатганман. Орадан бир йил утиб — 1958 йили Тошкент Давлат Университетининг журналистика факультетига сиртдан уқишига кирдим. Бош директор лавозимиға 40 ёшимда тайинланган бўлсам, 1978 йилда — 50 ёшимда корхонамиз тарихий йулидаги ишлар ҳақида диссертация ёқлаб, тарих фанлари номзоди илмий даражасига етишдим, дарвоқе, 1964 йили — бу менинг диплом ишим эди. Таржимаи ҳолдаги саналар ва кўрсаткичлар одат тусига кириб қолганларига унчалик тугри келмаслиги табиий. Демак, ҳаёт қозонида қайнаган бир матбаачи, матбаачилик раҳбари сифатида, Сиз ҳозиргина ўқиб тутатган рисолада, асосан матбаа ишлаб чиқариш тараққиётини тилга олган бўлсам-да, ҳар нечук баён ва таҳдил этилган жараёнлардан ва тажрибалардан ҳар ким ўзига тегишли хулоса чиқариб олади. Мавриди экан, баъзи жузъий хуносаларни баён этиб утайин: Биринчидан, матбаачилик ҳам ишлаб чиқариш, ҳам иходиёт жараёнлари мажмуаси бўлгани учун, аввало кишиларнинг моддий, майший эҳтиёжларини англаб етиш, улар талабларини ўз вақтида қаноатлантириш баробарида ҳар қандай ижодий фикрни қўллаб-қувватлаш зарур. Буни бошқарув фанида соглом меҳнат мұхити яратиш дейдилар. Иккинчидан, матбаачилик ҳар қандай тузумнинг кузгусидир. Бу масъулият ва жавобгарлик техник-технологик жиҳатдан мукаммал қуролланишни тақозо этгани каби мамлакатда, минтақада ва дунё миқёсида кечеётган ҳар бир жараенни, шу жумладан матбаа ва матбуот сиёсати соҳасидагиларини ўз вақтида илгаш, синаш, ҳаётга тадбиқ этишини мунтазам талаб қиласди. Бу эса ўз навбатида юксак мёҳнат интизо-

ми, узаро ишонч, ҳамкорлик маданияти булиши ва сақланиши эҳтиёжини барқарорлаштиради. Матбаачилик соҳасидаги ҳар қандай қолоқлик, интизомсизлик, лоқайдлик бевосита барча нашрларга салбий таъсир этади. Учинчидан, биз истаймизмийўқми, матбаачилик тижорати кадимдан мавжуд, унинг ўз анъаналари ва қадриятлари бор. Уларнинг бошқа соҳаларницидан фарқини ва афзалликларини билиш, маъкул жиҳатларини ривожлантириш зарур. Тұртингчидан, одил, ишбілармон раҳбарлар, интизомли, тарбияли ойлалардан ва күзи туқ, барқамол сулолалардан чиқади. Бу асосий мезон булмаса-да, лекин раҳбарликка тәнланған күпгина кадрларнинг ойлавий мұхити, ота-онасииңнинг тарбияси уларнинг тақдиріда үсінінде болады. Ахамияттың касб этганини, белгиловчи омилта айланғанини күрганман. Оила — жамоа — Ватан ҳар бир ёш раҳбар үтун бөкій замин булиб қолаверади. Баҳоли құдрат мен ҳам отам-онам, бувим, опам, акаларим ва устозларимдан олган сабоқларни, билім ва мактабни болаларим ва набираларимга, шогирдларимга үргатишига тиришаман. Отам айттанлады, иншооллоқ, улар ҳам, ота амри вожиб йусинида йўл тутиб, авлодимизни улутлаб, замонамизга лойиқ инсонлар булиб, сулоламиз үдүмларини да-вом этиришса, давримизнинг, келажаги буюк мустақил Ўзбекистонимизнинг ишбілармон, фидойи, жонкуяр, ишончли ва билимдон фуқаролари булиб етишишса, асл муддао булиб, ота-оналарини, севиқли Ватанини севгувчи имонди кишилар булиб улгайсалар, ажаб эмас.

Инсон боласи вояга етиб, фарзанд куриши билан үзини унутиб, фарзандлари истиқболини уйлай бошлайды, мен ҳам бұндан истисно эмасман. Тұрт фарзандым — журналист Алишер (мархұм), хукукшунос — Фанишер, иқтисодчи — Баҳром ва кенжам — қызим — шифокор Гулнораларнинг отаси-ман; 9 набирам — Шароф, Ғулом, Саида, Фарҳод, Зиёда, Ширин, Сарвар, Диёр, энг кенжаси, амаки-си номини олган Алишерлар ҳам бирин-кетин үсіб етишишады. Каттаси Шароф бу йил 17 га тұлады. Аллоқ рози бұлса, яқында эвараны ҳам курамиз.

Энг олий ниятлардан бири: ҳар инсонга ҳам ўз меҳнат мевалари насиб этса, күзи очиқлигіда барча олий ниятлары рүёбга чиқишини Аллоқ таоло үзиге ҳам насиб айласа, у тентсиз баҳт, инсон учун асил муддаодир. Илоҳо ниятларимизга Яратғаннинг ўзи етказсин! Дарвоқе, бошқарув кадрлари — қуйиң бугинлардан тортиб олий бүгинга мансубла-рига қадар, шуны яхши билсінларки, энди фақат

Узбекистон — жонажон Ватан, унинг халқи, бугуни, келажаги, утган армонли аждодларнинг руҳини шод қилиш учун баракали ва ижодий меҳнат қилалиган қадри баланд йилларда яшаяпмиз. Бу, буюк қадрият эндиликда раҳбарлик курсиси шунчаки ижтимоий шартлилик бўлиб, уни бирорларнинг ёрдами билан, билимсиз, тажрибасиз, жонини фидо этмасдан ҳам зўраки эгаллаб туриш мумкинлигини бутунлай истисно этади. Қотиб қолган ақидалар, юқоридан келадиган тайёргина курсатмалар ва маъмурий йул-йуриқларнинг бозори касод бўлди. Бозор иқтисодиёти бошқарув ва раҳбарликнинг санъат, гуманитар фан, ҳатто мустақил маданият таражасига кутарган, инсон омили ва унинг эҳтиёжларини билишни ҳар бир раҳбар англаши шарт бўлган удум мақомига юксалтирган экан, барча мавжуд соҳалардан-да ижодкорроқ бўлган матбаачилик, нафақат ишлаб чиқариш ёхуд ижтимоий соҳанинг биринчи, унинчи ёникки юзинчи масаласини, қолаверса миллий ва дунё маданиятида кечаётган барча жараёнлардан вокиф булишни тақоюз талаб этади.

Матбаачилик, диний тарихга кўра, инсониятга учинчи булиб берилган, яъни Одам алайҳиссаломга фарзанд куриш, Шис алайҳиссаломга либос учун мато тукиш, Идрис алайҳиссаломга ҳарф ёзиш Аллоҳ таоло томонидан ато этилган экан, Абадият қадар давом этажак қасбимизнинг умрбокий қадриятлари бўладиган удумлар кўз қорачигидек асралishi лозим. Дунёдаги ҳар икки мўъжизанинг бири Ёзув ва Китоб экан, уни яратувчи фидойиларни асраш, эҳтиёжларини ўз вақтида қондиришга ҳаракат қилинг. Тағин... Эҳ-хе ёшларга, хусусан, ёш раҳбарларга айтадиган боболик, оталик, устозлик насиҳатларим жуда қўп. Янги китоблар саҳифасида юз кўришмоқ илинжида

Самимият билан
Ислом ШОҒУЛОМОВ

МУНДАРИЖА

ТАҚДИМНОМА 5—9

I Бўлим.

ЗИЁ ДАРГОҲИНИНГ ЯРАТИЛИШИ 10—134

II Бўлим.

ИСТИҚЛОЛ САФИДАГИ ОДИМЛАР 135—210

ИСТИҚБОЛ ПИЛЛАПОЯЛАРИ ЁКИ ГАЛДАГИ
ХОТИМА УРНИДА 211—221

Ш 74 Шогуломов, Ислом.
Саодат манзиллари.— Т.: «Шарқ» НМК Бош
такхирияти, 1996.— 224 б.+16 б. илова.

ББК 76.17

1996

корабль



СКАЗЫ

Литературные сказки

КРОВЬ
ПЕСОК



КОЛЛЕКЦИЯ

МУСА
САВДУР

